

К. А. ЗУФАРОВ

ГИСТОЛОГИЯ

СУЗ БОШИ

Гистология фанини чукур ўрганиш юқори малакали медицина ходимларини етиштиришда муҳим омил ҳисобланади. Ўзбек тилига таржима қилинган В. Г. Елисеев таҳрири остидаги русча дарслик 1963 йилда нашр этилган бўлиб, у эскириб, деярли йўқолиб кетди. Шунинг билан бирга барча медицина-биологик фанлар сингари гистология ҳам янги-янги тадқиқот усуллари ва уларнинг мукамаллашиши ҳамда бошқа фан ютуқлари таъсирида янги маълумотлар билан бойиди. Жумладан, электрон микроскопларнинг қўлланиши, гистохимия, радиоавтография ва бошқа тадқиқот усуллари ҳужайра тузилмаларини ва ҳужайралараро модданинг нозик тузилишини чуқурроқ ўрганишга замин яратди.

Дарслик гистология фанининг мазмуни, унинг бошқа фанлар билан алоқасини баён этишдан бошланади. Гистология, цитология ва эмбриологияда қўлланиладиган тадқиқот усуллари бобида оддий ёруғлик ва электрон микроскоплар учун препаратлар тайёрлаш мукамал ёритилмайди, чунки бу усуллар кафедрамиз ходимлари томонидан чоп этилган «Гистологиядан амалий қўлланмада» келтирилган.

Ушбу дарсликни тайёрлашда унинг иложи борича қисқа були-шига ва шунинг билан бирга электрон микроскопия, гистохимия ва бошқа тадқиқот усуллари ёрдамида олинган янги маълумотларни киритишга ҳаракат қилдик. Хусусан, ҳужайра қобир\и тўррисидаги замонавий тасаввурлар билан бир қаторда биологик мембраналарни ҳам қисқача таърифлаб ўтдик. Чунки биологик мембраналар ҳужайра қоби\и ва мембранали ҳужайра органеллаларининг асосини ташкил қилади. Ҳужайра органеллаларининг мембранали ва мембранаси бўлмаган ҳужайра органеллаларига бўлиниши шу тузилмаларни осонроқ ўзлаштиришга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Дарсликда цитологиядан сўнг умумий эмбриология асослари (уруғланиш, майдаланиш, гастрүляция ва бошқалар) келтирилган бўлиб, у турли тўқималарнинг тузилишини ўрганишдан аввал тўқималарнинг ривожланиш манбаларини тушунтириб беради. Сут эмизувчилар ва одам эмбриологияси бу қўлланмада ҳам аёллар жинсий аъзоларидан сўнг келтирилган.

Цитология ва умумий гистология бўлимлари бир-бири билан узвий борлиқ. Тўқима тўррисидаги таълимот ҳужайра тўррисидаги таълимотнинг давоми, шунинг учун эпителий ўужайраларининг баъзи тузилмалари цитология бўлимида келтирилган. Умумий гистология ҳужайралар комплекси, уларнинг тузилиши, такомиллашиши, таркибий қисмларининг ўзаро муносабатини ўрганади. Демак, тўқималарга аъзолар тузилишини ўрганишдаги дастлабки босқич деб қараш мумкин. Оксил синтези, бу жараёнда нуклеин кислоталарнинг иштироки, плазматик мембраналарнинг тузилиши тўғрисидаги, ҳужайраларнинг ўзаро кооперация ҳосил қилиб иммун таначалар ҳосил қилиши ва бошқа янги далиллар гистология фанининг ривожланишида янги замин бўлди.

Организмнинг ташки муҳит ва организм бушлиқлари билан алоқа қилмайдиган туқималарини ички муҳит тўқималари деб юритиш қабул қилинган. Биз ушбу қўлланмада ҳам шу номни келтиришга қарор қилдик. Чунки, охириги далиллар асосида бу тўқима ҳужайраларининг турли хил манбалардан ривожланиши мунозарали масалалардан бўлса ҳам қон, лимфа ва бириктирувчи туқимани ўзаро бирлаштирувчи умумий белгилари асосий ўрин тутади.

Хусусий гистологиянинг эндокрин ҳужайралари ва айниқса гипофиз ва гипоталамус дарсликда мукамалроқ ёритилган. Аденогипофиз ҳужайралари гормонларининг кўпчилиги эндокрин безларнинг секреция қилишига таъсири гипофизни чуқурроқ ўрганишга даъват этди. Электрон микроскопда олинган далиллар аденогипофиз ҳужайраларнинг бир неча турларини аниқ ажратишга имкон берди. Гипофизнинг чуқурроқ ёритилиши эса ўз навбатида унинг ишини белгилаб турувчи гипоталамусдаги нейросекретор ҳужайраларга чуқурроқ тўхталиб ўтишни тақрзо қилди.

Китобда келтирилган микрофотограммаларнинг кўпчилиги Тошкент Давлат Медицина институти гистология кафедраси ва унинг қошидаги проблематик клиника-экспериментал биофизика лабораторияси ходимлари томонидан тайёрланган. Дарсликни нашрга тайёрлашда фан кандидатлари: М. М. Исмоилов, Н. Ш. Шарафитдинхужаев ва доцент +. И. Расулларга ҳамда кафедра ва лабораториянинг бошқа ходимларига яқиндан кўрсатган ёрдамлари, маслаҳатлари учун чексиз миннатдорчилик билдира-ман. Мазкур дарслик ўзбекча ўқув

қўлланмаси сифатида илк бор чоп этилаётган асар бўлиб, у айрим камчиликлардан холи бўл-маслиги мумкин. Шунинг учун бу китоб ҳақидаги фикр-мулоҳа-заларингизни ёзиб юборсангиз бағоят миннатдор бўлув эдик

1 БОБ

ГИСТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Гистология (юнонча histos — тўқима, logos — таълимот, фан) ф а н и х у ж а й р а, т ў қ и м а в а а ь з о (о р г а н) л а р н и н г т а р а қ и д и ё т и т у з и л и ш и ҳ а м д а у л а р н и н г ҳ а ё т ф а о л и т л а р и н и ў р г а н у в ч и т а ь л и м о т д и р . У б о ш қ а ф а н л а р н и н г с ў н г г и ю т у қ л а р и д а н ф о й д а л а н и б , у т а т е з р и в о ж л а н и б б о р м о қ д а . Г и с т о л о г и я а н а т о м и я , ф и з и о л о г и я , б и о х и м и я , п а т о л о г и к а н а т о м и я к а б и т и б б и ё т ф а н л а р и в а . б и о л о г и я н и н г т у р л и с о ҳ а л а р и б и л а н у з в и й б о ғ л а н г а н . Ҳ о з и р г и п а й т д а г и с т о л о г и я *ц и т о л о г и я , э м б р и о л о г и я , у м у м и й в а х у с у с и й* г и с т о л о г и я н и ў з и ч и г а о л а д и .

Цитология ҳужайранинг тарақиёти, тузилиши ва фаолиятини ўрганса, эмбриология (лотинча embryo — пушт, ўсувчи) одам ва ҳайвонлар пуштининг тарақиёти қонунларини ўрганади. Умумий гистология, яъни туқималар ҳақидаги таълимот турли аъзо тўқималарининг тарақиёти, тузилиши ҳамда вазифаларини чуқур талқин қилади. Хусусий гистология эса одам ва ҳайвонлар айрим аъзоларининг тарақиёти, тузилиши ва ҳаёт фаолиятини ўрганади.

Гистология фанини бундай алоҳида курсларга бўлиб ўрганиш шартли ҳисобланади. Чунки организм бир бутун бўлиб, унинг барча қисмлари бир-бири билан ўзаро узвий боғланган. Ҳужайра-ралар тўқималарни ташкил этса, ҳар бир орган бир неча тўқима-лар мажмуасидан иборатдир.

Гистологияни ўрганишда, асосан, микроскопии усулдан фойдаланилади. Электрон микроскопнинг яратилиши тўқима ва аъзо-ларнинг нозик тузилишини ўрганиш учун кенг йул очиб беради.

Гистология фани ҳам, бошқа фанлар каби, табиатнинг объектив қонуниятларини ўрганишда замонавий фалсафа, диалектик материализм асосларй билан қуролланган.

Тузилмаларнинг тузилиши ва тарақиётини ўрганиш Ч. Дарвиннинг эволюция таълимотига асосланиб олиб борилади. Одам танасни ҳосил қилувчи ҳужайра, туқима ва органлар тарихий тарақиёт натижасида оддийликдан мураккабликка — олий шакл ифодасига етишган, органик табиат яратган эволюцион жараённинг маҳсули деб қаралади.

Тузилмаларни ўрганиш ташқи муҳит билан узвий боғлиқ, бўл-ган организмнинг бир бутунлик нуқтаи назаридан олиб, борилади. Организмнинг яхлитлиги эса барча орган ва системалар фаолиятининг уйғунлигида нерв ва эндокрин системаларнинг асосий етакчилик роли билан белгиланади.

Тузилмаларни функционал томондан ёндошиб ўрганиш замо-навий гистологияга хосдир. ҳужайра, тўқима ва аъзолар тузили-шининг улар фаолиятига борлиқ, томонини ёритувчи гистологиядаги бу йуналишни гистофизиология ўрганади. Структура ва функциянинг шакл ва мазмунига диалектик: тушунча нуқтаи назаридан қаралади. *Тузилма* — б у х а р қ а н д а и ф а о л и я т н и н г м а т е р и а л с у б с т р а т и д и р . М а с а л а н , м и я и н с о н т а ф а қ қ у р и н и н г м о д д и й с у б с т р а т и ҳ и с о б л а н а д и . М о д д а а л м а ш и н у в и ж а р а ё н и н и н г с т р у к т у р э л e м e н т л а р г а б o р л и г и г и с т o x и м и я в и й у с u л л а р б и л а н т e к ш и р и л и б б и р o r и л м и й х u л o c a ч и қ а р и ш г а и м k o n б e р a d и . Ҳ o з и р г и п a й т d a г и г и s t o л o г и я ф a н и , ф a қ a t г и н a ҳ у ж a й р a , а ь з o в a т ў қ и м a л a р н и н г т у з и л и ш и н и , у л a р ф a o л и я т и д a р a ж a c и н и к ў р c a т и б г и н a қ o л м a й , б a л k и р u й б e р г a n ж a р a ё н л a р ў р t a c и d a г и б o ғ l a n и ш n и a n и k л a й d и , а й р и м қ o н у н и я t л a р n и o ч и b б e р a d и . Б у н d a к e н г м и k ё c d a э к c п e р и м e n т a л у с u л l a р қ u л l a n и л a d и . Ц и t o л o г и я , э м б р и o л o г и я в a г и s t o л o г и я ҳ a л к и л a ё t г a n и л m и й м y a m m o л a р н a з a р и й v a a m a л и й м e d и ц и н a н и н г р a в н a қ и у ч u n м uҳ и м aҳ a м и я t г a э г a .

Гистология фани ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масала-ларни: а) одам ва ҳайвонлар ҳужайра, туқима ва аъзоларининг тарақиёти дифференциаллашувининг умумий қонуниятларини; б) бир бутун организм тузилмаларининг ҳаёт фаолиятларини уйғунлаштирувчи, бошқарувчи нерв ва эндокрин системаларни; в) ҳужайра, туқима ва органлар тикланиши ва бу мураккаб жараённинг бошқарилишини; г) ҳайвонлар аъзолари тузилмаларининг ёшга қараб ўзгариши ва ҳар хил ҳолатларга мослашувини; д) турли биологик, физик ва химиявий омилларнинг ҳужайра, туқима ва аъзоларга таъсирини ўрганиш каби кенг миқёсдаги илмий кузатишларни ўз вазифаси деб билади.

Гистология ҳозирги пайтда клиник медицинада кенг қўламда қўлланилади. Ҳар хил клиник усуллар билан бир қаторда турли морфологик методлар — қон ва суяк кўмиги ҳужайраларини, меъда-ичак шиллик пардасини, жигар, талок ва бошқа аъзолар пункт-татларини ўрганиш цитологик

ва гистрлогик диагностика учун муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, гистологияда табиий йул билан ўзича ажрлиб тушувчи ёки сунъий равишда бирор жойни ювиш ёки механик таъсир кўрсатиш орқали ажратиб олинган ҳужайралар ҳолатини чуқур ўрганиш (эксфолиатив цитология) ҳам катта роль ўйнайди: Эксфолиатив цитология онкологияда (хавфли ўсмаларни уз вақ-тида аниқлашда), гинекология ва эндокрин касалликлар практикасида (тухумдон функционал ҳолатини белгилашда қин суртмасини анализ қилиш учун) кенг куламда қўлланилади.

Клиник практикада сўнгги йилларда меъда, ингичка ва йурон ичак шиллик пардасининг турли ўзгаришларини аниқлашда *морфологик* ва *цитологик диагностика* ўз ўрнини топди. Тули эги« лувчан фиброскопларнинг пайдо булиши ва уларнинг кенг куламда ишлатилиши ҳар хил патологик ҳолатларнинг ўз вақтида аниқланишига имконият яратиб берди. Жароҳат устидан олинган суртмаларни текшириш жароҳат битаётганда ҳосил бўлаётган грануляцион тўқима ҳужайралари ва бу ердаги микроблар ҳолатларини кўрсатиб беради. Бу усулнинг қўлланилиши жароҳат ўрнининг регенерацион ҳолатини аниқлаш, организмнинг қаршилик кучини белгилаб олиш ва ярани даволаш омилларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

ҳужайраларда рўй берадиган мураккаб химик, физик жараёнларнинг ўрганилиши гистологиянинг шу *химия* ва *физика* фанлари билан бевосита боғлиқ эканини кўрсатади. Шундай қилиб, гистология, цитология ва эмбриология нормал ва касал одам организмнинг ҳаёт фаолиятининг морфо-функционал ҳолатларини чуқур илмий асосда ўрганиб, тиббиёт фанида муҳим ўрин тутди.


II БОБ

ГИСТОЛОГИЯ, ЦИТОЛОГИЯ ВА ЭМБРИОЛО- ГИЯДА ҚУЛЛАНДИГАН ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Гистологияда қулланадиган тадқиқот усуллари бир неча хил. Улар махсус қулланмаларда батафсил келтирилган. Дарсликнинг мазкур бобида гистологик препаратларни тайёрлаш ва уларни урганиш усуллари ^{ис}ача баён этилади.

Замонавий тадқиқот усуллари тирик ва фиксация цилинган тузилмаларни урганишга имкон беради. Гистологик препаратлар жуда юпқа (5 микрометрдан 50 микрометргача¹), тини[^] ва ёрур-лик нуруни яхши утказиши керақ Гистологик препарат сифатида¹ аъзоларнинг юп[^]а кесмалари ёки тотал (бутун) препарат (мия-нинг юмшок, пардаси), суртма (қон ёки суяк кумиги суртмаси), орган изи (талоц ёки жигар изи) қулланилиши мумкин. Классик ва асосий тадқиқот усули аъзо кесмаларининг фиксация қилинган ва буялган препаратлари ҳисобланади. Гистологик препаратларни тайёрлаш «Гистологиядан амалий қулланма»да (Тошкент, 1976) батафсил баён қилинган.

Гистологик препаратларни урганишнинг асосий усули уни микроскоп остида куришдир. Замонавий микроскоплар эфкайра ва тузималарнинг нозик тузилишларини урганишга имкон беради. Препаратларни купинча *ёруглик микроскопа* остида курилади (1-расм). Электрон микроскоп кенг қулланилаётган ^о-зирги даврда ҳам ёрурлик микроскопи уз аҳамиятини йуцотгани



1-расм. Микроскоп (МБР-1).

1 — оёги; 2 — колонкаси; 3 — тубуси; 4 — окуляри; 5 — револьвер; 6 — объективлар; 7 — буюм столчаси; 8 — препарат кичик-лари; 9 — макрометрик винт; 10 — микрометрик винт; 11 — конденсор; 12 — конденсор винти; 13 — диафрагма; 14 — ой-нача.

Оптик системаларнинг ҳал қилиш қобилиятини ошириш ва препаратларни аниқ куриш учун оддий микроскоплар тақомиллаштирилди ва янги микроскоплар ихтиро ҚИЛИНДИ. Хозирги даврда оддий ёрурлик микроскопидан ташқари қуйи-даги микроскоплар ва уларда куриш усуллари мавжуд *Р(оронги майдонли микрос-копда куриш.* Бу микроскоп оддий микроскоп бўлиб, ку-майдони — марказига оддий туширмайдиган мах-коронри коденсор билан риш таъминланган; Объект қия тушаётган нур билан нур ёрити-лади. Бу микроскоп тирик ху-жайра сус тузилмаларини. Буял-маган тирик хужайрларня, бактерияларни кузатишга им-кон беради.

Ультрабинафша нурли микроскоп билан куриш. Бу микроскоп линзалари кварц (ок-тош, чакмоқтош) дан ясалган бўлиб, у фақат ультрабинаф-ша нурларни утказади. Бундай микроскопда куриш учун тайёрланган препаратлар кварцдан ци-линган буюм ойналарига олинади ва кварцдан тайёрланган ёпқич ойна билан ёпилади. Бу микроскоп биологик тузилмаларнинг ту-зилишини чуқурроқ урганишга шароит яратади.

Люминесцент ёки флюоресцент микроскопия. Объектнинг

нурланишига люминесценция дейилади. Ёрурлик манбаи бўлиб ульт-рабинафша нурлар ёки узунлик тулқини 0,27—0,4 мкм булган спектрнинг кук цисми ҳисобланади. Бу нурларнинг таъсири вақтида нурлар энергияси ҳисобига препарат нурланади — флюоресценция қилади. Бирламчи ва иккиламчи флюоресценция фар[^] қи-линади. Б и р л а м ч и ф л ю о р е с ц е н ц и я деб, баъзи бир мод-даларнинг нур таъсирида нурланишига айтилади. Бу моддаларга витамин А ва В₂, пигментлар, липоидлар ва бошқалар киради. Иккиламчи флюоресценция препаратларни махсус нурланувчи моддалар (флюорохром) билан ишланганда ҳосил булади. Бу моддаларга туқ сариқ акридин, флюоресцин, родамин ва бошқалар киради.


Препаратларни туқ сариқ акридин билан ишланганда ;гужай-радаги ДНК яшил рангда, РНК эса қизил рангда нурланадн. Шундай қилиб, турли турдаги нурланишларни урганиш тузилмаларнинг химиявий таркибини билишимизга ёрдам беради.

Фазоконтраст микроскопия — объектларнинг ок-коралигини (контрастлигини) кескин оширишга ва буялмаган препаратларни урганишга имкон беради. Табиий ҳолатда биологик объектлар тиник, рангсиз ва ноконтраст булади, яъни тузилмалар утаётган нурни бир хил ютади. Оддий микроскопда контрастликка препаратларни буяш асосида эришилади. Контрастликни ошириш билан буялмаган препаратларнинг нур синдириш қобилияти ёки зичлиги асосида фарланувчи тузилмаларни куриш мумкин.

Интерфракцион микроскопия — фазоконтраст микроскопияга нисбатан кўпроқ имкониятга эга. Интерфракцион микроскоп билан курганда хужайранинг турли компонентлари зичлиги буйича турли рангга эга булади. Иккинчи тарафдан, тузилмаларнинг рангига қараб урганилаётган тузилмаларнинг зичлиги туррисида фикр юритиш ва хужайраларнинг курук орирлигини топиш мумкин.

Поляризация микроскопия — хужайра ва тузималарнинг анизотроп ёки икки хил нур синдирувчи тузилмаларини урганиш учун ишлатилади. Бу микроскоп билан урганилаётган анизотроп тузилмалардаги (кристалл ва фибрилляр оқсилларда) молекулаларнинг жойлашишини урганиш мумкин. Бу микроскоп хужайра булиниши, хромосомалар ва органеллалар тузилишини урганишда ҳам қўл келади.

Электрон микроскопларнинг ихтиро қилиниши микроскопда куриш техникасининг ривожланишида алоҳида урин тутлади. Бу микроскопда электронларнинг тулкили хусусиятларидан ва магнит майдонида электрон нурини фокуслаш мумкинлигидан фойдаланилади (2-расм). Замонавий электрон микроскопларнинг ҳал қилиш қобилияти 0,2 дан 1 нм гачадир. Бу микроскопларда куриш учун қалинлиги 20—40 нм булган ультраюпқа кесмалар ишлатилади. Кесмалар махсус ультрамикротомларда тайёрланади.



2-расм. Электрон микроскоп УЭМВ-ЮОБ.

Электрон микроскоп хужайра ичидаги тузилмаларнинг нозик тузиллигини урганишга имкон беради.

Ажми (растрловчи) электрон микроскопнинг яратилиши органларнинг электрон микроскопда урганишнинг янги босқичидир. У билан объектнинг ҳажмий тузилишини урганиш мумкин. Электрон микроскоп объектни 100.000 марта катталаштириб беради ва унинг ҳал қилиш қобилияти 3—4 нм дур.

Микроскопда таққот қилиш усулларининг қисқача таърифидан куришиб турибдики, ҳозирги даврда хужайраларнинг нозик тузилишини ҳам тирик, ҳам фиксация қилинган объектларда урганиш имконияти мавжуд экан.

Микроскоп остида турли усуллар билан объектнинг морфологик тузилишини урганилса ҳам, аммо бу усулларнинг узигина хужайранинг ҳаёт кечириш жараёнининг узига хос томонларини очиб бера олмайди. Морфология тадқиқотлар физиология ва биохимик маълумотлар билан тулдирилиши керак. Бу камчиликларни маълум даражада тузималарни химиявий анализ қилиш усули — гистохимия тулдиради.

Гистохимия ва цитохимия хужайра тузилмаларининг химиявий таркибини ва уларнинг таъсимланишини урганишга имкон беради. Бу эса урганилаётган тузилмаларнинг функционал ҳолати ва модда алмашинуви туррисида турри маълумот олишимизга ёрдам беради. Замонавий гистохимия усуллари тузилмалардаги аминокислоталар, оксил, нуклеин кислоталар, турли типдаги уг-леводлар, липидларни аниқлашга, ферментларнинг активлигини белгилашга ёрдам беради. Бу моддаларни аниқлаш реактив билан тупима ва хужайра таркибига кирувчи субстрат орасидаги узига хос реакцияга боғлиқ.

Гистохимия ва цитохимия фақат сифат анализи билан чега-раханмай, балки миқдорий

анализ утказишга имкон яратади. Микдорий анализ эса турли функционал ҳолатдаги [^]ужайранинг цитохимиявий тузилишини урганишга ва турли тузилмаларнинг метаболии жараёндаги аҳамиятини ани[^]лашга ёрдам беради. [^]у-жайрадаги моддаларнинг ёруглик нури спектрларини турлича ютишига асосланиб уларнинг микдорини урганиш усули ц и т о - спектрофотометрия" дир.

Интерферометрия деб, тирик ва фиксация цилинган ҳужайра-да зич моддаларнинг курук, вазни ва концентрациясини аниқлов-чи усулга айтилади. Дужайра тузилмаларининг курук вазнини асосан улардаги о[^]сил белгилайди. Шундай қилиб, бу усул билан тирик ва фиксация цилинган ҳужайраларда о[^]силларнинг жамики миқдорини билиш мумкин.

Ҳужайранинг турли таркибий қисмларини (ядро, митохондрия, микросома) ажратиш учун дифференциал центрифугалаш усули қулланади. Ажратиш учун суперцентрифуга (минутига 20 000—40 000 марта айланувчи) ва ультрацентрифуга (100 000—150 000 марта айланувчи) ишлатилади.

Гистохимия ва цитохимиянинг замонавий усулларидан *радиоавтография усули* алоҳида урин тутади. У тузилмалардаги модда алмашинувини тулиқроқ, урганишга имкон яратади. Бу усул асо-

сида радиоактив моддаларни (фосфор P^{32} , углерод C^{14} , олтингу-гурт S^{35} , водород H^3) ёки улар билан нишонланган моддаларнинг бири киритилиб, маълум вақт оралигида уларнинг микдорини турима ва органларда аниқлаш ётади. Туқималардан кесмалар тай[>] ёрлаб, бу кесмалар фотоэмульсия билан қопланади. Маълум вақт (15—20 кун) утгандан сунг препарат ФОТОКОРОЗ сингари очирила-ди- Бу усул билан нишонли аминокислоталарнинг оқсил тарки-бига киришини, нуклеин кислоталарнинг ҳосил булишини, нишонланган ҳужайраларнинг миграциясини урганиш мумкин.

Микрохирургия усули — бу тирик ҳужайрада махсус асбоб — микроманипулятор ёрдамида нозик операциялар утказиш усули-дир. Микрохирургия йули билан ҳужайрадан ядрони ажратиш, ядро қобирини йиртиш ёки булинаётган ҳужайра хромосомаларини ажратиш мумкин. Микроасбоблар асосан шишадан ясала-ди (микроигна, микропичоқ, микропипетка ва бопхалар). Бу усул ёрдамида ҳужайра тузилмаларининг физик хусу-сиятларини, ҳужайра ядроси ва органеллаларининг функционал ҳолатларини урганиш мумкин. Купгина олимлар бу усул ёрдами-да [^]ужайра ядросини бир ҳужайрадан иккинчисига утказиб ядро-нинг ирсий белгиларини авлоддан-авлодга утказишдаги ролини очиб бердилар.

Тирик ҳужайрани урганиш'усулларига яна *тСцималарни усти-риш усули* киради. Тупима ва ҳужайраларни организмдан ташқа-рида (т у!го) ва организм ичида (т у!во) устириш мумкин. Т[>]қималар организмдан ташқарида устирилганда махсус озик[^] муҳитга утказилиши керақ Бу муҳитда ҳужайра ҳаракатланиш, булиниш ва дифференцировка қобилятини сақлаб қолади. Туқи-ма булакчалари стерил му[^]итда физиологик суюқлиқ сакловчи Петри идишига солиб майдаланади. Сунгра майда булакчалар озик му[^]итига утказилиб, термостатда 38—39°С да сақланади. З[^]ар 3—4 кундан сунг уларни янги озик муҳитига утказиб туриш керақ Шундай қилиш билан туқимани ун йиллаб сақлаш мумкин.

Бундан ташқари, туқима тузилмаларини ҳайвоннинг [^]аёти даврмда ёки *витал* (уйа — ҳаёт) *бдья* мумкин. Бу усул тирик ҳужайра ва туқималарнинг тузилишини, баъзи бир моддаларнинг [^]ужайрага кириши ва ундан чиқишини кузатишга имкон беради. [^]аёт даврида буяш учун коллоид буёқ, моддалар, масалан, литий кармин, трипан синкасини ва бошқа за[^]арли булмаган моддаларни ишлатиш мумкин. Бу моддалар ҳайвон қонига, тери ости бириктирувчи туқимасига, қорин бушлигига юборилади. Маълум вақтдан сунг ҳайвон улдирилиб, туқима ва органлар микроскоп остида қурилади.

Тқрик объектларни тадқиқ қилинаётганда тузилмаларни *микросъёмка* қилиш, яъни микроскоп остида суратга олиш алоҳида урин тутади. [^]аёт даврида тадқиқот қилиш усулларидан ташқари туқима ва органларни *дтказиб Зрганиш* ҳам мумкин, яъни аъзоларнинг бир қисми ёки ҳаммаси бошқа организмга утказила-ди (трансплантация қилинади) ва уларнинг яшаб кетиши куза-тилади. Бу методнинг туқимани устириш усулидан афзаллиги туқима бугунлиги бузилмаган [^]олатда кузатишдир.

Юқрида келтирилган фикр ва далиллардан қуриниб турибди-ки, замонавий гистология куп ва турли хил тадқиқот усуллари би-лан қуролланган. Улар ҳужайра, туқима, органларнинг тузилишини ҳар томонлама мукамал урганишга ёрдам беради. Математи-канинг аниқ анализ усуллари, микдорий анализ усули бу бнлим-ларимизни тулдиради. Электрон микроскоп остида қуриш, электрон цитохимия ва радиоавтографиянинг қулланиши метаболии жараённинг кечиши туррисида тулиқ билим олишимизга ёрдам беради. Умуман олганда бу усулларнинг барчаси ҳужайранн, ҳу-жайра тузилмаларини, макромолекуларнинг тузилиши туғриси-да аниқ бир фикрга келишимизга, дифференцировка, регенерация ва ирсий белгиларнинг наслдан-наслга утишини чуқурроқ урга-нишимизга ёрдам беради. Иккинчи тарафдан, бу усуллар молекуляр биологиянинг ривожланишида мух^{_}им восита була олади.

III БОБ

ГИСТОЛОГИЯ ВА ЭМБРИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Тана туқималарининг классификациясини тузиш учун қддим-ги табиатшунослар:

Аристотель (эр. ав. IV аср), Гален (эр. ав. III аср), Абу Али ибн Сино (X аср) ва бошқа куп-гина олимлар уриниб курганлар. Лекин туқималарнинг нисбатан тула классификацияси француз анатоми Ксавье Биш (1771 — 1802) асарларида келтирилган. Биш 21 хил микроскопик ту^има-нк тафовут қилган ва ^айвон аъзолари ана шу ҳар хил ту^има-



ларнинг мураккаб уйрунлигидан ҲОСИЛ булади деб ҳисоблаган. Бу фикрнинг ҳаммаси шунн курса-тадики, гистология фани микроскоп кашф этилмасдан анча илгари бунёдга келган ва ички аъзо-лар, туқималар ва ҳужайралар ту-зилишини урганиб ривожланган. «Гистология» термини эса Қ Биш н и н г шогирди Қ Ма и е р томонидан 1819 йилда киритилган. Гистологиянинг фан сифати-да ривожланишига микроскоп-нинг яратилиши ва уннн орган-лар тузилишини урганишда қўЛТЭНИЛИШИ муҳим роль уйнай-ди. Фақат микроскоп тузилиши-нинг такомиллашиши туфайлиги-на гистология фани ривожланиши мумкин.

Абу Али ибн Сино

Г. Г а л и л ей томонидан XVII аср бошларида телескоп (ку-

риш найи) яратилди. 1609 йилда эса у содда ҳолда бўлса ҳам микроскоп конструкциясини яратди. Микроскопии илмий текшириш ишларида қўлладда Лондон қирол жамиятининг аъзоси — физик, астроном, геолог ва биолог Роберт Гук (1635—1703) катта роль уйнади. У микроскопнинг конструкция-сини узгартириб, техник жиҳатдан анча мураккаблаштирди.

Органларнинг микроскопик тузилишини урганишда М а р ч е л-ло М а л ь п и г и (1628—1694), Н е м и я Г р ю л а р (1641 — 1712) ҳам узларининг классик асарлари билан баракали ҳисса қўшдилар.

Улар томонидан бир қатор катта кашфетлар қилинди. Хусу-сан, Мальпиги тери тузилишини, талок, буйрак ва бонха Органларнинг микроскопик тузилишини тасвирлаб берди. Хрзир ҳам бир қанча микроскопик структуралар унинг номи билан юрити-лади. Туқима тушунчасини эса биринчи марта Грю таклиф этган. Унинг фикрича, туцима уз тузилиши билан «пупакча» ёки «қопчалар» йириндисини эслаглади.

Ҳаваскор микроскопчи Голландиялик Антон пан Левей-гук (1632— 1723) узининг микроскопик текширишлари билан бир қатор катта ва қизикарли кашфетлар к^илди ва микроскопик анатомиянинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. Левенгук-нинг ишлари микроскопик структуралар ^ақидаги фанга асос бу-либ хизмат ҚИЛДИ. Узининг куп йллик илмий ишлари туфайли у 1680 йилда Британия қирол жамиятига аъзо қилиб сайланди.

Гистологиянинг фан сифатида шаклланаётган даврнда рус олимлари ҳам унинг ривожига узларининг катта ^иссаларини қўшдилар. М. М. Т е р е х о в с к и й (1740—1796) биринчи булиб микроскоп ёрдамида биологик темада экспериментал текшириш-лар у-тказиб тирик микроорганизмлар жонсиз органик моддалар йириндисидан пайдо булади деган идеалистик қарашларга зарба берди.

Биринчи рус гистологиясининг асосчиларидан А. М. Ш у м - л я н с к и й (1782) эса микроскоп ёрдамида купгина Органларнинг тузилишини урганди. У буйрак нефронининг турри ва эгри-бугри каналчалари, томирли коптокчалари тузилишини тула тасвирлаб берди. Б о у м е н д а н (1842) 60 йил илгари буйрак коптокчала-ридаги «мембраналарни» тасвирлаб берган ҳам мана шу А. М. Шумлянский будди.

XIX аср урталарида туқималар ва органлар тузилишини урганишда микроскопик текширишларнинг қўлланиши гистология фанининг гуркираб ривожланишига олиб келди. Бу даврга келиб микроскопик анатомия асосан яратилган эди.

Буларнинг х^аммаси уша даврда Г а с с а л ь, К ё л л и к е р, Л е и д и г ва бошқалар томонидан яратилган бир қатор гистология дарсликларида уз ифодасини топди. Кёлликер ва Лейдиг уз қўлланишларида туқималарнинг 4 хилини, яъни эпителиал, би-риктирувчи, мушак ва нерв туқималарини тафовут қилганлар.

XIX аср охирида мустақил фан сифатида *цитология* шакл-лана бошлади. Ҳужайра булиниши тасвирланган плмий ишлар ана шу даврга тегишлидир. И. Д. Ч и с т я к о в (1874) кариокинез

булинишининг айрим томонларини текширди, лекин уларни бир умумий процессга тегишли эканлигини аниқлай олмади.

Кариокинез б^линиш процессининг асосий босқичларини бирин-чи марта Э. Страсбургер узининг «%ўжсайралар %осил були-ши ва %ўжсайралар булиниши туғрисида» деган асарида (1875) тула тасвирлаб берди. У шуни аниқ ладики, ^ўжайралар булиниш вақтида ядро йуқолмайди, балки узгради ва натижада иккита «киз» ядро ҲОСИЛ булади. Лекин Э. Страсбургер ишларида ҳам митоз

фазаларининг аниқ кетма-кетлиги берилмаган.

ХЭЙБОН организмларида соматик ҳужайра ядроларининг булиниш процесси киевлик гистолог П. И. Перемежко томонидан (1878) тритон терисининг эпителийси мисолида тасвир этилган. У ҳам булиниш процессида фазаларнинг кетма-кетлигини аниқлай олмади.

Шуни айтиб утиш керакки, «кариокинез» термини фанга 1879 йилда В. Шлейхер томонидан киритилди. Кариокинез булиниш фазаларининг кетма-кетлигини 1879 йилда В. Флемминг тасвираб берди. Ҳужайралар булинишининг янада туларок таърифи XIX аснинг йирик олимларидан Оскар Гертви? (1849—1922) томонидан берилган. У кариокинез булиниш яйтида, ҳужайра ядроси моддасининг тузилишида узига хос узгаришлар булиб утишини курсатди. Гертви ва Страсбургерлар ядро-нинг ирсий белгиларни авлоддан-авлодга утишидаги ролини аниқ таърифлай олдилар. Ҳужайранинг уз навбатида жуда куп майда компонентлардан тузилганлиги туррисидаги фикрни О. Гертви олар сурди.

Цитологиянинг фан сифатида ривожланишида ҳужайра назариясининг яратилиши ҳал қилувчи қадам булди. Ф. Энгельс «*Ҳужайра назарияси*»ни XIX аснинг буюк кашфиётларидан бири деб айтган эди. Ҳужайра назариясини яратишда Гук, Грю, Маль-пиги ва Левенгук томонидан симлиқлар ҳужайралари тузилиши-нинг очилиши асос булди.

«*Ҳужайра*» термини биринчи марта фанга Гук киритган. Микроскопнинг такомиллашуви ҳужайра назариясини ривожлан-тиришда катта аҳамият касб этди. Ҳайвон туцималарини урга-ниш эса ҳужайра назариясининг шаклланишида катта роль уйнади. Бунда буюк чех олими Я. Пуркинъе (1787—1869) ва унинг шогирдларининг хизматлари катта булди. Унинг шогирдлари орасида ҳар хил ҳайвон ва одам тукдмаларини урганган Г. В. ален-тинни (1810—1883) алоҳда курсатиб утиш керак. Я. Пуркинъеннинг узи микроскопик анатомия ва микроскоп техникасининг асосчиси ҳисобланади. Аммо Пуркинъе ва унинг шогирдлари Т. Шванн томонидан дадиллик билан олга сурилган ва таджик, қилинган усимлик ва ҳайвон ҳужайраларининг элементар структура-си орасидаги анологияни ишлаб чиқишга журъат эта олмадилар.

Матиас Шлейден (1804—1881) томонидан яратилган ҳужайраларнинг пайдо булиш назарияси ҳам ҳужайра назариясини яратишда катта роль уйнади. Бу назария кейинчалик *цитогенезис назарияси* деб аталди. Шлейденнинг таърифича, янги ҳужайралар фақат мавжуд ҳужайралар асосида пайдо булади.

Ҳужайра назариясини Теодор Шванн (1810—1882) яратишга муяссар булди («*Ҳужайра назарияси*» сарлавҳасига қ.).

XIX аснинг иккинчи ярмида ҳужайра назариясининг яратилиши, микроскоп техникасининг такомиллашиши, биология, химия ва бошқа фанлардаги йирик кашфиётлар гистология фанининг гуркираб ривожланишига олиб келди. Чунончи, XIX аср урталарида *Петербург медицина академиясида, Москва, Крон, Киев, Харьков* ва бошқа шаҳар университетларида мустақил гистология кафедралари вужудга келди. Буларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари А. И. Бабухин, Ф. В. Овсянников, Ф. Н. Заварикин, К. А. Арнштейн, П. И. Перемежко, Н. А. Хроншевский булдилар. Россияда биология фанининг, шу жумладан, гистология фанининг ривожланишига рус социал демократлари: А. И. Герцен, Н. А. Добролюбов, Н. Г. Чернышевский, В. Г. Белинский, Д. И. Писарев ларнинг дунёқарашлари катта таъсир курсатди.

Пировардида, И. П. Павлов ва И. М. Сеченовларнинг таълимотлари гистологик ва асосан, нейтрогистологик тадқиқотларни ривожлантиришда катта роль уйнади. Бу даврга келиб Россияда узининг оригинал йуналиши билан фарқ қиладиган бир қанча катта гистология мактаблари вужудга келди. Булар орасида Москвада А. И. Бабухин (1827—1891) ташкил этган гистология мактабининг материалистик дунёқарашлари яқин кузга ташланиб туради. Бу мактабнинг илмий йуналишлари асосида нерв ва мушак туцимасининг гистофизиологияси ётади.

Шуни айтиб утиш лозимки, асаб системасини урганиш билан

жуда куп гистология лабораториялари шугулланган. Чунончи, К. А. Арнштейн (1840—1919) ташкил этган 1^оозон мактаби нейрогистоло-гияга катта ҳисса қушган. Шу мактабдан чиққан А. С. Догельнинг нейрогистология соҳасидаги ишлари катта аҳамиятга эга.

П. И. Перемежко (1883 — 1893) бошчилигидаги Киев гистология мактаби эмбриология масала-ларини, хусусан, эмбрион варақларининг ривожланишини урганди. Бундан ташқари, бир қатор органлар (қалқонсимон без, жигар ва бошқалар) нинг микроскопик тузилишини урганишда бу мактабнинг тадқиқотлари катта урин тутди.



XIX аср урталарида	гистолог		
нинг гуркираб	усиши билан		
қаторда	эмбриологияда	ҳам	бир йи
рик	тадқиқотлар	олиб	борилди.
Россияда	биринчи	булиб	организм-
А. Н. Бабухин		нинг эмбрионал	ривожланишини



Петербурглик академик Каспар Фридрих Вольф (1733—1794) урганди. У узининг тадқиқот-ларида преформистик назарияга қарши чиқди ва бир йула ^ужайра структурасини урганди. Қ.Ф. Вольф ишларини ундан кейин рус академиклари Х.Г. Пандер (1794—1865) ва Қ.М. Бэрлар (1792—1876) муваффақиятли равишда да-вом эттирдилар. Улар яратган жуда муҳим биологик қонуният — бу эмбрион варақларнинг пайдо були-шидир. Одам ва сут эмизувчиларнинг тухум хужайралари Қ.М. Бэр томонидан тасвирланган.

Иирик рус олимлари И.И. Мечников (1845—1916) ва А.О. Ковалевский (1840—1901) ҳам эмбриология фанининг ривожлани-шига катта ҳисса қушдилар. Улар Ч. Дарвин таълимоти билан қу-ролланиб, гистология ва эмбриоло-гияда эволюцион йуналишга асос солдилар.

Совет гистология мактаби Россия гистологлари ютуқларига таяний, марксча-ленинча философия



асоси-да гистология, эмбриология, цитология фанларининг умумий ва хусу-ой соҳаларида катта юту^ларга эришди.

А. А. З а в а р з и н (1886—1945), И. И. М е ч н и к о в ва А. О. К о в а л е в с к и й анъаналарини давом эттириб, гистология фанида янги йу-налиш—эволюцион гистология йу-налишини очиб берди. У ҳар хил ^айвонлардаги бир-бирига ухшаш функцияни бажарувчи туцималар бир-бири билан ухшаш тузилишга эга деган хулосага келди. А. А. Заварзин яратган туцималар клас-сификацияси асосида функционал принцип ётади. Мухитнинг бир-бирига монанд факторлар таъсири, бир томондан, ҳар хил ^айвонлар-нинг келиб чик;ишига сабабчи бул-са, иккинчи томондан, улар туки-маси тузилишининг бир хиллигини

И. И. Мечников

А- Заварзин



Н. Г- Хлопин

Б. И. Лаврентьев

таъмин этади. А. А. Заварзин фило-генетик жихатдан бир-биридан жуда узоқда турувчи хайвонлар тузилиш-ларининг ухшашлик ҳодисасини «*т/цималар эволюциясининг параллел ^отори назарияси*» деб атади.

Н. Г. Хлопин (1897—1961) эволюция асосида гу^ималарнинг табиий классификациясини ишлаб чиқди. У муайян туқималар узига хос хусусиятларни доимо сақлаш хусусиятига эга эканлигини курсатди. Хлопиннинг *дивергент эволюция назарияси* буйича ту^ималар уз-нинг эволюция ва онтогенезида ор-ганнинг ривожланишидан ажралма-ган х_олда дивергент ривожланади.

Ватанимиз нейргистологияси-нинг ривожланишига буюк совет гистологи Б. И. Л а в р е н т ь е в (1892—1944) узининг илмий тад-^н^отлари билан катта хисса қуш-ди. Унинг раҳбарлигида нерв систе-маси гистофизиологиясини урганиш анча кучайтирилди. Иирик совет гистологлари бириктирувчи туцима гистофизиологиясини урганишга ҳам катта эътибор бердилар (А. В. Румянцев, Г. В. Елисеев, Г. ҚХрушчов, Г. В. Ясвоин ва бошқалар).

Совет гистологлари-нинг изла-нишларида эпителий ва бириктирувчи туқималар орасидаги корре-лятив борланишни урганиш катта урин тутди (А. В. Румянцев, Ф. М. Лазаренко ва бошқа-лар).

Совет цитологлари-дан Д. Н. Н а с о н о в ва унинг укувчилари цитофизиология масалаларини, ху-сусан, секрет ҳосил булиш процес-сини текширдилар. Улар томонидан *паранекроз назарияси* ҳам ишлаб

чиқилди.

Ҳозирги вақтда совет гистолог-регенерацияси



лари органватуқималар

дунё мик|сидУ^асбий"уринни *этан*-лаб кел ма Л Ъ с А ^ В - о р'о н.

ва унинг мактаби суг эмизувчилар кам регерацион қобилиятга эга деган тушунчанинг нотурри эканлигини исботлаб берди.

Улур Октябрь Социалистик революцияси фақат Москва, Ленинград, 1^озон, Киев каби шаҳарлардагина эмас, балки Чор Рос-сиясининг узоқ улкаларида ҳам или, маданият ва санъатнинг гуркираб ривожланишига шароит яратиб берди. Урта Осиёда В. И. Ленин декрети билан биринчи или \$ЧОРИ — Урта Осиё университети ташкил этилди. Университет қошидаги медицина фа-культетининг гистология кафедрасини В. И. Ленин декрети билан Тошкентга келган Е. М. Ш л я х т и н ташкил этди ва унга бошчилик қилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ва умуман Урта Осиёда гистология фанининг турилиши, университет қошида медицина факультети очилиши билан боғлиқдир. Дозирги вақтга ке-либ эса Ўзбекистонда Тошкент медицина институтининг гистология кафедраси қошида йирик гистологик марказ ташкил этилди. Ўзбекистон гистологлари-нинг асосий илмий тематикаси ички аъзо-лардаги процесларнинг морфологик асосларини урганиш, хужай-ралардаги моддалар транспортининг ва секрет ҳосил булиш про-цессининг функционал морфологиясини урганишга бағишланган.

Дозирги вақтда СССР да гистология" фани — гистохимия, радиоавтография, ультрабинафша, люминесцент ва электрон микроскопия, микдорий цитохимия ва бошқа замонавий текшириш усуллари билан қуролланган.

Шуни айтиш керакки, электрон микроскопиянинг яратилиши жаҳон гистологлари тадқиқотларида жа^оншумул бурилиш яса-ди. Электрон микроскоп 1928—1931 йилларда яратилди. Ультра-микротомнинг яратилиши, фиксация, қуйиш, буяш методларининг янада ривожланиши эса электрон микросопнинг биологик тадқи-қотларда кенг қулланилишига имкон яратди. Унинг гистологик текширишларда ишлатилиши билан хужайранинг мембраналар системасидан тузилганлиги, хужайра ичида рибосомалар каби но-зик структуралар борлиги

аникланди.

Морфологияда электрон микроскопия, электрон микроскопик радиоавтография ва цитохимия каби замонавий, янги текиштириш усулларининг қулланилиши гистологияда янги йуналиш — ҳужайранинг функционал морфологиясини вужудга келтирди.

Электрон микроскопия усули кенг тарқалган бўлишига қарамай, бу соҳанинг ривожланишида Тошкент Давлат медицина институтининг гистология ва эмбриология кафедраси томонидан 1972 йили жаҳонда бириччи бор чоп этилган *орган ва туцума-ларнинг электрон микроскопик тузилишига бағишланган атлас* катта аҳамиятга эга бўлди.


IV БОБ

ЦИТОЛОГИЯ

(Ҳужайра ақида таълимот)

Цитология — ҳужайраларнинг тузилиши, тако-миллашиши ва функцияси ҳақидаги фан.

(лотинча — cellula, юнонча — cylos) цитоплазма ва ядродан ташкил топган система бўлиб, усим лик ва ҳайвон организмнинг такомиллашиши, тузилиши ва яшаш жараёнларининг асосини ташкил қилади. Бутун ҳаёт давомида модда алмашилишида иштирок этиши, янги ҳужайра ҳосил қилиши ва доимо янгиланиб туриши ҳужайраларнинг характерли хусусиятидир.



3-рasm- Дужайраларнинг шакли ва хиллари (схема).

1 — цилиндрсимон ҳужайралар; 2 — кубсимон ҳужайралар; 3 — ясен ҳужайралар; 4 — юмалоқ аджайралар; 5 — дуқсимон ҳужайралар; 6 — тармоқли ҳужайра; 7 — кадаҳсимон ҳужайра; 8 — призматик ҳужайра; 9 — қанотли ҳужайра; 10 — хивчинли аджайра И — куп ядроли ҳужайра; 12 — ядросиз ҳужайралар (эритроцитлар) (В. Г. Елисеевдан).

9*

ТО

ҲЗЙБОН ва одам организмда ҳужайралардан ташқари, *сим-пласт* ва *бужайралар*ро модда бор. С

и м п л а с т х ужайралар-нинг узаро қушилишидан ҳосил булиб цитоплазмада бир неча яд-роси булган структурадир. Бунга кундаланг-таррил мушак тола-си, мегакариоцит ва бошқалар мисол була олади.

Хужайраларро модда хужайралар орасида жойлаш-ган булиб, суюқлик холида ёки дирилдоқ ёки зич консистенция-га эга булган *асосий модда* ва турли *толалардан* ташкил топган.

Одам ва ҳайвон организмда хужайралар катталиги, шакли ва тузилиши жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилади. Бажарадиган функцияларига кура хужайралар ҳар хил шаклга эга (3-расм). Суюқ муҳитда хужайралар купинча узгарувчан булиб, псевдопо-дийлар ҳосил қилади. Буларга цон ва бириктирувчи туцималар-нинг хужайралари қиради. Бир-бирига якин ётган хужайралар эса маълум формага эга. Масалан, пласт ҳрсил илувчи терн эпителийси хужайралари ясси, цицарувчан мушак хужайралари эса узун дуksимон шаклда булади. Импульс утказувчи нерв хужайралар эса узун-узун усимталарга эга булади. Эркаклар жин-сий хужайраси — сперматозоидда ҳаракат қиладиган хивчинлари бор ва ҳоказо. Одам ва купгийа сут эмизувчи ҳайвонларнинг хужайралари 5—7 мкм (микромметр) дан 200 мкм гача булади.

Қуриниши ва катталиги билан хужайралар бир-бирдан фарқ қилсада, улар купинча хужайра тузилишининг асосий белгилари-ни сақлаб қолади (4-расм). Одам ва ҳайвон хужайраларининг умумий тузилиши бир хужайрали авлодларни эслатса ҳам, аммо куп хужайралилар мураккаб функцияларни бажариши билан борлик, булган уз тузилмалари билан ажралиб туради. Ҳар бир хужайра *цитоплазма цобиги*, *цитоплазма* ва *ядродан* ташкил топган. **Цитоплазма:** *органеллар*, *киритмалар* ва *гиалоплазмадан*; ядро: *ядроча*, *хроматин*, *ядро шираси* ва *ядро қрбиги*, -дан иборат.

Ёруглик ва электрон микроскоп орқали олинган маълумотлар-га асосланиб, хужайранинг цуйидаги қисмлари фарқ қилинади. (22-бетдаги схемага қ.).

ХУЖАИРАНИНГ ХИМИЯВИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА ФИЗИК-ХИМИЯВИЙ ХОССАЛАРИ

Химиявий анализ орқали хужайра таркибида атмосфера ва ер қобирида кенг тарқалган моддалар борлиги аниқланган. Одам танасининг 96% 4 элементдан: углерод, водород, кислород ва азотдан ташкил топгандир. Кальций, фосфор, калий ва олтингу-гурт эса одам танасининг 3% ини ташкил қилади.

Оз миқдорда натрий, хлор, йод, темир, магний булади. Мис, марганец, кобальт, рух ва бошқа микроэлементлар эса улардан ҳам нам булади.

Хужайранинг ҳаётгий хусусиятлари таркибидаги оксилга бор-лиги. Модда алмашинуви, хужайра моддаларининг янгитдан ҳосил булиб туриши — хужайрадаги ҳаётгий жараённинг асосини ташкил қилади. Бу: а с с и м и л я ц и я ёки оралик муҳитдаги моддалар-нинг цитоплазма моддасига айланиши (табий синтез); д и с с и м и л я ц и я — цитоплазмадаги моддаларнинг хужайра ҳаётгий учун энергия ҳосил қилиб парчаланиши; у с и ш — хужайранинг маълум қисмларининг катталашуви ва янгитдан пайдо булиши натижасида цитоплазма массасининг ошиши; д и ф ф е р е н ц и - р о в к а — янги функционал хусусиятларнинг ҳосил булиши билан хужайра тузилишининг мураккаблашиши, ҳ а р а к а т л а н и ш — хужайранинг муҳитда силжиши; и р с и я т — биологик белгилар-нинг сақланиши ва наслдан наслга утиши каби мураккаб жараёнлардан иборат.

Хужайра цуйидаги химиявий компонентлардан тузилган:

Оксил. Оксил таркибида углерод, водород, кислород, азот ва оз миқдорда олтингугурт ва фосфор булади. Оксиллар аминокислота-талардан ташкил топган. Аминокислоталарда кислотали (карбок-сил) группа — COOH ва ийхорий (амин) группа — NH₂ мавжуд. Кислота ва ишқорий группаларнинг булиши аминокислоталарга амфотермик хусусият беради. Аминокислоталар полипептид бор-лар орқали бирлашиб узун полипептид занжирларни ҳосил қилади. Аминокислоталарнинг бирлашиш тартиби ҳар бир хайвон оксил молекулаларининг махсуслигини белгилайди.

Аминокислоталарнинг узаро полипептид занжирлар ҳосил қилиб бирлашиши ҳамда уларнинг ён занжирларининг узаро реак-цияга кириша олиши оксил молекулаларининг мураккаб тузили-шини белгилайди. Ҳозирги вақтда оксил молекуласининг бирлам-чп, иккиламчи, учламчи ва купинча туртламчи структураси фарқ-ланади. Бирламчи структура аминокислоталарнинг оксил зан-жирида кетма-кетлиги билан белгиланади. Оксилнинг иккиламчи структураси альфа-спирал ва бета-структура қуринишида булиши мумкин. Биринчиси — глобуляр оксиллар учун, иккинчиси — молекулалари бир-бирига параллел ётувчи фибриллар оксиллар учун характерлидир. Оксилнинг учламчи структураси с п и р а л - ш а к л - д а г и полипептид занжирнинг думалоқ булиб уралишидан ҳосил булади. Бу структура водород, гидрофоб ва ион боғлар билан ушланиб туради. Оксилнинг туртламчи структураси — учламчи структураларининг йириндисидан иборат. Бир неча ноактив субъ-единица бирлашиб битта функционал актив субъединица ҳосил қилади.

Оксиллар фақат аминокислоталардан ташкил топган бўлса, *оддий оксиллар* ёки *протеинлар* дейилади. Оддий оксилларга ҳай-вон хужайраси ядроларида учрайдиган *протеин ва гиcтoн-ла-р*, хужайра цитоплазмаси ва қон плазмасидаги *альбумин* ва *глобулинлар*, мушак толасидаги *миозин* ва бошқалар мисол була олади.

Мураккаб оксил ёки протеидлар оксил ва оксил булмаган мод-да — простетик группадан ташкил топган. Простетик группа ту-рига қараб қуйидаги мураккаб оксиллар фарқ қилинади.

Глюкопротеидлар — карбонсув бирикмасини ушловчи мураккаб оксиллар. Буларга овқат ҳазм қилиш йулидаги шиллик без-лар секретидан учрайдиган муцин ва боиҳалар қиради.

Липопротеиолар — ёрсимон моддалар, липоидлар билан бириккан оксиллар. Бу группага кирувчи фосфолипидлар хайвон ху-жайралари мембранясининг асосини ташкил қилади.

Нуклеопротеидлар — протетик группаси нуклеин кислоталар-дан ташкил топган. Нуклеопротеидлар цитоплазманинг доимий компонента ҳисобланади. Цитоплазманинг оксил синтез қилиш функцияси нуклеопротеидларга борлиқ. Икки турдаги нуклеин кислоталар мавжуд: рибонуклеин (РНК) ва дезоксирибонуклеин (ДНК). РНК асосан ядрочада, хужайра цитоплазмасида, айтхса, рибосомаларда, ДНК эса асосан ядро ичидаги хроматинда (хромосомаларда) учрайди. ДНК хайвон хужайраои органеллаларидан митохондрия ва центросомаларда ҳам топилад.

Хромопротеидлар — мураккаб оқсил булиб, протетик группаси бўлган моддалардан ташкил топган. Мисол қилиб, таркибида темир ушловчи гемин группаси булган нафас пигмента гемоглобинни, терига ранг берувчи меланин ва бошқаларни олиш мумкин.

Ферментлар — оксил табиатига эга булиб, протоплазмадаги химиявий процессларни тезлаштиради. Ферментлар фақат маълум реакцияларни катализация қилади. Куйидаги фермент группаларини ажратиш мумкин:

— *гидролазалар* — молекулаларо боғларни сувни бириктириш йули билан парчалайди. Гидролазаларга пептидаза, фосфо-таза, эстераза ва бошқалар киради;

— *трансферазалар* — атомларни ёки группа атомларни ва радикалларни бир молекуладан иккинчисига утказувчи катализаторлар;

— *оксидоредуктазалар* — оксидланиш ва қайтарилиш реакцияларни тезлаштирувчи ферментлар. Буларга дегидрогеназалар, флавин ферментлар, электрон утказувчи занжирдаги ферментлар ва бошқалар киради;

— *изомеразалар* — ҳар хил изомер узгаришларда иштирок этувчи ферментлар.

— *синтезазалар* — АТФ ва бошқа макроэргик боғларнинг парчаланиши натижасида оқсил булган энергия ёрдамида кечадиган синтетик реакцияларни катализация қилади.

— *лиазалар* — ногидролитик йул билан субстратдан у ёки бу группани ажратувчи ферментлар.

Ёғлар — нейтрал ёғлар ва ёгсимон модда — липоидлардан ташкил топган. Нейтрал ёғлар хужайра цитоплазмасида томчилар шаклида булиб, озиқ модда ролини уйнайди. Липоидларга фосфатидлар группасига кирувчи — лецитин, кефалин ва бошқалар мисол бўла олади. Кенг тарқалган липоидлар стероидлардир. Холестерин, витамин О ва Е, жинсий гормонлар, буйрак усти беги гормонлари ва бошқалар биологик актив бирикмалар саналади.

Карбонсувлар (углеводлар). Хужайрада бу бирикмалар асосан энергия манбаи сифатида ишлатилади. Оддий ва мураккаб карбонсувлар фарқланади. Оддий карбонсувлар *моносахаридлар* — рибоза, дезоксирибоза, глюкоза. Глюкоза асосий энергия манбаи булиб, унинг оксидланиши натижасида ҳосил булган энергия протоплазмадаги синтетик процессларда ишлатилади. Мурак-Зужайралар цитоплазмасининг тузилиши ва таркиби турлича булиб, гиалоплазма, хужайра органеллалари ва киритмалардан тузилган.

Цитоплазманинг гиалоплазма, органеллалар ва киритмалар «аби таркибий цисмларга булиниши шартли булиб, уларнинг ҳам-АТФ асосида бир-бири билан борлиқ келишиб ишлайдиган тузилмалар йириндисидир.

БИОЛОГИК МЕМБРАНАЛАР ВА ХУЖАЙРА ҚЎБИГИ БИОЛОГИК МЕМБРАНАЛАР

Бу мембраналар мураккаб ва ута специфик тузилмалар булиб, хужайранинг ҳаётий жараёнини белгилаб туради. Мембраналар хужайрага моддаларнинг кириши ва чиқишини, мембраналар билан борлиқ булган биохимик процессларни ва мембраналарда жойлашган ферментлар орқали хужайра модда алмашинувини (метаболизмини) боқариб туради. Мембраналар чегаралаш функциясини ҳам бажаради. Турли модда молекулалари (масалан, оқсиллар) специфик хусусиятларга фақатгина маълум тартибда жойлашиши ва узаро муносабати натижасида эга бўлади. Моддаларнинг бундай муносабати биологик мембраналарда кузатилади.

Маълумки, ҳозирги вақтда хужайравий тузилишнинг икки тури ажратилади: прокариот ва эукариотлар. Прокариот хужайралар ядро қобири булмаган ва ДНК цитоплазмада эркин ёгувчи хужайралардир. Прокариот хужайраларга баъзи бактериялар ва сув утлари киради. Асосий купчилик тирик организм хужайралари эукариот хужайралар булиб, уларда ядро шаклландир, бу хужайраларда мураккаб тузилган ядро қобири хромо-сомаларни цитоплазмадан ажратиб туради. Эукариот хужайралар мембрана тузилмаларига бой булиб, бу мембраналар турли функ-цияларни бажаради. Хужайранинг ташқи каватини» ҳим қилувчи плазматик мембрана хужайрани ташқи муҳит билан алоқасини белгилайди. Хужайра ичидаги мембраналар (цитомембраналар) АТФ синтезловчи митохондрияни, маълум моддаларни парчаловчи лизосомаларни, оқсил, ёғ, карбонсув ва хужайра учун керакли химиявий моддаларни синтезловчи цитоплазматик турни, пластин-касимон комплексни, ядро қобигини ва бошқа тузилмаларни ҳосил қилади.

Ҳозирги вақтда биологик мембрананинг тузилишини талқин этувчи турли хил назариялар мавжуд. Буларнинг ичида энг кенг тарқалгани *мембрананинг цаватли тузилишини* ифодаловчи Давсон ва Дэниэлли (Оаузон Н. А., ОашеШ Л. Р.) назариясидир.


Бу олимлар бошқа тадқиқотчиларни эритроцит мембранасининг липид ва оқсиллардан иборат деган фикрни давом эттириб, липидлар бимолекуляр парда шаклида мембрана марказида жойлашишини, оқсил молекулалари эса мембранани ташқи тарафида жойлашишини талқин этдилар (5-расм). Липид молекулалари бир-бирига параллел жойлашиб, уларнинг гидрофил (поляр)

кислородли молекулаларига қараб ётади. Липид молекуласининг гидро-

26

фоб (нополяр) қисмлари эса бири-бирига қараб ётади. Шундай қилиб, липид молекулалари икки оқсил қавати билан борланган-дир. Ф. Шёстранд эса оқсил молекулалари глобуляр тузилишга эга деб ҳисоблайди. Ана шундай тузилиш ҳамма мембрана тузилмалари учун характерли-дир. Бундан тузилишга эга бўлган мембраналар *элементар биологик мембрана* (Кобейзон .I. О.), деб номланади.

Охириги вақтларда мембраналар тузилишини ифодаловчи боўха назариялар ҳам пайдо бўлди. Бу мембраналарнинг глобуляр суббирликларидан ташкил топганлигини талқин этувчи мицелляр назариядир. Бу суб-бирликлар липопротеид комплекс-ларидан иборат бўлиб, оқсил молекулалари шу суббирлик таш-қарисиди, липид эса ичида жой-лашади. Купчилик олимларнинг фикрича, оқсил



молекулалари аминокислоталарининг поляр группалари ва фосфолипидлари-ни-нг бошчалари уртасида ҳосил буладиган электростатик куч оқсил


5-расм. Плазматик мембрананинг схематик тузилиши: 1 — липид молекуласи; 2 — оқсил молекуласи; 3 — плазматик мембранадаги тешик (Даниэллдан).

молекуласини липид таш-қарисиди

жойланишини белгилайди. *Мозаик назария* эса оқсил ва липидларнинг узаро муносабатини узгача тасвирлайди. Бу назария буйича оқсил глобулаларининг айримлари липид «қуллар» да эркин сузиб юрса, баъзи бир оқсил молекулалари мембрана-нинг ички тарафига эгаллаб ётади (6-расм).

Биологик мембраналар оқсил, липиддан ташқари, углерод, ноорганик ионлар ва сув тутади. Мембрана таркибига кирувчи оқсиллар икки группага булинади: структур ва глобуляр оқсил-лар. Глобуляр оқсиллар ферментларни ҳосил қилиб, улар моддаларнинг мембрана орқали транспортида муҳим аҳамиятга эга. Структур оқсил мембрана эластиклигини, қисқариш ва қузилиш функцияларини белгилайди.

Мембрана ферментлари ҳужайранинг химиявий характери-каси ва физик-химиявий хоссалари бобида келтирилган асосий олгита фермент группаларидан ташкил топган. Липидларнинг асосий ҚИСМИ фосфолипидлардан иборат. Ҳужайра цобирида фос-фолипидлар липидларнинг 60 процентини, митохондрияда 90 процентини ташкил қилади. Ҳамма мембраналарнинг асосий фос-



таиҳи диаметри 24 нм, ички диаметри 15 нм булиб, девор қалин-лиги 5 нм га тенг. Микронайча девори зич жойлашган, катталиги 5 нм булган *суббирликлардан* ташкил топган. Электрон микроскоп остида кундаланг кесмаларда асосан 13 суббирлик фарқлана-ди. Турли хужайралардан (соғда ҳайвонларнинг киприкчалари-дан, нерв тузимаси хужайраларидан, булиниш дукидан) ажратиб олинган микронайчаларнинг химиявий тузилиши бир хил. Микро-найчалар узи учун характерли булган оқсил — тубулинлардан ту-зилган. Тубулинлар баъзи бир алкалоидлар (колхицин, винопластин) билан бирикиш қобилиятига эга.


Тозаланган тубулинлар ГТФ (гуанинтрифосфат) ва Mg^{++} бор муҳитда микронайчалар ҳосил қилади. Колхицин эса микронайча-лар ҳосил булишига тусцинлик цилади ёки микронайчаларни пар-чалаб юборади. Цитоплазматик микронайчалар паст ҳароратда (0°) деполимеризацияга учрайди. Турли муаллифлар, микронайчалар булиниш дукини ҳосил ҚИЛИШИ, хужайрада таянч функция-ни бажариши ёки х,ужайра инида моддалар ташилишида ишти-рок этишини эътироф этадилар.

Х,ужайра маркази, центросома. Х[^]озирги вақтда [^]ужайра мар-кази деб номланувчи тузилма 1875 йилда Гертвиг томонидан очилган. Хужайра маркази деб, у булиниш дукининг устки цисми-даги тузилмани атаган. Х,ужайра маркази ҳамма ҳайвон хужайра-ларида топилган булиб, фацатгина тухум х,ужайрасида етилиш даврида йуқолади.

Турли хужайралар Гейденгайн темир гематоксинлини билан буялганда центросома *иккита центриоладан* иборат эканлиги курилади. Центриолалар сферик масса марказида жойлашиб, бу масса центроплазма ёки *центросфера* деб аталади. Центриолалар зич доначалар (катталиги 0,2—

0,8 мкм) ^олида куриниб, узаро ингичка тортма ^- центродесмоза билан боғланган. Интерфаза ^олидаги ^ужайраларда хужайра маркази иккита. центриоладан (диплосомадан) иборат. Булиниш даврида эса унинг тузилиши мураккаблашиб, атрофида нурли зона — астросфера ҳосил булади.

^ужайра марказининг тузилиши тўррисидаги асосий маълумотлар электрон микроскопик тадқиқотлар натижасида мукам-маллашди. Центриола цилиндрсимои танача булиб, узунлиги 0,3—0,6 мкм ва диаметри 0,1—0,15 мкм (24-расм, а'). Таначанинг девори бир-бирига параллел ётган найчалардан ташкил топган булиб, таначанинг ичи буш. Найчалар ҳамма хужайраларда бир хил булиб, бир-биридан гомоген, зич оралиқ модда билан ажралиб турувчи 9 группа булиб жойлашади. ^ар бир группа 3 мик-ронайчадан ташкил топган булиб, уларни триплет деб юрити-лади (24-расм, б). Триплетнинг биринчи микронайчаси (А — мик-ронайча) диаметри 250 нм, девор қалинлиги 5 нм булиб, 13 глобуляр суббирликдан тузилган. Хар бир триплет узунлиги центрио-ла узунлигига тенг. Иккинчи ва учинчи (В ва С- микронайчалар А микронайчадан фарк қилиб, уларнинг девори 13 эмас, балки 11 глобуляр суббирликдан ташкил топган. Учала микронайча зич ётади. Центриолада микронайчадан ташқари яна қушимча тузил-




24-расм, А. Хужайра маркази (центросома)нинг электрон микрофотограмма.?!.

X87.000.

1 — цитоплазма; 2 — центриола; 3 — цилиндр деворининг ташкил этувчи найчалар; 4 — ц-н-триола сателлитлари; 5 — микронайчалар. 24-расм, Б. Центриолалар па киприкчалар кундалаиғ кесмаларнда тушлмаларнинг жонлашиш схемаси.

Л — центриоланинг проксимал қисмидан кесма; Б — центриоланинг дистал қисмидан кесма; В — киприкча кесмаси; 1 — марказий найча (втулка); 2 — синчалар; 3 — Кулча; 4 — аморф модда; 5 — киприкчани ураб турувчи плазматик мембрана; 6 — киприкчалар спицалари; 7 — киприкчани муфта билан уралган марказин микронайчаларни. А, В, С — ларнинг жойлашиш схемаси.

малар бор. А микронайчадан икки усичча (^улча)лар чици.б, уларнинг бири ^ушни триплетнинг С микронайчасига, иккинчиси эса центриола марказига йуналган. Центриола цилиндрининг марказида «арава рилдираги» сингари тузилма булиб, *у^ қисм» ва



24-расм, В. Аксолотл лейкоцит диплосомаспнинг тузилиш схемаси.

1 — она центрол; 2 — цпз центрол; 3 — сателлит оёкчаси; 4 — сателлит бошчаси; 5 — мшс< ронапчаларшиг Пирл.чшиш жойи; 6 ~ мкронайчалар (Ю. С. Ченцовдан, 1978)>

9 та спицадан таншил топгап. Спицагпаг, ^ар бирп триплетнинг Л мкронайчасига цараб йуналган.

Центриолалар жуфт булиб, узаро бир-бирига перпендикуляр жойлашади ва бундай жойлашиши центриолаларнинг булиниши ва^тида ^утбга тортилганида ^ам са^ланади. Центриолалар у^и булиниш у^ини белгилайди. Центросферада мембрана булмай, у протеинларга бой ва уз зичлиги билан цитоплазмадан ажра-либ туради. Электрон микроскопик текширишлар Центриолалар атрофида диаметри 70 нм ли структуралар — «с а т е л л и т л а р.» борлигини курсатади (24-расм, в). Тахминлар буйича, сателлит-лар Центриолалар активлигига боглиқ булиб, доимий булмаган тузилмадир.

Баъзи юмалоц нополяр ^ужайраларда центриола ^ужайра марказида (Саламандра лейкоцити), купинча эса ядро ва кирит-малар ^исобига бир томонга сурилган булади. Куп ядроли ^ужай-раларда центрола марказда, ядро эса унинг атрофида жойлач шади.

Бу органелланинг ййчйУиГй ва ажратиб центршругалаш кин б^лмаслиги туфайли хужайра марказининг химиявий таркиби цитохимиявий маълумотларга асосланган. Лейкемик миелобласт хужайраларининг центросферасида асосий о^силлар: глюкопро-теид, рибонуклеопротеид куп мицдорда топилган. Одам нерй хужайраларининг хужайра марказида карбонсувлар, 5Н-грул-па ва кислота радикаллари аницланган. ХУ^{жаи} ра марказида нуклеин кислота ҳам куп. Шунинг учун бу структура репродукция цобилятига эга.

Купгина таджик/этчилар центриолаларни базал таначалар би-лан ухшашлиги бор деб таърифлашади. Базал таначалар ёки блефаропластлар оддий хайвонларда ва куп хужайрали организм-да хивчин ва киприкчаларнинг ҳосил булиши билан куринади. Одам эмбрионў юкрри нафас йулларидаги киприкчалар пребазал таначадан, улар эса диплосомадан ривожланади. Сперматогенез даврида ядрога нисбатан дистал жойлашган центриола базал таначага айланиб, ундан эса сперматозоид думи ҳосил булади.

Ю^орида келтирилган далиллар асосида у"тган аср охирида хужайра маркази, хивчин, киприкчалар ва базал таначалар бир хил тузилмадан иборат деган фикр илгари сурилди. Электрон микроскопик текширишлар центриола ва базал таначаларнинг ультра структур а си бир хил эканлигини тасдицлади. Базал таначалар цилиндрсимон булиб (узунлиги 0,5 мкм, диаметри 0,1—0,2 мкм) центриола сингари 9 зич тузилмадан иборат.

Киприкчалар хужайра цитоплазмасининг ингичка цилиндрсимон усири булиб, диаметри 200 нм га тенг. Бу УСИК, асосида!! устки к исмигача плазматик мембрана билан к^эпланган булиб, киприкча марказида мкронайчалар системаси жойлашади. Кип-рикчадаги мкронайчалар системасини аксонема дейилади. Киприкчалар аксонемаси базал танача ва центриола мкронайчалар системасидан фарцли равишда 9 триплетдан иборат булмай, балки аксонема деворини ҳосил қилувчи 9 жуфт периферик ва 1 жуфт марказий мкронайчадан иборат. Умуман киприкчалар мкронайчалар системасини $(9 \times 2) + 2$ деб ёзиш мумкин. Цент-риолада эса бу система $(9 \times 3) + 0$ га тенг. Базал танача ва киприкчалар аксонемаси узвий борлиқ булиб, улар бир-бирига давом этувчи тузилмани ҳосил цилади. Базал таначанинг А ва В мик-ронайчалари

аксонеманинг А ва В микронайчаларидир.

Дужайра маркази митотик аппаратни, шу жумладан, дукчани ва юлдузчани ҳосил цилишда роль уйнайди. ʘозирги вақтда шуниси аниқки, митозда кугбланиш ʘужайра маркази томонидан бажарилади. К, утблар ҳужайра марказларининг бир-биридан цочиши натижасида ҳосил булиб, дукнинг ва хромосомаларнинг жойлашишини белгилайди.

Баъзи тадққотчилар центриола найчалари ва дук фибриллалари диаметрининг бир хиллигига асосланиб, фибриллалар центриола найчаларидан ҳосил булади деб фикр юритадилар.

Х, ужайра марказининг ҳосил булиши ва тарадий этишига оид неча назариялар бор; Булар: а) бирламчи центриолаларнинг

булиниши (куртак бтиши) дан; б) бошқа бирламчи структуралардан ҳосил булади деган назариялардир. Электрон микроскопия билан шурулланувчи купчилик олимлар центриолалар ҳосил булиши куртак отиш йули билан боради, деб ҳисоблайдилар. Янги центриолалар профаза даврида бирламчи центриоланинг бир учидан вужудга келиб кичикрок булади. К>из центриола фацат кечки анафазе даврида етилиб, она структурасига турри бурчак ҳосил қилиб ётади. Центриолаларнинг ҳосил булишида яна бир гипотетик манба булиб, бу — хромосома кинетохорлари (центро-мерлари)дир. Центриолаларнинг кинетохорлардан ҳосил булиши учта тузилмани — кинетохор, центриола ва базал таначани уз-узидан купаювчи бир типдаги структуралар деб фикр юри-тишга асос була олади. Электрон микроскопда текширишлар Нае§ I епа дгйбеп амёбасимон турида центриолалар йуклиги, ле-кин унинг хивчинсимон шаклга утишида бу органелла ҳосил булиши аниқланган. Цитоплазматик доначалардан центриолалар ҳосил булиши ҳам каламуш респиратор эпителийсида- курилган. Эҳтимол, центриолалар уч манба (кинетохорлар, центриола ва базал танача) дан ҳосил булар.

Цитоплазманинг фибрилляр тузилмалари. Цитоплазманинг фибрилляр тузилмаларига йуррнлиги 10 нм келадиган микрофиб-риллалар ва йуронлиги 5—6 нм булган микрофиламентлар киради.


Микрофибриллалар ёки таянч фибриллалар ҳайпон з^ужайраси учун характерли булиб, у асосан эпителий ҳужайраларида ва баъзан глиал ҳужайраларда учрайди. Микрофибриллалар оксил табиатли бўлса керак Улар бир неча юз фибриллалардан таш-кил топган тугамлар г,осил цилиши мумкин, микронайчалар сингари таянч функциясини утайди.

Микрофиламентлар Цитоплазманинг четки юзаларида тугамлар ҲОСИЛ цилиб жойлашади. Уларни амёбалар псевдоподийлари-да ёки ҳаракатдаги фибробластларнинг усикларида куриш мумкин. Охирги вақтларда микрофиламент тугамларида мушак туқи-масининг қисқарувчи элементларидаги сингари актин, миозин, тропомиозин, а-актинин топилган. Микрофиламентлар қисқариш вазифасини бажарса керак

Махсус органеллалар. Баъзи бир ҳужайралар цитоплазмасида махсус органеллалар булиб (масалан, тонофибрилла, миофиб-рилла, нейрофибрилла ва бопхалар), уларни метаплазматик тузилмалар деб ҳам аталади.


Тонофибриллалар ипсимон оксил табиатли структуралар булиб, эпителиал ҳужайраларда учрайди. Электрон микроскоп ости-да улар жуда нозик ипчалар — тонофиламентлардан (диаметри тахминан 6 нм) иборат булиб, десмосомаларда тугайди ва бир з^ужайрадан иккинчисига утмайди. Тонофибриллалар эпителизл ҳужайраларнинг мустаҳкамлигини белгиласа керак («Эпителиал >ужайраларнинг тузилиши» сарлавҳасига ц).

Одам ва ХЗЙБОН организмида ҳаракат асосан мушак туцима фаолияти булиб, бунда улардаги қисқарувчи элемент — *миофиб-риллалар* катта роль уйнайди («Мушак туцимаси» сарлав^асига



25-расм, А. Ер киритма. Осмий кислотаси билан фиксация қилинган. Об. 60, оқ 10.

1 — жигар ҳужайраси; 2 — ядро; 3 — цитоплазмадаги «тончиллири»; 4 — аджайра чегараси.



қ.). Мерв ҳужайраси Цитоплазмасида нозик иплар — *нейрофибриллалар* булади. («Нерв туқимаси» сарлавҳасига қ.). Юқорида келтирилган ҳамма метаплазматик тузилмалар цитоплазманинг дифференцияланиш жараёнида ҳужайраларда специфик функциялар такомиллашиши билан ривожланади.

Эпителиал ҳужайраларнинг махсус органеллари ва структураларига яна *микроворсинка*, («ҳужайра юзасининг махсус тузилмалари» сарлавҳасига қ.), *киприкча* ва *хивчинлар* ки-ради.

ЦИТОПАЗМА КИРИТМАЛАРИ (ЦИТОПЛАЗМАТИКАЕ)

Киритмалар цитоплазманинг доимий булмаган таркибий қисмлари ҳисобланади. Улар ҳужайра ичидаги модда алмашинуви, секреция ва пигмент ҳосил қилиш жараёнлари давоми-

да ва фагоцитоз йули билан ташқи муҳитдан ҳужайрага моддалар

киришидан ҳосил булади.

Микроскоп остида киритмалар ҳар хил зичликдаги гранулар ёки суяқ вакуолалар ҳолида кўринади.

Киритмаларнинг химиявий таркиби турлича. Вир неча группа киритмалар фарқланади.

1. Трофик киритмалар (ёғ томчилари, оксил гранулалари, гликоген тупламлари, витаминлар ва бошқалар).
2. Секретер киритмалар (зимогон гранулалар ва бошқалар).
3. Экскретор киритмалар (ут кислотаси, мочевина ва бошқалар).
4. Пигмент киритмалар (гемоглобин, меланин, липофусцин ва бошқалар).

Оксил киритмалар камдан-кам учрайди. Мисол тариқасида баъзи бир умуртқали ҳайвонлар жигаридаги оксил доналарини ҳамда тухум ҳужайрасидаги мураккаб оксил ва фосфопротеид группаларидан ташкил топган пластинкалар, доначалар, дисклар,



25-расм, Б. Жигар ³ужайрасидаги ёғ киритмаси. Электрон микрофотограмма.
X 35.000

1 — ёғ киритма; 2 — митохондрия.

дуксимон шаклдаги купгина сариклик доначаларини ва бошқа-ларни курсатиш мумкин. Электрон микроскопда олинган маълумотларга Қараганда сархлик таначалари кристалсимон струк-туралар ³осил қилган доначалардан ва таёқчалардан (протеин макромолекулалари) иборат. Купгина олимлар фикрича, сарик-лик доначалари материали рибосомалар иштирокида донатор цитоплазматик тур цистерналарида ³осил булади.

Ёғ киритмалари томчилар шаклида ³ужайраларда нам учрай-ди (25-расм, а, б). Баъзи бир ³ужайраларда эса анча куп йири-лади. Масалан, бириктирувчи туциманинг ёғ ³ужанралари цито-плазмасидаги гигант ёғ томчилари (енгил экстракция қишнувчи нейтрал ёғлар) бунга мисол була олади. Ингичка ичакда ёғ сури-лиш даврида цилиндрсимон ³ужайраларда куп микдорда нейтрал ёғлар йирилзди. Бундан ташқари, ёғнинг тупланиши баъзи бир органларнинг қайта ривожланишида (бузоқ бези, тухумдоннинг сарик ва атретик таначаларида ва бошқаларда) ³амда патологик процесс натижасида Джигар ³ужайралари ва юрак мушаклари-нинг ёғ билан т³йиниши — ёғ дистрофиясида) кузатилади. Липоид киритмалар нейтрал ёғларга нисбатан мураккаб³. химия-вий тузилишга эга булиб, қийин экстракция қилинади. Улар ҳар хил т³қима ³ужайраларида учрайди (масалан, буйрак усти бези-нинг пустлоқ қисмида, олигодендрология

з[^]ужайрасида ва бошқа-ларда).


Электрон микроскопик тадқиқотлар липид томчиларини турли шаклларда булинишини курсатди. Айниқсэ, бачадон, буйрак усти беши пустлоғи қисмида липид киритмалар турли морфологик куринашида булиб, улар турли химиявий таркибга эгадир. Липид киритмалар цитоплазматик тур элементларидан ва рибосомалар-дан кескин ажралиб туради. Бу киритмалар агрануляр цитоплазматик тур каналчаларида ва Гольжи аппарати цистерналарида йирилиши кузатишган. Бу фактлар юқрида келтирилган органелла-ларнинг липид алмашинувидаги ролда мисол булади,

Гликоген	киритмалар	жигар	хужайраси	цитоплазмасида,	Кун-		
даланг-таррил	мушак	толаларида	оддий	микроскоп	бТетйда йириш:		
йирик	тупламлар	х,олида	куринади	(26-расм).	Мушак	толаларида-	
ги	гликоген	энергия	манбаи	з(исобланади).	Нерв	з [^] ужайраларида	
Ниссл	моддасига	яқин	ётувчи	гликоген	з [^] ам	энергетик	вазифани

бажаради.

Адабиётда турли патологик ҳолатларда гликоген миқдорининг ошишини курсатувчи далиллар куп. Мюллер томонидан секретер нерв кесилганда тил ва жар ости безларининг чи[^]арув найлари эпителиида гликогеннинг майда ва йирик гренулаларининг йирилиши кузатишган. Муаллиф гликогенни майда доналар шаклида секретер ва най хужайраларининг базал қисмида етилишини таъкидлайди. Гликогеннинг нозик куринаши фақат охириги йил-ларда — электрон микроскопик текшириш усулларининг такомил-лаштириш натижасидагина мумкин булди.

Электрон микроскопик кузатишлар шуни курсатдики, гликоген Зужайра цитоплазмасидаги майда электрон зич гранула булиб, з[^]ужайра цитоплазмасидагина эмас, з[^]атто ядрога >ам учраши



26-расм. Жигар >ужайрасидаги гликоген киритма. ШИК-реакцияси. ОБ.40, оқ 10.

1—ядро; 2 — гликоген киритма.

(интернуклеар гликоген) мумкин экан (27-расм). Гликоген гра-нулаларининг йирилиши ва парчаланиши агрануляр цитоплазма-тик тур ва эҳтимол Гольжи аппаратида булиши мумкин. Х[^]ужайра ва бириктирувчи туқиманинг хужайра оралиқ структураларининг нормал ҳаёт кечириши учун зарур булган *витамин С* буйрак усти безларида, хрмиланинг нерв [^]ужайрасида ва бошқа органларда махсус усул билан ишлангандагина куринади.

Секретер киритмалар без хужайрасига хос булиб, х,ужайра-дан чиқарилувчи ва организм нормал ҳаёт кечириши учун ута аҳамиятга эга булган моддалардан ташкил топган, Бу киритмалар турли химиявий таркибга эга булади. Секретер гранулалар купинча электрон гомоген моддадан ташкил топган булиб, лмпо-протеид мембрана билан уралган. Электрон микроскоп секретер гранулалар ва вакуо'лаларнинг етилишидаги сифат узгаришларм-ни куришга имкон беради. Электрон микроскопик радиоавтография ёрдамида Нойтр ва Леблонд Гольжи комплексиди мукополи-сахарид типндаги моддалар синтез булишини курсатди. }[^]озирги даврда полпсахаридларнинг фа[^]ат Гольжи комплекси компонент-ларида синтез булиши ва шаклланиши купчилик томонидан тан олинган. Секретнинг етилиш ва чиқарилиш даврида унинг электрон зичлиги узгаради. Бу узгаришни секретнинг шишиши ски кон-денсацияланниши билан тушунтириш мумкин.

Экскретор киритмаларга хужайрадан чиқиши керак булган катаболитик моддалар (буйрак каналчалари хужайрасидаги мочевино ва бошқалар) киради.



28-расм. Пигмент кнрптма. Эпндермнсдаги пигмент хужайра (мслано. Электрон мшфотэттрамма.Х Ю.'600. 1 — ядро; 2 — меланин доначаларн; 3 — тонофламенглф.

уртача электрон зич аморф таянч ктссмдан ва осмиофил донача-лар йириндисидан ташкил топганлиги а н и ц л а н д и. Липофусцин гранулалари липопротеид табиатига эга. Охирги йилларда олиб борилган гистохимиявий ва биохимиявий тадқиқотлар турли хил туцималардаги липофусцинда фосфолипид, кислотали фосфатаза ва носпецифик эстераза борлигини курсатди.

Липофусцинга яқин турувчи пигментлар сариқ ва қизил липо-хромлардир. Липохромларнинг майда томчилари буйрак усти безининг пустлоқ қисми турсимон зонасида, тухумдон сариқ тана-часининг лютеин хужайрасида ва урурдон интерстициал хужайра-ларйда учрайди. Шу гуруҳ пигментларга куз тур пардаси таёцца-ларининг курув пурпури таркибида учровчи ретинин ҳам киради. Гемоглобин парчаланишининг махсулотлари (гематоидин, гемо-сидерин, ферритин) фагоцитоз қилувчи хужайраларда учрайди. Гемосидерин ва гематоидин сариқ, ва кунрир рангга эга. Гемоси-дерин ретикуляр хужайралар томонидан фагоцитоз к^илинган (нобуд булаётган) эритроцит гемоглобинидан ҳосил булади. Шу-нинг учун ретикуляр хужайра цитоплазмасида куп ми^дорда ферритин доначаларини куриш мумкин. Эритробластлар ретикуляр хужайраларнинг ферритин сакловчи қисмини цамраб олади. Ферритин Эритробластлар митохондриясига кириб у ерда йуқолади. Балки ферритин бу ерда трансформацияга учраса керак, чунки ^осил булаётган эритроцит электрон микроскопда курилганда гемоглобин таркибида ферритин курирмайди.

Баъзи бир хужайралар цитоплазмасида махсус киритмалар булнб, улар ^ужайранинг қайси туқимага алоқадорлигига қараб маълум бир функцияни бажаради. Бу киритмаларга қон донадор лейкоцитлари ва сийрак бириктирувчи туқиманинг семиз хужай-ралари ичидаги гранулалар мисол була олади. Нейтрофил лейко-цитларда гранулалар думалоқ ёки овал шаклга эга. Унинг қатта-лиги 0,02 мкм дан 0,5 мкм гача. Базофил лейкоцитда гранулалар юмалоқ ёки йирикроқ — 0,3 дан

1 мкм гача. Иирик эозинофил гранулалар юмалоқ, ёки овал шаклда булиб, катталиги.. 0,7 дан 1,3 мкм гача. Электрон микроскоп -остида бундай гракулаларнинг марказий қисми кристаллоид шаклига эга булиб, концентрик жойлашган, катталиги 4,5 нм келадиган цилиндрлардан иборат («1\0n» сарлав^асига қ.).

ГИАЛОПАЗМА

Гиалоплазма (лотинча *Hyaloplasma* — тиниқ), а с о с и и плазма ёки матрикс, цитоплазманинг органеллалари ва киноритмаларисиз асосий қисми булиб, у хужайранинг аслички му^итидир.

Электрон микроскоп остида гиалоплазма гомоген ва майда донатор тузлишга эга. Цитоплазманинг физик-химик хусусиятларини урганиш гиалоплазманинг мураккаб коллоид, система эканлиги тасдиқлайди. Гиалоплазмада турли биополимерлар: ОКСИЛ, нуклеин кислота, полисахаридлар ва бошқа моддалар булади. Бу система золь (суяқ) ҳолатдан гел х^олатига ёки аксинча, гел ҳолатдан золь ҳолатга ўтиши мумкин.

Электрон микроскопик тадқиқотлар гиалоплазма тартибли жойлашган кўп таркибли система эканлигини кўрсатди. Гиалоплазма тузилмаларсиз модда кўринса ҳам унда фибриллар, ип-симон оқсил молекулалар комплекси ҳосил бўлиши ёки парчала-ниши мумкин. Масалан: оқсил тубулинларининг айрим молекула-ларини гиалоплазмада маълум шароитда найсимон структурага айланиши ёки парчаланиши аниқланган. Гиалоплазмада гликоли-тик ферментлар, карбонсув метаболизи ферментлари, оқсил ва липид метаболизмининг ферментлари, РНК ва турли ионлар уч-райди. Гиалоплазма з^ужайранинг турли тузилмаларини узаро борлайди. ^ужайра учун зарур бўлган моддаларнинг ҳаммаси, хусусан, аминокислоталар, ёғ кислоталари, нуклеотидлар, карбонсув, турли ионлар, АТФ з^ужайранинг турли тузилмаларига гиалоплазма орк^али етказиб берилади.

^УЖАЙРА ЯДРОСИ

Ядро (юнонча *кагуон*; лотинча *нислеиз*) термини 1833 йилда Броун тарафидан киритилган булиб, у усимлик з^ужайраларидаги шарсимон доимий тузилмаларни шу ном билан атаган.

Ядро з^амма эукариот (юқори усимлик ва з^айвон) з^ужайраларида булади. Тубан (ядроси ^али з^осил булмаган) прокариот организмларда ядро функциясини нуклеотид утайди. Ядро ва унинг урнини босувчи структураларнинг асосий функцияси ^ужайранинг наел материалини сақлаш ва репликация қилишдир. Ядро фақат эритроцитларда (қизил қон з^ужайраларида) булмайди. Эритроцитлар юқори ихтисосланган хужайра булиб, дифференцировка ва^тида уз ядросини йўқртади. Ядронинг шакли ^ужайра шаклини қайтаради. лекин нотурри формада~ҳам бўлиши мумкин. Шарсимон, кубсимон ва кўпқиррали з^ужайраларда ядро юмалоқ шаклга эга. Призматик, цилиндрсимон, дуксимон ^ужайраларда ядро узун эллипсоид, ясен ^ужайраларда эса дуксимон булади. Нотурри шаклдаги ядроларга баъзи бир лейкоцитларнинг ядроси мисол булади (та^асимон ва парраксимон). Ядро ^ужайрада асосан битта (бир ядроли з^ужайра) ёки иккита (икки ядроли >^ужайра) булади. Кўп ядроли хужайралар ёки симпластлар ҳам мавжуддир.

Ядронинг катталиги турлича булиб, 4 мкдан (сперматозоид) 40 мкм гача (тухум хужайра) боради. Ядро улчамн цитоплазма улчамига кўпинча турри пропорционал булади. Ядро ва цито-плазманинг з^ажм нисбати ядро-плазма нисбати деб аталади.

Ядронинг з^ужайрада жойлашиши з^ар хил булиб, з^ужайра-нинг фаолияти ва шаклига боғлиқ булади.

Без з^ужайраларида ядро з^ужайранинг базал қисмида жойла-шиб, апикал қисми секрет билан банддир. Дифференциаллашма-ган хужайрада ядро геометрик марказда жойлашади. Ядро цуйи-даги асосий структур компонентлардан иборат (29, 30-расмлар).

1. *Ядро крбиги*. 2. *Хроматин структуралари* (хроматин, хромосома). 3. Бир ёки бир неча *ядроча*. 4. *Кариоплазма* (ядро шираси).



29-расм. Ядронинг электрон микроскопик тузилиш схемас

1 — ядро қобиғи; 2 — ядро тешиклари; 3 — карноплазма; 4 — хроматин; 5 — ядроч; 6 — ннтерхроматин доначалар; 7 — (ps)(px)-п.дг.н доЕгачалар; 8 — спирал тапача. (Моплегон, Ввгпльк, 1969).

Ядронинг асосий компо-нентлари, хромосомалар ДНК дан иборат • булиб, узида генетик информация-ни саклайди. ДНКдан таш-қари хужайра ядросида 3 хил: информация, рибосо-мал ва транспорт РНК бор. Хужайра ядроси таркибида яна гистон типидаги оксил-лар булиб, ДНК билан туз-лар типидаги бирикмалар ҲОСИЛ цилади. Шунинг билан бирга ногистон типидаги қолдиц оксиллар ҳам мавжуд. Улар суюлтирил-ган туз еуюқликлариди эри-майди. Ядрога бир қанча ферментлар—АТФ-аза, гли-колитик ферментлар бор, лекин оксидланиш фермент-лари учрамайди. Гистохимиявий ва биохимиявий усуллар ор^али ядрога о^-силлар билан липопроteid ва липонуклеопротеидлар ҳолида бириккан липидлар топилган. Улар ядро ^уруц огирлигининг 10—20% ни ташкил килади.

Ядрога кальций, магний, натрий, фосфор, темир, рух, мис, кобальт ва бошда элементлар хам топилган.

Ядро (кариолема). Ядро цобиғи-нинг мавжудлиғи оддий

(ёрурлик) микроскоп остида курилган зди. Электрон микроскоп ядро қобири мураккаб тузилишга эғалигини курсатди. У икки мембранадан ташкил топган булиб, ҳар бирининг қалинлиғи

10 нм ва аниқ 3 қаватдан тузилган. Ички ва ташқи ядро цобиғи

орасида 10 — 30 баъзан 100 нм га тенг перинуклеар бушлик^ булади (29, 30-расмларга ^.). Ядронинг ташқи қобиғи цитоплаз-

матик тур мембранасига утади. Ядро қобирининг х^ар бир

мембрана-наси бошқа хужайра мембраналари сингари оксил ва липиддан ташкил топган. Ядро қобиғининг узига хос хусуслади куп мик-дорда ядро тешикларининг булишидир. \.....-


Тешикларнинг диаметри уртача 80—90 нм. Тешиклар атрофи-да ядро қобири мембраналари узаро бирлашади. Тешиклар му-



30-расм. Ядро. Меъда ости без ацимар -чужайраси. Электрон мнхрофот.-грамма. X15,000.

раккаб тузплишга эга булган глобуляр, ва фибрилляр тузлмалар оиланг-у'лгам.

Ядро тешкклари билан бу тузилмаларни ўшиб ядро тешиклари комплекси деб юритилади. Бу комплекс октогонал тузлшга эга булади. Ядро тешиги деворини ҳосил қилувчи ядро ўоонрида уч қатор доначалар жонлашади. Дар бир қатори 8 тадан донача тутади (31-расм). Биринчи қатор доначалар ядро шираси тарафида, иккинчиси цитоплазма тарафида, учинчи қатор доначалар эса тешикнинг марказида ётади. Доначалар катталиги 25 нм га тенг. Бу доначалардан фибрилляр тортмалар чиқиб тешик марказида жойлашган марказий гранулага келиб бирлашади. Вир ядрога тахминан 12000 тешик бор ёки 1 мм² га 45 та тешик турри келади. Тешиклар сони ҳужайранинг функционал активлигига борлиқ.



31-расм. Ядро тешигининг тузилиш схемаси.

1 — перинуклеар б'шлик; 2 — ички ядро қобиғи; 3 — ташқи ядро қобиғи; 4 — периферии доначалар; 5 — марказий донача; 6 — доначалардан тарқалувчи фибриллалар; 7 — диафрагма. (А — Ргайбе, 1970; Б — Кау, Лобпақш, 1972).

Цитоплазма билан ядро алоқаси оддий эмас. Уатто майда ионлар — K^+ , Ca^{++} ядро қобиридан эркин утолмайди. Na^+ , K^+ ионларининг миқдори буйича ядро хужайра оралик моддасига ярашади. Ядро қобирининг цитоплазматик тур мембраналарига қадар давом этиши, ядро билан цитоплазманинг узаро ионлар билан алмашилишига имкон яратади. Цитоплазматик турнинг баъзи бир булимлари плазматик мембрана билан алоқа қилади, деган далиллар ҳам бор. Шунинг учун бўлса керак баъзи бир бўёқ, моддалари ядрога хужайрани буямасдан ута олади.

Ядро қобирининг утказувчанлиги, наел информациясини ядро-дан цитоплазмага юзори полимер РНК орқали утиши туррисидаги замонавий билимлар алоҳида аҳамиятга эга. Бир томондан, ионларнинг майда молекулалари учун бу тешиклар утиб булмас чега-ра бўлса, иккинчи тарафдан, катта молекула информация РНК ядродан цитоплазмага ута олади.

Цитоплазмадан ядрога цитоплазмада синтезланувчи ва ядро-

ни энергия билан таъминлашда керак булган мононуклеотид трифосфатнинг катта молекулалари утади.

Аминокислоталар, пурин ва пиримидин асослар, АТФ ядрога актив транспорт йули билан утади. Баъзан ядродан цитоплазмага ядро моддасининг ажралиб утиши мумкин деган фикр бор. Уз навбатида ядро қобирида ботиқлар пайдо булиб, худди фагоцитоз каби цитоплазма моддасини к амраб олади.

Ядро қобири цитоплазматик тур хосил булишида иштирок эта-де; деган фикр ҳам бор. Профазада ядро қобири фрагментацияга учраб, донадор эндоплазматик тур билан бирлашади. Телофазада эса қобиқлар қайтадан цитоплазматик тур элементларидан хосил


Хроматиннинг хроматин тури интерфазадаги ядронинг ипсимон чузилган хромосомаларидан иборат. (29, 30-расмлар-га қ.). Интерфазада хроматин буёқни яхши қабул қилманди, оддий (ёрурлик) микроскоп остида нозик ипча шаклида қуринади. Хроматиннинг асосий цитохимик белгиси унда ДНКнинг булиши-дир. Интерфазадаги ядро ДНК си асосан ДНК учун хос булган Фельген реактиви билан буялганда яхши билинади.

Фельген реакциясининг интенсивлиги ДНК миқдорига турри пропорционал. Оптик зичликнинг узаришини урганиш орқали структурадаги ютувчи модданинг миқдорини аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, хужайрадаги купгина химиявий компонентларни миқдорий анализ қилиш мумкин булгандай цитоспектрофотометрия усули орқали ҳар бир хужайрадаги ДНК миқдорини аниқлаш мумкин.

Ядронинг интерфаза даврида ишқорий бўёқлар билан яхши буялувчи қисмлари (спирализация натижасида), Гейтц томонидан 1928 йилда гетерохроматин булимлар деб номланган. Бу булимлар хромосомаларнинг бошқа қисмлари, эухроматиндан кескин фарқланиб туради (30-расмга қ.). Эухроматин қисмлари интерфазадаги ядро хромосомаларининг деспирилизациясига учраб нозик тур хосил қилган булимларидир.

Хромосомаларнинг гетерохроматин булимлари яна хромо-центрлар деб номланиб, улар ядрога бирлашиб кетганлиги туфайли ядрога хроматини деб ҳам айтилади. Олимларнинг фикрича, хромосомалар анчалик купроқ деспирилизацияга учраса, улар шунчалик синтетик жараёнда активроқ иштирок этади. Хроматиннинг гетерохроматин қисмлари хромосоманинг теломерлар, центромерлар соқасига турри келади. Гетерохроматин қисмлари актив булмаса ҳам бу қисмлар эухроматин қисмлари функциясига кучли таъсир қилади. Ҳозирги вақтда структур ва факультатив гетерохроматин фарқланади. Факультатив гетерохроматин вақтинчалик конденсацияга учраган хроматин булиб, структур гетерохроматин эса доимо конденсация ҳолатида булади. Структур гетерохроматин функцияси хозирча номаълум.

Тн д р о ч а . Ядро базифил буялувчи гомоген тузилишга эга булган битта ёки иккита ядроча бор. Ядрочалар фак ат ядронинг эмас, балки бутун хужайранинг энг зич қисми ҳисобланади. Электрон микроскопик тадк_икотлар ядроча ипсимон куриниш-




33-расм. Хужайранинг митоз усули билан булиниш ехемаси.

1, 2-интерфаза; 3, 4 - профаза; 5 - метафаза; 6 - анафаза; 7, 8 —телофаза (Мэзиядан).

Пийэ пусти. Те-мирли гематоксилин билан буялган. А —об. 60, оқ 10-Б — об. 40, оқ 10.

1-профаза; 2 — метафаза; 3-анафаза; 4 — телофаза.



78

М и т о з жараёнининг узида 4 фаза фарк қилинади (33, 34-расмлар).

Профазада хромосомаларнинг конденсация булиши ва миго-тик аппаратнинг шаклланиши кузатилади. Хромосомалар каттала-шади ва йугонлашади. Бу ҳодиса 5 даврида ҳосил булган хроматидларнинг спиралланиши билан тушунтирилади. Спирализация процессида хроматидларнинг бири-иккинчиси атрофида айланмай, балки ҳар бири узида спирал ҳосил қилади. Шунинг учун улар митознинг кейинги фазаларида енгил ажралади. Профазанинг охирида Хромосомалар жуфт хроматидлардан ташкил топади.. Хромосомаларнинг катталаниши ва йугонлашиши билан бирга хроматидлар центромерлар деб аталувчи маълум булимлари билан бирлашади. Профаза охирида Хромосомалар булинаётган ядронинг экваториал юзасида жойлашиб, булиниш дукчасини ҳосил қила бошлайди (34-расм, а ва 35-расм, а). Дук икки типдаги ипчалардан — қутбларни бирлаштириб турувчи марказий ва қутбларни хромосома центромерлари билан бирлаштириб турувчи хромосом ипчалардан ташкил топган. Электрон микроскопия митотик аппарат ипчаларни зич деворли найчалардан ташкил топганлигини кўрсатади. Уларнинг диаметри 20 нм, девор қалинлиги 4—5 нм.


Ҳайвонларда центриолалар орасидаги дукча центриолалар ядронинг бир томонида ётганда ҳосил булади. Сунгра центриола-лар ядронинг қарама-қарши қутбларига қараб силжийди. Бу

34-расм. В. Ҳайвон зўжайрасидаги митоз. Ингичка ичак криптаси Гематоксилин-эозин билан бўялган Об. 40, оқ 10.

1 — бошланғич телофаза; 2 — кечки телофаза.



79



35-расм, А. Митоз булиниш. Профаза. Нингчқа пчак ьриптасн. . 1—ядро қобиғи қолднцлари; 2 — хромосомалар; 3 — цитоплазма.

вақтда дукча катталашиб, ядро сохасини эгаллаб олади. Профаза учун ядрочанинг йуқолиши ва ядро қобирининг эриши характерлидир. Электрон микроскопик кузатишлар митоз даврида ядро қобирининг булакчалари йуқолмай, балки цитоплазматик тур мембраналарга айланишини курсатди. Митоз охирида ядро қобири донатор цитоплазматик тур мембраналаридан ^айта з^осил булади.

Метафазада бутунлай шакланган хромосомалар экваториал юзада жойлашган булади (34-расм, а ва 35-расм, б). Хромосо-



35-расм, Б. Митоз булиниш. Метафаза. Хромосомалар экваторда жойлашга:!. Имгичка ичак криптаси. Электрон микрофотограмма. X 12-000.

1 — хромосомалар; 2 — митохондрия.

маларнинг дукка қараб ҳаракат қилиши хромосома центромерларнинг митотик аппаратнинг хромосома ипларга бириктирилиши билан тугайди (экваториал пластинка ёки оналик юлдузи). Метакинез (хромосомаларнинг дукка ҳаракати) натижасида хромосомалар дук ипчаларига нисбатан перпендикуляр ётади, хромосомаларнинг бундай жойлашиши уларнинг сонини, шаклини ва катталигини аниқлашга ёрдам беради. Ҳар бир тур мавжудот-да маълум сондаги хромосомалар бор. Худди шу фазада ҳар бир хромосома бир хил икки нусхадан — хроматидадан ташкил топганлиги қурилади.

Анафаза — хромосомалар хроматидаларининг бир-биридан ажралишидан бошланади. Бу вақтда Ҳар бир хромосома ҳосил қилган қиз хромосомалар (хроматидалар) қарама-қарши қутбга қараб ҳаракат қилади. Бу тарзда «қиз юлдузи» шаклланади (34-расм, б ва 35-расм, в). Хромосомаларнинг ҳаракати бир хилда — синхрон кечади. Бу ҳаракат механизми ҳали номаълум.

Телофаза — митознинг охириги даври. Унинг бошланиши, хро-

мосомаларни дукнинг (ҳужайранинг) қарама-қарши қутбларига етишига турри келади. Телофаза гуё профазанинг тескараси бўлиб, ҳамма процесслар тескари тартибда кетади. Дук йўқолади, буралган хромосомалар ёйилиб, узунлашади. Қиз ядролар қайта-дан тикланади, ядроча ва ядро қобири ҳосил булади (34-расм, б, в ва 35-расм, з). Митотик аппарат парчланади ва ҳужайра танасининг булиниши рўй беради (дихотомия ёки цитокинез). Қиз ҳужайралари ядроси интерфазадаги ҳужайраларга хос тузилишга эга булади. Цитотомия механизми ҳали етарли урганilmagan.

Хромосома (юнонча спгота — ранг, кота — тана) ядро хроматинидан ташкил топган бўлиб, ҳужайраларнинг ирсий белгиларини сақловчи субстратдир. Ҳар бир хромосома узунаси бўйлаб иккита морфологик бир хил тузилган *хроматида*-, *лардан* ташкил топган. Хроматидалар эса фибрилляр суббирликлар *хромонемадан*, хромонема эса *хромофибриллалардан* иборат. Ҳар хромофибриллаларни фақат электрон микроскоп остида қуриш мумкин. Улар ДНК молекулаларидан ташкил топган бўлиб, ҳар

жуфт ДНК спирали 1 тартибли хромофибриллани ҳосил қилади. Икки I тартибли хромофибрилла эса II тартибли хромофибриллани ва ҳажзо ҳосил қилади. Хромонема эса п-тартибли 2 та хромофибрилладан иборат.

Шундай қилиб, хромосома, хроматида, хромонема, хромофибриллаларнинг асосий структур бирлиги ДНК молекуласидир. Хромосомаларда узунлиги бўйича бўялувчи цисмлар — хромомерлар (ёки дисклар) ва бўялмайциган цисмлар — хромомерлар ораси-даги қисмлар фарқи кўринади.

Ҳар бир гомологик хромосомалар — маълум бир мунтазам тузилишига эга. Хромосомаларнинг тузилиши маълум турлар учун доимий. Хромосомаларнинг шакли бирламчи тортманинг жойлашишига,

яъни хромосома икки елкасининг бирлашиш урни-га борли[^]. Хромосомаларнинг бу ери оч булиб, унда маълум структура — *центромера* (кинетохор ёки киномера) жойлашади.

Митознинг анафаза даври Хромосомаларнинг морфологик тузилишини урганиш учун кулай. Метафаза ва анафазадаги кури-нишга қараб хромосомалар 3 типга булинади: 1) *acrocentрик* — киск³, баъзан яхши кури-нишда икки елкали таёқчасимон хромосомалар; 2) *submetacentрик* — турли узунликдаги елкали Ъ кури-нишда эслатувчи хромосомалар; 3) *metacentрик* У-симон, елкалари тенг ёки деярли тенг хромосомалар.

Хромосомаларнинг катта-кичиклиги турли ҳайвонларда кенг доирада фарқ к,илади. Одатда одам хромосомаларининг узунлиги 4—6 мкм атрофида. Турли ҳужайраларда хромосомалар сони ҳар хил булади. Одам соматик ҳужайраларида сони жуфт, яъни дил-лоид 46 хромосома бор. Жинсий ҳужайралар якка, яъни гаплоид хромосомалар тупламини сақлайди (одамда 23 та). Икки гамета-нинг (эркак ва аёл) бирлашиши натижасида гомологик хромосомалар кушилади ва диплоид туплам хромосомаларини ҳосил ци-лади, улар кейинги ҳамма соматик ҳужайраларга берилади-

Ҳужайранинг хромосома туплами фақат оддий хромосомалар-ни (*аутосомаларни*) ушлабгина қолмай, ундан морфологик жи-[^]атдан ва уз хусусияти билан фарқ этадиган камида яна битта хромосома ушлайди. Бундай хромосомалар қушимча хромосома ё аллосома ёки гетерохромосома ё булмаае, *жинсий хромосомалар* дейилади. Жинсий хромосомалар тузилиши буйича. 2 турли булади. Эркалар соматик ҳужайраларида Х- ва У-хромосома, аёл организмда эса иккита бир хил жинсий хромосомалар учрайди (XX). Сперматозоид ва тухум ҳужайра ядролари бирлашганда урурланган тухум ҳужайра битта Х-хромосомани спермато[^]айд-дан, иккинчи Х-хромосомани эса тухум ҳужайрадан оладй. 1949 йилда Барр ва Бертра-м ургочи мушукнинг нерв ҳужайралар ядро-сида эркак мушук ядросида учрамайдиган кичик хроматин тана-чалар борлигини курсатишди. Кейинчалик бундай таначалар аёл нейтрофил ҳужайрасида «барабан таёқча» шаклида булиши аниқ-ланди. Ҳозирги даврда жинсий хроматин аёл (Х-хроматин, Барр таначаси) организмнинг деярли ҳамма ҳужайраларида топил-ган. Маълум булишича, икки Х-хромосома ушловчи аёл соматик ҳужайраларида икки Х-хромосоманинг бири хроматин таначалар шаклида жойлашар экан (шунинг учун бир Х-хромосома тутув[^]н эркак соматик ҳужайраларида бу танача топилмайди), Х-хромосомалар сони узгариши билан борлик, булган генетик касаллик-ларда бу таначалар сони ортади.

Митотик активликнинг бошқарилиши. Ҳужайранинг митоз дав-рига утиши модда алмашинувидаги узгаришлар билан боғлиқ бўлса керак Митознинг бошланишида асосий ролни ДНК синтези уйнайди, лекин бу процесс митозни аниқламайди. Чунки ДНК синтези митозсиз ҳам тугаши мумкин. Организмда ҳужайра бу-линиши купгина факторлар билан бош[^]арилиб турилади. Митотик активликни регуляция цилишда гормоннинг роли катта.

Ҳужайранинг регуляция қилувчи турли факторларга жавоби унинг функционал ҳолати, дифференцировка даражасига ва ёши-га боғлиқ. Сутка давомида ҳужайра булинишининг тезлиги бир хил булмайди. ҚИЗИРИ шундаки, кундузги ва кечки ҳайвонларда митознинг сутка давомида узгариши турличадир.

Мейоз. Мейоз митознинг алоҳида тури. Мейозда кетма-кет 2 марта булиниш натижасида хромосомаларнинг сони 2 баравар камаяди. Биринчи митотик булинишда гомологии хромосомалар яқинлашади (конъюгация) ва кугбларга ҳар бир гомологии жуфт-дан бутун хромосомалар утади.

Иккинчи булинишда худди митоздаги сингари кутбга ҳар бир хромосомадан хроматидлар кетади. Мейоз йули билан жинсий ҳужайралар ҳосил булади.

Гаплоид туплам хромосомаларга эга булган сперматозоид ва тухум ҳужайралари кушилиши натижасида диплоид туплам тик-ланади («Сперматогенез ва овагенез» сарлавҳасига қ.).

Эндомитоз. Митоз ва мейоздан фарқли равишда эндомитозда янги ядро ҳосил булмайди ва ҳужайра булинмайди.


Эндомитозда хромосомаларнинг узгариши ядро қобири бузил-май давом этиб, хромосоманинг спираллақ-ишидан ошланади. Бу даврда хромосомалар яхши кури-нишда — эндoproфаза.

Эндоанафазада хромосомалар хроматидларга ажралади. Эндо-телефазада ажралган хромосомалар деспирализацияга учрайди. Эндомитоз натижасида ядрогаги хромосомалар сони 2 марта купаяди ва ядро полиплоид булиб қолади. Полиплоидияда хромо-¹ сомалар сони уч, турт, беш марта ҳам ошиши мумкин. Полиплоидия усма [^]ужайраларида патологик ҳолатларда ёки гибридизация натижасида ҳосил булади. Шундай қилиб, эндомитозда бутун [^]згаришлар митотик аппарат ҳосил булмай, ядро қобирининг са!¹-ланиши билан кечади.

Амитоз. Амитоз булиниш ёки ҳужайранинг турри булиниши хромосомаларнинг спирализацияланишисиз ва митотик аппарат-нинг 5[^]осил булишисиз кечади (36-расм). Амитоз булиниш 1841 йилда Ремак томонидан ёритилган булиб, «амитоз» термини эса Флемминг томонидан 1882 йилда киритилган. Амитоз булинишда ядрога узунлашади ва сунгра иккига булинади. Ядрога булинган-дан сунг ядро х ам иккига булинади. Ядро булиниши цитоплазма булиниши билан ҳам тугалланса, бу ҳолатда икки янги [^]ужайра [^]осил булади. Баъзи ҳолатларда ядро уртасида тусикча («ядро пластинкаси») х[^]осил булиб, ядро иккига булиниши мумкин. Ядро булиниши жараёи цитоплазма булинишисиз кечса икки ядроли ҳужайра з[^]осил булади. Амитоз булинишда ядро интерфаза хола-тида булиб, ҳужайра уз функциясини бажараверади.

Амитотик булиниш купчилик органларда топилган ва бу булиниш 'ҳужайраларнинг яшаш мухитига борлик бўлса керак Кунда-ланг-гаррил мушак туқимасининг денервациясида, механик жаро-[^]атланганда ёки баъзи бир бошқа таъсирларда мушак туқимаси-да амитотик булинишни кузатиш мумкин. Амитотик булиниш кундаланг-таррил мушакнинг тараққиёти даврида ёки жигар ҳужайраларида ҳам[^]кузатилади. Баъзи [^]олларда митотик булиниш амитотик булиниш билан алмашилиши мумкин. Митотик були-нишда[^]н фарқли равишда ДНКнинг янги ҳосил булган ядроларда тенг та[^]симланиши амитоз булинишда баъзи ҳолатларда булади холос. Амитоз булиниш натижасида ҳосил буладиган 2

ядроли хужайралар нормал диплоид ядроли хужайраларга нисбатан куп-



36-расм. Амитоз (схема).

1 — цитоплазма; 2 — ядро; 3 — мембрана хужайра.

роқ ДНК сақлайди. Баъзи муаллифларнинг фикрича амитоз булиниш полиплоид хужайралар ҳосил булишининг бир усулидир. Амитоз булиниш юқрри ихтисослашган митотик булиниш хрлатини йук/лган хужайранинг функционал активлигини ошириш усули бўлса керак, чунки бу булинишда ядро сатҳи ошиши натижасида хужайранинг ишлаши учун шароит яратилади.

ХУЖАЙРА ФИЗИОЛОГИЯСИ

Хужайра — куп хужайрали организмнинг элементар қисми-дир. У биологик система булиб, танҳи муҳит билан унинг уртаси-да доимо модда ва энергия алмашиниб туради. Куп хужайрали организмда хужайра учун ташқи муҳит булиб хужайра ташқари-сидаги суюқлик ҳисобланади.

Куп хужайрали организмда ҳар бир хужайра узининг модда алмашинуви даражаси билан фарқ/таниб туради. Ташқи муҳитдан Хужайрага, хужайра ичи тузилмаларини ҳосил қилишда иштирок этадиган пластик ҳамда хужайрада парчаланиб энергия берувчи моддалар ва кислород киради. Юқорида айтилган моддалар ҳамда сув, ионлар, витаминлар, гормонлар (хужайра функциясини бошқариб турувчи) хужайрани таъминлаш учун муҳитдан ажратиб турувчи плазматик мембрана орқали актив ва пассив транспорт нули билан хужайрага киради. Худди шу йул билан хужайра мета-болизм маҳсулотлари хужайрадан ташқарига чиқарилади. Моддаларнинг хужайра ичига актив кириши (моддаларнинг йирили-

ши) ва ташқарига чиқарилиши (секреция ва экскреция) энергия сарф булиши билан кечади. Куприна хужайра мембраналарида шу процесси таъминловчи АТФ-аза системаси яхши ривожланган булади. Моддаларнинг хужайра ичига киришида хужайра орғанеллари, хусусан, цитоплазматик тур ва Гольджи комплекси ҳам иштирок этади.

Фагоцитоз. Куп хужайрали организмнинг зарур моддаларни эритмалар холида олади. Плазматик мембрана орқали ҳатто йирик молекулаларнинг хужайра ичига кириши ҳам электрон микроскопда курилган.

Баъзи бир хужайралар эса *цитотик моддаларни* ташқарига ютиш қобилиятига эга. Бу жараён фагоцитоз деб номланади, буни биринчи марта Н. Н. Мечников томонидан утган аспергилларнинг фагоцитоз қобилияти бириктирувчи тукчалари макрофагаларида, жигар синусоид капиллярида, телиал суюқлик хужайраларида, буйрак усти беши, гипофиз, кон ишқорчи органларнинг ретикуляр хужайраларида (суяк кумиги, талоц, лимфа тугу-пи) ҳам бо'р. Бу хужайраларнинг аммаси ретикулоэндотелиал системага киради.

Фагоцитоз кетма-кет буладиган 4 фазадан иборат: 1) фагоцит ва фагоцитоз қилинувчи, модданинг узаро яқинлашиши. Бу — фагоцитознинг моддага нисбатан хемотаксиси билан белгиланади; 2) фагоцит ва фагоцитоз қилинувчи модданинг жуда яқинлашиши (атракция даври); 3) модданинг ютилиши; 4) хазм қилиниши.

Моддаларнинг фагоцитоз қилиниши фагоцит плазматик мембранасининг инвагинацияси орқали руй беради. Ютилган моддалар гидролитик ферментларга бой лизосомаларда парчланади.

Пиноцитоз. Каттик моддаларни фагоцитоз қилишдан ташқари хужайра суюқ моддаларни ҳам ютиши мумкин. Бу процесси биринчи марта Льюис кузатган (37-расм).

Электрон микроскопда охириги йилларда олиб борилган текширишлар пиноцитоз процессида хужайра плазматик мембрана-сининг аҳамияти катталигини курсатди. Суюқлик томчиси хужайра мембранасининг бир қисми билан урилиб, цитоплазмага утади ва у ерда хужайра қобирдан ажралади. Шундай қилиб, пиноцитоз пуфакча девори плазматик мембранадан ташқил топган.

Пиноцитоз механизми қуйидаги фазаларни уз ичига 9^{ла}Д^и: 1) ташқи цитоплазматик мембрана инвагинациясининг ҳосил бу-лиши; 2) шу инвагинацияларга сукмушқ томчисининг ютилиши; 3) пуфакчаларнинг цитоплазма ичига утиши ҳамда цитоплазма-тик вакуоаларнинг ҳосил булиши. Пиноцитозга яқин процесс рофеоцитоз булиб, бунда субмикроскопик заррачалар ва макромолекула ютилади. Рофеоцитозни пиноцитоздан фарқли равишда фа^{ат} электрон микроскопда куриш мумкин.

Хужайранинг таъсирланувчанлиги. Ю^{орида} айтиб утилгани-дек, хужайра очик система булиб, у ташқи муҳит билан доимо алоқда булади. Дужайра температура, химиявий таркиби ва бошқа муҳитларнинг узгаришига узига хос таъсирланиш билан жавоб беради. Х,ужайранинг бу универсал реакцияси х у ж а й-

р а н и н г т а ь с и р ч а н л и г и дейилади. [^]ужайрада у ёки бу узгаришларга олиб келувчи фактор эса таъсирловчи ҳисоб-ланади. Дужайранинг таъсирловчи факторларга булган жавоби унинг компонентларининг функционал ва морфологик узгариш-лари орцали ифодаланади.

Агар таъсирловчи факторга жавобан хужайра тинч ҳолатдан узига хос булган функцияни, секреция, утказувчанлик, қисқариш ва бошқаларни бажаришга утса, бунга х у ж а и р а қ у з г а л у в - ч а н л и г и деб аталади.

[^]ужайра қузгалувчанлиги таъсирланувчанликнинг юқори фор-масидир. Дужайра узи учун адекват (моё) таъсирдан ташқари нормал ҳолатда учрамайдиган ва унинг учун фавқулдда булган таъсирловчи факторларга дуч келади. Бу турдаги қузгатувчилар-га ионловчи нурлар, температура, механик ва бошқа таъсирлар киради. Табиийки, таъсирловчи факторлар турли вақт давом эт-гани сингари, хужайранинг уларга жавоби ҳам [^]ар хилдир.

йирик совет цитологи Д. Н. Насонов ва унинг укувчилари узок, йиллар давомида хужайранинг турли таъсирларига жаво-бини урганишган: Бунинг натижасида Д. Н. Насонов паранек-роз концепциясини яратдилар. [^]ужайрага турли факторлар (температура, ионловчи нурлар, гипоксия ва боихалар) таъсир қил-ганда [^]ужайранинг уларга жавоби принципиал бир хил булади. Бу узгаришлар ядро ва цитоплазма коллоиди дисперслигининг узгаришидан иборат. Цитоплазманинг ёпишқоқлиги, буёк, билан буялиши ошади, унинг муҳити узгаради. Бу узгаришлар йири-н-дисига п а р а н е к р о з дейилади. Паранекроз бошланиш даври-да таъсирланиш тухтатилса, ор^{ага} қайтади.

Узок, ва кучли таъсирланиш натижасида хужайра нобуд булади. Паранекроз хужайранинг улими — некрозга утишда бир босқич ҳисобланади.

<i>ужайра</i>	органеллалари	шикастловчи	таъсирларга	турлича
сезпи билан жавоб беради.	Энг сезгир таъсирларга турлича			митохон
дрия, Гольжи комплекси, силлик цитоплазматик тур мембранала-				
ри, ^з ужайра к,обигининг махсус структураларидир.				Грануляр цп-
топлазматик тур, ядро қобиғи шикастловчи таъсирларга анчагина				

чидамли булади.

Хужайра [^]аракати таъсирот билан узвий боғли,[^] булиб, ҳара-кат таъсирчанликнинг ташқи куринишидир. [^]аракат хужайра ичида модда алмашинувининг узгариши натижасида ҳосил булади. [^]аракатнинг энг оддий тури *циклоз* ҳисобланади. Бу ҳаракат-да протоплазма ичида органеллаларнинг ва бошқа тузилмалар-нинг силжиши кузатилиб, хужайра ташқи тарафдан ҳаракатсиз куринади. Бу ҳаракатга мисол қилиб митоз булиниш даврида центриолаларнинг ва хромосомаларнинг силжишини олиш мум-кин. Протоплазма ёпишқоқлигининг ошиши (зольдан гелъ ^{олат}-га утиши) ҳаракатни секинлаштира, ёпишқоқлигининг пасайиши (гелъдан зольга утиши) циклозни кучайтиради.

Амёбасимон %аракат бир хужайрали ҳайвонлар билан куп ^у-жайрали ^{ай}вонларнинг баъзи хужайраларига хосдир. Амёбасимон [^]аракат қилиш оқ қон таначалари — лейкоцитларга, бврик-тирувчи тупима хужайралари — макрофагларга тааллуқли бўлса ҳам, аммо регенерация даврида организмнинг мутлоқ купчилик хужайралари шу йул билан ҳаракат қилиши мумкин. Амёбасимон ҳаракат даврида хужайралар ёлроноёқ (псевдоподия) ҳосил қи-либ, шу ёлроноёқларга хужайра танасининг борлиқ тузилмалари куйилади. Натижада хужайра ёлгоноёқ узунлиги буйича ҳаракат ^{илади}.

Киприкчалар ва *хивчинлар* ёрдамида [^]аракат цилиш ва ҳай-вон ва усимлик хужайраларида кузатилади. Нафас йулларидаги киприкчалар х,аракати натижасида бу йулларга тушган ёт мод-далар тапҳарига чиқариб юборилади. Бачадон найларидаги кип-рикли эпителий тухум хужайранинг [^]аракатини таъминлайди. Киприкчалар келишиб [^]аракат қилади, яъни бир киприкчадан сунг кейингиси қисқариб, ялписига тулқинсимон [^]аракатни юзага келтиради. Хивчинлар ёрдамида эркак жинсий [^]ужайралари — сперматозоидлар ҳаракат қилади.


Эволюцией таравдиёт давомида [^]аракатнинг энг олий форма-си — *мушак %аракати* шаклланди. Бу ҳаракатни силлиқ мушак [^]ужайралари ва кундаланг-таррил мушак толалари бажаради. Бундай [^]аракат махсус оқсиллар — актин ва миозиннинг узаро таъсири натижасида юзага келади («Мушак туқимаси» сарлав-ҳасига қ.).

[^]ужайранинг усиши. Х^аР бир тирик мавжудот маълум улчам-ларга эга. Бу улчамларга организм [^]ужайраларининг купайиши ва усиши орқали эришилади. Одам танасининг ҳамма хужайра-лари усиш қобилиятига эга. Аммо бизнинг аъзоларимиздаги купчилик х,ужайралар узининг уртача улчамларини сақлаб кола-ди. Аъзо активлигининг кескин ошиши патологик жараёнлар натижасида хужайра улчамлари одатдагидан кура катталашини — гипертрофия кузатилади.

[^]ужайранинг [^]аёт цикли, дифференцировка. Янги [^]осил бул-ган хужайралар [^]аёт циклини утайди. *1(аёт цикли* хужайранинг янги хужайра ҳосил булишидан унинг кейинги булинишига қадар ёки унинг улишигача булган даврни уз ичига олади.)[^]ужайра уз [^]аёти даврида булиниши, усиши, дифференцировкага учраши кузатилади. Шунинг учун хужайранинг ҳаёт цикли жараёнларини икки группага булиш мумкин. (Влюсь О., Оийтап О., 1955). Би-ринчи группага х,ужайранинг булиниши

билан боглиқ жараёнлар кириб, уни автосинтетик интерфаза дейлади (38-расм). Иккинчи группага эса, хужайранинг усиши, дифференцировкаси маълум вазифани бажаришга ихтисосланиши мансубдир (гетеросинтетик интерфаза). Дифференцировкага учраган хужайра ихтисосланган хужайра булиб, у маълум вазифани бажаришга мослашган. Улар кўпинча булиниш қобилиятини йўқотади. Масалан, дифференциалланган кон хужайралари — эритроцитлар, нерв хужайралари ва х/жазо. Баъзи хужайралар дифференцировка ҳолатида булиниш қобилиятига эга булади (жигар хужайралари).

Эмбрионал такомиллашиш даврида эпителий, бириктирувчи туқима, мушак ва нерв хужайралари



эмбрионал варақлардан

Митоз

38-расм. Хужайранинг эъёт циклидаги гетеросинтетик ва автосинтетик интер-фазаларининг узаро муносабати (В1осН,

.Булиниш қобилиятини

йўқотган.

ихтисослашган хужайра

Оаётап, 1955)-

Ички доира — янги носил булган хужайранинг яна булинишга кириши (автосинтетик интерфаза); а — янги икки циз хужайраларнинг носил булиши; б — хужайра булинмай, ядро-лар булиниши натижасида кўп ядролу хужайраларнинг носил булиши; в — митозда ядро цоонги бузилмай, хромосомалар сонининг икки марта ортиши-полиплоид хужайраларнинг носил булиши; г — ДНК редушқакцияси р5 й бериши ва хужайра булинмай унинг масса-

Улим

69 раем. Эритроцит. Растрловчи микроскоп остида. Электрон микрофотограмма.
X 4.000.

1 — ботш; кпсмн; 2 — ^аСарнц кпсмн.

ват эса липидлардан иборат булиб, уларнинг умумий цалинлиги тахминан 8 им га тенг.

Гемолизга учрамаган эритроцитлар электрон микроскоп остида гомогси тузилишга эга булиб, электронлар оцими учун ута юкори зпчликка эга. Эритроцитлар таркибида хромопротеидлар группасига кирувчи мураккаб оксил — г е м о г л о б и н и г борлиги уларнинг электрон микроскоп остида юкори зичликка эга булиши-ни таъминлайди.

Химиявий тузилиши буйича гемоглобин молекуласида темир элемента булган актив простетик группа гемдан (4%) ва оксил группа глобиндан (96%) таркиб топган. Гем одам гемоглобиннинг барча турлари учун бир хил булиб, глобин эса, турли хилда булиши мумкин. Ҳозирги даврда 17 га яқин гемоглобин та-фовут этилади (А, В, Г, С, ^ ва хоказо).

. Эритроцитлар кнслородни туқималарга ва ^осил булган карбонат ангидридни туқималардан упкага ташиб берувчи асосий эле-ментлардир. Эритроцитлар туқиманинг н а ф а с о л и ш и процес-сида иштирок этишдан таиҳари, узларига ҳар хил моддаларни, амнокислоталарни ва токсннларни бириктирпш (адсорбция) ху-сусиятига эга. Эритроцитларшшг яшаш муддати уртача 70—120

Куй. §ритрбцй"гллар нарии ёошлаши ёилан уларнинг таркибидагй ферментлар (каталаза, альдолаза ва трансaminaза) активлиги па-сяади. Вир кунда сорлом одамда урта ҳисобда 250 миллиард эритроцит емирилади. Бу процесс асосан ретикулэндотелиал хужай-ралар бор жойда, яъни асосан суюк кумиги, талокда амалга оша-ди. Емирилган эритроцитлар суюк кумиги ва талок макрофаглари томонидан фагоцитоз цилинади, уларнинг таркибидаги гемоглобин оксилга ва темир СЗҚЛОБЧИ ктесмга парчаланadi.

Эритроцитлар емирилишидан ҳосил; булган те;мир сакловчи к,исм гемосидерин ёки ферритин моддалари" шаклида янги тарац- . ций этаётган эритробластик элементлар цитоплазмасига тушиб-яна қайтадан гемоглобин синтези учун ишлатилади.

• . . .

ЛЕЙКОЦИТЛАР

Бу термин юонча lеlкоз созидай келиб чиққан б^либ, оциш демакдир. Лейкоцитлар ёки оқ қон таначалари тузилиши ва вази-фалари турлича булган ^ужайралар группасини ташкил этади. Барча лейкоцитлар уз цитоплазмасидаги махсус доначаларга қа-раб икки катта группага ажратилади: 1) *донадор лейкоцитлар ёки гранулоцитлар* 2) *донасиз лейкоцитлар ёки агранулоцитлар*.

Гранулоцитлар уларнинг доначалари ^айси буёк,лар билан б;) -ялишига қараб нейтрофилларга (>^ам кислотали, з^ам иш-цорий буёкларни қабул қ,илувчи доначалари бор лейкоцитлар), эозинофилларга (фақат кислотали б^ёклар билан буюлув-чи доначаларга эга лейкоцитлар) ва базофилларга (фақат ишцорий буёцлар билан буюлувчи доначаларга эга лейкоцитлар) булинади. Агранулоцитлар эса келиб чиқиши, тузилиши ва функционал белгиларига қараб икки группага — лимфоцитларга ва моноцитларга булинади.

Физиологик шароитларда сорлом одамда лейкоцитларнинг сони 1 мм³ геоида 6000—8000 га тенг. Лейкоцитлар сонининг к^пайиб кетиши лейкоцитоз деб аталиб, организмда турли хил ялбир-ланиш процесслари ру"й берганда кузатилади. Бундан ташқари, жисмоний меҳнат жараёнида х/эмиладорлик вақтида ва овцатдан сунг ҳам лейкоцитлар сонининг ошиб кетиши юз бериб, бу ҳолат патологик лейкоцитоздан фаркли улароқ физиологик лейкоцитоз дейилади.

Лейкоцитлар организмда турли-туман *вазифаларни* бажаради, шулар жумласидан т р о ф и к ва х и м о я вазифаларини кайд қилиб утмоқ зарур. Лейкоцитларда цитохимиявий ва биохимик усуллар ёрдамида гликоген, кислотали ва ишқорий фосфатаза, пероксидаза, РНК, ДНК борлиги аниқланган.

Лейкоцитларнинг х и м о я вазифаси уларнинг ёлгон оёқчалар (псевдоподиялар) ёрдамида актив ҳаракат қилиши ва цитоплазмаларида қатор гидролитик ферментлар борлиги туфайли амалга ошади.

Микроорганизмлар ва ёт заррачалар лейкоцитлар томонидан ютилгандан с^нг қайд этилган гидролитик ферментлар таъсирида парчаланadi. Айрим ҳолларда эса дастлаб лейкоцитлар емирилиб,

10*

147

натажада ташки мунитг-а чнққан мхрблитик ермёниа

ганизмларни парчалашда иштирок этади. Них,оят, лейкоцитлар (асосан лимфоцитлар} оргаиизмга кирган ёт о^силлар скк микроб-Л ар (аитпгенлар,) таъсирпга жавобап махсус от^сил моддалар (ан-тнтелолар) ншлаб чнқарнш процессида иштирок этади.

ГРАНУЛОЦИТЛАР (ДОНАДОР ЛЕЙКОЦИТЛАР)

Юцорида а-йтнб утилгандек, барча грапулоцитлар уз допача-ларининг буялиш хугусилтпга цараб уч турга: нейтрофилларга, эозинофилларга ва базофилларга булнпади. Барча грапулоцитлар-ннпг-умумнй тузлнш принципн бир-бирига ухшайдн (махсус до-началарн буидан мустаспо)", уларпннг шакли гомалоц булиб, ядро-си бир кеча алохида булақларга (сегментларга) булнпган. Хроматин зичлашгаи булпб, асосан пдронинг чекка цисўпда жойлашадг. Электрон микроскоп остида гранулоцитлар ^ужайра цобигпнинг куп сонли псевдоподиялари ^псобиға потурри шаклда эканлиги куринади. Хужайра органеллалари кам сонли: цитоплазма буйлаб бир текисда тарк,о^ жонлашгатг майда митохондриялар ва цитоплазм атик тур пуфакчалари куринади. Цитоплазманинг асоснй КПСМИ ИН1 эса нейтрофилларда, эозинофилларда 1-а базофилларда тузллтппи буСшча бпр-бнридан фарц к^илувчи махсус доначалар эгаллаб ётади.

Нейтрофил лейкоцитлар ёки нейтрофиллар. Улар юмалоц шаклга эга булиб, диаметри конда 7—9 мкм, ^оп суртмаларида эса япалоцлашиб 10—13 мкм гача этади (68-расмга ц.). Пентро-филлар, лейкоцитлар нчпдаги энг куп сонли элемент хисобланадн ва лейкоцитлар умумий мицдорш-шнг 65—70 процентнни ташкил этади.

Романовский усули билап буялганда пейтрофиллар цитоплазм-маси оч окснфил булиб, унда кун сонли кукиш-пушти ранглн майда доначалар куринади. Электрон микроскоп остпда пейтрофиллар-НПН1-махсус доначалари бир хил эмаслиги, яъни улар асоснй цкш! хил допачадан — *бирламчи* (азурофил) па *иккиламчи* (ўахсус) доначалардап иборат эканлиги аниқлапгап (70-расм). Бнрламчн доначалар йирнкро^.(уртача диаўетри 0,8 мкм) ва катта электрон зпчликка эга. Иккиламчи доначалар электрон зичлиги камрок. Улчаўларп ҳам нисбатан кичикровдир (0,2—0,5 мкм). Шунн таъ-кпдлаб ут!пл кераккп, нейтрофил х,ужайраларининг суя к кумнги-даги тарациётп давомпда бирламчи доначаларинпнг сопи кама-йиб боради ва улар етук нейтрофилларда умумий доначалар сопп-нинг фацатггна 10 процентга яцин кнсмннн тапгкил этади. Эло;-трон микроскопик цитохимия ва биохимик усуллар ёрдамида мал-кур доначалар бпр-бнрпдаи уз химиявий таркнбп билан тубдан фарц Кулиши анпқлангаи. Бпрламчн докачалар уз таркибпда бнр қатор гпдролитик ферментлар, жумладан, кислотали фосфатаза, РНК-аза ва пероксидаза сақлайди. Булардан фарк,ли уларо^, иккиламчи доначаларнш' ферментатнв таркиби бошқачарок, булиб, уларда асосан ишқорпй фосфатаза булади, кислотали фосфатаза ва пероксидаза эса учрамайди.

М6



70-расм. Одам ^онининг сегмент ядроли петрофил лейкоцнти. Электрон микро-фотограмма. X 10.000.


1—ядро ссгментларн; 2 — цитопла^адаш сиедифк доналар; 3 — пшлолазма.

Нейтрофиллар ташки томондан қалнлиги 10 нм ва куп сонли ёлгон оёқлари туфайли нотекис булган х,ужайра цобигн билан уралгандир. Куп сонли псовдоподияларннг булиши нейтрофилларниг актив харакат килиш қобилиятнга эга эканидан далолат беради.

Лейкоцитлар умумнй сошшинг мутло^ купчплнгинн (60—65 процентнй) сегмент ядроли стук и е и т р о ф и л л а р ташкил этади. Етук Нейтрофиллар ядроси купппча 3—4 та ало-^ида булаклардан (сегментлардан) иборат булиб, бу булаклар ингичка куприкчалар ёрдамида узаро туташпб туради. Хроматин асосан ядро чеккасида тупланган булиб, ядро марказида эса сий-рак жойлашади.

Нейтрофилларнинг бир ^исми (2—4 процентн) эгилган таскча ёки «5» шаклида ядро тутади ва т а ё ^ ч а я д р о л и н е и т р о ф и л л а р деб аталади (71-раем). Ёш Н е й т р о ф и л л а р ёкн матамиелоцитлар деб аталувчи Нейтрофиллар ловиясимон ёкн та-1^асимон, хроматнни тар^оқ ядрога эга. Бу нейт)офиллар физиологи к шаройтда перифернк конда ҳам учраб, уларнинг мнцдори О— 0,5% дан ошмайди. Таёкча ядроли ва ёш Нейтрофиллар сонишшг купайиб кетиши мухмм диагностик ахамиятга эга. Аёлларнинг етук нейтрофилларида махсус хроматин таначалари ёки Б а р р

149



71-расм. Одам коишшиг таёцча ядроли пейтрофил лейкоцита. Электрон микро-фотограмма- X 10.000.

1~ядро; 2 — цитонлазмздап! спсцифк грануларлар; 3 — гликолаэмз.

т а н а ч а л а р и учрайди. Улар ядро цобири остида барабан часи ёки узилаётгап томчи шаклда буладн. Барр таначалари ХХ-хромосчшага эга булган кишиларда, яъни фақат аёллар пейтрофилларидагина булиб, эркакларда битта Х-хромосома булганлиги сабабли учрамайди. Барр таначалари ёки жинсий хроматинниг булиши суд-медицинаси тажрибасида му^нм а^амиятга эга. Усй-трофиллар актив з^аракат ^илиш қобилиптига эга булиб, организм-нинг ялтирланиш процесси ва ту^ималар емирилиши содир була-ётган жойларига етиб боради. Бу ерда нейтрофиллар ёт заррача-лар, микроблар ва емирилган ^ужайра булакларини фагоцитоз Килади. Шу хусусияти туфайли нейтрофилларни м и к р о ф а г л а р х^ам деб аталадн. Нейтрофилларниг му^им хусусиятларидан бири уларнинг базалмембранадан ва ^ужайра элементларн орасидзл утиб, бнриктирувчи ту^иманиг асосуй моддаси томон силжиш л^обилиятидир, Ю^орида курсатпб утилганидек, нейтрофиллар уз цитоплазмасида ^атор гидролитик ферментларни са^лайди. Булар-дай ташцари, нсптрофилларда 5 га я^нн бактерицид (микроорга-иизмни смирувчи) оксил моддалар, жумладан, фагоцити, опсопин ва бошқалар топилган. Нейтрофилларда гликоген ва бир цатор аминокислоталарнинг булиши уларнинг модда алмапшнув процесс-ларида актив иштирок этишидан далолат берадп. Булардан таш-

150

цари, нейтрофиллар ту^иманиг қайта тиклачиши (регенерация^ процессини кучайтиради дёган фикрлар ҳам бор.

Нейтрофилларнинг яшаш муддати, барча гранулоцитлар син-гари тирик организмда (*m u!yo*), радиоавтография усули билан аницланишича, урта ҳисобда 13,2 суткага тенг булиб, шундая 4 суткаси суяк кумигида утади. Нейтрофиллар периферик конда жуда оз муддат — 2 соатдан 24 соатгача булади. Туцимага тушгач, улар қайтиб томирларга утмайди, туқималарда уз вазифаларни адо этгач, емирилади.

Нейтрофиллар мицдориинг купайиб кетиши — нейтрофилёз турли хил ялррланиш реакцияларида ; кузатилади. Бундай ҳолларда нейтрофилёз купинча таёкча ядроли ва ёш нейтрофиллар процент мицдорининг купайиши билан парад-лел боради, яъни лейкоцитлар формуланинг чайга силжиих кайд этилади.


Эозинофил лейкоцитлар ёки эозинофиллар. Улар нейтрофил-ларга нисбатан бирмунча йирикроц булиб, диаметри конда 10—11 мкм, 5^{он} суртмасида эса 12—15 мкм га тенг.

Эозинофиллар физиологик ҳолатда лейкоцитлар умумнй ми^а-дорининг 2—5 процентини ташкил этади. Эозинофиллар ядроси, нейтрофилларникига ухшаш тузилган булиб, алох,ида булаклардан (сегментлардан) иборат. Булаклар сони эозинофилларда купинча 2 та булиб, 3 ёки ундан куп сегментли ядро сакловчи эозинофиллар жуда кам учрайди. Эозинофилларни бошқа лейкоцитлардан ажра-тиб турувчи асосий хусусияти улар цитоплазмасида жойлашган махсус доначаларнинг узига хос тузилишидир. Эозинофил донача-лари юмалоқ ёки овал шаклга эга булиб, нейтрофилларникига нисбатан йирикроқдир (диаметри 0,3—1,5 мкм). Романовский усули билан буялганда эозинофил доначалари кислотали буёкларни яхши кабул к,илиб, эозин билан цизил рангга буялади ва таш^и куриниши буйича «кизил икрани» эслатади. .

Электрон микроскоп остида эозинофиллар узларининг хужа^а ра органеллалари тузилиши ' буйича нейтрофиллардан деярли фарқ қилмайди. Улар цитоплазмасидаги махсус эозинофил дона^а-дорлиги эса узига хос ультрамикроскопик тузилишга эга (72-рлсм).

Одам ва каламуш эозинофилл-арида доначалар овал ёки чузин-чоқ шаклга эга булиб, ҳар хил электрон зичликка эга булган қисм-лардан иборат. Доначаларнинг марказида ёки марказдан сал чет-роқда катта электрон зичликка эга булган призма, трапеция ёки турри туртбурчак шаклидаги цисми жойлашган булиб, цолган қисми эса электрон зичлиги камроқ донадор материалдан иборат. Жуда катта қилиб курилганда марказий зич цисми параллел йуналган ипсимон (ламелляр) тузилмалардан иборатлиги аниц-ланган. Сут эмизувчи ^айвонларни^аг баъзи бир вакилларида (ит-лар, маймунларда) эозинофил доначаларининг электрон зич марказий қисми булмаиди ва доначалар бир хил тузилишга эга булади. Электрон зич қисмнинг химиявий табиати ҳ,алн тула аниқлан-ган эмас, баъзи бир маълумотларга Караганда улар пероксидаза ферментининг махсус тури булиши мумкин.

Биохимиявий ва цитохимиявий усуллар билан эозинофил дока-чаларда муҳим ферментлар, чунончи, кислотали фосфатаза, ариль-



сульфатаза ва оксидланиш ферментлари — пероксидаза, катала-залар борлиги аниқланган. Эозинофил доначаларининг цобиги мукополисахаридлардан иборат.

Эозинофил лейкоцитлар актив ҳаракат қилиш ва бирмунча фагоцитоз қобилиятига эга. Бирок эозинофил лейкоцитларнинг фагоцитоз қилиш қобилияти жуда паст бўлиб, нейтрофиллар фагоцитоз активлигининг фак ат 52 процентини ташкил этади. Эозинофиллар фақат «антиген-антитело» комплексини фагоцитоз қилади, дегаў тахминлар ам бор. Эозинофилларнинг аллергик реакцияларнда иштирок этиши осизирги пайтда деярли тасдиқланган.

Турли аллергик ҳрлатларда эозинофилларнинг сони билан гис-тамин моддаси алмашинуви орасида узаро боғланиш бўлиб, эози-нофиллар гистаминни актив равишда ютади ва гистаминаза

152

менти ёрдамида парчалайди деб ҳисобланади. Бундан ташқарай, баъзи бир олимларнинг фикрича, эозинофиллар узига ютиб олган гистаминни гистаминаза ферментига бой тузималарга ёки булма-са чидарув органларига (упка, ичак, буйракка) етказиб бериши мумкин. Эозинофиллар сонининг ошиб кетиши эозинофилия деб аталиб, турли хил аллергик ҳолатларда, жумладан, бронхиал астмада, зардоб касаллигида, гижжа касалликларида ва бошқа-ларда учрайди. Эозинофиллар такомили ва уларнинг цонга туши-ши гуморал бошқарув механизмлари таъсири остида булади. Буй-рак усти беги пуст моддасининг гормонлари (глюкокортикоидлар) ва гипофиз гормонларининг (АҚТТ) миқдори ошган пайтда эози-нофиллар сонининг камайиб кетиши кузатилади (эозинопения), Шу сабабдан эозинофиллар миқдори курсатилган гормон-лар таъсири остида бошқарилиб турилади, деб ҳисобланади.

Базофил лейкоцитлар ёки базофиллар. Улар нейтрофил ва эози-нофилларга нисбатан майдаро бўлиб, уртача диаметрлари онда 7—8 $\mu\text{м}$, црн суртмаларида эса 10—12 $\mu\text{м}$ га тенг. Базофиллар, лейкоцитлар ичиди энг кам сонли хужайралар бўлиб, физиологик шароитларда улар лейкоцитлар умумий миқдорининг 0,5—1 проценти ташкил этади. Базофил лейкоцитлар ядроси купича икки лоҳида сегментлардан иборат бўлиб, ужайра органелларининг тузилиши ва сони жиҳатидан нейтрофил ва эозинофиллардан де-ярли фарқ қилмайди. Базофиллар цитоплазмасидаги махсус дона-маларнинг тузилиши ва буялиши хусусиятлари уларни бошқа донадор лейкоцитлардан ажратишга имкон беради, деб ҳисобланади. Базофил доначалари Романовский усули билан буялганда узла-рига ишқорий буёқларни яхши қабул қилиб, ҳар хил, яъни пушти-бпнафшадан тортиб 1-ора рангача буяладн. Базофил доначаларининг бу хусусияти, яъни буҳ рангига хос булмаган тусни олиши *метахромазия* деб номланади.

Электрон микроскоп остида қурилганда базофил доначаларининг бир хил тузилишга эга эмаслиги аниқланган. Доначалар амча йирик (диаметрлари 0,4—1,2 $\mu\text{м}$ гача этади) бўлиб, юмалоқ ёки овал шаклга эгадир. (73-расм). Уларнинг мағзида бир-бирига параллел йналган кўп сонли тузилмалар қуринади. Ташқи томондан доначаларни тахминан 7,5 нм қалинликка эга бўлган парда цоплаб туради. Доначаларнинг химиявий таркиби анча мураккаб бўлиб, уларда гепдрин, гистамин ва серотонин (5-окситриптамин) борлиги аниқланган. Базофиллар таркибида цондаги барча гистаминнинг ярми мужассамлашгандир. Улар гепаринга ҳам бой. Базофиллар таркибида гликоген, ишқорий фосфатаза ва пероксидаза ҳам учрайди. Базофил лейкоцитлар вазифаси ҳозирга қадар кам урга-ниланган. Уз таркибида куп миқдорда гепарин ва гистамин сак-ловчи бу ужайралар аллергик реакцияларда ва иммунитет процесларида фаол иштирок этади, деб ҳисоблашга ҳам асос бо>. Уларнинг эндокрин системаси билан узвий боғлиқлиги ам тасдиқланган. Чунончи, цалконсимон без функцияси ошиб кетганда базофиллар миқдори камаяди, яъни базопения руй беради, аксин-ча, без функцияси пасайганда қонда уларнинг сони ошади.

АГРАНУЛОЦИТЛАР (ДОНАСИЗ ЛЕЙКОЦИТЛАР)

Агранулоцитлар ёки донасииз лейкоцитлар уз цитоплазмалари-да махсус доначалар сақламайдиган оц кон таначаларидир. Тузилиши ва функцияси жиҳатдан агранулоцитлар *лимфоцитларга* ва *моноцитларга* булинадн.


Лимфоцитлар. Улар вояга етган организмда лейкоцитлар умумий сонининг 25—28 процентини ташкил қилади. Организмда урта ҳисобда 1,5 кг атрофида лимфоцитлар бўлиб, шундан фақатгина 5 г га яқинигина периферик қонда, 70 г суяк кумигида, қолганлари эса туцима, органларда таксимланган булади. Лимфоцитларни *йирик лимфоцитларга* (диаметри 9—16 $\mu\text{м}$) ва *майда лимфоцитларга* (диаметрлари 6,2—9 $\mu\text{м}$) тафовут қилиш қабул қилинган. Нормал шароитларда цонда фақат 10% га яқин йирик лимфоцитлар бўлиб, қалган 90% ини эса майда лимфоцитлар ташкил қила-ди. Лимфоцитларнинг умумий тузилиш принципи жуда оддий: улар купинча марказда жолашган йирик, юмалоқ, ва ловиясимон шакл-га эга булган ядро йақлайди. Ядронинг нисбатан йириклиги лимфоцитларда ядро-цитоплазманинг нисбат (ЯЦН) курсаткичининг анча катта булишига сабабчи булади.

Электрон микроскопии текшириш ядро структурасининг йирик ва майда лимфоцитларда ҳар хил эканлигини курсатади. Жумла-дан, майда лимфоцитларда ядро юмалоқ ёки биргина

ботикликка эга булиб, хроматин зичлашган ва ядро буйлаб баравар тасқим-лангандир (74-расм, а), йирик лимфоцитлар очроқ ядрога эга булиб, хроматини майда доначалар шаклида асосан ядро қобири остида тупланган. Бу лимфоцитлар ядросида купинча бир ёки бир неча ядрочаларни учратиш мумкин. Лимфоцитлар цитоплазмаси ингичка, баъзида эса кенг хошия шаклида ядро атрофида жойлашиб базофил буялади. Цитоплазма қанчалик ингичка бўлса, унинг базофиллик хусусияти шунча юқори булади. Аксинча, кенг цито-плазмали лимфоцитларда цитоплазма очроқ буялади. Романовский усули билан буялганда лимфоцитлар цитоплазмаси туқ кукиш рангдан (ута базофил) оч ҳаворанг тусгача (суёт базофил) буялиши мумкин.

Электро-микроскоп ёрдамида майда лимфоцитлар цитоплазмасида кам сонли митохондрия, рибосомаларни куриш мумкин. Цитоплазматик тур ва Гольжи комплекси суёт тарақдий этган булади. Баъзида ядронинг ботик, зонасида хужайра маркази ва майда пуфакчалар учрайди. Йирик лимфоцитлар цитоплазмаси нисба-тан купроқ, ва текис тақсимланган митохондрийлар булиши, баъзи бир ҳолларда эса, электрон зич доначалар сақлаши билан характерланади. Шунинг қайд этиб утиш керакки, лимфоцитлар гарчанд донасиз лейкоцитлар қаторига кирса-да, баъзи бир текширишлар 30% га яқин лимфоцитлар цитоплазмасида майда, кам сонли азу-рофил доначалар борлигини курсатади. Бинобарин, амалда қон суртмасини текшириш жараенида бу ҳолни назарда тутмоқ лозим. Цитохимиявий ва биохимиявий усуллар билан лимфоцитлар тар-кибида куп миқдорда нуклеопротеидлар борлиги аниқланган. Лимфоцитлар ядроси узида ДНК нинг диплоид миқдорини сақлайди. Лимфоцитларда катепсинлар, гликоген, гистидин, ферментлардан— нуклеазалар, амилаза, кислотали фосфатаза, цитохромоксидаза ва бошқалар булади. Бундан ташқари, уларда лимфоцитларнинг айрим-турларига хос булган рибонуклеин кислотасининг бир неча хил фракцияси борлиги аниқланган. Лимфоцитларнинг иммунитет ва туқималар қайта тикланиш (регенерация) процессларида актив қатнашиши уларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Турли маҳаллий ялтирланиш процессларида лимфоцитлар ялтирланиш руй берган процесслар томон ҳаракат қилиб, у ерда ёт зарралар ва микробларни ютувчи макрофаг хужайраларига айланадилар. Баъзи бир юқумли касалликларда лимфоцитлар антителолар ишлаб чиқарувчи плазматик хужайра-ларга айланади.

Иммунологик, цитохимиявий ва функционал нуқдаи назардан лимфоцитларнинг икки тури — Т- ва В-лимфоцитлар фарқланади. Т-лимфоцитлар буқоқ безида (Шутиз) ривожланади. Тимусга кел-ган узак хужайралар шу аъзода ҳосил булувчи модда — тимозин таъсирида иммунологик актив Т-лимфоцитларга айланади. Т-лимфоцитлар қон орқали периферик лимфоид органларга



(талок, лимфа тугуни, муртақларга) боради ва шу аъзоларнинг маълум қис-

74-расм, Л. Кичик лимфоцит (одам суяк кумиги). Электрон микрофотограмма.


X 10.0

Л 1 и. и. и.

1 — лимфоцит ядроси; 2 — митохондрия; 3 — рибосомалар; 4 — 5 ядро хроматини; 5 — ху-жанра маркази; 0 — Гольжн комплекс.

мида (Т-лимфоцит зонасида) жоилашади. Тало^да Т-лимфоцитлар пар ар т' е р и а л қисмда, лимфа тугунида эса пар а к о р т и-к а л зонада жоилашади. Т-лимфоцитлар катталиги жихатидан кичик ски урта лимфоцитларга мос келади. Х, озирги ва^тда Т-лимфоцитларнинг >^ам бир пача тури фарцланади.

Суяк кумигидан кушларнинг Фабриций халчасига (Бигза Ра^псшз) утувчи узак ^ужайралар гуморал модда таъсирида В-лимфоцитларга (В-Бигза — халча суздан олинган) айланади.



7-1-расм, Б. Лимфоцит. Периферик ^опдаги микроворсинкалар тутунчн лимфоцит. Раст|1л(Л1ЧИ электрон микроскоп остида. X8.000.

1 — микроворсинкалар

Сут эмизувчиларда ва одамда эса В-лимфоцитларнинг узак ^ужайралари талон., лимфа тугунида ва бошқа лимфод тузилмаларга бориб, у ерда етук В-лимфоцитларга шаклланади. В-лимфоцитлар талоц оқ пульпаси марказида, лимфа тугунларида эса фол-ликулаларнинг реактив марказида жоилашади. Бу қисмлар

8 - л и м ф о ц и т л а р з о н а с и деб иомланади. В-лимфоцитлар бирор антиген билан учрашганда антиген таъсирида купая бошлай-ди. Дастлаб В-бластлар ^осил булиб (йирик, ёш ^ужайра) улардан антителолар синтез циладиган плазматик ^ужайралар ^осмл булади. В-лимфоцитлар Т-лимфоцитлардан каттарок; булиб, им-муноглобулин са^ловчи микроворсинкалари бор (74-расм, б). Т-лимфоцитлар юзаси бирмунча текис булиб, микроворсинкалари жуда камдир. Т-лимфоцитлар ^ужайравий иммунитет реакцияла-рида иштирок этса, В-лимфоцитлар гуморал иммунитет реакция-ларини таъминлайди, Лимфоцитларнинг иммунологии реакциялар-

157

Да тугган урни дарсликни'нг «брганйз УДШ ймунойбгШ ларда иммунокомпетент х,ужайр<аларининг, роли> сйрлавдсйда мукамал келтирилган.

Лимфоцитларнинг маълум шароитларда (хужайра культурала-рида) турли рагбатлантириш моддалари — стимуляторлар (маса-лан, фитогемааглютинин — ФГА, бактериал антигенлар) таъсири-да кам дифференциалланган бласт дужайраларига айланиши — уларнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Лимфоцитларнинг бу хусусиятларидан клиника амалиётида

организмнинг иммунологик ҳолатини аниқлашда фойдаланилади.

Лимфоцитларнинг яшаш муддати турлича бўлиб, ҳар хил маълумотларга қараб 2—4 кундан бир неча ойгача бўлиши мумкин. Лимфоцитлар миқдорининг абсолют қупайиб кетиши — лимфоцитоз турли касалликларида кузатилиши мумкин. Янги тугилган чақалоқларда лимфоцитлар 50—60 процентни ташкил этади.

Лимфоцитлар сонининг камайиб кетиши — лимфопения нур касаллигида ва турли хил интоксикацияларда учрайди.

Моноцитлар. Моноцитлар коннинг энг йирик ҳужайралари ҳисобланади. Уларнинг катталиги суртмаларда 20 мкм гача, қонда эса 10—13 мкм гача бўлади. Моноцитлар сони етук организмда умумий лейкоцитлар миқдорининг 6—8 процентнўй ташкил этади. Моноцитлар ядроси шаклининг турли хилда бўлиши билан харак-терланади — купчилик ҳолларда ядро ловиясимон ёки тақасимон шаклга эга бўлади. Хроматин сийрақ, нотекис тур шаклида жойлашиб, Романовский усули билан буялганда қизил бинафша рангга буялади. Баъзан 1—2 та оксифил буялган ядроча куринади. Моноцитлар цитоплазмаси базофил буялиш хусусиятига эга бўлиб, уларнинг базофиллиги лимфоцитларга нисбатан купроқ ифодалангандир.

Цитоплазма Романовский усули билан қисман қуқ, қисман бинафша рангга буялиб, бу цитоплазмага характерли қуқиш-бинафша тўе беради. Моноцитлар цитоплазмасида нафис маҳсус азуро-фил донадорлик Куринади.


Баъзан йирикроқ базофил буялувчи донадорлик ҳам учраши мумкин. Электрон микроскопта моноцитлар цитоплазмасининг лимфоцитларга нисбатан ҳужайра органеллаларига анча бой эканлиги кузга ташланади (75-расм).

Митохондриялар куп сопли бўлиб, цитоплазматик тур ва Гольжи комплекслари яхши тарақций этган. Ҳужайра қобиги остида жуда куп хшоцитоз пуфакчалар жойлашиб, баъзан уларда фагоцитоз қилинган заррачалар учрайди. Бундан ташқари, сует электрон зичликка эга бўлган, катталиги 0,1—0,3 мкм келадиган дона-чалар ҳам бўлиб, улар ёрурлик микроскопда куринадиган азуро-фил доначаларига мўе келади. Моноцитлар актив харакат қилиш қобилиятига эга бўлиб, уларнинг асосий вазифаларидан бири фагоцитоздир. Муайян шароитларда моноцитлар «эркин юрувчи» макрофагларга айланиб, организмга тушган ёт заррачаларни ва микробларни ютади ва парчалаб юборади.

ҚОН ПЛАСТИНКАЛАРИ - ТРОМБОЦИТЛАР

Қон пластинкалари эритроцитлар ва лейкоцитлар билан бир қаторда қоннинг учинчи хил шакли элементларини ташкил этади. Лейкоцитлар ва эритроцитлардан фарқли уларок, қон пластинкалари ҲЗҚИҚИЙ ҳужайралар булмай, суяк қумиғидаги мегакариоцит ҳужайралари цитоплазмасининг майда (катталиги 2—3 мкм) парчалари ҳисобланади. Шу туфайли тромбоцит термини одам қон пластинкаларига нисбатан унчалик турри эмас, Узида ядро сакловчи ва ҳақиқий ҳужайралар булган тромбоцитлар фақат тубан умуртқалиларда (масалан бақа қонида) кузатилади ва Рекленга-узен ҳужайралари деб аталади. Нормал шароитда қон пластинкаларининг миқдори одамда 1 мм³ қонда 200000 дан 400000 гача (уртача 300000) бўлади. Қон пластинкалари одатда юмалоқ ва овал шаклга эга бўлиб, уларда периферик, структурага эга булмаган зона — гиломер ва марказий, донадор зона — гр^а-ануломер тафовут этилади.

Электрон микроскоп остида қон пластинкаларининг куп сопли буртмалар — псевдоподияларга эгаллиги куринади (76-расм). Уларнинг сони ва катталиги пластинкаларнинг функционал ҳолатига боғлиқ бўлади. Донадор зона ёки грануломерда хар хил катталиқ-



76-расм. Кон пластинкаси (томбоцит). Электрон микротограмма. х3.000.

1-гранулалар; 2-вакуола; 3-тромбоцит усри; 4-эритроцит.

ка эга булган (30 нм дан 0,2 мкм гача) доначалар куринади. Дойа-чаларнинг аксарият қисмини мегакариоцитлар пластинкасимон комплексининг маҳсулоти булган альфа-доначалар ташкил этади. Уларнинг марказий қисмида юқори электрон зичликка эга булган магзи булиб, уларда фосфатазалар ва мукополисахаридлар борлиги аниқланган. Альфа-доначалардан таҳқари грануломерда ута юқори электроноптик зичликка эга доначалар ҳам мавжуддир. Бу доначаларнинг қон пластинкаларида кальций ва серотонин алма-шинуви билан алоқадорлиги тасдиқланган. Юқорида қайд этилган доначалардан таҳқари, қон пластинкаларининг грануломер зона-сида митохондриялар, везикулалар ва пуфакчалар ҳам жойлашади. Уларнинг орасида тудатудабулиб ётган гликоген заррачаларини ёки «гликоген пакетларини» учратиш мумкин.

1^он пластинкалари қонда турли шаклларда, яъни ёш, етук ва қари пластинкалар шаклида учраши мумкин. Ёш пластинкалар базофил буялиб, узида майда азурофил доначалар сақлайди. Қари пластинкалар туқ бинафша рангга буялган грануломер зонага ва оч пушти гиаломер зонага эга булади. Патологик ҳолатларда қонда дегенератив пластинкалар ва гигант (7—9 мкм келадиган) пластинкалар учраши мумкин.

1^он пластинкалари муҳим биологик вазифаларни утаб, бу вазифалардан энг аввало уларнинг қон ивишидаги ролини қайд қилиб ўтиш керак. Уларда тромбокиназа, тромбопластин ва х.оказо (12 га яқин) факторлар булиб, бу факторлар қон ивиш процессида актив иштирок этади. Тромбоцитларда 49 га яқин ферментлар борлиги аниқланган.

Қон пластинкаларининг сони симпатик нерв системаси қузғалганда, қондан ташқари жисмоний ҳаракатларда, талоқ олиб ташланганда ва бошқа ҳолатларда қонда кетиши мумкин. Бу ҳол

тромбоцитоз деб аталади. Пластинкалар сонининг камайиши — тромбоцитопения ҳам турли патологик ҳолларда учрайди.

Қон пластинкаларининг яшаш муддати қисқа булиб, уртача 5—8 кунга тенг.

Гемограмма. Гемограмма тушунчаси қон шакли элементлари-нинг миқдорий нисбати, гемоглобин миқдори, эритроцитларнинг ч>киш реакцияси (РОЭ), гематокрит курсаткичи ва бошқаларни уз ичига олади. Бу курсаткичлар медицина практикасида муҳим аҳамиятга эга. K^{OH} формуласини ёки гемограммани билиш ҳар бир врач учун муҳим аҳамият кашф этади. Турли лейкоцитлар процент миқдорининг нисбати лейкоцитар формула ёки Шиллинг формуласи деб аталади. Ҳозирги вақтда нормал лейкоцитар формула курсаткичлари қилиб қуйидагилар қабул қилинган.

Лейкоцитлар миқдори (1 мм^3 қонда) 4—8 минг атрофида булади, шулардан: *нейтрофиллар* — 65—70% ни (сегмент ядроли-лар — 60—65% ни, таёкча ядролилар — 2—4% ни, ёш нейтрофиллар ёки метамиелоцитлар — 0,5% ни), *эозинофиллар* — 2—5% ни, *базофиллар* — 0,5—1% ни, *лимфоцитлар* — 20—28% ни, *моноцитлар* — 6—8% ни ташкил этади.

Клиник практикада лейкоцитар формуланинг силжишини аниқлаш муҳим омиллардан з^исобланади. Юқумли касалликлар вақтида периферий қонда Ҳали етилмаган (ёш ва таёкча ядроли) нейтрофилларнинг сони ортади. Бу силжишни Шиллинг формуланинг «чапга силжиши» деб номлади (чунки формулада етилмаган нейтрофиллар чап тарафда келтирилади). Баъзи бир касалликларда (пернициоз анемияда) таёкчасимон нейтрофиллар жуда з^ам камайиб кетади. Бу з^олатни формуланинг унга силжиши деб номлашади.

ЛИМФА

Умуртқали з^айвонлар организмда қон томирлар системасидан ташқари лимфатик томирлар мавжуд. Бу нозик томирлар ичидан сарримтир рангда оксил табиатига эга булган ва уз таркибида шакли элементларни сақлаган суюқлик—лимфа оцади. Лимфа— лимфоплазмадан ва шакли элементлардан иборат. Химиявий тузилиши жиз^атидан лимфоплазма қон плазмасига яқин, аммо лимфолазма таркибида оцсиллар анча кам. Оксил фракцияларидан альбумин лимфолазмада глобулиндан бирмунча купдир. Оцсилдан таш^ари лимфолазмада ферментлар, нейтрал ёғлар, оддий карбонсув, эриган минерал тузлар ва микроэлементлар булади.

Шакли элементлари асосан лимфоцитлар, моноцитлардан ташкил топган. Бундан танҳари, лейкоцитларнинг боиҳа турлари-ри, бир оз миқдорда эритроцитлар з^ам учрайди.

Лимфа туцима ва органларнинг лимфатик капиллярларида Ҳужайра оралик, суюқлиги Ҳисобига з^осил булади ва лимфатик томирлар орқали лимфа тугунига цуйилади. У ердан лимфа томирларига утиб ва ни^оят венага қуйилади. Шунинг учун 3 хил лимфа суюқлигини тафовут қилиш мумкин:

1. Периферий лимфа (лимфа тугунигача).
2. Оралик лимфа (лимфа тугунидан утгандан сунг).
3. Марказий лимфа (кукрак қафасида жойлашган йирик лимфатик томирдаги лимфа).

Лимфа таркиби организм з^олатига қараб з^гариб туради. Периферик лимфа томирлари бир учи берк найчани эслатади. Унинг ичидаги лимфа суюқлиги лимфолазмадан ташкил топган булиб, қон шакли элементлари куримайди. Лимфа суюқлиги лимфа тугунларидан утиш жараёнида лимфоцитларга бойийди. Марказий лимфа томирларидаги лимфа суюқлиги қон шакли элементларини куп тутаяди.

ГЕМОПОЭЗ

Гемопоэз (юновча Ҳаета — қон, р01ез1§ — яратиш) қон шакли элементларининг эмбрионда ва етук организмда яратилиш жараёнларини уз ичига олиб, уларни урганиш клиник амалиёт учун муз^им аз^амиятга эга. Қон элементларининг келиб чиқишини билмай туриб қон системаси касалликларининг моз^иятини ва турли пато-логик процессларда катнашадиган Қон шакли элементларининг табиатини тушуниш мушкул.

ЭМБРИОНДА ҚОН ЯРАТИЛИШИ

Одам ҳомиласида дастлабки қон ҳосил булиши эмбрион та-ракдиётининг 3 х,афтасида сари^лик халтасида бошланади. Бу биринчи ёки *ангиобластик қон тарациётти* давридир. Сариқлик халтаси деворидаги мезенхима ҳужайралари эмбрионни ураб ту-рувчи қон оролчалари шаклида ажралиб чиқади. Кейинчалик мезенхима ҳужайралари уз усикларини йукриб юмалоқ шакли олади ва бирламчи қон ҳужайраларига ёки бирламчи г е м о-г и с т о б л а с т ҳужайраларига айланади.

Қон оролчаларининг чекка қисмларида жойлашган мезенхима ҳужайралари эса, аксинча, яссилашадилар ва булажак қон томир-нинг деворини ҳосил цилувчи эндотелиал ҳужайраларга айланади. Бирламчи қон ҳужайралари йирик, юмалоқ ва овалсимон булиб, базофил буюладиган цитоплазмага зга булади. Улар митоз йули билан булиниб купаяди. Бирламчи қон ҳужайраларининг ке-йинги такомиле ёки дифференциаланиши ҳужайралар цитоплазмасида гемоглобин тупланиши ва ядронинг кичрайиб зичланиши (пикноз) билан характерланади. Сунгра ядро ҳужайрадан си^иб чи^арилади ва ниҳоятда бирламчи қон ҳужайралари мегалоласт стадиясидан турридан-турри мегалоцитларга ёки бирламчи йирик эритроцитларга айланади. Схематик тарзда бу процесси қуйида-гича ифодалаш мумкин: *бирламчи қон Ҳужайраси -> мегало-бласт: -> мегалоцит*. Шунинг таъкидлаш керакки, мегалоластк эритропоэз нормал шароитда фақат эмбрионал даврдагина учрай-ди, вояга етган организмда эса мегалоластик эритропоэз фақат

патологик ҳолатларда (пернициоз камқонлик, витамин В₁₂ ва фоли ((ГоНез — барг) кислотаси етишмовчилигида) учрайди. Уз яшаш муддатини утаган мегалоцитлар емирилади ва томирларнинг эндотелий хужайралари томонидан фагоцитоз қилинади. Долган бирламчи қон хужайраларидан, масалан, сариқлик халтаси томирларида иккиламчи эритроцитлар ривожлана бошлайди. Уларнинг таравдиёти мегалоцитлар такомиллашишидан фарқ қилиб, секинрок, амалга ошади ва нормобласт босқичини утайди. Бу жараён схематик тарзда куйидагича ифодаланади: *бирламчи қон хужайралари -* иккиламчи эритробластлар -> полихромато-> фил нормобластлар -> оксифил нормобластлар -> иккиламчи эритроцитлар*. Тараққиёт босқичидаги барча хужайралар иккиламчи эритробластлардан бошлаб то иккиламчи эритроцитларгача, мегалоцитларга нисбатан анча кичик булади, яъни уларнинг катга-лиги етук организмдаги эритроцитларнинг катталигига яқин келеди.

Дастлабки эмбрионал даврда эритроцитлар тараққиётининг узига хос хусусияти шундан иборатки, бу процесс сариқлик халтаси томирларининг ичида, яъни *интраваскуляр* амалга ошади. Шу билан бирга бу даврда донатор лейкоцитлар ҳам тараққий қилади — уларнинг такомил томирлардан ташқарида, *экстравакуляр* жойлашган — бирламчи қон хужайраларидан бошланади. Шунинг билан эмбрионал қон тараққиётининг биринчи даври, яъни ангиобластик давр тугайди. Эмбрион тараққиётининг 4—5 з^афтасига келиб сариқлик халтаси атрофияга уч-райди ва унинг қон яратиш функцияси йуқолади. Шу ва^атдан бошлаб хусусий эмбрионал қон яратилиш даври бошланади. Эритроцитлар ва лейкоцитлар жигар, талоқ, суяк кумиги ва лимфа тугунларида яратилади.

Жигарда қон яратилиши. Эмбрионал даврнинг биринчи з^афта-сидан бошлаб жигар эмбрионда қон яратилишининг маркази бу-либ қолади. Х^осил буладиган қон хужайралари мезенхима хужайраларидан ривожланади. Улар бирламчи қон хужайраларига айланади ва юкрида курсатилган босқичларни босиб утиб мега-лоцитларни ва иккиламчи эритроцитларни беради. Такомиллашган *Эритроцитлар* билан бир пайтда жигарда *донатор лейкоцитлар*, асосан такомиллашган нейтрофил ва эозино-филлар з^ам курилади. Вояга етган организмдан фарқли уларок, бу процесс орал^а босқичларни ташлаб утиб, яъни миелобласт, промиелоцит босқияларни утамасдан туриб амалга ошади. Схематик тарзда донатор лейкоцитлар такомил куйидагича булади: *бирламчи қон хужайраси -> етук гранулоцит*. Булардан ташқари, жигарда гигант хужайралар — *мегакариоцитлар* з^ам ривожланади. Барча элементларнинг тараққиёти жигарда томирлардан танқарида, яъни *экстравакуляр* амалга ошади. Жигарда қон яратилиши аста-секин сусайиб боради ва эмбрионал тараққиётининг охирига келиб бутунлай тухтайди.

Талокда қон яратилиши. Эмбрионал ҳаётнинг биринчи ярмида талокда гемопознинг барча хужайралари таравдий этади. Тало^а-да *экстравакуляр* қон яратилишининг манбаи булиб мезенхима-дан такомиллашувчи йирик хужайралар ҳисобланади.

А^омила турилиши пайтига келиб талокда эритро- ва грануло-цитопоз жараёнлари сусаяди ва бутунлай тухтаб, талон, асосан агранулоцитлар ва тромбоцитларни яратувчи манба ролини утайди.

Лимфа тугунида қон яратилиши. Эмбрион таравдиётининг учинчи ойига келиб лимфа цопчаси деворининг мезенхимасидан з^аракатчан узак хужайралари ажралиб чиқа бошлайди. Мезенхима синцитийси ретикуляр тук;имага айланиб, бу тукима орасида эркин хужайралар — *лимфоцитлар* ва *лимфоцитлар* жойлашади. Лимфа тугуни куртакларининг дастлабки таравдиёт давларида уларда эритробластлар ва миелоид элементларнинг борлигини куриш мумкин, бироқ, бу элементларнинг купайиши лимфоцитлар пайдо булиши билан тухтайди.

Букоқ безида қон яратилиши — тимусда лимфоцитлар яратилиши з^амила такомилнинг унинг з^афтасидан бошлаб, з^амила турилгандан кейин з^ам давом этади. Х^озирги пайтда тимус Т-лимфоцитларнинг асосий яратилиш манбаи ҳисобланади.

Суяк кумигида қон яратилиши — суяк кумигида қон яратилиши эмбрион тараққиётининг охириги ойларида бошланиб, з^амила турилгандан кейин кучаяди. Вояга етган организмда суяк кумиги Эритроцитлар, донали ва донализ лейкоцитлар ва қон пластинка-лари яратилдиган энг асосий орган булиб қолади.

ВОЯГА ЕТГАН ОРГАНИЗМДА ҚОН ЯРАТИЛИШИ

Вояга етган организмда қон яратувчи асосий органлар *қизил суяк кумиги, талоқ, лимфа тугунлари* ва *буцоқ* (айрисимон) бези ҳисобланади (77-расм). Барча қон шаклли элементлари учун ягона бошланрич хужайра узак хужайралардир. Узак хужайраларнинг мавжудлигини канадалик олимлар Мак Кул-л о х в а Т и л л 1960 йилда исбот қилдилар ва бу билан рус олими А. А. Максимовнинг 1918 йилда барча қон хужайралари учун ягона бошланрич хужайра мавжуд эканлиги туррисидаги фикрини тасдиқладилар. Узак хужайралар қон яратилишининг барча йуналишларида, яъни эритропоз, лейкопоз ва тромбоцитопоз йуналишларида ривожлана оладиган хужайралар синфига киради. Уларнинг асосий хусусиятлари уз-узани сақлаб қолиш цобилиятининг борлиги, купайиш имкониятига эғалиги ва турли йуналишларда ривожлана олиши ҳисобланади. Узак хужайралар маълум бир микдорда булиб, булинганда ҳам уларнинг сони узгармай доимий қолади, яъни узак хужайра булиниши натижасида х^осил булган икки хужайранинг фа^ат биттасигина такомилла-шиши давом эттириб, иккинчиси узгармай, узак хужайралигича қолади. Бу хужайраларнинг тузилиши ҳалигача тула урганилма-ган, чунки уларни соф ҳолда ажратиб олиш анча қийин. Ҳозирги маълумотларга кура бу хужайраларнинг диаметри уртача 8—10 мкм булиб, цитоплазмаси тор. Хужайра органеллари ва полисомалар кам, эркин рибосомалар куп.

КОН ЯРАТИЛИШИГА ОИД НАЗАРИЯЛАР


Гематология фанининг тараққиёти билан бирга қон элемент-ларининг келиб чиқишини ва такомиллашишини тушунтириб берадиган бир қанча назариялар майдонга келди. Ушмоҳияти буйича барча назарияларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Монофилетик назария (юнонча *топоз* — бир, *рѳу!ѐ-1ез* — қабиладаги). Бу назария тарафдорлари *барча қон ʻужай-ралари учун ягона ʻзак хужайралар* мавжудлигини тан оладилар.

Полифилетик (юнонча *ро!уз* — қуп) назария. Бу назария тарафдорлари ҳар хил қон хужайралари учун бир неча узак хужайралар мавжуд эканлигини уқтирадилар. Полифилетик назарияларнинг типик вакилига дуалистик ва триалистик қон яра-тилиш назарияларини киритиш мумкин.

Дуалистик назария буйича (асосчиси РаррепБеш) *миелоид* ва *лимфоид* системалар учун алоҳида бўлган икки узак хужайра мавжуд деб қурсатилади. Бинобарин, бу назарияга қура бу икки бошланрич хужайра морфологик ва функционал жиҳатдан бутун-лай бир-биридан фарк қидади ва ҳеч қачон бири иккинчисига ай-лана олмайди. Триалистик назария (асосчиси 5суШпд)га қура *миелоид*, *лимфоид системалар* учун ва *моноцитлар* учун учта бошланрич узак хужайра мавжуд, деб таъкидланади.

Клиницистларнинг охириги йилларда олган экспериментал маъ-лумотлари барча гемопоз элементлари учун ягона узак хужайра



77-расм. Одам суяк кумигининг электрон микрофотограммаси. X4.500.

1 — синусоид капилляр; 2 — ёр ʻужайра; 3 — лимфоцитлар; 4 — турли тараққиёт *босқичи*-дат нормобластлар; 5 — эритроцит.

мавжуд эканлигини исботлади "ва полифилетик назарияларнинг асоссиз эканлигини курсатди. ^озирги пайтда ҳамма юмондан тан олинган ва барча талабларга жавоб берадиган қон яратилиши назарияси ун и т а р н а з а р и я ҳисобланади. Бу назария асослари биринчи марта йирик рус терапевти В. П. О б р а з ц о в томонидан 1880 йилда ишлаб чиқилган. Рус ва совет олимлари А. А. Максимов, А. Н. Крюков, И. А. Кассирскийларнинг ишлари ва НИҲОЯТ, охириги ун-ун беш йиллар ичида олиб борилган экспериментал ишлар бу назарияни ривожлантирди ва мустаҳкамлади. Унитар назария буйича барча қон элементлари учун ягона — *полипотент* *§зак хужайраси мавжуд* (78-расм). Юқорида курса-тиб утилганидек, узак хужайраларининг морфологияси ҳали ту-лиқ урганилмаган. Айрим олимларнинг фикрига кура гемогисго-бласт, гемоцитобласт ва суяк кумиги лимфоцитлари ягона узак хужайранинг турли тарақ^иёт босқичидаги морфологик ифодаси булиши мумкинлиги эҳдимолдан ҳоли эмас.

Эритропозэ ёки ҚИЗИЛ қон таначаларининг тараққиёти. Қ^изил 1^он таначалари ёки эритроцитлар вояга етган организмда цизил суяк кумигида тараққий этади. Улар учун барча қон ^ужайралари каби, бошлангич хужайра узак хужайраси ҳисобланади. Узак ,у-жайралар уз навбатида миелопрэзнинг бошлангич хужайралари. томон дифференциаллашиб, бу хужайралардан кейинчалик гра-нулоцитопозэ, эритропозэ, моноцитопозэ ва мегакариоцитопозэ бошланади. Эритропозэ томон йуналган бошлангич хужайралар эритропозэни стимулловчи гормон — эритропозэтинга сезгирлиги туфайли эритропозэтин сезгир ^ужайралар дейилади. Миелопоэз-, нинг бошлангич ^ужайралари ва эритропозэтин — сезгир хужай-раларнинг тузилиши ҳали урганилмаган. Морфологик жи^атдан аниқланган эритропозэнинг дастлабки ^ужайраси эритробласт-лардир.

Эритропозэ процесси схематик тарзда куйидагича ифодала-ниши мамкин: *^зак уужайра -> миелопоэзнинг бошлангич хужай-раси — эритропозэтин — сезгир %ужайра -> эритробласт -> пронормоблаа «- базофил нормобласт -> полихроматофил нормобласт ->• оксифил нормобласт--* ретикулоцит-^эритроцит.*

Эритробласт — эритроцитлар тараққиётининг морфологик жиҳатдан аниқлиниши мумкин булган энг ёш ^ужайраси. Одатда, эритробласт хужайраси анча йирик булади (20—25 мкм), аммо баъзида майда хужайраларни (12—15 мкм) учратиш мумкин. Эритробласт ядроси текис тур шаклида жойлашган нозик хроматин ипчаларидан иборат булиб, цитоплазмасида гемоглобин ҳам, доначалар ҳам булмайди. Романовский усули билан буялган цитоплазма тук кук рангни олади. Электрон микроскоп остида эритробласт цитоплазмаси уз тузилиши билан дифференциаллаш-маган бласт ^ужайрасини эслатади, бироқ, ундан фарқли улароқ купроқ электрон зичликка эга булади. Эритробластларда хужайра органеллалари кам сонли булиб, эркин жойлашган рибосома ва полисомалар жуда куп учрайди. Улар митотик йул билан бу-линиб купаяди ва кейинги такомилланиш босқичига — пронормо-бластларга утади.

1С7

Пронормобластлар эритробластларга нисбатан кичик-роқ (12—18 мкм) булиб, уларнинг ядроси зичроқ тузилишга эга. Пронормобласт цитоплазмаси интенсив базофил буялиш хусусия-тига эга. Электрон микроскоп остида пронормобласт цитоплазмаси эритробластларга нисбатан купроқ электрон зичликка эга булиб, бу зичлик хужайра цитоплазмасида синтез қилиа бошлаган гемоглобин ҳисобига булади. Ута катталаштирилганда цитоплаз-мада эркин ҳолда ёки майда пуфакчалар ичида жойлашган фер-ритин заррачаларини куриш мумкин. Ферритин юқори молекула-ли темир сақловчи оксил булиб, гемоглобин синтезида иштирок этади. Такومилланиш давомида унинг мйтотик булиниши ядро-нинг зичлашиши ҳамда цитоплазмада гемоглобиннинг купайиб бориши пронормобластларнинг кейинги тараққиёт босқичи — нор-мобластлар босқичига утганидан дарак беради.

Нормобластлар 8—12 мкм катталиқка эга булган ху-жайралар булиб, уз цитоплазмаларида гейоглобиннинг қай дара-жада тупланганлиги ва ядро тузилишининг узгаришига караб, бирин-кетин келадиган уч босқичга — базофил, полихроматофил ва оксифил нормобластларга булинади.

Базофил нормобласт ^али булиниш қобиляти са^ланган, аммо кичрайган ва дагал тузилишга эга ядроли хужайра. Цитоплазмада гемоглобин ҳосил булиши ядро атрофидан бошланиб, аста-секин бутун цитоплазмага тарқалади.

Полихроматофил нормобласт босқичига келиб цитоплазма узи-да гемоглобин тупланганлиги туфайли поли^хромазия хусусиятига эга булади. Романовский усули билан буялганда полихроматофил нормобластлар цитоплазмаси ҳаворанг-пушти тусни олади. Ядро радиал тузилишга эга булиб, унда тук; ва зич тузилишга эга хроматин тузилмалари очроқ парахроматинли жойлар билан бир-бирларидан ажралиб туради. Рилдираксимон ядро деб номланув-чи бу хилдаги ядронинг булиши нормобласт хужайралари учун типик ҳол ҳисобланади.

Оксифил нормобластлар жуда ҳам зичлашган ядрога эга булиб, бу ядро узининг типик Рилдираксимон куринишини йуқотиб уз тузилиши жиҳатидан купроқ пиктоник ядрога яқинроқ туради (79-расм). ^ужайралар цитоплазмаси узида гемоглобин сақлаши туфайли Романовский усулида буялганда эритроцитларга ухшаб пушти рангга эга булади.

Нормобластлар таравдиёти жараёнини электрон микроскопда текшириш, такومиллашиш даврида улар цитоплазмаси ва ядроси-да маълум бир узгаришлар руй беришини курсатади. Ядро кичра-яди, юмалоқ шакли олади, шу билан бирга хроматиннинг зичла-шуви ва ядрочанинг йукрилиб кетиши кузатилади. Цитоплазмада гемоглобин моддасининг тупланиши туфайли унинг

электрон зич-лиги ошиб боради ва гомоген тусни олади. Митохондриялар кич-раяди ва уларнинг сони камаяди. Гольжи комплекси кичрайиб боради ва оксифил нормобластларда жуда ҳам кам учрайди. Оксифил нормобласт босқичига келиб, ядро хужайра чеккасига ца-раб сурилади. Кейинчалик ядро ингичка цитоплазма қавати (ка-линлиги тахминан 30 нм) билан биргаликда хужайрадан чикиб

169



79-расм- Нормобластлар. Одам суяк кумигидаги нормобласт. Электрон микрофотограмма. X 6.000.

1 — базофил нормобласт; 2 — полихроматофил нормобласт; 3 — оксифил нормобласт.

кетади. Итариб чицарилган ядро дар^ол суяк кумигидаги макрофаг ^ужайралари томонидан ца-раб олиниб, фагоцитозга уч-райди.

Уз ядросини йуқотган оксифил нормобласт ёш эритроцитга ёки ретикулоцитга айланади. Электрон микроскопда курилган-да ретикулоцитларда з^али ярим-ёрти з^ужайра органеллалари-нинг — митохондриялар, вакуолалар ва рибосомаларнинг сакла-ниб қолганлигини куриш мумкин. Улар ретикулоцитларни супра-вита-л буялганда куринадиган донатор — ипли тузилмаларни (зиБз^апНа ге!Иси!о—Шатегйоза) берувчи элементлар з^исобланади.

Кейинги такомилланиш давомида ретикулоцитлардаги хужай-ра органеллаларининг қрлдиклари йук олнб кетади ва ретикуло-цитлар э р и т р о ц и т л а р г а айланади.

Ривожланаётган з^ужайраларда гемоглобин синтез қилиниши мураккаб процесс булиб, бунда нормобластларнинг з^ужайра ор-ганеллалари, хусусан, митохондриялар актив иштирок этади. Ге-моглобин з^осил булиши учун лозим булган пластик материаллар-дан муҳими темир ҳисобланади.

Темир атомлари ривожланаётган хужайраларга темирнинг р-глобулин билан >оск қилган Сирик-масида трансферрин шаклида етказиб берилади.

Бундай ташқари, электрон микроскопик текширишлар натижасида суяк кумиги макрофагларидаги ферритин шаклидаги темир бирикмаси эритропоз хужайраларига рефеоцитоз ёки пино-цитоз йули билан утиши ҳам топилган. Суяк кумиги макрофагла-ри, кари-емирилаётган эритроцитлардаги гемоглобинни ютиб, сунгра уни ферритин шаклида ёш, тарацций этувчи нормобластлар-га етказиб беради. Суяк кумигида макрофаг ^ужайрасининг атро-фида жойлашган ривожланаётган нормобластларни куриш мумкин, улар биргаликда «эритробластик оролчалар» деб номланган здгжайра группаларини ташкил этади. Бу оролчаларда марказда жойлашган макрофаг з^ужайраси нормобластлар учун узига хос «бок,увчи з^ужайра («клетка-кормилица») вазифасини утайди.

Эритропозтик элементлар жуда тез булиниб купайиш хусуси-ятига эга. Дастлабки, морфологик Жихатдан бошқа элементлар-дан ажратилиши мумкин б^лган эритропоз хужайра — эритро-бластдан бошлаб, то ретикулоцит бос^ичигача булган хужайра-лар э р и т р о н термини билан умумлаштириб юритилади.

Радиоавтографик усул билан текширишлар курсатишича, эритробластлар, пронормобластлар ва базифил нормобластлар митоз йули билан купайиш крбилиятига эга булган з^ужайралар булиб ҳисобланади. Полихроматофил ва оксифил нормобластлар уз булиниш қобилиятини йуқотган хужайралардир.

Эритробластдан то оксифил нормобласт хужайрасигача булган такомиллашиш даври тахминан 24—48 соатга тенг. Нормо-бластлардан ретикулоцитлар ҳосил булиши зса тахминан 48—72 соат ичида амалга ошади. Ретикулоцитлар дарҳол қон айланиши доирасига тушмай, 48—72 соатча суяк кумигида етилишни давом эттиради ва етук эритроцитларга айланади.

Эритропоз мураккаб процесс булиб, эритробластик элемент-

171

ларнинг купайиши ва уларда гемоглобин синтезининг бориши эндокрин ва нейрогуморал йуллар орқали бошқарилади. Эритро-позни бошқарувчи муҳим факторлардан бири буйракда, меъдада ва бошқа органларда ишлаб чиқариладиган эритропозтин модда-сидир. Эритроцитлар такомиллашишининг нормал кечиси учун организмда витаминларнинг, айниқ,са витамин В нинг, темир мод-даси ва бошқа элементларнинг етарли даражада булиши муҳим аҳамиятга эга.

Гранулоцитопоз ёки донатор лейкоцитларнинг такомиллаши-ши. Схематик равишда гранулоцитопоз куйидагича ифодаланади: *Зак цужайра—> миелопоэзнинг бошлангич %ужайраси—* миело-бласт—>• промиелоцит—+миелоцитлар—* метамиелоцитлар—>» таск-ча ядроли лейкоцитлар ->• етук ёки сегмент ядроли лейкоцитлар.*


М и е л о б л а с т — гранулоцитопоз процессида морфологик жих,атдан аниқланиши мумкин булган энг ёш донатор хужайра. Уз тузилиши жихатидан миелобластлар дифференциаллашмаган бластларга ухшаб кетади. Уларнинг катталиги одатда 14—20 мкм булиб, йирик, думалоқ ядрога эга. Миелобластлар ядросида хроматин текис .нафис тур шаклида булиб, куп ҳолларда уларда 2—4 та ядрочани учратиш мумкин. ^ужайра цитоплазмаси Романовский усули билан буялиб, узиди кам сонли қизғиш-бинафша ранг-ли азурофил доначаларнинг булиши билан бошқа бласт хужайра-ларидан ажралиб туради. Миелобластлар электрон микроскопда курилганда уларнинг цитоплазмаси эркин хх>лда ётган рибосома-лар ва полисомаларга бой эканлиги, цитоплазмада кам сонли думало^ митохондриялар ва дагал цитоплазматик тур борлнги кузга ташланади.

Гольжи комплекси баъзи бир хужайраларда яхши ривожлан-ган булиб, ядрога яцин ерда - жойлашган. Бу зонага яқин цисм-ларда янги ҳосил булаётган, катталиги тахминан 0,5—0,8 мкм ке-ладиган доначаларни учратиш мумкин.

П р о м и е л о ц и т л а р — донатор лейкоцитларнинг такомил-лашишида миелобластлардан кейин келадиган хужайра босқичи (80-расм). Промиелоцитлар катталиги 12—18 мкм булган хужай-ралар булиб, цитоплазмаларида морфологик жихатдан бир-бири-дан тубдан фарқ цилувчи донаторлик пайдо булиши туфайли уч алох,ида турга — *нейтрофил, эозинофил ва базифил промиелоцит-ларга* булинади.

Нормал шароитда асосий модда гелъ консистенциясига эга. Унинг таркибига бириктирувчи тупима хужайраларида синтезла-нувчи моддалар (гиалурон кислота, хондриатинсульфат, гепарин, мукопротеид, сув, ферментлар, иммун таначалар ва метаболит моддалар) ва қон томир о^ркали келувчи моддалар (альбумин, глобулин, витаминлар, гормонлар, ионлар, мукопротеин, сув, фер-мент, иммун таначалар ва метаболитлар) киради. Бу компонент-ларнинг миқдори физиологик ва патологик ҳолатларда узгариб туради. Мукополисахаридлар, хусусан, гиалурон кислота, хондри-атинсульфат кислота, гепарин асосан ок,силлар билан комплекс ҳолатда булади. Аморф модданинг морфологик, функционал хо-лати ва консистенцияси мукополисахарид ва мукопротеид комп-лексларининг ҳолатига боглиқ. Аморф модданинг миқдори бириктирувчи туциманинг турли қисмларида турлича. Р^он томир ка-пиллярлари атрофида, ёғ хужайралари тупланган жойларда ёки ретикуляр хужайра куп булган ^исмларда аморф модда кам. Ле-кин бириктирувчи ту^иманинг эпителии билан чегарадош қисмларида аморф модда куп. Бу ерда аморф модда коллаген ва ретикуляр толалар билан чегара мембранасини (базал пластинкани) ҳрсил қилади.

Асосий модда турли моддаларни қон томирдан хужайрага ёки метаболизм қолди^ларини зУ^{жаи}Р^аД^{ан} қонга утишидаги асосий тузилмадир. Шунинг билан бирга у баъзи бир бактерияларни уш-лаб цолиш қобилиятига эга. Аммо купчилик бактериялар гиалу-ронидида ферментини ажратиб асосий модданинг мукополисаха-ридаларини парчалайди. Микседема касаллигида (қалқонсимон без функциясининг пасайиши),- витамин С авитаминозида асосий модданинг суюқланиши кузатилади. Шундай цилиб, аморф модда организмда модда алмашинувида мухим урин тутиб, унинг узга-риши турли касалликларга олиб келиши мумкин.

{Сийрак бириктирувчи тупима толалари


Коллаген толалар. Коллаген ^ (юнонча ко!а —елим, депоз — тур, елим ҳосил цилувчи демақдир) фацатгина асл бириктирувчи туцимада булмай, балки суяқда — оссеин, торайда — хондрия толалар номи билан мавжуд. Коллаген толалар сийрак бириктирувчи туцимада турли йуналишда ётувчи тугри ёки эгри-бугри торт-малар ҳолида жойлашади (92-расм). Коллаген толалар фибро-



92-рasm. Терининг турсимон ^аватидаги коллаген толаларнинг буйлама кесмаси. Электрон микрфотোগрамма. X87.500.

1 — коллаген Фибри.члалар; 2 — кбндаваг чизиклар. 1СЙ

<ласт з^ужайраларида полипептид занжирлар шаклида з^осил була бошлайди. Дужайра ичида калта полипептид занжирлар бир-бирига уралади ва триплетлар з^осил қилади. ар триплет молекуласи уч полипептид занжирдан иборат булиб, энига 1,4 нм ва узунлиги 280—300 нм га тенг. Бу триплетлар *тропоколлаген* деб номланади. Унинг молекуляр оирлиги 360 000 га тенг. Тропоколлаген оцили з^ужайра ташшарисига секреция қилинади. Тропоколлаген толалари бир-бирига уланиб, *протофибриллаларни* хр-сил қилади. Сунгра АТФ иштиро-кида полимер занжирлар водород борлар ёрдамида ёнма-ён уланиб «бирлашган *фибриллаларни*» (75 нм га тенг) з^осил қилади. Уларда кун-фаланг чизикларни куриш мумкин. Кундаланг чизик полимеризация цилиш даврида ^осил булиб, тропо-коллаген молекулаларининг ораси-да қоладиган бушликда борли^ . Бирламчи фибриллалар з^осил қи-лишда протофибриллалар зинаси-мон жойлашади, яъни бир цатор Тропоколлаген молекулалари бош-қа қатор молекулаларидан ярим давр фарқ қилади. Бирламчи фибриллалар бирлашиб, эни 5—15 мкм, узунлиги турлича булган *коллаген фибриллаларни* з^осил цилади. Шундай қилиб, коллаген толалар бирламчи-фибриллалардан, улар эса,



93-расм. А — коллаген толаларнинг тузилиш схемаси. Б — коллаген макромолекуласининг спирал структурам (Рич бу-Пича): кичик оц доиралар — глицин, йирик оц доиралар — пролин. Штрихланган доиралар — гидросипролин.

протофибриллалардан, протофибриллалар эса тропоколлаген-лардан иборатдир (93-расм). Юқо-рида келтирилган кундаланг чи-ЗИҚНИНГ ^осил булиш назарияси купчилилик тадқиқотчилар томони-дан тан олинган бўлса з^ам, баъзи муаллифлар бу чизикнинг з^осил булишини бошқача талкин қилади-лар. Бу нуқтаи назар буйича тропо-коллаген молекулалари бир-бирига зич молекулалари ён қисмида поляр занжирлар цисмлар билан алмашинади. }^ар бир 4 нополяр (актив эмас) занжирларни узид

уланади. Тропоколлаген булиб, бу цисмлар нополяр молекула 5 та поляр (актив) ва тутади.

Молекулалар буйига бирлашганда қисман бир-бирининг устига ётади. Поляр қисмларнинг бир-бирига ётган қисмлари туц, нополяр цисмларнинг ётган қисмлари эса оч булади. Учинчи фикр бу-йича, кундаланг чизи^лик коллагеннинг полисахаридлар билан борланишига боғлх.

Коллаген толаларда глицин, пролин, оксипролин, глютамин, аспарагин каби аминокислоталар куп булиб, олтингугурт сақлов-чи аминокислоталар кам. Коллаген толалар жуда пиши^ ва чу-зилмайди. Пай суюлтирилган ишқор ва кислоталарда 10 марта шишади.

Эластик толаларнинг ҳосил булиши коллаген толаларнинг хо-сил булишига ухшаш. Фибробластлар эластик толаларнинг-^ам ҳосил булишида иштирок этади. Лекин таркиби турли булган коллаген ва эластик оқсилларнинг ҳосил булиш механизми ҳали маъ-лум эмас.

Эластик толалар. Эластик толалар толали бириктирувчи туки-мада ва бириктирувчи тукдшанинг баъзи бошқа турларида учрай-ди. Улар махсус буёқлар билан буялганда (орсеин, резорсин-фук-син) коллаген толалардан аниқ ажралиб куринади. Эластик толалар к алинлиги 8—20 нм келадиган фибриллалардан ^осил булиб, толалар цалинлиги сийрак бириктирувчи туцимада 1—3 мкм бул-са, эластик боғламларда 8—10 мкм гача етади.

Эластик толаларда коллагендан фарқли равишда кундаланг чизи^лик йу^ . Бу ^олат эластик толани ҳосил қилувчи о^силлар-нинг бетартиб жойлашиши билан таърифланади. Эластик тола оциллари яхши урганилмаган. Баъзи авторлар тола маркази оц-сил-эластиндан ва четки қисми эса мукополисахаридлардан иборат деб тушунтирса, бошқа муаллифлар эластик толалар 2 қисм-дан — толалар ва уларнинг орасида жойлашган цементловчи мод-дадан (эластомуциндан) иборат деб ҳисоблайдилар. Эластик толаларда бир-биридан фаркланувчи оқсиллар борки, бу оқсиллар аминокислоталар таркиби коллаген толадаги оқсилдан бошқача-дир. Коллагенга нисбатан бу оқсилларда глицин, лейцин, тирозин, фенилаланин, валин каби

аминокислоталар куп булиб, глютамин, аспарагин кислота, оксипролин, аргинин ва боиҳалар анча кам. Эластик толаларда топилган оцсиллар мажмуаси — эластин оцсил номи билан маълум. Эластик толалар яхши чузилади, лекин узилиши 5[^]ам осон. Эластик толаларда вацт утиши билан минерал тузлар утириб уни синувчан қилиб қуяди.

Ретикуляр толалар. Сийрак шаклланмаган бириктирувчи ту[^]и-мада, бириктирувчи туқиманинг бош[^]а турларида, [^]он яратувчи аъзолар стромасида, жигар, қон томирлар (асосан капиллярлар), мушак ва нерв толалари атрофида коллаген ва эластик толалардан тапҳари ретикуляр ёки ретикулин толалар ҳам учрайди (94-расм). Улар кумуш билан импрегнация қилинганда ани[^] ку-рингани учун баъзан *аргирофил* (юнонча агдугоз — кумуш) толалар деб ҳам юритилади. Ретикуляр тола (ge^{!e} — тур) деб номланиши уларнинг тур ҳосил қилишини билдиради.

Ретикуляр толаларнинг тузилиши яхши урганилмаган бўлса ҳам, маълум фактлар бу толалар о[^]силдан — ретикулиндан гу-

зилганлигини, оқсил микрофибриллалари атрофида эса цемент-ловчи модда мукрполиаахарид жойлашганлигини тасдиқлайди. Ретикулин оксили коллаген ва эластик толалардаги оқсиллардан серии, оксизин, глютамин аминокислоталарининг куплиги билан ажралиб туради. Оқсил микрофибриллалари тахминан 40— 60 нм қалинликда булиб, уларда ҳам худди коллаген протофиб-риллаларидаги каби кундаланг чизиқлик куринади. Кумуш билан фақат ретикулин толалар буялмай бу хусусият эмбрионал тарак-қиёт давомида ёки туқималар регенерациясида учрайдиган пре-коллаген толаларга ҳам хосдир. Аммо преколлаген толалар коллаген толага айланиш давомида кумуш билан импрегнацияланиш қобилиятини йўқотса, чин ретикулин толаларда бу хусусият дои-мийдир. Ретикуляр толалар кучсиз кислота, ишқорлар ва трипсин таъсирига чидамли. Аминокислоталар таркиби буйича ҳам преколлаген оқсиллар ретикулиндан фарқ қилади.

ЗИЧ ТОЛАЛИ БИРИКТИРУВЧИ ТУҚИМА

Сийрак ва зич бириктирувчи туқима орасида кескин чегара утказиш мушкул, чунки организмда бириктирувчи туқиманинг хужайралар ва хужайралараро модда нисбати аста-секин узгаради. Толаларнинг жойланиш тартиби буйича зич толали бириктирув-

201

чй туқиманинг шаклланган ва шаклланмаган турлари фарқ қилинади.

Зич шаклланмаган бириктирувчи тупима терининг турсимон қавати ва бугин халтачалари бириктирувчи ту[^]имасида учраб, унинг коллаген ва эластик толалари бир-бирига зич, лекин тартибсиз жойлашганлиги учун турсимон тузилишга эга. Хужайралар тури куп булмай, аморф модда ҳам кам. [^]ужайралар асосан фибробласт ва фиброцитлардан иборат булиб, улар узунчоқ шакл-га эга.

Зич шаклланган бириктирувчи тупима эса толаларининг тартибли жойлашиши билан фарқланади. Бу туқимада толаларнинг жойлашиши куч чизиқлари буйлаб йуналган. Шаклланган бириктирувчи туқимага пайлар, боғламлар, фиброз мембраналар ва пластинкасимон [^]бириктирувчи туқима қиради. Бу туқиманинг тартибсиз қисмларининг тузилишига мукамалроқ тухтаб утаммиз.

Пайлар. Пайлар пишиқ тортамлар булиб, мушаклар шу пайлар орқали суякка бирлашади. Пайлар бир-бирига параллел ётувчи, йўгон коллаген толалардан ташкил топган. Коллаген толалар орасида эластик тур ётади (95-расм). Уларнинг орасида асосий модда жойлашади. Бириктирувчи тупима хужайраларидан эса, толалар орасида ётувчи фиброцитларгина булади. Фиброцитлар туртбурчак, учбурчак ёки трапеция шаклига эга булиб, ён томондан таёцца шаклини эслатади. Бу хужайраларни пай хужайрала-ри деб ҳам номланади.

202

Пайда ҳам бир коллаген толалар тутами фиброцитлар билан чегараланган. Бу толалар бирламчи тартибли толалар дейилади. Бу толалар ташқи томондан *эндотеноний* деб аталувчи сийрак толали, бириктирувчи туқиманинг юпқа пардаси билан уралган. Бирламчи толалар йирилиб иккиламчи толалар тутамини ҳосил қилади. Иккиламчи толалар тутами уз нав-батида учламчи толалар тутамини ҳосил қилади. Бу толалар тутами танҳи томондан *перитеноний* деб аталувчи сийрак толали бириктирувчи туқимадан иборат парда билан чегаралангандир. Шу пардаларда пайларни озиқлантирувчи томирлар ҳамда пайларни иннервация қилувчи нерв толалари ва нерв охир-лари жойлашади.

Фиброз мембраналар. Фиброз мембраналар — фасциялар, апо-неврозлар, диафрагманинг пай марказлари, баъзи органларнинг капсуласи, торай уст пардаси, склера, тухумдон ва урурдонларнинг оқлик пардаларини ҳосил қилади.

Апоневрозлар, фасциялар ва диафрагманинг пай маркази бир-бирининг устида бир неча қават булиб ётган коллаген толалар тутамлари ва улар орасида жойлашган хужайралардан иборат. Коллаген толалар бир-бирига параллел ётади. Фиброз мембраналарда коллаген толалар тутамидан ташқарй, эластик толалардан иборат тур ҳам мавжуд. Суяк уст пардаси, склера, тухумдоннинг оқлик қавати, буримлар капсуласида коллаген толалар тутами бироз нотугри жойлашган булиб эластик толаларнинг куплиги билан апоневрозлардан фарқ қилади. Бу

каватларда, фиброцитлар бурчакли ёки дуксимондир.

Пластинкасимон бириктирувчи туқима капсула билан уралган нерв охирларида учрайди. У концентрик жойлашган бириктирувчи туқима пластинкаларидан иборат. Пластинкаларнинг асосий моддасида буйлама, кундаланг йуналишда жойлашган ёки тартиб-сиз чирмашган ингичка коллаген толалар жойлашган. Бу толалардан баъзи бирлари коллагенга ижобий реакция бермайди, балки узининг хусусиятлари билан ретикулин толаларига яцинлашади.

Пластинкалар устида усимтали, ядроси овал шаклли фиброцит хужайралари ётади. Пластинкалар орасида одатда фибробласт-лар ва утрок макрофаглар учрайди.

Эластик бириктирувчи туқима. Бу туқима чин товуш боғлами-да учраб параллел йуналган эластик толаларнинг яхши ривож-лаинганлиги билан характерланади. Бу борламда эластик толалар тармоқлангани учун улар тур шаклини ҳосил қилади. Эластик толалар куплиги бу туқимага сарик жило беради. Эластик боғлам-лар коллаген туқимадан фаркли уларок ҳар хил тартибли тугам-лар ^осил қилмайди, чунки сийрак бириктирувчи туқима элемент-лари эластик тур буйлаб текис тарқалган. Эластик туқима ичи буш органлар деворидаги эластик мембраналарни ^осил қилади (йирик артерияларда ва юракнинг маълум цисмларида). Эластик типдаги артерия деворларида (аорта, упка артерияси ва бошца-лар) эластик туқиманинг эластик пластинкалари д а р ч а л и м е м б р а н а л а р ^осил қилади. Дарчали мембраналар бир неча кават булиб жойлашган, улар оралиги эса силлиқ мушак хужай-ралари, фиброцит хужайралари ва мукоид модда билан тулган булади.

МАХСУС ХУСУСИЯТГА ЭГА БУЛГАН БИРИКТИРУВЧИ ТУҚИМАЛАР

Юкорида к^риб утилган сийрак шакланмаган бириктирувчи туқимадан ташцари махсус хусусиятга эга булган бириктирувчи туқималар — ретикуляр тупима, ёр туқимаси, шиллик тупима, пигмент туқима фарк, цилинади.

Ретикуляр (турсимон) туқима. Бу тупима ретикуляр хужайра ва ретикулин толалардан ташкил топган. Ретикуляр хужайралар усиклари билан бирлашиб, турсимон (гейсилит) тузилмани хрсил қилади. Ретикуляр хужайраларга ретикулин толалар зич тегиб ётади. Ретикуляр туқдша организмнинг турли цисмларида учрай-ди. Бу туқима суяк кумиги, лимфа тугуни ва талоцинг стромаси-ни ҳосил қилэди.

Ретикуляр туқимани ичак шиллик цаватида, буйракда ва бош-ца органларда учратиш мумкин. Унинг асосий вазифаларидан бири цон шаклли элементлари ишланиб чиқишида иштирок этиш-дир. Бу туқима ҳосил қилган қовузлокларда ривожланаётган қон шаклли элементларининг турли хужайраларини учратиш мумкин. Ретикуляр туқиманинг баъзи ^ужайралари турдан ажраб, эркин ретикуляр хужайраларни ^осил ^илади. Ретикуляр хужайралар фагоцитоз ^илиш қ,обилиятига эга. Талок, ва лимфа тугунининг ретикуляр ту^имасидан қон ёки лимфа доимо утиб туради. Шу-нинг учун бу аъзоларнинг ретикуляр хужайралари ёт о^сил билан ту^нашади, уни ютади ва шу оксилга (антигенга) нисбатан ^та сезгир булган *макрофагларга* айланади.

Ёр туқимаси. Ёр хужайралари бириктирувчи т^иманинг маълум цисмларида тулланиб, ёр туқимасини ҳосил қилади. Икки хил ёр т^имаси тафовуз қилинади: о% ва ^нзир. Оқ ёр а^қимаси ^ужайралари ю^орида («Ёр ^ужайралари» сарлав^асига ц.) тасвир-ланган тузилишга эга булиб, у ёр туқимасининг асосий цисмини ташкил этади. К^нгир ёр туқимаси одамда илк ёшлик даврида (кураклар атрофида ва тананинг ён тарафларида) учрайди. Ке-мирувчиларда ва қишда уйкуга кегувчи сут эмизувчиларда у куп-рок. Кунгир ёр туцйласи ^ужайралари цитоплазмасида йирик ёр томчилари булмай, балки майда ёр томчилари булади. Майда ёр томчилари орасида донадор цитоплазматик тур, пластинкасимон Гольжи комплекси, куп микдорда митохондрия ва гликоген ки-ритмалари жойлашади. Ёр хужайраларидаги цитохромлар ёр ту-^имасига кунгир туге беради. Ёр хужайраларидаги ёр тупламлари энергетик манба з^исобланади. 100 гр ёр ёнганда энергиядан таш-қ,ари 107,1 гр сув ажралади. Шундай цилиб, сув етишмаганда .ёр сув манбаи булиб ҳам хизмат қилади.

Метаболик жараёнда кунгир ёр туқимаси алоҳида урин тута-ди. Унинг метаболик активлиги оқ ёр туқимасига нисбатан 20 марта ю^ори. Организм совиганда к^нрир ёр туқимаси митохондрия-

204

ларида фосфорланишнинг оксидланишдан ажралиши натижасида ИССИҚЛИК энергияси ажралиб, у организмни иситади. Ёр туқимаси механик функцияни ҳам бажариб, организмни турли таъсирлар-дан сақлайди (масалан, тери ости ёр клетчаткаси).

Пигмент ту^имаси. Бу туқима куп микдорда пигмент хужай-раларини (меланоцитларни) сақлайди. Бу тупима — сургич со-х асида, знал тешиги атрофида, ёрроц халтада ҳамда кузнинг крн томир ва рангдор пардаларида учрайди.

БИРИКТИРУВЧИ ТУҚИМАНИНГ ЕШГА КАРАВ УЗГАРИШИ

Бириктирувчи туқимада ёшнинг утиб бориши билан аста-секин хужайра элементларининг камайиши кузатилади. Асосан фибробласт хужайралари камайиши натижасида маълум даражада асосий модда ҳам камаяди. Еш бириктирувчи тупима асосий мод-дага бой булиб, толалар кам булади. Функционал актив хужайра элементларининг булиши бириктирувчи туцймада модда алмаши-нувининг юкорилигини таъминлайди. Еш утиши билан бириктирувчи тупима мукополисахаридларининг таркибий қисмлари >^ам узгаради. Гиалурон кислота камайиб хондриатин сульфат кислота ва унинг эфирлари ошади. Сульфатланган полианионлар ошиши

унинг қон плазмасининг беталипопротеид фракцияси билан [^]римайдиган комплекслар ҳосил [^]илишига олиб келади. Бу эса [^]он томир деворида атероматоз таначалар ҳосил булишига ва атеросклероз касаллигининг ривожланишига сабаб булади. Хондриатин сульфат В нинг купайиши унинг кальций тузл ар и билан борланишини кучайтириб, бу жараёнлар организм қариши билан параллел кечади.

Шундай қилиб, ёш улрайиши билан бириктирувчи ту[^]иманинг толалари купайиб, хужайра элементлари камаяди. Бу жараён шунчалик сезиларлики, купчилик муаллифлар аъзоларнинг ёш улрайиши билан склерозга учрашини эътироф этадилар. Бу эса, аъзоларнинг бириктирувчи туқима орқали озиқланишининг бузилишига олиб келади.

ҚОН ВА БИРИКТИРУВЧИ ТУҚИМА [^]УЖАЙРАЛАРИНИНГ УЗАРО МУНОСАБАТИ

Нормал ҳолатда қон ва бириктирувчи туқима [^]ужайралари ур-тасидаги узаро муносабат ани[^] кузга ташланмайди. Баъзи экспе-риментал ва патологик ҳолатларда, масалан, яллирланиш, экстра-медуляр гемопозда улар орасидаги муносабатлар ани[^] курина-ди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, суяк қумигининг узак [^]ужайра-лари қон орқали бириктирувчи туқимага келиб фибробласт ҳосил қилувчи ёки макрофаг ҳосил қилувчи хужайраларга айланади. Макрофаг ёки гистиоцитларни урганиш, уларнинг қонни моноцит хужайраларидан ҳосил булишини, плазматик хужайраларни урганиш эса, уларни В-лимфоцитлардан ҳосил булишини курсатди. Н. Г. Хрушчов фикрича, лаброцитлар йирик (урта) лимфоцитлар-дан ривожланиши мумкин. Яллирланиш жараёнида қхш ва бириктирувчи тупима хужайралари муҳим урин эгаллайди.

91.4

Яллигланиш. Тудималарнинг турли шикастловчи таъсирларга жавобан вужудга келадиган ҳимоя реакцияси я л л и р л а и и г й дейилади. Ялирланиш мураккаб жараён булиб, биз бу ерда би-риктирувчи тупима ва қон элементларининг бу реакцияда қандай иштирок этишига тухтаб утамыз.



Мгҳаллий яллирланиш жараёнининг кечишида бир-бирдан кескин чегараланмайдиган 3 та фазани фар[^] қилиш мумкин: ял-лирланиш майдонида лейкоцитларнинг қуп булган даври — *лс.й-қоцитар фаза*; макрофаглар қупроқ даври — *макрофагик фаза*; бириктирувчи тупима ҳосил қилиш билан тугалланувчи — *фибро-бластик фаза*.

Меъда девори экспериментда механик жарсатланганда, бош-қз таъсиротлардаги сингари туқималарда характерли морфоло-гик узгаришлар кечади. Бу жароҳатланишда қ,он томир томони-дан узгаришлар булиб, бу қон томирлар тешигининг катталаши-ши, капиллярлар девори утказувчанлигининг ошиши, шишнинг ҳосил булиши билан ифодаланади. Парчаланиш моддалари я л л и г л а н и ш м а й д о н и г а лейкоцитларни жалб цилади (хс-мотоксис).

ЯЛЛИРЛЗНИШ бошлангандан бир неча вақт утгач нейтрофил лейкоцитлар қон капиллярлари девори орқали бириктирувчи ту-қимага утади (96-расм, а). Улар яллигланиш майдони атрофида жойлашиб л е й к о ц и т а р в а л н и ҳосил цилади (96-расм, б). Бу жараён тахминан 2 суткагача давом этиб, С } нгра лейкоцитар вални ҳосил қилувчи нейтрофил лейкоцитлар емирила бошлайди. Емирилиш натижасида хужайралардан қуп миқдорда лизосомал гидролитик ферментлар ажралади. Бу ферментлар яллирланиш майдонини жароҳатланган туқима ва хужайралардан тозалайди. Парчаланаятган лейкоцитлар таъсирида гистиоцитлар (макрофаглар) купайиб, улар нейтрофил лейкоцитлар урнини боса бошлайди (бу даврда бириктирувчи тупима [^]ужайра элементлари анаэроб — гликолиз йули билан моддаларни парчалайди).

Иккинчи фазада қоннинг моноцит ва лимфоцитлари қон томир капиллярларидан бириктирувчи туқимага утиб, макрофагларга айланади. Бу эса макрофагик фаза дейилади. Макрофаглар яллир-ланиш майдони атрофидаги лейкоцитлар ва хужайралар ва унинг қолдиқларини фагоцитоз қилиб, регенерация учун керакли ша-роитни ҳосил қилзди.

Фибробластик учинчи фазада фибробластлар митотик булини-ши ва бошқа хужа/рлардан ҳосил булиши натижасида яллирла-ниш майдонида ку[^]аяди. Улар яллирланиш учоги атрофида па-раллел қаторлар ҳосил қ,илиб жойлашади. Фибробласт хужайра-лар тропоколлаген ҳосил қилади, улар эса хужайралараро модда-га секреция қилиниб, бу ерда коллаген толалар шаклланади. Бу толалар ёт танача атрофида бириктирувчи туқимали капсулаяи ҳосил қилади. Бу капсула яллирланишнинг бошланишидан 5—7 кундан сунг яхши куринади. Яллирланиш вақтида регенерация шу усулда боради. Шундай қилиб, яллирланиш реакциясида албатта бириктирувчи туқима ва қон шакллихэлементлари иштирок этиб, хужайраларсиз яллирланиш реакцияси булмайди.



96-расм, А. Меъда шиллиқ ости қавати бириктирувчи туқимасининг яллирланган жойида қон томирлардан атроф тўқимага чиққан лейкоцитлар.

Гематоксилин-эозин билан бўялган. Об. 10, оқ 10.

1 — кенгайган қон капиллярлари; 2 — бириктирувчи тўқимага утган лейкоцитлар.

Б. Бириктирувчи туқимада яллигланиш соҳасида вужудга келган лейкоцита?

вал. Гематоксилин-эозин билан бўялган. Об. 10, оқ 10.

1 — бириктирувчи тўқима; 2 — лейкоцитар вал.

207

ТОГАЙ ТЎҚИМАСИ (ТЕХТНЗ САКТНЬАСШЕ1§)

Тогай туқимаси бириктирувчи туқиманинг бир тури булиб, ТОРЗЙ хужайраларидан ва хужайрааро моддадан ташкил топган. Унинг таркибида 70—80% сув, 10—15% органик моддалар ва 4—7% минерал тузлар бор. Органик моддалар асосан оксил, му-кополисахарид ва липиддан иборат. Оцсиллар ичида фибрилляр оцсиллар (коллаген, эластик) ва нофибрилляр оцсилларни фарк қилиш мумкин. Тогай туқимасидаги хондромукопротеин ёки хондромукоид асосан хужайра оралик модданинг асосий моддасида булади. У тогай туқимасининг физик-химиявий (зичлигини, тур-горини) хоссаларини белгилайди.

Тогай туқимасининг хужайра элементлари. Тогай туқимасида 2 турли тогай хужайралари: *хондроцитлар* ва *хондробластлар* фар. қилинади. Хондроцитлар овал ёки юмалоқ булиб, хужайра юзаси-да микроворсинкалар тугади. Хужайралар хужайралараро моддадаги махсус бушлиқларда якка-якка ёки туп-туп булиб жойлашади. Туп-туп жойлашган хужайралар умумий бушлиқда ётиб, бошлангич хужайранинг булиниши натижасида хосил буладн. Бу туп хужайралар изоген группа деб номланади. Хар бир хужайрада битта ёки иккита ядроча тутувчи юмалоқ ядро булади. Хужайранинг цитоплазмаси бир оз базофил булиб, тор алқа булиб ядро атрофини урайди. Хужайра органеллалари куп эмас. Ривожланаётган ТОРЗЙ хужайралар цитоплазмасида куп микдорда, митохондриялар, пластинкасимон комплекс ва цитоплазматик тур жойлашади. ТОРЗЙ

хужайраларини гистохимик усуллар билан урганилганда унда гликоген, липидлар мавжудлигини ҳамда бир атор ферментларнинг (ишқорий фосфатаза, липаза, оксидаза) юксак активлиги аниқланган. Торай >ужайраларининг иккинчи тури хондробластлардир. Улар торзй усти пардасининг остида торзй туцимасининг перифериясида жойлашган булиб, яссилашган шаклга эга ва якка-якка булиб хужайрааро моддада ётади.

Хондробластлар хондроцитларга нисбатан кенгро^ цито-плазмага эга булиб, рибонуклеин кислотага бой булганлиги са-бабли цитоплазмаси базофил буялади. Электрон микроскоп остида хондробласт хужайраларида цитоплазматик турнинг парал-лел мембраналари куринади. Бу хх>лат хужайранинг ю^ори синтетик фаолиятидан дарак беради. Цитоплазмада гликоген ва мукополисахаридларнинг катта тупламлари аниқланади. Баъзан цитоплазматик тур* мембраналари хужайра цобирига яцинлашади. ^ужайранинг бундай тузилиши секрет 'ишловчи хуй<айраларга ҳам хосдир. Хондробластлар такомиллашиш давомида хондроцитларга айланади.

Торай устида кон томир капиллярларига бой булган бириктирувчи туқима ётади. Кон томирлар ва нерв охирлари атрофида узун фибробласт типигаги хужайралар ва коллаген толаларнинг тутамлари жоилашади. Бу тузилма торай усти пардаси — *пери-хондр* (юнонча *рег!* — олди, *сНопйгоз* — тогай) деб номланади. Тогай туқимасининг озикланиши, регенерацияси ва баъзи бир гистохимик хусусиятлари торайнинг уст пардасига борлиқ. Тогай-

208

нинг хужайралараро моддасида кон томирлар йук, моддалар диффузия нули билан торзй уст пардаларид^аги кон томирлардан бо-ради. Тогай уст пардаси йук жойда (бурим торайларида) озик моддалар синовиал суюкушкдан диффуз йули билан киради. То-рай хужайралараро моддаси коллоид булгани учун сув ва туз утиши осондир. Торай озиклушишининг ёмонлашуви торай хужайра-лараро моддасида, айни^са гиалин торзйидз Са⁺⁺ тузларининг утиришига олиб келади.

Хужайралараро модда. Хужайралараро модда — толалар ва асосий моддадан ташкил топган. Гиалин торайда коллаген (хонд-рин) толалар бълса, эластик торайда коллаген толалар билан бир цаторда эластик толалар ҳам жуда куп. Хондрин толаларининг тузилиши асл бириктирувчи туқиманинг коллаген толаларини эслатади. Коллаген толаларнинг нур синдириш кобилияти асосий модданикига тахминан тенг булгани учун улар оддий ёрурлик микроскопи остида куринмайди. Бу толалар юпка кесмаларни поляризациеи микроскоп ёрдамида текширилганда, трипсин билан ишланганда ёки кумуш билан импрегнация цилинганда ку-ринади. ^ужайралараро модданинг бушлиқ деворларига якин қисмлари атрофидаги хужайралараро моддадан нурни кучли синдириш цобилияти билан фарқ, килади. Бу қават торай хужайрала-рига капсула булиб хизмат қилади. ^ужайралараро модда у,ам, худди торай з^ужайралари каби гликогенга, хондриотин сульфат кислота типигаги кисЯбт^'Яй' Муко'полийсахаридларга бойдир. Асо-сан ^ужайралараро моддасининг тузийлишига цараб, торзйнинг уч тури: 1) *Гиалин* (шишасимон); 2) *эластик* (турсимон); 3) *толали* (коллаген толали) турлари фар^ланади.

ГИАЛИН ТОРАЙ ТУҚИМАСИ

Гиалин тогай куп учрайдиган тогай туридир. Эмбрион скелети-нинг куп р^ИСМИ, хаво утказувчи йуллар гиалин токайдан тузил-гандир. У куқимтир ярим тиниқ ранги билан фарқланади.

Торай таш^и томондан бириктирувчи туқиманинг юпка қавати перххондр билан қопланган (97-расм). Торай уст пардаси хужай-ралари ва торайнинг типик ^ужайраси — хондроцитлар орасида хондробласт .^ужайралар учрайди. Торайнинг юкх>ри цаватидаги хондроцит х ужайралари хондробласт хужайраларидан к^л фар^ илмайди, чу^урроқ ^аватида эса тогай хужайралари аста-секин катталашади. Гиалин тогай хондроцит юзаси текис булмай, электрон микроскопда куринувчи микроворсинкалари бор (98-расм). Бу з^ужайралар ядроси юмалоқ булиб, хроматини кам. Цитоплазмасида бириктирувчи туциманинг плазматик хужайра-ларидаги каби концентрик цистерналар шаклида цитоплазматик тур жойлашганлиги куринади. Хондроцит цитоплазмасида к^п микдорда ё? ва гликоген йирилиши мумкин.

Хондроцит митоз ва амитоз йули билан булинади. Хосил б^л-ган ҚИЗ >ужайралар атрофида зич хужайралараро модда булгани учун циз хужайралар бир-биридан узоқлашмай изоген группалар-

14-427

тм°

ни хх>сил қилади. Шунинг учун қари торайлардаги изоген группа-лар 8—10 тагача хондроцитларни тутайди.

Хужайралараро модданинг ҳолатига кура тогай хужайраси-нинг шакллари турлича булиши мумкин. Ёш тогайдаги хужайрала-раро модда сувга ва хондромукоидга бой, бу ерда торай хужайра-лари шакли юмалоқ. Қари торайларда хужайралараро модда зич-лашган булиб, хужайралари одатда диск шаклини олади. Якка ёки изоген группалар атрофида ётган хужайралараро модда тур-лича буялади, чунки унинг таркибида сульфат кислотаси ва хокд-ромукоиднинг микдори турлича булади. Хондромукоид базофил буялгани учун хужайралараро модданинг хужайра капсуласи атрофида бевосита жойлашган, куп микдорда хондромукоид сак-ловчи бу зонаси кескин базофил буялади. Базофил буялувчи мод-далар изоген группаларни хар томондан бир текисда урагани учун улар шарсимон таначаларни ххюил қилади. Бу таначалар орасида маълум ^асофа булиб, унинг катталиги торай қариши билан ортиб боради. Шарсимон таначалар оралиги хондромуко-идни камроқ, альбуминоид ва коллаген оцсилени купро^ саклай-ди. Натижада бу цисм кучсиз базофил

буялади. Иирик ва ^ари тогайда базофил таначалар атрофида ^алка сингари оксифил зона шаклланади, чунки ёш ошиб борган сари торай хужайрала-рининг сони, гликоген, липид, хондриотинсульфат кислотасининг микдори камаяди: Пировардида з^ужайралараро модда базофилиясининг сусайиши кузатилади.

91П




98-расм. Хондроцит. Упка бронхидаги гиалин тогай. Электрон микрофотограмма.


1 — ядро; 2 — Гольжи зонаси; 3 — липид томчилари; 4 — гликоген доналари; 5 — митохондриялар; 6 — доядор цитоплазматик тур; 7 — цитоплазматик толалар; 8 — вакуола; 9 — ХУ-жайранинг аррасимон кирраси; 10 — капсула соҳаси; 11 — асосий модда; 12 — кўшни хондроцитнинг бир қисми (Родиндан).

ЭЛАСТИК ТОРАЙ ТУҚИМАСИ


Эластик тогай кулоқ супрасида, хикилдоқда (шоҳчасимон ва понасимон тогайларда), хикилдоқ усти торайида учрайди. Улар сарғиш рангли, хира булади. Тузилиши жиҳатидан гиалин торай-ни эслатади. ^ужайрали юмалоқ шаклга эга булиб, якка-якка ёки изоген группани ҳосил қилиб жойлашади (99-расм). Эластик то-рай хужайраларининг цитоплазмасида гиалин торайдан фарқли равишда ёр ва гликоген кам тупланади (100-расм). Х,ужайралар-аро моддасида эса хондриотинсульфат микдори оз. Эластик торай з^ужайралараро моддасида коллаген толалари билан бир қаторда эластик турни ҳрсил қилувчи эластик толаларни куриш мумкин. Бу эластик толалар торай уст пардасига утиб кетади. Эластик торайда оҳакланиш кузатилмайди.



99-рasm



100-рasm



101-расм. Толали тогай. Умурт^алараро дискдан тайёрланган Гематоксилин эозин билан буялган. Об. 20, оқ 10.
1 — коллаген толалар; 2 — тогай ^ужайралари.

ТОЛАЛИ ТОРАИ ТУҚИМАСИ

Толали торай толали бириктирувчи туқиманинг пай, бордам турларини гиалин торайга утиш жойларида учрайди. Масалан, соннинг юмалоқ борламида, умров-туш буримида учрайди. Умурт-қалараро дисклар ҳам толали торайлардан иборат (101-расм). Толали тогайда ҳам х,ужайраларни (хондроцитларни) ва хужай-ралараро моддани ажратиш мумкин. Х,ужайралараро модда коллаген толалардан ва базофил буялувчи аморф моддадан ташкил топган. Бу моддада бушли^лар булиб, улар якка-якка ёки изоген группалар ҳ,осил ^илиб ётувчи торай ^ужайраларини тугади. Хондроцитлар овал ёки юмалоқ; шаклга эга булиб, гиалин торай-дан пайларга утиш давомида яссиланади ва пай хужайралари сингари ^атор-цатор булиб жойлашади.

Шундай қилиб толали ТОРЭЙ гиалин тогайни пай ёки борламга утишдаги оралик, шакли деб ифодаласа ҳам булади.

ТОРАИ ТУ^ИМАСИНИНГ ТАРАҚДИЁТИ ВА РЕГЕНЕРАЦИЯСИ

Тогай туқимаси мезенхимадан ривожланади. Мезенхима ху-жайралари купайиб, усимталарини йукотади ва бир-бирига зич ётади. Тогай олд туқимасида хужайралараро модда йук, унинг таянч вазифаси эса хужайраларнинг ёппасига купайиши ва куп мик_дорда сув тутиши ҳисобига ҳосил булган ички кучланиш орқа-ли бажарилади. Мезенхиманинг бу цисми *склетоген куртак* дейи-лади.

Кейинги боскичда хужайралараро модда хрсил қила оладиган тогай хужайралари пайдо булади. Хужайралараро модда янги ҳосил буладиган коллаген толалар билан бирга таянч вазифасини ҳам утайди. Хужайралараро модданинг шу даврда оксифил буя-лиши бу хужайралар томонидан фибрилляр оқсил ишлаб чиқа-рилишига борлик. Торай хужайралари Хужайралараро модда ишлаб чиқ,аришни давом эттиради ва бир-биридан узоклашади. Х,у-жайралараро моддада янги коллаген толаларнинг шаклланишига аморф модданинг химиявий тузилишини мураккаблаштирувчи химиявий узгаришлар дахлдор. Пировардида хондромукоид деб номланувчи гликопротеид билан оқсил бирлашмасидан иборат булган бу модда таркибига хондриотинсульфат кислотаои кириб, хужайралараро модданинг базофилиясини вужудга келтиради. Хондромукоид асосий модда ва коллаген толаларга шимилади, натижада коллаген толалар оддий микроскоп остида куринмайди-ган булиб қолади.

Ёш тогайнинг ТОРЭЙ ^ужайралари митотик ва амитотик були-нишда давом этиб, янги-янги хужайраларни х,осил қилади. Ёу хужайралар изоген группа хужайраларини вужудга келтиради. Бу жараён ТОРЭЙНИНГ ички тарафдан усишини белгилайди. И н -ту с су с ц е п ц и он (лотинча тУз — ички, зизарю — иштирок) усиш гудаклик даврида ва ёш болаларда кузатилади.

Склетоген куртакни ураб турган мезенхима хужайралари ҳам купайишда давом этади ва хужайралараро модда ҳосил қилади. Натижада склетоген куртак бу хужайралар ^исобига .^ам кенга-яди. ТОРЭЙНИНГ бу усулда усишини а п п о з и ц и о н (лотинча арровШо — ташци тарафдан) усиш дейилади. ТОРЭЙ куртакни қолаб турган мезенхима хужайралари зичлашади ва ТОРЭЙ усти пардасини хх>сил қилади.

ТОРЭЙ усишининг охири боскичида туциманинг усиши ва унинг озик билан таъминоти орасида тафовут руй беради. Торай марка-зидаги хужайралар купайишдан тухтайди. Баъзилари дистрофия-га учрайди. Хондромукоид эса оксифил буялувчи оддий оқсил — альбумоидга айланади. Қ,ари кишиларда ва касалларда ТОРЭЙ ху-жайра оралик моддасига кальций тузлари утириши натижасида асбестли дистрофия хрсил булади. Баъзи ҳолларда (кучли ривож-ланган дистрофияда) торай ичига крн томирлар усиб кириб, ТОРЭЙ туқимасининг су#к туқимасига айланиши кузатилади.

Турли таъсирлар натижасида жароҳатланган торай регенерация қобилиятига эга. Торай регенерациясида перихондрда жок-лашган хужайралар муҳим урин тутати. Бу ^ужайралар торай

214

^ужайраларига айланади, улар орасида эса тогайнинг хужайра-лараро моддаси шаклланиб, жароҳатланган тогай тикланади.

СУЯК ТУҚИМАСИ (ТЕХТн« 055Е115)

Суяк тук имаси фақат умуртқали ҳайвонларда учраб, жуда мустаҳкам тузилма. Суяк туцимаси ҳам ҳар к андай тупима каби модда алмашинув жараёнида организмнинг боиха цисмлари би--лан узаро ало^ада булади. Уларнинг фаолияти эса нерв система-си ва гормонлар орқали бонҳариб турилади.


Дамма керакли озик моддалар кон орқали суяк туцимасига етказиб берилади. Модда алмашинувининг ма^сулотлари эса, ^з навбатида қонга чиқарилади. Суяк туцимаси таянч функциясини бажаришга мослашган бўлса з\$ам, организмнинг минерал тузлар алмашинувида иштироки бор.

Минерал тузларнинг асосий қисми суяк туқимасида йирилган булиб, организм учун керакли булганда ^онга чициши мумкин. Суяк тупима аорганик (тахминан 67%) ва органик моддалар-нинг (33%) йириндисидан иборат булиб, ҳар бир модда суякка маълум хусусият бериб туради. Органик моддалар суякка плас-тиклик, эгилувчанлик хусусиятларини берса, ноорганик моддалар эса унга қаттиқлик ва муртлик хусусиятларини беради. Агар суяк куйдирилса, унда органик моддалар куйиб, йук, булиб, суяк мурт ва осон синувчан булади, агар ноорганик моддалар эритиб (кучли концентрацияли кислоталарда) олинса, суяк эгилувчан ва пластик булиб крлади. Шундай қилиб, суяк туқимасидаги органик ва ноорганик моддалар бирикмаси унга мустаҳкамлик бериб турар экан.

Суяк туқимасидаги ноорганик моддалар кальций фосфат, кальций карбонат ва магний тузларидан иборат булиб, қондаги кальций ва фосфорнинг миқдори шулар орқали нормаллаштириб турилади, яъни керакли пайтда улар суякдан қонга утиб туради.

Суяк тупима қаттиқ тупима булишига қарамай, динамик туки-ма булиб, доимо янгиланиб туради, бунда суякнинг бир ^исми сурилиб, мунтазам қайта ^урилиб туради. Минерал тузларнинг алмашиниши айниқса х,омиладорлик пайтида, лактация даврида яққол куринади. Бунда сузсиз ривожланаётган ^омила скелети-нинг шаклланиши учун куп миқдорда кальций ва фосфор тузлари керак булади. Шунинг учун бу даврда ҳомиладорларга кальций ва фосфор тутган ози^ моддаларни купроқ тавсия этиш зарур. Минерал тузлар етишмаса, масалан, ривожланаётган ёш болалар организмда суякларда жиддий патологик узгаришлар руй бери-ши мумкин.

Суяк туқимаси таянч, минерал алмашинувидан таш^ари яна қатор функцияларни бажаради. Маълумки, суяклар ичида ^изил ёки сари^ суяк кумиги жойлашиб, у ерда кон шаклли элементла-ри ХОСИЛ булади, демак, бу нозик тузилмалар муста^кам суяк би-лан к_опланиб, ^имоя ^илиб турилади. Бундан ташқари, суяк ту^и-маси ички органлар учун химоя воситасини утайди, энг му^ими мушаклар учун мураккаб ричаглар системасини ҳосил ^илади.




102-расм. Суяк >ужайраси- Гематоксилин-эозин билан буялган. **Об. 60, оқ 10.**
1 — цитоплазма; 2 — ^симталар.

СУҲ ТУҚИМАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Суяк туқимаси з^ам з^ужайралардан ва з^ужайралараро модда-дан ташкил топган. Шунинг қайд қилиш керакки, ^ужайралараро модда суяк туқимасида минераллашган ёки минерал тузлар билан тулган булиб, толалардан ва циттик, асосий модда ёки аморф мод-дадан ташкил топган. Уч хил суяк з^ужайралари фарқ қилинади: остеоцитлар, остеобластлар ва остеокластлар.


Остеоцитлар (юнонча *osteon* — суяк, *cyt* — >ужайра) усим-тали ^ужайралар булиб, усимталари майда усимтачаларга тар-моқланган булади. Бу з^ужайралар уз шаклига мое келадиган бушликларда жой^шиб, тармоқлари билан узаро боғланган (102-расм). Бу з^ужайра марказида туқ буялган ядро жойлашиб, цитоплазма оч базофил рангга эга. Остеоцитлар суяк туқимаси-нинг асосий з^ужайраларидан з^исобланиб, цитоплазмасида митохондрия, кучсиз ривожланган пластинкасимон комплекс булади (103-расм). Шу вақдгача з^ужайра марказининг бор ёки йуцлиги аниқ,ланган эмас, шунинг учун бўлса керак, остеоцит .^ужайра-ларнинг булиниши туррисида аниқ, фикр йук. Дужайранинг майда усимталари кейинчалик қисқариши ёки йук булиб кетиши мум-кин, лекин улар жойлашган каналчалар системаси сақланиб, улар орцали суяк туқимасида модда алмашинув жараёни юз беради. Шундай қилиб, остеоцитлар етук суякнинг асосий .\ужайраларини ташкил қилади.



103-расм. Остеоцит. Янги турилган каламуш боласинянг пастки жар суяги лаку-насидаги остеоцит. Декальцинация цилинган суяк Электрон микрофотограмма.

1 — остеоцит ядроси; 2 — митохондрия; 3 — донатор цитоплазматик тур; 4 — везикула; 5 — лакуна; 6 — цитоплазматик уеицчалар; 7 — суяк тўқимаси (Родиндан).

Остеобластлар—(юнонча *озлеоп* — суяк, *ЎазЪз* — куртак) суяк усти пардасида, суякнинг янгидан ҳосил булаётган қисмла-рида учраб, кубсимон, пирамидасимон ёки куп циррали шаклда булиб, юмалоқ ёки овалсимон ядрога эга. Ядрога бир ёки бир неча ядроча булади. ʘужайра цитоплазмасида анча яхши тараф-Қий этган цитоплазматик тур, митохондрия, пластинкасимон комплекс ва куп микдорда РНК ни қуриш мумкин (104-расм). Бундан таплари, цитоплазмада ʘужайралараро модданинг ҳосил булиши учун ниҳоятда керак булган ишқорий фосфатаза ферменти мав-жуд. Остеобластлар суяк ҳосил қилувчи ʘужайралардир. Бу ʘу-



104-расм. Остеобласт. Икки кунлик каламуш боласи суягининг диафиз ^исми-дан олинган. Электрон микрофотограмма.
 1 — остеобласт ядроси; 2 — Гольжи комплекси; 3 — митохондрия; 4 — донатор цитоплазма-тик тур; 5 — лизосома; 6 — калта микроворсинкалар; 7 — узун микроворсинкалар; 8 — осте-
 оид туцима (Родиндан).

жайралар доимо оксил синтез қилиб ^ужайралараро моддага аж-ратиб туради, хужайралараро модда хрсил булиши тугагандан сунг улар актив булмаган суяк хужайраларига — остеоцитларга айланади.

Остеокластлар—(юнонча *οζοειοπ* —суяк, *κλαο* — парчаланиш, емирилиш) бу хужайралар оҳакланган жой ва суяк туқималари-нинг парчаланишида актив иштирок этади. Дужайраларнинг энг йириги 100 мкм га етиши мумкин. Шакли эса нотурри юмалоқ булиб, жуда куп (50 тагача) ядрога эга. Куп ядро ва катта цито-плазмага эга булгани учун бу хужайраларни симпластларга кири-тилади. ^ужайра цитоплазмаси оксифил буялиб, ҳар хил доиа-чалар тутади. Дужайра чегараси нотекис булиб, майда усикча-ларга ва ботик, чуқурчаларга эга. Электрон микроскопда ^ужайра цитоплазмасида яхши ривожланган силлиқ цитоплазматик тур, митохондриялар, лизосомалар ва вакуоаларни куриш мумкин. Остеокластларнинг с^як туқимаси билан учрашган ерида уйицлар ҳосил булиб, шу уйи'кда (лотинча *lасипа*) остеокластлар жойла-шади. Бундай жойлашиш натижасида цитоплазмада булган кис-лотали фосфатаза ва бошқа гидролитик ферментлар ёрдамида атрофдаги хужайралараро модда парчаланиши осон булади. Пар-218 чаланиш натижасида ҳосил булган моддаларни остеокластлар фагоцитоз қилади ва шу хужайралар олдинга ҳаракат қилади. Нати-жада девори текис булмаган кенг каналларни (лакуналарни) холил қилади.

Суяк туқимасининг дужайралараро моддаси оҳаклашган бу-либ, юкорида қайд этиб утганимиздек, 30% органик ва 70% но-

•органик моддалардан ташкил топган. Дужайралараро модда икки цисмдан: толалардан ва асосий моддалардан иборат. Толалар эса органик моддалардан ташкил топган булиб, улар асосий ёки остеоколлаген толалар деб аталади. Бу толалар уз хоссаларига кура коллаген толаларга якин булиб, электрон микроскопда кун-даланг-гаррил тузилишга эга. Оссеин толалари тартибсиз ёки маълум тартибли йуналишда жойлашади.

Асосий модда, суяк туқимасида, асосан минерал тузлардан ташкил топган булиб, қисман хондроитин-сульфат кислотаси ҳам учрайди, гематоксилин-эозин билан буялганида асосий модда эозин билан буялади. Суяк туқимасининг асосий моддаси апатитгидро-оксид кристаллари сифатида _намоён булиб, суякнинг асоси булган оссеин фибрилла толаларнга нисбатан тартибли жойлашган. Минерал тузлар игнасимон ёки пластинкасимон заррачалар сифатида куриниб, ^алинлиги 1,5—7,5 нм гача, узунлиги 150 нм гача келадиган турри чизицли шаклга эга. Ёш узгариши билан улар-нинг катталиги ҳам узгайиб боради. Ёш суяк туқимасида гидрооксид кристаллари ^осил булади, улар оссеин фибрилла толалари ичида ва уларнинг атрофида жойлашади. Тузилиши буйича икки хил суяк туқимаси тафовут этилади: дарал толали суяк ту^имаси ва ингичка толали ёки пластинкасимон суяк туқимаси.

Дагал толали суяк туқимаси. Бундай суяк туқимаси асосан хомилада, янги турилган чакалоқларда учрайди. Катталарда эса,

•факат торайларнинг суякка бириккан жойида, калла суякларининг чокларида учрайди. Бу суякни дарал толали дейилишига

•сабаб шуки, суяк туқимасининг оссеин толалари жуда дарал ва турли йуналишда жойлашган булади. Толалар бир-бири билан кесишиб, ёки бурчак ҳосил ^илиб ёки мураккаб тур ҳосил қилиб

жойлашади. Бу толалар ораси асосий модда билан туйинган булади. Суяк тукдшасининг асосий моддасида узунчоқ-овалсимон шаклдаги суяк бушли^лари ёки лакуналар жойлашиб, булар узун бир-бири билан анастомозлар ҳосил ^илувчи каналчаларга давом этади. Ана шу бушлиқларда шакли шу бушлиқнинг шаклига мисл қиладиган остеоцит хужайралар жойлашади. Шунининг билан утиш керакки, ҳомиллада ^осил булган дарал толали суяк усиши ва кейинги тараҳиёти натижасида секин-аста пластинкасимон суякка айланади.

Пластинкасимон суяк тузимаси. Вояга етган организмда барча суяклар — ясси, найсимон суякларнинг асосий р^исми пластинкасимон суякдан ташкил топган булади. Бу суякнинг асосини суяк пластинкалари ташкил этиб, пластинкалар ингичка бир-бирига параллел ҳолда жойлашган коллаген толалардан ва остеоцит хужайраларидан иборат. 5^ар бир пластинкада жойлашган коллаген толалар кушни пластинкадаги коллаген толаларга нисбатан

910

перпендикуляр жойлашади. Пластинкаларда толаларнинг бундай йуналиши суяк туқимасини ута муста^кам қилади.

Суяк пластинкаларининг жойланишига қараб икки хил суяк моддаси фарқ қилинади: *компакт* ва *говак* суяк. Компакт суякда пластинкалар бир-бирига жипс бирлашиб жойлашса, говак суякда пластинкалар ҳар хил йуналишда бир-бирига нисбатан турли хил бурчак ҳосил қилиб жойлашади ва уларнинг орасида кичик-кичик бушлиқлар ва найчалар ҳосил булади.

Нишонланган фосфор билан утказилган тажрибалар шунинг курсатадики, говак модда узида ҳаракатчан фосфор тутиб, у осон-лик билан қонга утиши мумкин. Компакт модда эса говак моддага ^араганда уч марта камроқ ҳаракатчан фосфор тутади. Шундай қилиб, минерал тузлар алмашинувида говак модда асосини роль уйнайди.

Компакт суяк бир-бирига жуда ҳам жипс бирлашган суяк пластинкаларидан иборат булиб, унинг тузилишини урганиш учун, найсимон суякнинг тузилиши билан танишиб чиқиш керак

НАЙСИМОН СУЯКНИНГ ГИСТОЛОГИЯ ТУЗИЛИШИ

Маълумки, найсимон суякда анатомик жиҳатдан диафиз ва эпифиз цисмлари тафовут этилади. Диафиз қисми найсимон шакл* да булиб, девори компакт қисмдан ташкил топган. Компакт моддаси эса бир-бирига жуда ҳам зич бирлашиб кетган суяк пластинкаларидан ташкил топган (105-расм). Эпифизлар эса ташқи то» монидан юпқа компакт суяк билан қопланган булиб, ички томони говак моддадан ташкил топган. Суяк ташқи томонидан юпқа би-риктирувчи туқимали парда билан, яъни суяк усти пардаси (*периост*) билан уралган. Суяк ички канали эса жуда юпқа парда (*эндост*) билан суяк қумигидан ажралиб туради. Найсимон суякнинг компакт моддадан тузилган диафизда цуйидаги қаватлар: *ташқи умумий суяк пластинкалар системаси, остеоонлар (Гаверс) системаси* ва *ички умумий суяк пластинкалари системалари* тафовут этилади. Таққи суяк пластинкалар системасининг қалинлиги 4—12 мкм булиб, бир-бирига параллел йуналган бир нечта пластинкалар йигиндисидан иборат (106-расм). Шуниси характерли-ки, бу пластинкалар суякни ташқи томондан бутунлай ураб туради, лекин пластинкаларнинг охири бир-бири билан туташмай, уст-ма-уст жойлашиб тугайди. Бу қаватда тешиб угувчи каналлар жойлашиб, улар орқали суяк усти пардасидан суяк ичига қараб ^он томирлар утади. Бу каналлар *озицлантирувчи каналлар* булиб, уз деворига эга булмайди ва Фолькман каналлари деб ата-лади. Бундан ташқари, суяк усти пардасидан ҳар хил бурчак ҳосил қилиб, суякка томон коллаген толзлар йуналади, бу толалар *тешиб утувчи толалар* деб аталиб, остеоонлар қаватига етиб кели-ши мумкин.

Суяк деворининг урта қаватини *остеоонлар* ҳосил қилиб, улар компакт суякнинг *структура бирлиги* ҳисобланади (107-расм). Остеонлар ^ам пластинкалардан иборат булиб, улар концентрик сифатида ^он томирларни ураб жойлашади. Остеон



105-расм. Найсимон еуякнинг тузилиши (схема).

А — суякнинг уст пардаси (периост); 1 — толали қават; 2 — камбиал қават; а — қон томир. Б — суякнинг компакт моддаси; 3 — ташқи умумий пластинкалар қавати; 4 — остеон; 5 — остеон канали; в — тешиб утувчи канал; 6 — ички умумий пластинкалар қавати; В — суяк қўмниги бушлиғи; 7 — говак суяк трабекуласи; Г — суякнинг ички пардаси (эндост) (В. Г. Елисеев ва бошқалар, 1970).

марказида қон томир жойлашиб, девори эса қалинлиги 5—20 мкм булган, бир-бирининг ичига кирган цилиндрлар системасидан тузилган. Остеон халқаларини тўсилган пластинкаларнинг оссеин толалари уз йўналишига эга булгани учун суякнинг буйлама ва кундаланг кесмаларида пластинкаларни аниқ ажратиш мумкин. Остеонлар бир-бирига зич тегиб ётмайди, балки улар орасида кон-центрик тўсилган суяк пластинкалари жойлашади. Бу пластинкалар *оралик* ёки *интерстициал пластинкалар* деб номланади. Муаллифлар фикрича, оралик пластинкалар физиологик олатда емирилатган эски остеонларнинг қўлдиқ қисмлари-дир.



106-расм. Найсимон суякнинг буйлама кесмаси. Шморль усули билан буялган.

Об. 10, оқ 10. 1 — Гаверс снтемаси; 2 — орали[^] пластинкалар системаси.

Найсимон суякнинг марказида эндост билан к/эпланган суяк кумиги канали жойлашиб, у билан остеон системаси оралигида йчки умумий суяк пластинкалари жоилашади.

Найсимон суякларда остеонлар суякнинг узун укига параллел жойлашиб, улар узаро анастомозлар орқали туташади. Бу ана-стомозлар ташқи умумий пластинкаларга кирувчи каналлар снн-гари қон томир сақлагани учун озиклантирувчи каналлар деб ном-ланади. Остеон каналларидаги қон томирлар узаро боғланибгина қрлмай, улар суяк кумиги ва суяк усти пардасининг қон томирла-ри билан \ам бирлашгандир. Суяк усти пардасида озиклантирувчи қон томирлар ва нерв толалари ҳам жойлашган. Бу ерда мие-линли ва миелинсиз нерв толаларининг чигаллари мавжуд. Нерв толаларининг бир қирми кх>н томирлар билан танҳи умумий пластинкалар орқали остеон каналига, у ердан эса суяк кумигига етиб боради. Нерв толаларининг бир қисми эса суяк усти пардасида эркин ва капсулага уралган нерв охирларини ^осил қилади.

Суяк усти пардаси (периост) ва эндост. Суяк танҳи томондан суяк усти пардаси билан уралган. Унда икки қават: *ички толали* ва *ташқи адвентициал* қаватлар фарқланади. Ички қисми нозик толали бириктирувчи туцимадан ташкил топган булиб, коллаген толалардан ташқари узида эластик толаларни ^ам тутлади. Бу ерда майда қон томирлар ва остеобласт ^ужайралари жоилашади. Эндост — жуда нозик парда булиб, суякни ички томондан коплай-ди. У остеобласт хужайраларини ушловчи бириктирувчи туқи.ма-

дан тузилган булиб, унинг коллаген толалари суяк кумигининг строма тузилмаларига утиб кетади.

СУЯК ТУҚИМАСИНИНГ ГИСТОГЕНЕЗИ ВА РЕГЕНЕРАЦИЯСИ

Суяк туқимаси мезенхимадан икки усулда: турридан-турри *мезенхимадан* (калла суякларининг купчилиги шу усулда ҳрсил булади) ёки мезенхимадан ҳосил булган *тоғай модели ур-нида* ХОСИЛ булиши мумкин (бу усул билан найсимон суяклар ри-вожланади).

Суяк туқимасининг мезенхимадан ривожланиши. Булруси суяк урнида мезенхима хужайралари купая бошлайди (*остеоген оролча-лар уносил булади*. 108-расм). ^ужайралар орасида коллаген тола-лар ҳосил булади ва бу толалар хужайраларни бир-биридан узо^лаштиради. Бу хужайраларни преостеобластлар деб ҳисоблаш •мумкин. Улар коллаген толалардан ташқари мукополисахарид-лар ҳам ҳосил қилади. Натижада хужайра оралик модда базофил буялади. Преостеобластлар остеобласт хужайраларига айланиб, яна купроқ хужайра оралиц модда ишлай бошлайди. Бу даврни *остеоид Оавр* деб ^ам юритилади. Шу даврга келиб остеобласт хужайралари хужайра оралиц моддаси билан уралиб, купайиш цобилятини йқотади ва остеоцит хужайраларига айланади. %о-сил булган хужайралараро модда мукополисахариддан ва колла-гендан тузилган. Минерал тузлар бу ерда йук, чунки мукополиса-харид кальций тузларининг коллаген толаларига утиришга йул ^уймайди.

Тараққиётнинг кейинги босқичида (*минерализация даврида*) •туқ,имада куп микдорда фосфгЯтаза туланади. Улар органик фос-фатларни парчалайди ва минерал тузларнинг чуқишига йул оча-ди. Шу билан бирга хужайралараро моддада деполимеризация, яъни мукополисахарид моддасининг парчаланиши ва эриб кетиши .кузатилади. Шу вақтдан бошлаб хужайралараро модданинг органик қисми фақат коллагендан ташкил топади. Коллаген толалари атрофида жуда кичик апатит кристаллари йирилади. Кальций туз-лари жуда тез тулана бошлайди. Бунга сабаб қонда ва суяк ту-цимасида куп микдорда туланган фосфатаза ферменти булиб, периферии ^ондаги глицерофосфатни карбонсувга ва фосфор кис-лотага парчалайди Фосфор кислота эса кальций хлорид билан бирикиб кальцийнинг фосфор тузини х^эсил қилади.. Улар эса. кальций

карбонат билан хужайралараро моддада тупланади. „Дастлаб хрсил булган суяк туцимаси ноаник; тузилишга ;<га була-ди ва куп микдорда дарал коллаген толалар ва тартибсиз жой-лашган апатит кристалларидан иборат булади. Шундай йул билан дастлабки *дарал толали суяк туцимаси* ^осил булади. Бу аста-секин *пластинкасимон суяк тук^имасига* айланади. Мезенхима хужайраларидан ^осил булган остеокласт хужайралари ху-жайралараро моддани емира бошлайди ва дагал толали суяк ту-кимасига қон томирлар ушиб киради. Янги суяк пластинкалари қон томирлар атрофида х,осил була бошлайди. Оссеин толалар тартибли жойлашиб, улар устида янги остеобласт ^ужайралар^и


991

малар туплами ётади. Шилли^ парданинг мушак қатлами икки қават — ички айлана, ташқи узунасига йуналган силлик, мушак-лардан ташкил топган. Ички мушак қатлампдан ворсинка ва крипт-таларнинг хусусий қатлами томон айрим мушак ҳужайраларн йуналади. Бу жойда мушаклар сургич стромаси ва базал мембрана билан борланувчи аргирофил толалар билан уралган булади. Шу мушакнинг цис^ариши, сургичнинг калталашиси, сурилган модданинг шиллиқ ости парда томирлари томон сурилишига сабаб булади.

Шиллиқ ости пардаси юмшо^ шаклланмаган бириктирувчи ту^кимадан иборат. Бу парда цон томирларга ва нерв охирларига бой. Ун икки бармоқ, ичак шиллиқ ости цаватида дуоденал (Бруннер) безлар и жойлашади (249-расм). Бу безлар мурак-қаб найсимоҳ тармоқушнган шиллиқ безлардир. Дуоденал безларнинг охирги секретор булими ута тармо^ланган булиб, ци-линдрсимон шилли^ ҳужайралардан ташкил топган. Бу ҳужайра-ларнинг апикал цитоплазмасида купгина секрет гранулалари ётади. Ясси гиперхром ядро ҳужайра цитоплазмаси асосида жойлашади. Секрет ажралиши билан ҳужайра паст кубсимон булиб қо-либ, ядроси думалоқлашади. Бруннер безларининг чиқарув най-лари кубсимон ^ужайралар билан кхшланган булиб, шилли^ парда ор^али, ун икки бармоқ, ичакнинг криптларига очилади. Чиқарув найи ^ужайралари охирги секретор булими х,ужайраларига нисба-тан кал бўлса-да, секретор гранулалар тутуди ва секретор фаолия-



249-расм. Ун икки бармоц ичак (схема).

1 — шиллик цават; 2 — ичак сургичи; а — эпителий; б — ху-сусий бириктиривчи туқма; 3 — крипта; в — шиллик цават-нинг нушак наглами; 4 — шиллик ости кават; 5 — дуоденал безлар; 6 — дуоденал безлар-винг чнцарув найи; 7 — мушак кават.

О

тини бажаради (250-расм). Дуоденал
 безлар таркибида агрирофил, апикал
 донатор ва баъзан кдда^симон апикал
 лар ^ам булади. Брукнер ^ужайра-
 ма^сулотй меъдадан безларнинг
 му^итни нейтраллайди. тушган кйслотали
 секретиди дипептидларни Дуоденал бези
 ларга қадар парчаловчи амйнокйслота-
 ферментлари булади. Безниху секретиди
 амилаза таъсирида карбон сульфатларни
 парчалайди .ва меъда ости безийяг -ами-
 нолитик фаолийятини кучайтиради, Дуо-
 денал безларга секретин, дуоденин ва
 бошқа гормонлар ишлаб чиқаради, деб
 қаралади, .

Ингичка ичак мушак пардаси и қз-ват — ички айлана ва ташқи зунасига йуналган ;силли^ мушаклардан йборат. Мушаклар орасида нерв чйгалларйу-то-мирлар тутган юмшо^ бириктирувчй ту-кд!ма қатлами жойлашади. ИЙГ_н

Сероз парда ичак устини. бир, ^ават ясен эпителий — мезотелий билан 1^опла-ган зич шаклланмаган бириктиривчи ту-кимадан йборат.

ОЗУКАЛАР СУРИЛИШИНИНГ ЦИТОФИЗИОЛОГИЯСИ

Юқори ва қуйи табака ^айвонларда озука моддалари ошқозон-ичак найла-рида кечадиган бушликдаги ^азм, мембранадаги ^азм ва озуца-ларни «г сурилиши каби уч этап-да боради. Бушликдаги ёки дисталчт ^азм ошқозон ва ичак найларининг ферментлари таъсирида юзага келади. Ош-қозонда ва сунг ичакда озуца биополн-мерларининг физик-химиявий борламла-ри дезагрегацияга учрайди .амда тар-кибидаги мураккаб туқима ва ^ужайра структуралари парчаланайди. Шу жараён туфайли ^осил булган олиго- ва димерлар ичак ^ужайралари сат^и мембран'аларида сунгги гидролизга учрайди (мембранадаги, яъни ^ужайра адеворид а г и ^азм). Озука моддаларининг сурилиши улар-нинг ичак ^ужайралари орқали қонга ёки лимфага утиш жараёи-ларини та^озо этади.

Ингичка ичакда мембранадаги ^азм ва сурилишда, асосан, ичак ворсинкалари иштирок этади. Ичак крипталарй эса ворсин-каларни озукаларни сурувчи ^ужайралар (^ошияли энтероцитлар) билан таъмин этиб, крипта — ворсинка системаси фаолийтининг оптималлигини ва умуман ичак функциясини таъминлаб боради. Хозирги замон цитофизиологиясининг ютуқлари озуцаларнинг сурилишида цуйидаги этапларни ажратишни тацозо этади: 1) моддаларнинг апикал плазматик мембраналардан утиши; 2) моддаларнинг цитоплазматик тузилмалар ёрдамида з^ужайра ичидаги ^аракати; 3) моддаларнинг энтероцитнинг латерал ёки базал плазматик мембранаси орқали оралиқ туқима (интерстиций)га утиши; 4) моддаларнинг интерстицийдан қон ёки лимфа капилля-рига утиши.

Ичакдаги моддаларнинг парчаланishi ва сурилиш юзасини оши-рувчи ворсинкалар юзидаги ^ошияли эпителийнинг микроворсинкаларининг плазматик мембраналари шу з^ужайранинг базал ва латерал мембраналаридан цалиндир (микроворсинкалар мембра-насининг қалинлиги 11—12 нм бўлса, ён мембраналар 8—9 нм дир). Бу қалинлик микроворсинка мембранасида жойлашган куп-гина гидролитик ва моддаларнинг ^ужайрага утишини таъминлов-чн ^аракат ферментлари ^исобига бўлса керак

Энтероцит микроворсинкаларининг ферментлар фракцияси 25 тага яқин гидролитик ва ^аракат ферментларидан иборат. Микроворсинкалар ^исобига ^ар бир ^ужайранинг сат^и 30—40 баравар ортади, умуман, ингичка ичакнинг майдони эса 1300 м² га этади. Микроворсинкалар ташқи томондан ингичка мукополисахарнд ип-чалардан иборат мембрана усти қатлами — гликокаликс билан қопланган. Г л и к о к а л и к с гидролитик ферментларининг ҳамда иммуноглобулинларнинг парчаланувчи субстратларининг юқори концентрациясини таъминлайди, мембранада кечадиган гидролиз ва з^аракат тезлигига таъсир этади, мембрана сатҳини йирик моле-кулали моддалар ва микроорганизмлар утишидан ^имоя цилади, микроворсинкалар муста^камлигини таъминлайди. Энтероцит мкк-роворсинкаларининг мембраналари орқали моддаларнинг утиши актив з^аракат билан, пиноцитоз ҳамда диффузия нули билан боради.

Физиология з^амда иммуноморфология усулларини қуллаш би
 лан шу нарса аниқландики, катта ёшли одам ва лаборатория-^ай-
 вонлари энтероцитлари микроворсинкаларининг мембранаси орқа
 ли ок^силлар аминокислоталаргача парчаланиб, карбонсувларшо-
 носахаридлар ^олида, ёғлар эса, ёр кислоталари ва моноглицерид^
 лар хрлида утади.-Сурилган моддалар ^ужайра ичида цитоплаз
 матик структуралар ёрдамида ^аракатлантирилади. Ёғларнинг
 буёқлар ва фиксаторларга яқинлиги туфайли уларнинг* трансцел-
 люляр ^аракати яхши урганилган. Шунинг учун ҳам озуца мод-
 даларининг сурилиш жараёини ёғларнинг шимилиш тимсолида

куриб утағиз.

Овқатлантиришдан 10—15 минут утгандан кейин ворсинка хужайраларининг терминал тур зонаси остидаги силлиқ ва Донадор цитоплазматик ретикулум бушлиқлари ичидаги ёр кислоталар, мо-ноглицеридлар ва глицерин ацилтрансфераза ёрдамида триглице-ридларга қайта синтезланади. Сурилиш бошланганда ёр донача-яри ворсинканинг учидаги ўжайралар ичида куринса, 30—60 ми-нутдан кейин эса ворсинканинг ён хужайралари ичида з^ам кури-

481

нади ва ҳамма дужайраларда ^ам, юқорида баён этилганидек, ресинтез процесси кетади. Ресинтез билан бир пайтда хужайра-ларда триглицеридларнинг ҳаракатланувчи формалари — х и л о м и к р о н л а р н и н г компонентлари, яъни о^силлар, фосфоли-пидлар ва холестерин синтезланади.

Сурилиш процесси бошланиши билан хужайранинг пластин-касимон Гольжи комплекси гипертрофияга учрайди: у ядро усти-да катта зонани ташкил этиб, узида жуда куп хиломикронлар гут-ган вакуолалардан иборат булади. Хиломикронлар бу ерда на фа-к ат синтезланади ва йигилади, балки везикулалар ёрдамида ён плазматик мембрана томон ҳаракатлантирилади х ам. Бу ерда везикула мембранаси х амда хужайра мембранаси кушилади ва хужайралараро бушлиқда. хиломикронлар чицарилади. Сурилиш бошлангандан 3^4 соат утгандан кейин энтероцитлар сурилган моддалардан бушайди ва Гольжи комплекси редукцияга учрайди. Бу пайтга келиб хужайралараро бушлиқда. жуда х,ам куп хиломикронлар учрайди. Хиломикронлар х ужайралараро бушлиқдан базал мембрана орқали ворсинка стромасига утиб, бириктирувчи тўқиманинг хужайра элементлари орасида ҳамда қон ва лимфа томирлари атрофида жоилашади ва бу ёр компоненти, асосан, лимфа томирларига сурилади. Ичакда ок,сил моддаларининг сурили- ши ёрлар сурилиши каби амалга ошади.

Янги тугилган баъзи сут эмизувчи ^айвонларда ошқозон ва ичак бушлигида ва энтероцит мембранасида юз берадиган ҳазм мукаимал булмаганидан сут таркибидаги оцсиллар парчаланмай пиноцитоз йули билан ^ошияли энтероцитларга киради. Хужайра микроворсинкалари асосидаги бу апикал плазматик мембрана ин-вагинацияси ОКСИЛНИНР ^ужайра ичига утишини таъминлайди. Бу о^силлар овқатлангандан 0,5—1 соатдан сунг гипертрофияга учра-ган Гольжи комплекси бушлигига кириб боради. Бушлиқдаги бу о^сил моддалар ёғлар каби ^ужайранинг ён плазматик мембранаси орқали ^ужайра оралиқ бушлигига — интерстицийга чицарила-ди-да, томирларга утади.

Шундай ^илиб, одам ва бошқа хайвонлар ичагида сурилиш му-раккаб ферментатив процесс булиб, у бир текисда эмас, балки босқинчи жараён сифатида амалга оширилади. Бунда аввал гид-ролиз ичак бушлигида бошланиб, мембранада давом этади. Сунг-ра моддалар ичак хужайралари ичига утиб, у ерда хужайра ички •тузилмалари ёрдамида сурилган модданинг ҳаракати давом эта-ди — трансформацияга учрайди. Маълум вақт утиши билан моддалар ворсинка стромасига утади ва қон ёки лимфа томирларига сурилади. Ичак сурричлариникг стромасида жойлашган силли^ мушакларни^ қисқариши шу сурричлар ҳолатини узгартиради ва бу билан моддаларнинг томирларга утиши учун цулай шароит яратиб беради.

Ингичка ичакнинг қон бидан таъминланиши ва иннервацияси. Ингичка ичакка борувчи қон томирлар ичак тутқичида 2—3 қатор равоқлар ^осил қилади. Сунгги равоқдан ажралувчи турри грте-риялар ичак деворига кириб, сероз-мушак қаватлар учун томирлар чигалини ҳосил қилиб тарқалади. Турри артерияларнинг асосий

485

тармоқлари ичак шилли^ қаватига етгач, тегишли тартибдаги то-мирларга тармоқланади ва бу тармоқлар узаро туташиб шиллх ости даватининг артерия чигалини ҳосил қилади.

Шиллх ости қавати артерияси чигалидан икки йуналишда: ичкарига — шилли^ пардага ва таихарига — мушак ва сероз қа-ватларга (орқага к^айтувчи артериялар) тармокутар ажратади. Барча артерия томирлари пиравордида прекапилляр ва капилляр-ларга ажралади. Капиллярлар эса тур ҳосил қилиб, сунгга пост-капиллярларга айланади. 2—3 та посткапиллярлар узаро қуши-либ, венулалар ҳосил қилади-да, биринчи тартибли веналарга куйи-ладй.

Ичакнинг сурричлари ичак криптларининг капилляр туридан қ,он олса, айримларига 1—2 артериола келиб, сургич ичида капил-лярлар турини ҳосил қилади. Сурричлардан қон 1—2 та, баъзан 3 та венула орқали оқиб кетади.

Ичакнинг сунгги қисмларида купро^ ингичка сургичлар жой-лашган булиб, улар ичак криптасининг капилляр туридан, айрим-ларигина битта артериоладан қ,он олади. Улардан битта ингичка венула ёки посткапилляр томир кетиб, шилли^ парда венуласига ^уйилади.

Ингичка ичак юқори ичак тутқич чигалининг нерв толалари би-лан таъминланади. Унинг ^осил булишида ички аъзоларга борув-чи катта, кичик нерв ва ю^ори ичак тутқич тугунидан кетувчи нерв толаларининг тутами иштирок этади. Уларга сайёр нервларинянг орқа дастак тармоқлари келиб кушилади. Булардан таш^ари, учинчи доимий таркибий қисм булиб, у ичак тут^ичлариаро нерв тармо^лари ^исобланади. Таркибида симпатик ва парасимпатик толалар тутувчи ичак нервлари ичак фаолиятининг бош.^арилиши-на таъмин этади. Ичак найининг ^ар хил ҳаракат фаолияти (пе-ристалтик, тоник ва бопқа) орган ичидаги нерв элементлари-нинг, асосан Ауэрбах яерв чегалининг бевосита таъсири остида булади. Интрамурал нерв элементларининг фаолиятига секретор ва ҳаракат процессларини бошқаришда узига хос бир звено деб қаралади.

Ингичка ичакда жуда куп микдорда нерв элементлари булиб, улар узаро борланган ва ичакнинг автоном фаолиятида анатомик субстратни ҲОСИЛ қилади. Ичак деворида турт асосий чигал тафо-вут этилади: сероз ости, мушаклараро, шилли^ ости ва шиллиц. Булардан энг яхши

урганилгани мушаклараро Ауэрбах чигали" ^исобланади. Бу чигалнинг тугунларида асосан I тип Догел ху-жайралари жойлашади. Бу хужайраларнинг перицеллюляр апяа-ратлари сайёр *нфв* толаларининг терминал тармоқлари ^исобланади ва шунга кура уларга ҳаракат нейронлари деб қаралади. Шилли^ ости чигалида II тип Догел хужайралари куп ва аксарият муаллифларнинг тахминига кура сезиш табиатига эга, чунки уларнинг дендритлари узига хос таъсуротларни к^абул этувчи шилли^ ости ва *шиллх* қаватларида тугайди. Бу ^ужанраларнинг нейритлари ҳаракат нейрони ҳисобланган Догелнинг I тип хужай" раллари билан адоқада булиб, ичак деворида интрарецептор таъ-

483

сирларни узатишда ахамиятга эга булган, қисқа рефлектор ёйни ҲОСИЛ: қилади.

Ичай фаолиятининг талабига кура нейробластларнинг диффе-ренпйялахиб етилиши ва сарф булишини доимо таъминлаб берувчи ^ужайралар — нейробластлар ичак интрамурал чигалида резерв тузилма сифатида куплаб жойлашади.

ЙУГОН ИЧАК

И\$?6н ичак ичак найининг дистал қисми булиб, у ерда сувнинг шимйлийши ва нажаснинг шаклланиш жараёнлари руй беради. *Озх* 'цаддаларнинг сурилиши э^ам кузатилади. Йугон ичак микро-флорасй баъзи витаминлар (В-группа ва К-витаминлар) синтез-лахда йштирок этади. Йурон ичакда ^осил булган шиллици з^азм булиара.!! сую^ мрддалар ^олдикларининг ичак буйлаб силжихи-ни таъминлайди ва улар ичакда иммун барьер ^амда ггатоген мик-робларга қарши антогонизм барпо этишда му.^им а^амиятга эга. Йурон ичак шиллик қавати орқали турли моддалар (кальций, магний, фосфатлар, огир метал тузлари) чиқарилади — бу эса йурон ичакнинг ажратув фаолияти ^исобланади.

Йугон ичакнинг тузилиши. Йурон ичак анатомик жи^атдан турли қисмларга булинади: чувалчангсимон усимта тутган кур ичак, чамбар ичак (кутарилувчи, кундаланг ва пастки тушузчи булимлари билан), «5» симон ва турри ичак


Йурон ичак девори ^ам бошқа ичаклар каби шиллик, шиллик ости, мушак ва сероз қаватларга эга (251-расм). Чамбар ичакнинг барча булимлари бир хил тузилган.

Шиллх цаватда фақатгина крипталар булиб, ворсинкалар тут-майди. Бундам ташқари, шиллик ва шилли^ ости қаватлари купги-на бурмалар ^осил қилади. Бу бурмалар ярим ойсимон булиб, айлана ҳолатда жойлашади.

Йурон ичак шилли^ қавати купгина крипталарга эга. Бу крипталар ингичка ичак крипталарига нисбатан чуқур ва сербар булиб, куплаб ^ада^симон ^улсайралар тутади (252-расм). Шилли^ қават эпителийсй ^ошияли, ^ошиясиз цилиндрсимон ^ужайра (энтеро-цит)лқр, ^ада^симон ^ужайралар ^амда юқорида айтиб утилган бир қатор эндокрин ^ужайралардан ташкил топган.

^ошияли энтероцитлар ингичка ичакнинг шундай ^ужайрала-ри тузилишидай булиб, бу ерда фақатгина хужайраларнинг мик-роворсинкалари бироз ингичкадир. ^ошиясиз энтероцитлар крипталарнинг қуйи қисмларида жойлашиб, барча эпителий ^ужайра-лари учун камбиал хужайра ^исобланади. Шунинг учун ^ам бу ^ужайраларда митоз булиниши куплаб учрайди.

Эпителий остида юмшоқ шаклланмаган бириктирувчи туқима-дан иборат шиллик қаватининг ^усусий қатлами жойлашади. Бу қатлам қон томир ва не*рв чигалларига мул ва ингичка ичакнинг шундай қатламга нисбатан купгина лимфоид туқима туқламла-рини тутади. Бу тузилмаларнинг сони турри ичак томон камайиб борди. Шу лимфоид фолликулаларидан лимфоцитлар атроф туқимага ёки эпителийга қараб миграция қилиши мумкин.



251-раем. Йугон ичак Гематоксилин-эозин билан буялган. Об. 20, ок 10.

1 — крипта; 2 — цопловчи эпителий; 3 — када^симон ^ужайралар; 4 — криптинг кундаланг кесими; 5 — бириктирувчи туқимали хусусий қатлам.

Шиллик ^аватининг мушак қатлами ички — айлана, таш^и — узунасига ва қийшик йуналган силлик мушаклардан иборат.

Шиллиқ ости, мушак ва сероз қаватлар ингичка ичакнинг шун-дай қаватлари каби тузилган бўлса-да, айрим фарцларга эга. йурон ичак шиллик ости қаватида лимфоид фолликулалар куплаб учрайди. Бу фолликулалар хусусий ^атламдан буртиб туради. Мушак қаватнинг ташқи қатлами 2 қават — айлана (ички) ва узунасига (ташқи) йуналган мушаклардан иборат. Мушаклар қавати яхлит булмай, мушак ^ужайралари тутам-тутам жойлашиб, бутун чамбар ичак буйлаб 3 та тасма ^осил к_илади. Бу тасмалар орали-ридаги буртмалар ичак ташқарисига туртиб чиқади. Мушак қ,г-ламлари орасида юмшоқ шакланмаган бириктирувчи туқима жойлашиб, у томирла^р ва нерв чигаллари тутати.

Пугон ичакнинг сероз қавати чамбар ичакни ташқи томондан ураб, купгина ёр ^ужайраларига эга'

Тугри ичак Тугри ичакда ю^ори — чанок ва ластки — знал қисмлар тафовут этилади. Ичак чанок, қисмининг шиллик ^аватида шиллик ости қават ва айлана мушак қатламларидан ^осил булган учта кундаланг бурма мавжуд. Бу бурмалардан қуйроқда 8— 10 та узунасига йуналган бурмалар булиб, улар орасида чукур-ликлар бор.

Турри ичакнинг знал қисмида учта: устунсимон, орали^ ба тери қисмлари тафовут этилади.

Устунсимон ^исмда узунасига жойлашган бурмалар аноректал устунлар х/зсил 1<;илса, оралик қисмда бу устунлар ^ушилиб шил-



488

252-расм. Йурон ичак крипталарининг эпителиysi. Гематоксилин-эозин билан буялган. Об. 40, оқ 10.

1 — цилиндрсимон жиякли аджайралар 2 — жияк; 3 — қаца\симон ра; 4 — крипта бушлиги; 5 — хусусий қатлам.

лик қаватнинг ясен халқали зонасини — бавосил халқаси (гОпа лаетогпноШаНз) ни яратади. Шу бурмалар орасидаги чукурлар (ботицлик) ректал синусларни ^осил ^илади.

Турри ичакнинг девори ^ам чамбар ичак каби тузилишга эга булиб, шиллик,, шиллиқ ости, мушак ва сероз қаватлардан иборат.

Шиллиқ ^ават эпителий, хусусий ва мушак қатламларга эга. йугон ичакнинг айрим қисмларига кура эпителий ҳар хил булади. Турри ичакнинг тери қисми куп қаватли ясен шохланувчи эпителий билан қопланган, юкорирори куп қаватли кубсимон эпителий бул-са, тугри ичакнинг энг юкори цисми бир қаватли цилиндрсимон эпителийдир. Тугри ичак чанок қжмининг шиллик қаватида бир ^аватли эпителий таркибида цилиндрсимон хошияли, қадахсимон ва айрим эндокрин

ичакнинг устунсимон зонасида куплаб учрайди. Турри ичакнинг токори қисмларида криптлар куп бўлса, қуйи томон улар йуқолиб ёради. Хусусий қатлам сийрак шаклланмаган бириктирувчи туқи-мадан иборат булиб, айрим лимфа фолликулаларини тутати. Тур-ри ичакнинг юқори қисмида юпка деворли қон томирлар — лаку-налар булиб, улардан гемorroидал веналарга қон утади. Ичакнинг оралик зонасида айрим ёр безлари учраса, тери қисмида эса терига хос булган бошқа тузилмалар ҳам булади. ••]

Шиллик қаватнинг мушак қатлами узунасига йуналган бурма-ларгача давом этади — ичакнинг охирги қисмида йушаклар йуқолиб боради. Шунинг учун ҳам ичакнинг бу қисмида шиллик қаватининг хусусий қатлами турридан-турри шиллик ости қаватига утади. Бу қаватлар купгина майда бурама веналар тутати. Бу веналарнинг амалий медицинада — клиникада а^амияти катта. Шу веналарнинг кенгайиши натижасида шиллик қават силжийди ва кенгайган томир знал най юзасига ч^нб қолади — гемorroй касаллиги келиб чиқади.

Шиллик ости қават сийрак толали шаклланмаган бириктирувчи туқимадан тузилган булиб, церв^Охирлари ва нерв чнгллари тутати. Бу қават веналарга мул ва Шушак Цаватга қадар давом этувчи найсимон безларга эга.

Турри ичакнинг *мушак қавати* икки — ички (айлана), ва таш-1^и (узунасига йуналган) қатлам силлик мушак хужайраларидан иборат. Айлана мушаклар юқори ва қуйи қалинлашган жой (сфинктерлар) ^осил қилади. Мушаклар орасида нерв чигаллари ва қон томирлари мул булган сийрак толали г^ушувчи туқима қатлами жойлашади.

Сероз қават турри ичакнинг фа^атгина юқори қисмини қол-лайди, дистал қисм эса адвентиция қават билан уралган булади.

Чувалчангсимон усимта. Чувалчангсимон усимта кур ичакнинг ортири хисобланиб, узунлиги 2—25 см, йуғонлиги 0,5 см^дир. Куп хайвонларда ичакнинг бу қисми яхши ривожланган булади. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар бу тузалмани рудимент аъзо, деб юритишади.

Чувалчангсимон усимта девори йурон ичак сингари 4 пардадан иборат (253-расм), лекин баъзи бир фарқлар мавжуд. Шиллик қаватида криптлар куп булиб, ичак тешигига нисбатан радиал жойлашган. Усимтанинг шиллик қавати кам миқдорда қада^симон ^ужайралари булган. ^ошияли эпителий билан қопланган. Турон ичакка нисбатан усимтада купгина эндокрин хужайралар булади. Апиқал дондор хужайралар криптлар тубида кам миқдорда ^учрайди. Крипта тубида жойлашган кам дифференциаллашган ^у-жайралар ичак эпителийсининг тикланишида катта роль уйнайди. Эпителий хужайралари орасига кириб борган анчагина лимфоцит-ларни куриш мумкин. Хусусий қатлам криптлараро стромани ташкил этган юмшоқ бириктирувчи туқимадан иборат. Бу қатлам секин-аста шиллик ости пардага утади. Шиллик парданинг мушак қатлами усимтада яхши ривожланмаган булади. Шиллик ости пардаси юмшоқ бириктирувчи туқимадан иборат булиб, қон томир ва нерв чигалига бой булади. Бу пардада лимфоцитлар куплаб



253-расм. Чувалчангсимон усимта. А — шиллик қавати; Б — шиллик ости қавати; В — мушак қават; Г — сероз қават.

1 — эпителий; 2 — бириктирувчи туқимали хусусий қатлам; 3 — шиллик қаватнинг мушак қатлами; 4 — крипта; 5 — лимфоид фолликула; 6 — қон томирлар; 7 — мезотеллий (В. Г. Ели-сеевдан).

лимфоид туқима тупламларини ^осил қилади. Мушак парда силлик мушакларнинг ички айлана ва ташки узунасига кетган қатламларидан иборат. Чувалчангсимон усимта ташқарисидан сероз парда билан уралган. Шиллик ва шиллик ости пардаларида ётган ^имоя вазифасини бажарувчи куплаб лимфоид туқималар тупламлари — фолликулаларни тутганлигидан чувалчангсимон усимта ичак муртаги деб аталади.

Йурон ичакнинг ^он билан таъминланиши ва иннервацияси. Сунгги кон томир равокларидан турри артериялар йурон ичак де-ворига киради. Йурон ичакнинг шиллик ости к^аватига киришда турри артериялар мушак ва мушак-сероз ости тармоқларини бера-ди. Шилли^ ости каватида турри артериялар ута ривожланган артерия чигалини ^осил ^илади. Бу чигалдан мушак ва шилли^ ^аватларига йуналувчи ^айтувчи артериолалар тармоқланади. Бу ^айтувчи артериолалар крипталар асосида артериянинг базал ту-рини барпо этади. Шу тузилмалар орк^али йурон ичакнинг шиллик кавати ози^ланади. Крипталар асосидаги артериолалар крипта-ларнинг узунаси буилаб йуналувчи — перпендикуляр капиллярлар-га тармоқланади. Шу капиллярлар крипта учига бориб, эпителий ости капиллярлар тури билан кушилиб кетади. Крипталарнинг

491

юцори /3 қисмида капиллярлар кушилиб перпендикуляр венаула-
ларни, улар эса крипталар асосида узаро кушилиб базал вена
турини ҳосил қилади. Бу веналар қони шиллик ости вена чигали-
га куйилади.

йугон ичакнинг нерв билан таъминланишида парасимпатик ве-гетатив нерв системасига царашли сайёр ва чанок нервидан бошқа барча симпатии нерв тугунлари иштирок этади. Йугон ичакнинг интрамурал нерв аппарата худди ингичка йчакдаги сннгари була-ди. Нерв ганглийлари Догелнинг I ва II тип нерв ^ужайраларини тутати. Узининг тузилишига ва а^амиятига" кура куричак мушак қаватлари орасида жойлашган нерв' тугунининг тузилиши йурон ичакнинг бошқа цисмига караганда бирмунча фарқ цилади. Куричак деворининг мушак цаватида, 1 см^ юзада 15000 ва чувалчанг-симон усимтада 1600 ганглиоз хужайралар булади. Бу эса меъда-ичак системасининг колган булимларидагидан анча кундир.

МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ

Меъда ости бези овк,ат >^азм қилиш системасининг катта без-ларидан ^исобланади. Без эндокрийн ва экзокрийн қисмлардан ту-зилган.

Овқат моддалари ва уларнинг таркибий цисми асосан ичак бушлигида меъда ости безининг экзокрийн }^исми ишлаб чиқарган ферментлар таъсирида парчаланати. Бу мураккаб ферментлар оқсиллар, ёглар ва карбонсувларни парчалайди. Оқсилларни парча-ловчи ферментларга протеолитик ферментлар комплекси—трипсин, химотрипсин, карбксипептидаза ва бошқалар киради. Карбонсувларга таъсир этувчи амилотитик фермент — амилаза, ёр-ларни парчаловчи липаза, холестерин эфирлари учун эстераза ферментлари ва бошқалар меъда ости бези ма.^сулоти .^исобла-
нади.

Меъда ости безининг ички инкретор қисми гормон ишлаб чика-ради на улар организмда углеводлар ва ёгларнинг алмашинувини бошқаради.

Эндокрийн ҚИСМ чицарган инсулин гормони ичаклардан сурил-ган глюкозага таъсир этиб, уни жигар ва мускул туқималарида полисахарид — гликоген ҳолида йирилзди. Инсулин гормони орга-низмда етишмаса, цонда глюкоза микдори ортиб кетиб, қандли диабет касаллиги келиб чи^ади. Меъда ости бс-зининг иккинчи гормони — глюкагон таъсирида жигар туқимасидаги гликогендан глюкоза хх>сил бу^иб, қонда қанд мицдорининг ошишига сабаб булади. Бундан ташқари, ички секретор қисм учинч» гормон — липокаитик субстанция ишлаб чиқаради. Бу субстанция организмда липидлар алмашинувида қатнашади. Липокаитик модданинг Қонда камайиши жигар паренхимасининг ёр босишига сабаб булади. Сунгги пайтлардаги илмий изланишлар бу модданинг экзокрийн қисм чицарув найи хужайраларининг махнули эканлигини курсатмоқда.

Меъда ости безининг тараққиёти. Меъда ости бези одам эм-брионининг 3—4-хафтасида бирламчи ичакнинг усимталари бул-

409

ган дорзал ва 2 та вентрал эпителиал буртмаларидан ривожланади. Дорзал буртмадан безнинг тана ва дум қисмй, вентрал буртма-дан бош цисми ва безнинг чицарув найлари ривожланади. Кейин-чалик, знтодермал буртмаларнинг хужайралари эпителий тасма-лари ҳосил цилиб атрофдаги мезенхимага усиб киради. Эмбрионал тараққиётнинг 5-хафтасида эпителиал тасмалардан бирламчи чи-к,арув найлари хрсил булиб, улар кучли тармоцланиб учи берк ҳолда тамом булади.

Бу найларнинг девори бир цавйтли, ихтисослашмаган эпите-лийдан иборат. Эмбрионал ривожланишининг 4-хафтасида чи^арув найларидан эпителиал куртаклар ҳосил булиб, булар секретор булимга айланади.

Ацинуслар хх>сил булиши билан найлар дифференциаллашади ва охирги булимларда ацинус марказий хужайраси ҳосил булади. Секин-аста эпителиал туциманинг мицдори ошиб, унинг бирикти-рувчи туцимага булган нисбати ортади. Ацинар хужайраларнинг дифференциалланиши секин боради. ^ужайраларда донаторлик-нинг пайдо булиши секретор фаолиятнинг бошланишини курсата-ди, бу эса эмбрионал тараққиётнинг 5-ойларида юз беради. Бола турилгандан сунг безнинг морфофункционал тараққиёти 18—20 ешгача давом этади. Безнинг эндокрин к^исми эмбрионнинг 3 ой-лигида бирламчи чицарув найларнинг цопловчи хужайраларидан таравдий эта бошлайди. Бу эпителиал куртаклар бирламчи без туқимасидан оролчалар з^олида ажралади. Ойлар утиши билан оролчалар микдори орта бориб, чацалокларда уларнинг сони боло-ратга етган организмдаги меъда ости безининг эндокрин оролча-ларн сонига тенг булади.

Анатомик жихатдан безнинг бош, тана ва дум цисмлари тафо-вут цилинади. Безни ^опловчи юпца капсула толали бирикти-рувчи туцимадан иборат булиб, у безнинг ичкарисига кириб бориб, булакларга ажратади. Бириктирувчи туцимада қон томирлар, чиқарув найлари, лимфа томирлари ва нерв жойлашади.

Безнинг экзокрин ^исми. Безнинг бу қисми охирги булимлар— ацинуслар (254-расм) ва чиқарув найларининг йириндисидан иборат. Ацинусларнинг секретор хужайра'лари найсимон — альвеоляр тузилмалар шаклида группа булиб жойлашади ва уларда ҳайвонларнинг турига қараб ё найчалар ёки альвеолалар купроц булади. Масалан, цушлар меъда ости безининг экзокрин қисми фа^ат найсимон тузилишга, каламушларда альвеоляр тузилишга, одамда эса мураккаб — альвеоляр найсимон тузилишга эга.

Ацинуслар 5—7 та эпителиал хужайралардан иборат булиб, апикал цисмлари ацинус бушлирини ҳосил цилади. Ацинар хужайра-ралар ани^ апикал (зимоген) ва базал (гомоген) зоналарга були-нади. Ацинар ^ужайралар РНК га бой булади, чунки бу хужайра-ларда асосан оқсил синтез булади.

Электрон микроскопда ацинар хужайралар пирамида шаклига эга булиб, унинг кенг асоси базал мембранада ётади (255-расм),


ЛО.1



254-расм. Меъда ости беzi. Гематоксилн-эозин билан буялган. Об. 10, оқ 10.

1 — безнинг экзокрин қисми: а — ацинуслар; 2 — қон томир; 3 — эндокрин цисм — Лангерганс оролчаси.

^ужайранинги апикал цисми марказий бушликда чициб турадиган сийрак, бармоқсимон усимталар билан таъминланган. Хужайра цитоплазмасининг апикал қисми уртача электрон зичликдаги зимо-ген гранулалар билан тулган булади. Лекин кам электрон зичлик-ка эга булган прозимоген гранулалар ҳам учрайди. Хужайранинги ён томонлари ва асосида кучли тараққий этган цитоплазматик тур мавжуд. Ядро устида Гольжи комплекси жойлашади. Мито-хондриялар асосан хужайранинги ядро атрофи ва базал қисмида жойлашган. Камдан-кам ҳолларда улар бугун цитоплазма буйлаб сочилиб ётади. Ацинус хужайраларининг плазматик мембранаси оддий биологик мембрана сингари 3 қаватли. Иккита ёнма-ён турган ^ужайраларнинг плазматик мембраналари з^ужайра апикал қисмида бириктирувчи комплекс ва десмасомалар ^осил ^илади. Пастроқда эса интердигитациялар булади. Плазматик мембрана хужайранинги базал қисмида бирмунча текисдир. Меъда ости беzi ацинус ^ужайраларининг бошқа органлар ^ужайраларид^н фарци донатор цитоплазматик турнинг ута ривожланганлигидадир. Дона-дор цитоплазма турининг мембраналари ^ар хил ҳайвонлар хужайра-раларида бир -хил куринишга эга эмас. Масалан, каламушларда донатор цитоплазматик тур мембраналари параллел жойлашган бўлса, итларда концентрик куринишда булади. Донадор цитоплазматик тур мембраналарининг ташқи юзаси донатор булиб, бу донаторликни рибосомалар ҳосил қилади. Баъзи хужайраларда рибосомалар қатор жойлашиб полисомалар барпо этади. Ацинус хужайраларида Гольжи комплекси зич жойлашган силлик мем-браналар — ламеллалардан, кичик пуфакча ва катта вакуолалар-



255-расм. Меъда ости беъи ацинус ҳужайрасининг электрон микрофотограммаси.
X14.000.

1—ядро; 2 — ядроча; 3 — митохондрия; 4 — цитоплазматик тўр; 5 — пластинкасимон комплекс; 6 — зимоген доначалар; 7 — ацинус бушлиги.

дан иборат. Хар жой-хар жойда ламеллар колбасимон кенгай-малар — цистерналар ҳосил қилиб, бу мембраналар атрофида кичик пуфакча ва катта вакуолалар жойлашади. Улар узида бир текис электрон зич модда тутади.

Митохондриялар турри ёки эгри таёқчасимон тузилишга эга ва секретор фаолиятига араб ар хил катталиқда булади. Ацинус ҳужайрасининг секретор гранулалари тули етилган зимоген

495

нулалар ва етилмаган прозимоген гранулалардан иборат булиб, ҳужайранинг апикал қисмида жойлашади. Зимоген доначалар думалоқ, бир хил электрон зичликда сезилар-сезилмас чегараловчи мембрана билан уралган. Гольжи комплекси атрофида зимоген гранулага ухшаган, лекин бир хилда кам электрон зичликка эга булган ҳамда секрет дона урилган булган етилмаган гранулалар ҳам учрайди.

Ацинус ҳужайрасининг ядроси думалоқ булиб, базал қисмига яқин жойлашади. Ядронинг ташқи мембранасида рибосома доначалари жойлашган. Баъзи жойларда ташқи мембрана тугридан-турри донадор цитоплазматик турниги мембранасига утиб кетади. Ички мембрана ядронинг асосий моддаси — нуклеоплазмага тегиб туради. Ядро қобиғида поралар булиши нуклеоплазманинг цитоплазма билан бевосита алоқада булишини билдиради. Кариоплазма хроматиннинг майда электрон зич доначаларидан иборат. Баъзи бир ацинус ҳужайраларида хроматин доначаларининг ядро қобиғи тағида йирилган туғламлари кузатилади. Купчилик ядро-лар 1—2 та каттагина ядроча тутади. Ядро ДНК сининг микдорига кура ацинуслар полиплоид ҳужайралардан ташкил топган. Ацинус ҳужайраларининг ички тузилмалари унинг махсус ритмик фаолияти билан узвий борланган булиб, ҳужайра секретор циклини характерлайди.

Ацинус ҳужайраларининг секретор цикли жараёнида қуйидаги 5 та босқични кузатиш мумкин: 1) ферментлар синтези учун зарур булган оддий бирикмаларнинг эндотелий, базал мембрана ва базал плазматик мембрана орқали ацинус ҳужайрасига кириши; 2) донадор цитоплазматик турда ядро аппарати иштирокида оксил моддаларнинг синтез булиши; 3) оксил секретининг Гольжи комплекси

тузилмаларида «етилиши»; 4) тайёр секрет махсулотининг прозимоген ва зимоген ҳолида йирилиши; 5) секрет махсулотини хужайрадан чиқиши.

Меъда ости безининг турли функционал ҳолатларида ҳазм ферментлари синтезининг айрим этапларини амалга оширувчи орга-неллар фаолиятининг узгариши кузатилади. Меъда ости бези ацинусларининг таркибида учрайдиган айрим хужайралар нозик куринишда уз цитоплазмасида ҳам зимоген (экзокрин ^ужайра-ларга хос), ҳам эндокрин хужайралар секретор доналари каби ута электрон зич, о^еолага эга бўлиб мембранага уралган грану-лаларни тутати. Бунда ҳам экзокрин, ҳам эндокрин хужайраларга хос булган доначаларга эга хужайралар ациноинсуляр хужайралар номини олади (256-расм). Меъда ости безида ацинуслар чиқарув найлари билан ҳар хил муносабатда булади. Ку-пинча чиқарув найларининг бошланрич қисми ацинус бушлирига сурилиб киради ва бундай ҳолларда ацинус ичида нотурри шаклли хужайралар куринади. Оқиш цитоплазмали ва йирик ядроли бу хужайралар ацинус марказий хужайралари деб номланади (257-расм). Меъда ости безининг чиқарув найлари киритма найлардан бошланади. Улар ясен эпителиал хужайралар бнйан қопланган. У найлар кубсимон эпителий хужайраларидан иборат булакчалар ичидаги найларга йигилади. Улар уз навбатида янада

йурийкро^ — булаклар" арий найларга қуйилади. Электрбн микроскоп-да ацинус марказий хужайралари ҳамда секрет чиқарув найининг киритма бўлими ва булакчалар ичи найларининг хужайралари бир хил тузилишга эга. Уларнинг ҳаммаси учун цитоплазмасида ри-вожланмаган эндоплазматик тур мембраналари, оз микдорда ми-тохондриялар, уртача ривожланган Гольжи комплексси ва анчагина фибриллар борлиги характерлидир. ^ужайранинг базал к^смида овал ёки думолоқ ядролар жойлашган. Киритма чиқаруа найи ва булакчалар ички найлари хужайраларининг нозик тузилишида майда ва йирик микроворсинкалар куринади. Микровор-синкалар бушлиеда буртиб чициб узилиши бу хужайраларнинг апокрин типда секрет ишлаб чиқаришини курсатади. Панкреатик шира таркибндаги ноорганик моддалар — бикарбонатлар, туз ва сувлар секрециясида чиқарув найларининг хужайралари иштирок этади. Бу ноорганик моддалар шира таркибида ун икки бармо^ ичакка тушиб меъда ширасининг кислотали муҳитини нейтрал-лашда иштирок этади.

Меъда ости безининг эндокрин қисми. Эндокрин қисм без булакчалари ичида жойлашган турли хужайра группалари (Лангер-ганс оролчалари) дан иборат (258-расм). Купчилик оролчалар одатда атрофдаги туқималардан қушувчи туцимали парда билан ажралган. Лекин айрим оролчаларнинг, айниқса, майда оролчаларнинг капсуласи булмайди ва экзокрин паренхима билан қуши-либ кетади. Оролчаларнинг безлардаги ва бир безнинг турли қисм-ларидаги мицдори индивидуал узгаришларга учрайди. Оролчаларнинг сони безнинг бош — тана — дум йуналишида ортиб боради.

Лангерганс оролчалари оқиш полигонал хужайралар тортма-ларидан иборат. ^ужайралар орасида синусоид капиллярлар тур ҳосил қилиб ётади. Махсус буяш усуллари ёрдамида меъда ости безида оролча хужайраларининг бир неча хилларини (В, А, С, Д) аниқлаш мумкин.

Эндокрин хужайраларнинг купчилигини (70% ини) инсулин ишлаб чиқарувчи В-хужайралари ташкил этади. Улар асосан оролчанинг марказида жойлашади, лекин баъзан уларни оролча перифериясида ҳам учратиш мумкин. В-хужайралар юмалоқ, овал ёки чюзинчок шаклга эга. Уларнинг капиллярлар билан чегарадош плазматик мембраналари бир оз эгри-бугри бўлиб, цолган қисми силливдир. Барча оролча хужайраларига қараганда В-хужайра-ларда донадор эндоплазматик тур яхши ривожланган бўлиб, улар анастомоз хрсил қилувчи мембраналар ва турли катталиқдаги най-чалардан иборат. Бу найчалар купинча цитоплазмада секретер доначалар орасида сочилган ҳолда ётади. Гольжи комплекси яхши ривожланган ва ядро билан хужайранинг капиллярларга қараган кутби орасида жойлашади. Улар зич жойлашган параллел мем-браналар, донадор цитоплазматик тур цистерналари билан бог-ланган купгина везикулалар ва йирик вакуоалардан иборат. Айрим цистерналарнинг охирлари кенгайиб В-доначалар — цорамтир секрет тутати. Гольжи комплексининг бирмунча доимий компонента бўлиб, юпкалашган қопчалар ҳисобланади. Бу хужайраларнинг митохондриялари ва В-хужайраларнинг секрет донача-

32-»

499

258-расм. Меъда ости беи эндокрин ^исмидаги ^ужайраларнинг электрон микрофотограммаси. X 6.000.

1 — А-ужайралар; 2 — В-ужайралар; 3 — эндоплазматик тур; 4 — мнто-хондриялар; 5 — секретер доначалар; 0 — ядро.

лари бутун цитоплазма бўйлаб таркалган ^олда жойлашади. Секрет доначалари учуя силлик мембрана билан чегаралангаплик ва доначаларнинг цорамтир марказининг атрофида ёрур ореолалар; нинг булиши характерлидир. Баъзи ^айвонларда доначалар крис-тал кабн тузилишга эга. В-^ужайраларининг ядроси А-^ужайра-ларнниқидан каттароқ булади.

А - ^ у ж а й р а л а р оролчанинг 15—20% ини ташкил этиб, лолигонал тузилишга эга ва улар оролчанинг чеккаларида жойлашади. ^ужайра цитоплазмаси уртача электрон зичликка эга бўлиб, органеллалари ^ужайранинг капиллярга қараган 1^исми-нинг ^арама-қарши томонига силжиган булади. А-^ужайралар ён ^исмларида бириктирувчи комплекслар ва интердигитациялар булмайди. Донадор цитоплазматик т^р кучсиз ривожланган бўлиб,

600

мембраналарига рибосомалар бириқиб туради. Гольжи комплекса ядро атрофида, капиллярларга қарама-қарши томонда жойлашади. Гольжи комплекси цистерна, вакуола ва везикулалардан иборат ва Узида бир текис гомоген электрон зичликка эга булган маз^сулот еаклайди. Митохондриялар

таёкчасимон шаклга эга булиб, бугун цитоплазма буйлаб бир текис тарцалган. А-хужайра доначалари В-хужайраларнинг секрет доначаларидан фарк, цилиб, цорамтнр марказнинг ёрур ореоласи тор булади. А-хужайраларнинг доначалари В-хужайра доначаларидан кичик булади. Бу хужайралар-дан ташқари, оролчаларда Д- ва С-хужайралар ҳам учрайди.

Д - х у ж а й р а л а р А - ва В-хужайралар орасида жойлашади. Д-хужайра цитоплазматик усимталари ва майда, электрон зичлиги кам булган доначаларга эга. Д-хужайра секрет доначалари яхши фаркланадиган мембрана билан уралган булади. Гольжи комплекси хужайранинг капилляр қисмига қарама-қарши томонда жойлашади. Донадор цитоплазматик тур хужайра цитоплазмасининг чеккаларида жойлашади. С - х у ж а й р а л а р г а кам такомил-лашган камбиал хужайралар деб қ,аралади.

Меъда ости безининг цон билан таъминланиши. Меъда ости бези артерия цонци билан к/эрин артерияси ва гокори ичак тутгич артерияси тармоқлари ^исобига таъминланади. Йирик артерия тармоқлари булакчаларо бириктирувчи ту^ималарда майда артериолШларга ажралади. Бу тармоқлар ацинуслар атрофида капиллярлар т^рини з^осил қилади. Капиллярлар йирилиб, вену-лаларга утади. Лангерганс оролчалари ацинусларнинг цон билан таминланишидан кескин фарк қилади. Оролчаларга келувчи арте-риялар синусоид капиллярларга тармоқланади. Синусоид капиллярлар эндотелий хужайраларида фенестрлар (тешикчалар) мул, хужайра базал мембранаси уга юп^а булади. Бу эса модда алма-шинувини осонлаштиради. Куприна олимлар синусоид капиллярларни ацинуслар капилляр турининг давоми деб ҳисоблайдилар. Синусоид капиллярларнинг борлиги туфайли деярли ҳамма оролча хужайралари қон томирлар билан бевосита ало^ада булади. Сунг-ги вацтларда олинган маълумотлар меъда ости бези шираси ажра-лишининг тезлашиши, унинг қон билан таъминланишининг ортиши билан бирга боришини к^рсатди.

Меъда ости безининг лимфа системаси ацинуслар ва оролча-лар атрофидаги кичик лимфа капиллярларидан бошланади ва йирик лимфа томирларга бирлашиб, регионар лимфа тугунларга куйилади. Лимфа тугунлардан бошланадиган томирлар бош-кук-рак лимфа найига ^уйилади.

Меъда ости безининг иннервацияси. Меъда ости бези парасим-патик ва симпатик нерв системалари билан жуда бой таъминлан-ган. Вегетатив нерв системаси тармоқлари, масалан, адашган нерв, юкори к,орин ва ^уёшсимон чигал тармоқлари меъда ости бези атрофида чигаллар ҳосил қилади. Бу чигалнинг купгина тармоқ-лари цушни дуоденал, жигар, меъда чигаллари ва бошқ;а чигаллар билан боғланган ҳолда булади. Чигалда нерв шохларидан ташқари адашган нерв тугунлари ҳам бор. Ацинус ва оролча ху-жайраларининг секретер нерви ва йирик чик,арув найлари, айниц-

501

са, Фатеров сурричининг мотор нерви булмиш парасимпатик нерв тармоқланишини урганиш жуда катта аҳамиятга эга. Адашган нерв импульслари таъсирида меъда ости безидан сок ажралиши купайибгина цолмасдан, балки ферментларнинг синтезланиши ҳам ошади ва тезлашади. Худди шунга ухшаш таъсирланишни парасимпатик нерв медиаторлари, ацетилхолин, метахолин ва холин эстераза блокаторлари юзага чиқаради.

Парасимпатик нерв толалари ацинус хужайраларининг базал ^исмида ва оролча хужайраларининг атрофида турли нерв охир-ларини ҳосил қ,илиб, тугайди. Оролча хужайралари экзокрин ху-жайралардан фаркланиб, нерв толалари ва уларнинг охирларига уга бойдир. Шунинг учун ҳам уларни н е й р о и н с у л я р к о м п л е к с, деб юритилади.

Меъда ости безига симпатик нервлар катта ва кичик қорин нерви таркибида кириб келади. Катта к,орин нерви таъсирланса, меъда ости безидан секрет ажралиши камаяди. Худди шунингдек, симпатик нерв системаси медиатори (адреналин, норадреналин) таъсирида, ҳам секрециянинг тормозланиши кузатилади. Симпатик нерв толалари безга қон томирлар билан бирга киради ва уларнинг адвентициал цаватида ётади. Симпатик нерв толалари деярли ацинус ва оролча хужайраларида тугамаиди. Эфферент толалардан ташқари, интрамурал ганглийларда купгина эфферент нерв охир- лари (Фатер — Пачини нерв охирлари) учрайди.

Меъда ости безининг регенерацияси. Жароҳатланган меъда ости бези турли йулар билан тикланиши мумкин. Жароҳат жойи-да ясси эпителий хужайралар билан қ,опланган найчалар ҳосил булиб, уларнинг охирги қисмлари ацинусларга ухшаган кенгай-малар ҲОСИЛ қилади, лекин бу кенгаймалар атрофияга учрайди. Жароҳатланмаган қисмдаги хужайралар гипертрофкяланади; айрим хужайраларда булиниш процесси кучаяди. Меъда ости бези-да репаратив регенерация регенерацион гипертрофия типида утади.

ЖИГАР

Жигар танадаги энг йирик без булиб, организм учун мух,им ҳаётий аҳамиятга эга аъзо ҳисобланади. Жигар ташқарисидан знч бириктирувчи тук,имадан иборат Глиссон капсуласи билан қоп-ланган. Капсуладан йуналган қалин тусиқлар жигарни катта-ки-чик 3 (унг, чап ва урта) булакларга булади.

Жигарнинг тараккиёти. Жигарнинг такомиллашцуви эмбриоге-незнинг 3-х,афтасидан, ичак найи шаклланиши билан бошланади.

Жигар куртаги булажак ун икки бармоқ ичак вентрал девори-нинг буртмаси булган «жигар майдончаси» сифатида, яъни олдин-ги ичак каудал цисмининг энтодермал хужайрасидан юзага келади. «Жигар майдончаси» эпителийси тез ривожланиб, ботикли'к — «жигар бухтаси»ни х,осил цилади. Бухтанинг краниал қисми (рагз НераНса) қорин тутгичи вентрал варагининг мезенхимасига ушиб кириб, жигар паренхимасининг куртаги булган устун шаклидаги тузилмани ҳосил ^илади. Бухтанинг каудал қисми (рагз суз^са) дан эса ут пуфаги ва йирик ут йуллари

тараққий эта бошлайди.

Эмбрион тараққийетининг биринчи ярмида пушт жигари тур шак-лидаги устунлар ва улар орасида жойлашган сарицлик халтача кон томирлари ҳосил қилган веносинуслариданиборатдир. Жигар капсуласи 1—2 қатор жойлашган ясен мезенхима ҳужайраларидан юзага келади. Тараққийетнинг иккинчи ярмидан бошлаб жигар би-риктирувчи туқимаси кенгайиб, томир йуллари билан паренхима ичига ушиб киради ва уни булақларга булади. Булақларнинг ҳосил булиши ва умуман, жигар туқимасининг тула шаклланиши 8—10 ёшларда тугалланади.


ЖИГАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Жигарнинг гистологик тузилиши асосида унинг структура функционал бирлиги булган жигар булақлари ётади. Жигарнинг ҳар бир булаги уз марказида ётган вена (V. сeнШгаНз) ва радиал ҳолат-да жойлашган жигар пластинкаларидан ва улар орасидан утади-ган синусоид (портал) капиллярлардан иборат. Синусоид капиллярлар булақ ташқарисидаги септал артерия ва вена тармоқлари-дан бошланиб, марказий венага куйилади.

Жигар булақлари куп циррали булиб, томирлар ва ут йулла-рини узида тутган булақлараро бириктирувчи- тупима срдаяда бир-бирдан ажралиб туради. Бирок, булақлараро бириктирувчи туцима з^амма ^айвонларда ^ам бир хил ривожланган булмайди. Чучка жигарида бириктирувчи тупима ута ривожланганлигидан жигар булақчаларининг алоҳидалиги я^цол кузга ташланади. Одам жигарида бу туцима нозик куринишга эга булган тузилма-лардан иборат булиб, жигар булақчалари аниц билиниб турмайди (259-расм). Булақчалар жигар чекка цисмларида бир-бирига кис-ман кушилиб кетади. Жигар булақчаларининг диаметри 0,5—2 мм булиб, уларнинг сони одам жигарида 500 000 га якин булади. Булақларнинг структур элементи жигар пластинкалари ^исобланиб, уларнинг ҳар бирини синусоид капиллярлар ажратиб туради (260-расм). Бу капилляр томирлар девори бир қават, нозик цитоплаз-матик усимталари орцали боғланган эндотелий з^аида Купфер ҳужайралари билан қопланган. Мана шу усимталар орасида кат-талиги турли хилдаги тешикчалар мавжуд булиб, улар орқали суб^ндотелиал бушли ^ — жигар ҳужайраси ва капилляр эндотелийси орасидаги Диссе номи билан юритиладиган бушлик қон томир билан боғланади. Лекин қон шаклли элементлари эндотелий ҳужайралари орасидаги тешикчалардан ута олмайди. Диссе бушлири қон ^плазмаси билан тулиб туради. Жигар ^ужайраси ва Купфер ҳужайраси орасида базал мембрана булиши аницдан-маган.

Жигар пластинкалари 2, баъзан, 3—4 қатор жигар ҳужайралари — гепатоцитлардан иборат. Гепатоцитлар барча жигар ҳужайра элементларининг 60 процентини ташкил этиб, аъзонинг энг асосий фаолиятларини бажаради. Жигарнинг узлук-сиз кесмасини урганиш унинг булақчалари бнр қават ҳужайра-лардан иборатлигини, ораларида лабиринт синусоид капиллярлар тутган жигар пластинкаларидан тузилганлигини курсатади. Жигар

259-расм. Жигар булаги. Гематоксилин-эозин билан буялган. Об. 20, ок 10. 1 - марказий вела; 2 - жигар ^ужайралари; 3 - синусоид капилляр.



260-расм. Жигар пластинкаларининг схемаси.



А-Диссе бушлиги; Б — синусоид капиллярлар; В — эндотелиал ҳужайралар; 1 - жи-гар пластинкалари; 2 — гепатоцит (Элиасдан). пластинкаларининг шу тарзда тузилганлиги, гепатоцитларнинг ичКй мухит — қон билан туташувчи юзасини ошириб, турли фаолият-ларни бажаришни тақозо этади. Х^ар бир жигар пластинкаси ичи-да — гепатоцитлар орасида ут йуллари системасининг бошлангич қисми булган ут капиллярлари жойлашади. Бу капиллярларнинг хусусий девори булмай, гепатоцитлар ораларидаги новсимон чуқур-ликдан иборат жигар ҳужайралари цитоплазматик мембранала-ридан ташкил топган (261-расм).

Жигар ҳужайраси — гепатоцит шакли куп томонли (полигонал) бўлиб, ҳужайралараро ён қирралари соҳаси синусоид (томирли) ва билиар (ут капилляри) кутбларга ажратилади. Ҳар бир гепатоцитда 1—2 қон томир юзаси, 1—2 билиар ва ён юзалар тафовут этилади (262-расм). Синусоид капилляр, зникфори, Диссе бушлири томон қараган жигар ҳужайрасининг томир юзаси купгина тар-моқланган микроворсинкаларга эга. Шу цитоплазматик усимталар гепатоцитларнинг иш юзасини ошириб, плазма билан модда алма-шинуви учун қулай шароит яратади.

Ҳужайралар ён юзалари плазматик мембранаси бир-бирига параллел ётган бўлиб, шу қисмда ҳар хил ҳужайра бирикмалари жойлашади. Жигар ҳужайралари билиар юзаларининг цитоплазматик мембраналарининг ботиклиги ут капиллярларини ҳосил этилади. Диаметри 1 мкм булган ут капиллярларига бир қанча микроворсинкалар туртиб чиқади. Ут капиллярларини ҳосил қилувчи жигар ҳужайраларининг ён юзалари цитоплазматик мембранаси уз тузилиши жиҳатидан бошқа десмосомалардан фарқ қиладиган зич бирикма билан бириккан. Куриниб турибдики, гепатоцитларнинг асоси — цитолеммаси ҳужайра фаолиятига мусо булган тузилишга эга.

Жигар ҳужайралари ядросининг аксарияти одатда овал ёки думалоқ бўлиб, гепатоцитларнинг хромосома сонига мусо равишда, турли хил катталиқка эгадир. Битта ядроли гепатоцитларнинг 10—20 процентигина диплоид бўлса, қолганлари тетра (ёки полиплоид) ҳужайраларидан иборат. Жигарда анчагина 2 ядроли ҳужайралар ҳам бўлади. Гепатоцит ядроси қобирида тешиқчалар куп бўлиб, донадор эндоплазматик тур билан борланган перинуклеар бушлиқ аниқ куринади. Кариоплазма майда донадор моддалар ва ядро қобиғи соҳасида ҳамда ядроча атрофида жойлашган хроматин доначаларини тутлади. Йирик ядроча ядро-да эксцентрик равишда жойлашади. Гепатоцитларда ядрочанин г сони 4—6 га булиши ҳам мумкин. Жигар ҳужайралари цитоплазмасида яхши ривожланган барча органеллалар мавжуд. Сут эмизувчилар жигарида, айниқса, одамда қорамтир ва «оқиш» гепатоцитлар тафовут этилади. «Қорамтир» ҳужайраларда органеллалар мул бўлса, «оқиш» ҳужайраларида улар цитоплазмани унчалиқ тулатмайди. «Қорамтир» ҳужайраларга актив фаолиятга эга булган гепатоцитлар, «оқишлари»га эса, нисбий тургун функционал ҳолатдаги ҳужайралар, деб қаралади.

Митохондриялар гепатоцитда 2,5 мингга яқин бўлиб, цитоплазмада деярли бир хил тарқалган. Митохондриялар ҳужайра билиар ва васкуляр томонлари ораллиги бўйлаб тудаланган булиши ҳам



262-расм. Гепатоцитнинг электрон микрофотограммаси. X 5.000. 1 — цитоплазма; 2 — ядро; 3 — митохондриялар.

мумкин. Митохондриялар, одатда, думалок ва овал булади. Баъ-зан таёқчасимон ёки эгри-бугри букилган митохондриялар ҳам учрайди. Уларнинг матрикси урғача электрон зичликка эга бўлиб, кристаллари унчалик кўп бўлмайди. Эндоплазматик ретикулум гепатоцитлар цитоплазмаси бўйлаб жойлашган донадор ва силлик каналчалар туридан иборат. Рибосомалар каналчалар деворида зич ётади. Эндоплазматик тур ичида майда донадор модда маз-жуд. Оксил моддалар гепатоцит васкуляр юзаси орқали қанча чиқарилса, жигар хужайраларида қўшлаб учрайдиган полисомалар, з^ужайра э^{ти}ёжи учун лозим бўлган оцсилларни шунча кўп синтез қилади.


Силлик Эндоплазматик тур гепатоцит цитоплазмасида унчалик ривожланмаган бўлиб, хужайра четки соҳасида — гликоген йиғилган қисмида ретикулум кесими силлик юзали пуфакчалари тарзида қуринади. Гликоген жигар хужайрасининг муҳим ва доимий таркибий қисми ҳисобланади. Гликогеннинг йирик электрон зич дона-лари силлик ретикулум пуфакчалари оралирида жойлашган булади. Бу доналарнинг катталиги ва миқдори жигардаги гликогеннинг умумий миқдорига қараб

узгаиб туради.

Гольжи пластинкали комплекси бир неча жуфт зич, шакли тур-лича куп миндордаги вакуолалар, пуфакчалар ва доналардан таш-кил топган силлиқ мембраналардан иборат.)ар бир жигар х,ужай-расининг билиар сатхдца (кутбида) бир неча Гольжи зонаси мав-жуд. Пластинкали комплекснинг катталиги, микдори ва жойлани-ши гепатоцитнинг функционал х,олатига узвий боғлапган булади. Ут капиллярлари со^асида Гольжи комплексининг мунтазам були-ши органелланинг ут х_осил килиши ва секреция жараёнидаги иш-тирокини курсатади.

Лизосомалар ва микротаначалар гепатоцитларда кам бўлса-дз, улар мунтазам учраб туради. Улар одатда, ^ужайранинг билиар юзасида — Гольжи комплекси зонасида жойлашади.

Жигар паренхима хужайраларидан яна бири синусоид *капил-лярлар эндотелийлафнцпр*. Икки хил эндотелий ^ужайраси тафо-вут этилади. Биринчи тур хужайралари синусоид кадаллярлар деворини қоилловчи куп усимтали, кам органеллалар тутган хужай-ралар бўлса (263-расм), иккинчи тури алоҳида ажралиб турувчи, " юлдузсимон ^улойралар — Купфер ^ужайраларидан иборат (264-расм). Купфер х,ужайралари барча органеллаларга эга бўлиб, цитоплазмасида купгина лизосомалар, фагосомалар тути-ши ^амда ута фагоцитар фаолиятга эгалиги билан биринчи тур эндотелий хужайраларидан ажралиб туради. Эндотелий хужайра-ларининг ядроси овал ёки таёқчасимон бўлиб, хроматиннинг йирик тупламлари ядро к,обиги остида жойлашади. ^ужайранинг Диссе




265-расм. Булақлараро ут нули. Электрон микрофотограмма ХЮО бо
1 - ут нули эпителинал *ужаПраларн; 2 - ядро; 3 - Гольжн комплекс.; 4 - Гшзал мембрана.

бушлиги юзаси жигар ^ужайраси каби, мнкрворсинкалар айнк-са, куп пиноцитоз (инвагинациялар) ботшушкларни хрсил'килааи Ут иуллари снстемаси жигар пластинкаларини ташкил этган гепа-тоцитлар оралигидаги майда ут капиллярларидан бошланади. Жигар булақларининг чекка сохаларида ут капиллярлари Геринг капиллярлари (холангиолалар) га йирилади ва ут булақлараро иулларга цуйилади (265-расм). Ут йулларини копловчи эпителий хужайралари жигар паренхимасининг учинчи хужайра элемента хисобланади. Бу юп^а базал мембранада жойлашган кубсимон ^ужайралардир. ^ужайранинг уч ^исмида кам мивдорда микро-ворсинкалар, ён томонларида эса зич хужайралараро бирикма — десмосомалар ҳамда интердигитациялар тутати. Хужайра цито-плазмасида органел&шар кам булади.

Геринг каналчаси (холангиола) девори гепатоцитлар ва қисман яссиланган ут найи зпителийси билан копланган. Булақлараро ут найи портал йулнинг бириктирувчи ту^ималаридан угади ва жигар наининг (йис^из БераЙсиз) бошланрич ^исмини х^осил қилади.

Жигарда қон айланиши. Жигар дарвоза венаси (уепа роёа) ва жигар артерияси (айепа БераНса)дан ^он олади. Шу коннинг А цисми меъда, ингичка ичак, талоқ ва меъда ости безларидан келувчи турли озик моддаларга бой дарвоза венасини ташкил ки-лади. Бу икки иирик томир жигар дарвозасидан кириб 3 томонга тармокланади. Булар уз навбатида бир қанча сегментар тармок-ларга булинади.

Сегмёйтйр' а^ерИЯ Ва ве на жигар кесмаларида куп-лаб учраб, жигар триадаси-нинг таркибий қисми ҳисоб-ланган булақлараро тармок,-ларни ҳосил ^илади. Бино-барин, жигар триадаси и булақлараро ут йули, вена ва артерия (йисШз.уе-па е! аг. т{егlоБи!ап) лар-дан иборат. Бу томирлар ун-ча ривожланмаган юмшоқ бириктирувчи тупима билан уралган булиб, жигар булақларини анчагина ажра-тиб туради. Сунгра кон сеп-тал ёки булақ атрофидаги артерия ва вена (аг. е! уепа зер^аНз зеи ЁепlоБи!агlз) ор. қали утиб ҳар бир жигар булагини ураб олади. Жи-гарга кон олиб келувчи ар-териялар мушак типидagi артерия булса, портал вена-нинг барча тармо^лари му-шаги уртача ривожланган томирлардан ташкил топган. Булақлардан ва жигардан цон олиб чи^увчи веналар



266-расм. Жигар булагининг тузилиши ва Кон айланиш схемаси.

1 — септал артерия; 2 — септал вена; 3 — синусоид капилляр; 4 — жигар пластинкалари; 5 — марказий вена; 6 — булақ ости вена; 7 — ут капилляри; 8 — чекка зона; 9 — септал ут йули; 10 — жигар булагининг умумий курилиши (Родиндан).

мушаксиз томирлар ^исобланади. Жигар булақларини ураган сеп-тал артерия ва вена булақ ички артериола ва венулаларини ^осил килиб булақлар синусоид капиллярларига утади - (266-расм). Томирларнинг синусоид капиллярларга утиш жойида артерия ҳам-да вена цонлари аралашади. Шу ерда жойлашган сфинктерлар жигар э^тиёжига яраша артериал ёки веноз қонларнинг утишини бошқариб туради. Жигарда қон айланишининг узига хос хусусият-ларидан бири синусоид капиллярлардан марказий вена томон қон-нинг ута секин оқишидир. Жигар булагининг капиллярлар тури марказий вена ҳамда булақлараро вена ва артерия оралигида жойлашиб «аж^ойиб тур» (ге!е тlгаУ!е)ни ҳосил цилади. Марказий венадан қон тузилиши оддий булган булақларда турридан-тур!^и йигувчи венага утса, мураккаб булақларда киритма веналар орқали шу йирувчи — булақ ости венаси (v. ЁиУоБи!ап8)га утади. Бу веналар қушилиб жигар венаси (уепа ЁераҢса) ни ҳосил қилади-да, томир аъзодан чиқиб, пастки ковак вена (уепа сауа {ц {егlог)га куйилади. Йирувчи веналар булақлараро веналардан фарқ килиб якка-якка ҳолда учрайди.

Жигарда бундай қон айланиши унинг мураккаб фаолиятини бажаришда му^им аҳамиятга эга. Айрим ҳолларда жигар томир-ларининг 1/4 қисмигина қон айланишида иштирок этади. Танадаги

ҚОЙНИНГ 66 процентйга Яцйний жйГард^а ййрйлиб тур^йШй йин.

Жигарнинг иннервацияси. Жигар^к,уёш чи^галй, адашган нерв тармоқлари ҳамда унГ диафрагма нервининг айрим тармоқлари томонидан иннервация қилинади. Бу нервлар жигар дарвозаси со^асида 2 та — олдинги ва орқа жигар чигалларини ҳосил қила-ди. Чигалларнинг нерв устунлари артерия ва вена билан бирга келиб, томирлар буйлаб, аъзо ичида тармо^ланиб кетади. Нерв тутамлари, асосан маризсиз нерв толаларидан иборат бучса-да, ма-ризли толалар ҳам учрайди. Булақлараро бириктирувчи ту^имада нерв тутамлари интерлобуляр нерв чигалини ҳосил цилади. Шу чигаллардан булақ ичига жигар пластинкалари буйлаб эгри-бугри, бир-бири билан анастомозлар ҳосил қилувчи ингичка магизсиз нерв толалари йуналади.

Жигарнинг вазифаси. Жигар модда алмашинув жараёнида марказий урин тутади. Карбонсувлар алмашинувида дарвоза вена-си орқали келган глюкоза жигар ^ужайраларида ассимиляция килиниб, гликогенга айланади. Бу гликргенни гистохимийвий усул билан гепатодитларда ани^лаш мумий^н. Жягар гликоген ту^плана-диган жой ^исрбланиб, у қондаги глюкоза микдори,ни мунатазам регуляция қилиб туради. Жигар 01сил алмашинувида му^им урин тутади: дарвоза венаси орқали жигарга кирган аминокислоталар турли хил оксилларни ^осил қилади. Жигарда альбумининг бар-часи, глобулиннинг 80 проценти, фибриноген ва протромбинлар синтезланади.

Турли азот бирикмаларидан жигарда мочевина ^осил булади-да, кейин қонга утади. Жигар ^ужайраларида холестерин, фосфо-липидлар-, нейтрал ёр ва ёр кислоталарини синтезлаш ва парчалаш учун лозим булган барча ферментлар мавжуд. Липотроп мо^ддаси-нинг етишмовчилиги гепатодитларда ёр тупланишини юзага келти-ради. Шундай килиб, жигарга кирувчи ва ундан чиқувчи қоннинг таркиби бир-бирдан анча фарқ цилади. Жигарнинг модда алма-шинувидаги иштироки унинг хусусий фаолияти — ут ҳосил қилиш ва чиқариш билан боглик. Одам жигари 1 суткада 1 литрга яқин ут чиқаради. Утнинг асосий таркибий қисми ^т кислоталари ва у^т пигментларидан иборат булиб, булар ҳисобига ут ичак фермент-ларини активлаштиради, ёрларни эмульсиялайди, ёгда эрувчи мод-даларнинг (баъзи витаминларнинг) сурилишини таъминлайди ҳамда

ичак суюклIгининг бактериоцид хусусиятини таъминлайди. Ут орқали парчаланган гемоглобин маҳсулотлари, 'холестерин, баъзи бир захарли ва дори моддалар чиқарилади. Дазм жараёни ва жигарнинг нормал фаолиятида купгина ут компонентларининг ичак-жигар доирасида алмашилиши катта аҳамиятга эга. Жигарнинг муҳим функцияларидан бири унинг антитоксик, яъни за^ар моддаларни нейтраллаш ёки нисбатан захарсиз бирикмаларгача парчалаш хусусиятидир. Жигарнинг ретикуло-эндотелиал хужай-раси турли коллоид моддалар, пигментлар, токсинлар, микроорганизм ва бошқаларни ушлаб қолиш ва емириш хусусиятига эга. Жигарда турли хил витаминлар синтезланади ва йигилади. Шундай)\шшб, жигар куп циррали, ута мураккаб фаолиятга эга, уяи

Браимизминг биохимиявий лабораторияси деб аташнинг маъносй ҳам шунда.


Жигарнинг регенерацияси. Жигарда регенерация жуда кучли кечадй. Бу, айтхса, жигар жароҳатланганда ёки кесилганда жигар хужайралари тезда булиниб купайиб жароҳатланган жой битиб кетишида яққол кузга ташланади. ^айвонлар жигарининг анчагина Массасй (75% часи) кесйб ташланса ҳам жигар тезда узининг бошлангич массасини тиклаб олиши аниқлангаи. Бу жа• раён ҳамма хайвонларда ва одамда бир хил кечмайди. Масалан, жигарнинг тикланиши каламушларда 10—14 кун, итларда 2 ой, одамда бундам ҳам куп вақтни олади. Бундай тикланиш долган жигар булаклари компенсатор гипертрофиясн ва гепатоцитлар-нинг митотик ва амитотик булиниши натижасида вужудга келади. Нормада жигар хужайраларининг булиниши жуда ҳам кам (0,3— 0,9%), фақат жигар жароҳатланганда хужайра булинишининг тез-лашишини кузатиш мумкин.

Жигарда регенерация процессининг боришига нерв ва эндокрин системаси катта таъсир курсатади. Бундан таш^ари, озик модда-ларнинг роли ҳам катта булиб, оксил ва углеводларга бой модда-лар жигарда тикланиш процессини стимуллайдй, ёгга бой ози^ моддалар эса регенерация процессини сусайтириши ва тормозла-ши мумкин.

Жигарнинг ёшга цараб узгариши. Ёш улгайиши билан жигарнинг булаклараро бириктиривчи туқимасида лимфоцитлардан иборат инфилтратлар ҳамда ут йуллариининг пролиферацияси юз береди. Бундан ташқари, жигар хужайраларининг кариограммаси узгарнб боради. 13 ёшгача жигар хужайраларининг ядролари фа-|^ат диплоид бўлса, кейинчалик тетраплоид ядролар сони купайиб боради. Кексаларда эса (60—70 ёшларда) октоплоид ядролар вужудга келади ва жигар хужайраларининг митотик булиниши ута сусайиб кетади. Жигар хужайраларининг узиде эса царилик пиг-менти — липофусцин пайдо булади. Бундай пигмент хужайрада купайиб *кетса*, хужайра цунгир рангга эга булади.

УТ ПУФАГИ ВА ЖИГАРДАН ТАШҚАРИ УТ ЙУЛЛАРИ

Гт п у ф а г и (уез1са ГеИеа) чузилган ноксимон шаклда булади. Унда туб , тана, воронка ва пуфак йулига утувчи буйинча цисмлар тафовут этилади. Пуфак узунасига 10 см булиб, туб қис-ми жигарнинг олдинги қиррасига етади. Ут пуфаги деворида шил-лиқ, мушак-фиброз, адвентициал (фақат пастки юзасини ураб ту-рувчи сероз) қ,аватлар тафовут этилади (267-расм). Пуфак шилли^ цавати куп тармоцланган бурмалар ҳосил қилган эпителий ва ху-сусий бириктиривчи туқима цатламларидан иборат. Ут пуфаги ва жигардан ташқари ут йуллари деворини қоплаган эпителий бир ^аватли цилиндрсимон, апиқал қисми кутикуляр ҳошияли, ядроси бир қ,атор, базал ^исмида жойлашган х,ужайрадир. Пуфакда цилиндрсимон ^ужайралар орасида қ,адахсимон хужайралар, пуфак буйинчаси соҳасида эса шиллиқ безлар учрайди. Хусусий қавати сертомир юмшо^ толали бириктиривчи туқимадан иборат. Ут пу-



267-расм. Ут пуфаги деворининг кесими.
1 — бир қаватли призматик эпителий; 2 — шиллик қаватнинг хусусий қатлами; 3 — мушак қават; 4 — сероз қанат. (И. В. Алмазов ва Л. С. Сутуловдан).

срагининг" мушак-фиорОЗ Дё-вори турли йуналишдаги силлик; мушак тутамларида иборат. Ут пуфагининг тана қисмида мушаклар узунаси-га, буйинчада эса айланаси-га жойлашган. Мушак ту-тамлари орасида **б.ирикти-рувчи** тупима қатламлари жойлашади. Пуфак толалп бнриктиривчи тук имада: [иборат адвентициал нарда билан уралган булиб, ундан йирик томирлар ва нервлар утади.

Ж и г а р д а н т а ш қ а - р и у т й у л л а р и — ут йули (дислиз суаНсиз) ва умумий ут йули (йис^из сНо!ес11и5) шилли^, мушак ва адвентициал ^ават-лардан иборат. Шилли^ ^а-ват ут пуфаги сингари бир қаватли цилиндрсимон эпителий билан ^опланган. Мушак қават узунасига ва айлана йуналган силлик мушак тутамларидан иборат. Бу мушаклар орасида куп-гина эластик толалар жойлашади. Ут йулларининг мушаклари сфинктерлар (пуфак йулининг бошланн-ши ва умумий ут йулларн охирида) ^осил қилади. Шу сфинктерлар ёрдамида ут-нинг ун икки бармоқ ичак-ка тушиши бошқариб тури-лади. Ут йулларининг ад-вентицияси узлари ётган борламлар билан узвий бир-ликда булади. Ут йуллари утни утказиб турса, ут пуфаги ут йириладиган, концентрацияла-шадиган резервуар ^исобланади.

КОРИН ТУТКИЧИ

^орин туткичи қорин бушлирининг сероз пардаси булиб, у икки-париетал ва висцерал варақдан иборат. В и с ц е р а л в а р а қ узи ураб турадиган органлар билан бирлашиб кетиб, бевосита шу

514

Органларийннг цушубчи тучиймис'йга утиб кетади. П а р й е т л БИ» рақ, эса к^эрин деворини ураб, тагидаги туцималар билан сийрак толали цушувчи тупима орцали борланган.

Қорин туткичи нерв ва қон томирларга бой булиб, у қорин буш-ягидаги узи ураб турадиган органлар билан умумий нерв ва қон томирларга эга. Қорин туткичи қорин органларининг перистальти-қасини осонлаштирувчи сероз суюқлик, ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, у моддалар

алмашинувида иштирок этади ва ҳимоя вазифасини бажаради. Қорин туткичининг қалинлиги 0,7—1,1 мм булиб, целомик бушлиқнинг ҳосиласи булмиш бир қават мезотелий Хужайралари билан ^опланган.

Турли таъсирларга жуда ^ам сезгирлик мезотелийга хос булиб, салгина таъсирот з^ам унинг ^ужайраларининг ажралиб, юмалоқ-лашиб, фагоцитларга айланишга сабаб булади. Мезотелий хужай-раларй қорин бушлиридан сую^лиг^ни суриб олади ва шу бушлиқ-ца сую^ли^ни ажратиб чи^аради, яъни мезотелий з^ужайралари моддаларни икки томонга утказади. Мезотелий эпителийнинг бош-ка турлари каби ^ушувчи туқималардан базал мембрана билан ажралиб туради.

Қорин туткичининг ц^шувчи ту^имаси %бар хил жойларда тур-лича тузилган ва қушувчи туциманинг мураккаб тузилганлиги ичакнинг ҳар қандай ҳолатида ҳам қорин туткичининг силлиқ булиб ҚОЛИШИНИ таъминлайди. Ингичка ичакнинг сероз пардаси ми-солида қорин туткичининг куйидаги олти қаватини ажратиш мумкин: 1) мезотелий; 2) базал мембрана 3) юз коллаген толали қават; 4) юза диффуз эластик тур қават; 5) чуқур буйлама эластик тур қават 6) чуқур панжарасимон коллаген эластик таянч қавати. Коллаген ва эластик толаларининг микдори қорин туткичи ураб турган орган шаклининг узгарувчанлигига боғли^ булади.

Қорин туткичининг ^ушувчи ту^имасида фибробластлар, утрос^ макрофаглар ва камдан-кам плазматик хужайралар ва лейкоцит-лар учрайди. ^ужайра элементларининг таркиби қорин туткичи-нинг турли жойларида бир хил булмайди.

XVIII БОБ

НАФАС ОЛИШ СИСТЕМАСИ (8118ТЕМА КЕ5РШАТОКШМ)

Нафас олиш системаси организм билан таиҳи му>ит уртасида газ алмашйнишинй таъминлаш вазифасини бажаради. Нафас олиш упка альвеолаларининг ритмик (бир меъёрда) кенгайиш ва қисқариш жараёни булиб, атмосфера ХЗБОСИНИНГ упка альвеолалари деворларидаги капиллярлар к,^{онн} билан булган алоқасини таъ-минлайди.

Нафас олиш системаси бурун бушлиги, х,и!илдоқ, трахея ва бронхлардан иборат ҳаво утказиш йулларидан з^амда упка пуфак-чалари — альвеолаларидан иборат респиратор булимлардан таш-кил

топган. Ҳаво утказиш йулларида ҳаво намланади, исийди ва

33*

615

Ҳар хил чанг зар^ачаларидан тозаланади. Респиратор бўлимларидан эса қон ва альвеолалар уртасида ҳаво алмашинади.

Нафас органларининг тараққиёти. Нафас органларининг ри-вожланиши овқат ҳазм қилиш найи тараққиёти билан бирга кеча-ди. Бурун бушлиги ориз бушлирининг танглай тусиклари билан бу-линишидан з^осил булади. Эмбрион з^аётининг 3-^афтасида олдинги ичак (ҳалқум) нинг вентрал деворидан ток ҳалтасимон буртма ҳосил булади. У пастга қараб усади ва ичакдан ажралади. Буртма-нинг юқори қисмидан ҳиқилдоқ ва трахея, 2 та пастки ҳалтачала-ридан эса упка ҳосил булади (унг ва чап булаклари), 4—5-ойлар охирларида бронхлар ва бронхиолалар ^осил була бошлайди. Сунгра, альвеола йуллари ривожланади ва альвеолалар пайдо булади. Уларнинг девори цилиндрсимон ва кубсимон ^ужайралар-дан иборат. Ривожланиш жараёни давомида усаётган бронх шох-ларшиш ураб турган мезенхимадан мушак элементлари, торайлар, бронхларнинг эластик ва фиброз туқимаси ^осил булади. Айни ва^тда, мезенхимадан ^он томирлар тури ривожланади. Улар билан биргаликда упкага нервлар ушиб киради. Плевранинг висцерал ва париетал варацлари спланхнотом варацларидан ҳосил булади. Пушт ривожланишининг бутун тараққиёти даомида альвеола пуфакчалари бужмайган булади. Шунинг учун ^ам улик тугилган бола упкасининг бир парчаси сувга ташланса, бу булак чукади, аксинча, тугилиб, бир оз яшаб улган боланинг упкаси сувда ^ал-циб туради. Бу з^ол суд медицинасида а^амиятга эга. Фацатгипа бола турилиши билан олинган биринчи нафас туфайли альвеола пуфакчалари кенгайди. Бунинг натижасида альвеола бушлиги кескин кенгайиб, девори юпқалашиб қолади ва ҳаво алмашиниши учун яхши шароит вужудга келади.

БУРУН БУШЛИГИ

Бурун бушлигида да^лиз ва нафас олиш цисми тафовут этила-ди. Да^лиз тери эпителийсининг давоми булган куп қаватли ясси эпителий билан қопланган. Эпители-й остида ёр безлари ва соч илдизлари жойлашади. Бу ерда жойлашган купгина туклар олина-ётган ^аводаги чанг заррачаларини тутиб қолади. Бурун бушлирининг нафас олиш қисми куп қаторли призматик ?шшилловчи эпителийи шиллик пар^на билан қопланган. Бу ерда 3 хил ^ужайра-лар: ХИЛПИЛЛОВЧИ, орали^ ёки базал ва цада^симон ёки без з^ужай-ралари тафовут қилинади. Бурун бушлирининг нафас олиш цисми шиллик қаватининг уз хусусий қатламида жуда ҳам юза жойлашган купгина қон томирлар жойлашади. Бу томирлар нафас ҳавоси-ни илтиб утказишда муҳим аҳамиятга эга. Бурун бушлирининг қуйи ЧИРЗНОҚ цисмида жойлашган энлик веналар чигали баъзи таъсирлар туфайли, қон билан тулганда, шиллик қават купчий, бурун битиш аломатлари руй бериши мумкин.

Юқори бурун ЧИРЗНОРИ соз^асининг шиллик пардаси з^ид рецеп-торлари тутган махсус эпителий билан қопланган («}^ид билиш органи»га к.).

ХИҚИЛДОҚ ичи ковак бул орган булиб, унинг ички юза-си қадахсимон хужайрали куп қаторли ХИЛПИЛЛОВЧИ эпителийдан иборат шиллик парда билан қопланган (268-р.асм). Хиқилдоқни-нг урта цисмида ҳақиқий ва сохта товуш боғламларининг пайларинн ҳосил қилувчи шиллик парданинг бурмалари жойлашган. Ҳақиқий товуш борламлари куп қаватли ясен эпителий билан қопланган ва эластик толалардан ташкил топган. Бу борламлар ичида кундаланг-гаррил мушаклар жойлашади. Уларнинг 1^исқариши билан борламлар орасидаги ёрицқатталиги узгаради. Бу эса хиқилдоқдан си^илиб угаётган ҳаво ҳосил қилаётган товуш баландлигига таъсир қилади. Хиқилдоқ деворида, шиллик, парда остида, ҳар хил—гиалин ва эластик (врисберг ва санториин) тогайлар ётади.



ТРАХЕЯ (КЕКИРДАК)

268-расм. Бола ^аи^илдогининг буйлама кесими.

Трахея узунлиги 11 см ва диаметри 2—2,5 см келадиган пай. Трахея девори 4 хусусий патлами; 3 — лимфод туп-ламлар; 4 — кават: *ичиллх, шиллИХ* *ости, фиброз-тогай ва ташци* 5 — ёлгон овоз бойлаи; 6 — безлар; 7 — адвентициал пардалардан иборат (269-расм). 8 — ^аи-килдок цоринчаси; 9 — калконсимон тогай; 10 — ^акиций овоз бойламининг мушак-лпри; 11 — эпителий (В. Г. Елисеевдан).


Шиллиқ ^ават (ишса тисоза) трахеянинг зич қисмлари билан яхши борланганлиги сабабли бурмалар ҳосил қилмайди. У куп микдорда қадахсимон ҳужайра тутган бир қаватли, куп ка-торли, х,шилловчи, цилиндрсимон эпителий билан қопланган. Шиллиқ парданинг хусусий қавати куп микдорда буйлама йуна-лишдаги эластик толалар, лимфа ва қон капиллярларини тутувчи сийрак шаклланмаган бириктирувчи туқимадан тузилган.

Шиллиқ ости пардасида (ишса зибтисоза) аралаш (ОҚСИЛ-ШИЛЛИК) безлар жойлашади. Уларнинг чиқарув йуллари кенгаймалар ҳосил қилиб, шилли^а парда юзасига очилади, Бундай



269-расм. Трахея (кекирдак).

1 — кўп қаторли килрикли эпителий; а — х.у. жайра килриклари; б — ^адахсимон без ^ау- жайраси; 2 — шиллиқ каватнинг хусусий пластинкаси; 3 — шиллиқ ости ^ават; в — трахея безлари; 4 — торай усти пардаси; 5 — толалн тогай наваги (гиалин тогайи билан); 6 — цон томир; 7 — адвентициал кават (В. Г. Елисеевдан).



билан уралган.

безлар трахея деворининг орқа ва ён қисмларида купдир.

Трахеянинг фиброз-тора и пардаси (итса Пьго-сагШа§;тае) трахеянинг орқа деворида туташмаган, 16—20 та гиалин тогай халқаларидан тузилган. Бу халқаларнинг эркин охирилари шиллиқ мушак тутам-лари орқали бирлашган булади. Мушак ҳужайралари, асо-сан, айлана йуналишга эга бул-са-да, уларнинг айримлари буйлама жойлашган. Трахея-нинг торайдан ҳоли булган бу цисми мембраноз деб аталади. Бу цисмнинг борлиги учун трахеянинг орқа девори элас-тиқдир. Бу муҳим аҳамиятга эга, чунки трахеянинг ортида қизилунгач жойлашади. Қизил-унгачдан утаётган овқат *лук*-малари трахеянинг тогай цисм томонидан царшилиқка учра-майди.

Трахеянинг ташци — адвентициал пардаси (ишса айувпИИа) куп миқдор-да лимфа ва қон томирлар ту-тувчи сийрак толали шакллан-маган бириктирувчи туқима-дан ташкил топган. Трахея чап ва унг бош бронхларга бу-линиб, улар уз навбатидан унг упкада уч, чап Цикада эса икки булак бронхларга б^алинади (бу бронхлар упка паренхима-сидан ташқарида жойлашади). Бу бронхлар биринчи тартибдаги бронхлар деб юритилади. Ҳар бир биринчи тартибдаги бронх йи-рик зонал (ҳар упкада 4 тадан) бронхларга булинади. Зонал бронхлар эса упка ичига қиради.

УПКАЛАР

Упкалар кукрак бушлирининг қатта ^аисмини эгаллаб турувчи ва нафас олиш деворларига қараб уз шаклини доим узгартириб турувчи жуфт органдир. Унг упка 3 булакдан, чап упка эса 2 бу-лакдан иборат. Упка ташқи юзаси сероз парда — висцерал плевра

УПКАНИНГ ТУЗИЛИШИ

Упкалар ҳаво утказиш йуларига кирувчи бронх дарахти (ағЪог ЫгопсУаПз) ни ҳосил қилувчи бронх тармоқларидан ва нафас олиш системасининг респиратор булимининг пуфак-чалари — альвеолалар системасидан тузилган (ағЪо а!уео-1ап\$).

Унг ва чап упка 10 та бронх — упка сегментларидан тузилган булиб, ҳар бир сегмент упка паренхимасининг бир қисмидир. Сегментда упка ичидаги йирик бронхлар ва унинг тармоқлари ҳамда упка артерияси ва веналар ҳам бу-лади. Сегментлар бириктирув-чи туцимали тусицлар билан ажралиб туради.

Упканинг ҳар бир булаги бириктирувчи туцимали тусиқ-лар орцали булакчаларга бу-линади. Бу тусиқларда турли калмбрдаги бронхлар, қон то-мир ва нервлар жойлашади.

Упканинг бронх дарахти. Бронх девори бронх дарахти буйлаб бир хил тузилишга эга, эмае. Бронх диаметрининг кич-райиши билан унинг тузилиши узгариб боради.

Бош бронхнинг ички диаметри 15 мм булиб, трахеянинг икки упкага ажралган қисми-дан бошланади ва тузилиши трахея тузилишини эслатади.

Аммо трахея туэилишидан халқа-лари яхлит ҳалца шаклида тузилган. Бу эса бронх диаметрининг барқарорлигини таъминлайди ва ҳавони бамалол утказади.

Иккинчи тартибдаги бронхлар булак ва сегментлар ичида булиб, уларнинг диаметри 5 мм дан 10 мм гача булади. Уларнинг девори ам трахея сингари 4 қаватдан тузилган (270-расм). Бу бронхларнинг шиллиқ қавати куп миқдорда қадахсимон хужайра-лар тутувчи бир қаватли куп қаторли цилиндрсимон киприкли эпителий билан қопланган (271-расм). Эпителий остида шиллиқ қа-ватнинг хусусий пардаси жойлашнб, у эластик толаларга бой сий-рак шаклланмаган бириктирувчи ту^имадан иборат. Шиллиқ ва



270-расм. Иирнк калибрли бронх Тема-токсиллин-эозин билан буялган. Об. 8, оқ 10.

- 1—к^п қаторли хилпилловчи эпителий;
- 2—шиллик қаватнинг хусусий қатлами;
- 3—шиллик қаватнинг мушак қатлами; 4—шиллик ости қавати; 5—гиалин тоғай;
- 6—альвеолалар.

фарқли равишда, унинг тоғай

шпоцшқ ости қаватлари чегарасида шиллиқ қаватнинг мушак пластинка^ жойлашади. Бу пластинка уз навбатида 2 та юпка парда-лардан\ йчки қават — айлана жойлашган силлиқ мушак хужайра-ларидан, ташқи қават эса унча ривожланмаган бу^йлама жойлашган силли^ мушак хужайраларининг айрим тутамларидан ташкил топган. Мушак қаватидан сунг, шилли^ ости қавати жойлашиб, у сийрак шаклланмаган бириктирувчи туқимадан тузилган. Шил-дик, ости қаватида аралаш (шиллик-оксил) безларининг (д!апс!1а ЫгопсУаПз) охирги булимлари жойлашиб, уларнинг чицарув йу^т-лари эпителий сатҳига очилади. Фиброз^торай қават ноту>ри шакл-даги, ало^ида-алоҳида жойлашган гиалин тоғай пластинкалари-даа^йборат б^либ, улар узаро зич толали бириктирувчи т^қима билан борланган. Бу тупима ТОРЭЙ усти пардасига утиб кетади. Фиброз тоғай пардасидан сунг сийрак шаклланмагав бириктирувчи туХимадан тузилган адвентициал^ават ётади.

Бронх диаметрининг кичрайиши билан тоғай пластинкалари-нинг кичиклашиши ва камайиши, шилли^ қаватнинг мушак плас-тинкасида эса мушак толаларининг купайиши кузатилади. Йирик бронхлар тармоқланиб, диаметри 2—5 мм булган урта калибрдаги бронхларни ҳосил қилади. Бу бронхлар б^лак ости бронхлари ҳам деб аталади. Улар юкч>рида қайд цилинган бронхларнинг тузили-шини асосан қайтарса ҳам, лекнн баъзи томонлари билан фарқ қилади.


Урта бронхларда куп қаторли цилиндрсимон эпителий пастрок,, қадахсимон хужайралар камро^, аммо шилли^ қаватнинг мушкул пластинкаси кучлиро^ ривожланган б^лади. Шиллиқ ости қаватда безлар камроқ булиб, группа-группа булиб жойлашади. Фиброз тоғай қавати толали бириктирувчи туХималардан иборат булиб, унинг таркибида эластик характерга эга кичик тоғай пластинка-лари (тоғай оролчаларини) учратиш мумкин. Ташқи адвентиция қавати сийрак шаклланмаган бириктирувчи ту^имадан тузилган б^либ, у булакчалараро бириктирувчи тук,имага

утиб кетади. Урта калибрдаги бронхлар тармоқланиб, диаметри 1—2 мм булган *кичик ёки упка ички бронхларини* ҳосил қилади (272-расм). Бронхларда эпителий киприкчали бўлса ҳам, аммо бир аторли цилиндрсимон бўлиб қолади. 1-ада^симон ҳужайралар йуқола бошлайди, Шилли^ цаватнинг мушак пластинкаси яхши ривожланмаган бўлиб, шиллиқ ости аватида безлар йуқолган булади. Фиброз тора^й қавати ҳам булмайди.

Кичик бронхлар тармоқланиб, диаметри 0,5мм булган охири ёки терминал бронхларни (Бронхъюли\$ {егт1паП§) ^осил цилади. Бу бронхиолаларнинг шилли^ цавати киприкчаси б^лмаган кубсимон эпителий билан қопланган. Эпителий остида эластик толалари буйлама жойлашган шиллиқ цаватнинг хусусий қавати жойлашади. Уларнинг орасида силлиқ мушак ҳужайраларининг айрим то лалари ётади.

Терминал бронхиолалар бронхиал дарактнинг охири бўлиб, улардан сунг альвеоляр даракт ёки у^пканинг респиратор б^лими бошланади.

Упканинг респиратор б^лими. Бу буччимнинг морфологик бир-



272-расм. Кичик калибрли бронх Гематоксилин-эозин билан буялган. Об. 8. оқ 10.

1 — бронх б\$шлиги; 2 — пкн цаторли киприкли эпителий; 3 — мушак катлами; 4 — кон томнрлар; 5 — альвеолалар.

лиги у п к а н и н г а ц и н у с и ҳисобланади. Упка ацинусининг сони иккала упкада 20 мингга яқин булиб, улар респиратор брон-хиоладан бошланади. Хар бир респиратор бронхиола альвеоляр йулларга (с!ис!из alveolar) булинади, хар бир альвеоляр йул эса альвеоляр қопчалар билан тугайди (засси!з alveolar). Альвеоляр қопчалар эса альвеолалардан ташкил топган. Ацинуслар бир-биридан бириктирувчи туқпма орқали ажралиб туради. 12—18-ацннус эса упка булагини ҳосил ^илади.

Респиратор бронхиолалар бир қаватли кубсимон, киприкчаси булмаган эпителий билан қопланган булиб, унинг остида нозик бириктирувчи туқимали пластинка, ундан сунг эса айрим силлиқ мушак ҳужайралари булади. Терминал бронхлардан фарқли ра-ишда, респиратор бронхиолалар деворида альвеолалар жойлашиб, улар бронхиола ичига очилади.

Альвеола йуллари %ор қават эпителий билан қопланган булиб, унинг остида нозик бириктирувчи туқимали базал пластинка ётади. Альвеола йуллари деворларида бир неча унлаб альвеола' ётади. *Альвеола қопчалари* альвеолалардан иборат булиб, катта одамда альвеоланинг диаметри 0,25 мм дан ошмайди. Альвеоланинг умумий сатҳи нафас олганда 100—120 м² га тенг. Альвеолалар орасида ингичка бириктирувчи туқимали тусиқлар ётиб, уларда қон капиллярлари жойлашади. Альвеолаларнинг альвеоляр йуллари ва қоп-чалар бушлннгига ушн жойпда, альвеолаларо бириктирувчи туқимада айрим силлиқ мушак ҳужайралари жойлашади. Альвеолалар узаро диаметри 10—15 мкм келадиган альвеоляр тешикча-лар билан алоқа қилади. Альвеола очик пуфакчани эслатиб, ич тарафдан базал мембранада ётувчи бир 1^аватли альвеоляр эи-телий билан қопланган. Базал мембранага таиҳи томондан олаларо тусиқларда ётувчи қон томирлар капиллярлари тегиб ётади. Шу ернинг узида асосан эластик ва қисман ретикулин, коллаген толаларнинг зич тури булиб, улар ҳам альвеолани ураб ту-ради. Юқорида қайд қилинган толалар ва қон капиллярлари протеин ва мукополисахаридлардан иборат ҳужайра оралиқ моддада жойлашади. Альвеолалар бир-бирига зич тегиб ётгани учун улар орасидаги қон капиллярлари бир тарафдан бир альвосолага, 2-то-мондан боиха альвеолага тегиб ётади. Капиллярларнинг диаметри 5 мкм гача булгани учун бу ерда қон секин оцади ва эритроцитлар чузилиб, бир қатор булиб жойлашади. Бу ҳолат капиллярларда оцаётган қон билан альвеола бушлиридаги ҳаво уртасида газ ал-машиниши учун оптимал шароит яратиб беради.

Альвеола девори респиратор — I тип альвеоляр респиратор ҳу-жайралар ва упка эпителийсининг устки ҳужайралари ёки II тип альвеоляр эпителий ва кам учрайдиган нейроэпителий «гукли» ҳужайралар билан қопланган.

Упка альвеоласини қопловчи I тип ҳужайраларнинг ядроси жойлашган урни қалин булиб, чеккалари гопцаллашиб кетган була-ди (273-расм) ва бу ^ужайралар альвеола юзасини ингичка парда каби қоплайди. Бу ^ужайралар юзасида анчагина цитоплазма-гик ворсинкалар мавжуд булиб, бу тузилмалар шу респиратор эпите-лийнинг з;аво билан туқнашган юзасини ошириб беради. I тип альвеоляр эпителийсининг базал қисми текис булиб, базал мембрана-да ётади. Шу базал

мембрана ва хужайра асоси ораллигида ингичка, электрон оч зона мавжуд. Бу зона айрим ҳолларда хужайра-нинг эркин силжишини таъминлайди. Хужайра Гольжи комплекси унча ривожланмаган ва майда пуфакчалардан иборат. Митохондриялар майда ва уларнинг тузилиши одатдаги курунишга эга бўлиб, хужайранинг цитоплазма қисми — ядро атрофида жойлашади. Эндоплазматик тур бу хужайраларда унчалик ривожлач-маган ва, асосан, айрим мембраналардан иборат. Хужайранинг цитоплазмаси буйлаб айрим эркин рибосомалар ва пиноцитоз пу-факчалар жойлашади. Упка юза эпителийси хужайраларининг ядроси овалсимон ёки юмалоқ шаклда бўлиб, катталиги 4—6 мкм, улар яқдоқ курунадиган ядро пардаси билан уралган. Ядро да доимо 1—2 та ядрочаларни куриш мумкин.

// тип альвеоляр эпителий %ужайралари кенг асослари билан базал мембранада ётувчи, катталиги 8—12 мкм келадиган, овалсимон ёки куп бурчакли хужайралардир. Улар упка респиратор булимнинг юкори дифференциаллашган хужайраларидир. Электрон микроскоп орқали қаралганда у I тип альвеола хужайрала-ридан фарқланиб, хужайра митохондриялари яхши ривожланган, Гольжи комплекси ва цитоплазматик тур ҳамда ута куп осмиофил киритмалар ва бошқа тузилмалар курунади (274-расм). ^ужайра-нинг альвеола бушлирига қараган плазматик мембрана юзасида айрим-айрим микроворсинкалар ҳосил булади. Хужайранинг ёнбош юзасида, унинг йуналиши нисбатан текис, базал қисми эса жуда куп усиқлар ва буртмалар орқали базал мембрана билан борланади.

274-расм. Респиратор булим. Альвеоланинг электрон микрофотограммаси.

1 — альвеоланинг респиратор эпителийси; 2 — альвеоланинг секретер эпителийси; 3 — альвеола бушлиги; а — осмиофил таначалар; 4 — капилляр; 5 — эритроцит; 6 — «Аво-кон» т\$'сри.

Гольжи комплекси II тип альвеола эпителийси хужайраларида, одатда, яхши ривожланган ва бир неча параллел жойлашган мем-браналардан, йирик вакуола ва майда пуфакчалардан ташкил топган. Унинг энг куп учрайдиган тузилмаси вакуола ва пуфакчалар-дир. Гольжи комплекси хужайраларнинг юкори қисмида, ядронинг атрофида жойлашади. Митохондриялар альвеоляр эпителий ху-жайраларида жуда куп. Уларнинг катталиги 0,4—0,5 мкм га ета-ди. Баъзан узун таёқчасимон митохондриялар ҳам учрайди. Митохондриялар матрикси цитоплазмага нисбатан анча зич.

Донадор ҳггоплазматик тур II тип альвеола эпителийси хужай-раларида, одатда, яхши ривожланган ва жуда куп вакуолалар ва каналчалардан иборат. уларнинг сиртида куплаб рибосомалар жойлашади. Донадор тур купинча ядро устки соҳасида жойлашади.)^ужайра цитоплазмасида куп микдорда эркин рибосомалар мав-жуд. Силлиқ ретикулум каналчалар ёки пуфакчалар системасидан иборат бўлиб, купинча ядро ости соҳ,асида жойлашади» Бу орга-

525

нёллаАардай ташқарй, аЛйёбЛяр^ эпителий хужайраларЙДа, пластинкасимон осмиофил киритмалар булади. Бу пластинкасимон тузилмалар бир қ,аватли мембрана билан уралган бурма ёки тупланган ҳолда жойлашган ипчалардан ташкил топган. ^ужайра цитоплазмасида, шунингдек, куплаб ёр доначалари курунади. Бу альвеола эпителийси хужайраларида, одатда, ядро юмалоқ шаклга эга. Унинг диаметри 4 мкм га етади. Унда ядро пардаси яқдоқ курунади. Бу II тип альвеола хужайраси с у р ф а к т а н т номини олган липопроteid моддасини ишлаб чицаради. Бу модда нафас чицарганда альвеолалар деворининг епишиб цолмаслигини ҳамДа альвеолоцитлардан ҳаво утишида цулай шароит яратилйшинй таъмин этади.

Упка юза эпителийси хужайралари ва альвеоляр эпителий ху-жайралари юпқа базал мембранада жойлашган. Базал мембрана мукополисахаридларга бой. Альвеолаларни ураган кон капилляр-лари эндотелийсининг базал мембранаси ҳам худди шундай тузи-лишга эга. Шу икки базал мембрана уртасида бириктирурчи туци-ма пардаси жойлашади. Бу парда ретикулин, коллаген ва узйга хос, деярли эластик толалардан ҳамда гомоген моддадан ташкил топган. Мана шу жуда яқин ётган икки базал мембрана ва I тип альвеоляр хужайралар билан капиллярлар эндотелий х,ужайрала-рининг ядросиз юп^а ^исмлари I^он-ҳаво туси рини ҳосил ^илади (275-расм).


Респиратор ва эндотелий хужайраларининг ҳаво-цон тусигини ҳосил қилган юзаларининг АТФ га муллиги ҳамда бу хужайралар-да мавжуд булган купгина пиноцитоз пуфакчалар, ҳаво-қон барь-ерининг ^аво транспортида катта ах,амиятга эга эканлигини курса-тади.

Альвеола деворнда юк;орида курсатилгаи II тип хужайралар-дан ташцари /// тип (нейроэпителиал) альвеолоцитлар ҳам тафо-вут этилади. Бу х,ужайраларнинг апикал цисмида, купгина «кип--рикчалар» мавжуд булиб, бу тузилмалар х,ужайра цитоплазмасига чу^ур ботиб киради. III тип хужайралар анчагина кам булиб, аль-веола пуфакчалари, альвеолали йуллер ва респиратор бронхио-лалар деворларида ахён-ах^ёнда учраб туради. Нейроэпителиал ху-жайралар турли нерв охирларига эга. Уларнинг серотонин ва бош-қа биологик актив моддалар ишлаб чиқариши ҳамда бу хужайра-ларнинг цисцариш хусусиятига эга булганлиги, уларга упка ички нейрорецептор элементи деб царашга имкон беради. Бу III тип эпителиал хужайралар секретор ва цисцариш хусусиятига эга бул-ганлигидан, улар томирлар ва терминал нафас йуллари тонусига, демак, альвеола ва бронхиола функционал ҳолатларига таъсир курсагади.

Упка альвеолалари деворининг қалинлашган жойида, айниқса, альвеола йуллари атрофида септал хужайралар деб номланувчи хужайра элементлари жойлашади. Бу хужайралар альвеола эпителийсидан фарқланиб, альвеола деворининг ташқи қисмида ётади. Бу хужайраларнинг турли хиллари мавжуд бўлиб, айримларининг ядроси хроматинга мул, унча ривожланмаган цитоплазмали, митохондриялари кам миқдорда бўлиб, майда лимфо-

626

Цитлар қуриниш эга. септал Эджайраларинг &oXa тийй эсй йирик ^ужайралардан иборат бўлиб, уларнинг ядроси оч, каттагина цитоплазмаси митохондрия ^амда майда вакуоаларга мулдр. Бу тип септал ^ужайраларига фибробластларнинг айрим



275-расм. 35канинг

барьерининг электрон микрофотограммаси. X
24 000.

1— респиратор хужайрашиг ядроси; 2 — респиратор аджайрашиг цитоплазмаси; 3 — базал мембрана- 4 — эндотелий хужайрасининг цитоплазмаси; 5 — кон капиллярининг бушлиги; 6 — альвеола бушлиги.

хили сифатида қаралади. 111 тип септал хужайралар кам учраб, эндоплазматик турнинг ута ривожланганлигидан улар плазматик хужайраларга ухшатилади.

Упкаларнинг қон билан таъминланиши. Упкалар иккала қон айланиш доирасидан қон билан таъминланади. Вир томондан упкалар бронхиал артериялар орқали катта қон айланиш доирасидан қон олса, иккинчи томондан, уларга ҳаво алмашиниши учун упка артерияларидан, яъни кичик қон айланиш доирасидан веноз қон келади. Упка артериясининг тармоқлари бронхиал дарахг буйлаб, альвеолалар асосигача етиб боради.

Альвеоляр капиллярлар венулаларга тупланади, улар эса йири-либ упка веналарини ҳосил қилади. Бронхиал артериялар бевосита аортадан тарйокланади ва упка туқимасини артериал қон билан таъминлайди. Бронхларнинг шиллик ости ва шиллик қаватларида улар чигаллар ҳосил қилади.

Шиллик қаватда кичик ва катта қон айланиш доиралари то-мирлари узаро анастомоз ҳосил қилиб қушилади.

Упка томирларга энг бой орган. Улар организмнинг боцха кисмларига нисбатан уртача 200 марта куп цон олади. 70 кг огир-ликдаги одам танаси бир суткада урта ^исобда 600 л Оа сарф қилади ва 480 л СО₂ ажратади.

Упкаларда кислороднинг гемоглобин билан богланиши кислород парциал босими туфайли содир булади.

Лимфатик система капилляр томирларнинг юза ҳамда чукур тармоқларидан иборат. Юза томирлар висцерал плеврада, булак-лараро тусикларда, қон томирлар ва бронхлар атрофида жойлаш-ган. Бронхнинг шиллик ва шиллик ости қаватларида лимфа то-мирлари 2 та чигал з^осил қилади. Лимфатик система упка дарво-засида йигилади ва бронхиал лимфа тугунларига тупланади.

Упканинг нерв билан таъминланиши симпатик ва парасимпа-тик нерв системаси орқали амалга оширилади. Симпатик нервлар бронхларни кенгайтирувчи ва қон томирларни торайтирувчи им-пульсларни, парасимпатиклар эса, аксинча, бронхларни торайтирувчи ва қон томирларни кенгайтирувчи импульсларни утказди. Висцерал плеврада нерв охирларига бой айрим со^алар аниқлан-ган.

Упканинг ёшга қараб дзгарииши. Янги турилган болаларда упка альвеолалари жуда кичик булади. Гудак ҳаётининг биринчи ойла-рида альвеоляр йуллар ва альвеолаларнинг улчами катталашади, лекин эластик толалар ҳали з^ам оз миқдорда булади.

Гудак упкаси 3-х-5 ёшгача уз тузилишининг нозиклиги ва лимфа томирларига бойлиги билан ажралиб туради. Ёш утиши билан упкада лимфа системасининг цайта ривожланиши содир булади. Альвеолаларнинг шаклланиши, уларнинг эластик синчининг ривожланиши билан тугайди.

Ёш улгайганда упка склерозининг ривожланиши кузатилади ва пневмосклероз вужудга келади. Баъзан бириктирувчи туцимада гиалин тугунчалар ҳосил булади. Альвеолалараро тусиклариинг эластик толалари ингичкалашади, баъзи жойларда эса узилади. Бунинг натижасида упка туқимаси узининг эластиклигини (чузи-

коа

лувчанлигини) йуқотади. Бу эса, альвеолаларнинг пуфаксимон кенгайиб кетишига (эмфизема) сабабчи булади.

Нафас олиш аъзоларининг регенерацияси. Упканинг физиологии регенерацияси кам урганган. Нафас йуллари эпителийсининг кучиб, шиллик билан бирга ташқарига чиқарилиб туриши ани^ланган. Киприкли эпителий қуйиш, механик жароҳат ва шу каби-лардан сунг яхши тикланади. Упканинг бир қиемини олиб ташлан-ганда уада альвеолаларнинг компенсатор гипертрофияси содир булади. Лекин упка туқимасида регенерация суёт боради, чунки жаро^атланган жойда бириктирувчи тупима зур бериб ривожла-нади, бу эса упка тузилмаларининг ҳақиқий тикланишини тухта-тиб қуяди.

ПЛЕВРА

Плевра кукрак бушлигини цоплаб турувчи парда булиб, у икки: париетал ва висцерал варақлардан иборат. П а р и е т а л п л е в - р а кукрак бушлирини ва кукс оралигини ички томондан қоплайди. Висцерал плевра эсд..упкани ташқи томондан урлб туради.

Плевра пардасининг асоси цушувчи туцимадан тузилган булиб, унда цорин тутқичи каби 6 қават фаркутанади: 1) мезотелий, 2) базал мембрана, 3) юза жойлашган коллаген толали қават, 4) юза эластик толали тур қават, 5) чукур жойлашган буйлама эластик тур ^ават, 6) чукур панжарасимон коллаген-эластик тола-лар қавати.

В и с ц е р а л п л е в р а д а эластик толалар яхши ривожлан-ган булиб, улар тур ҳосил қилиб жойлашади. Упка ту^имасидаги эластик толалар билан висцерал парда эластик толалари ягона синч зосил цилиб, упканинг функционал фаолиятида муҳим роль уйнайди. Шунинг учун ҳам висцерал пардани упка туқимасидан ажратиб олиш анча қийин, Висцерал пардада яхши ривожланган эластик толалардан ташқари онда-сонда силлик мушак хужайра-лари ҳам учраб туради.

Плевра б^шлирининг ташқи деворини қоплаб турувчи парие-ал варақда эластик толалар оз миедорда учрайди, бириктирувчи туқи-мали қавати эса сустроқ ривожланган.

Плевранинг устки томони бир қаватли мезотелий билан қоп-ланган булиб, у упканинг хх>латига қараб ясен ёки буйчан булиши мумкин.

Плеврада қон ва лимфа томирлари ва айниқса, нерв охирлари яхши ривожлангандир. Улар плеврага упка илдизидан, қон томир-лар билан бирга ҳамда упка туцимасидаги булаклараро бириктирувчи туқимадан утиб келади.

Париетал плеврада қон томирлар, париетал корин тутқичига 5^хшаб учта устма-уст чигал х,осил қилиб жойлашади. Висцерал плеврада нерв толалари иккита чигал ҳосил қ,илади. Бири майда сиртмоқли булиб, мезотелий остида жойлашса, иккинчиси йирпк сиртмоқли булиб плевранинг чукурроқ қаватида жойлашади. Париетал плеврада эркин ва капсулали, яъни сезувчи ва меланоре-цепторларга тегишли нерв охирлари мавжуд.

ХИХ БОБ СИЙДИК АЖРАТУВ СИСТЕМАСИ

Умуртцали ҳайвонларда ва одамда модда алмашинув чичин-диларининг организмдан

чиқарилиши асосан сийдик ажрату» системаси орқали бажарилади. Бу системага буйраклар, сийдик найлари, сийдик пуфаги, сийдик чиқарув найи киради.

Ажратув системасининг марказий органи буйраклардир, Сийдик буйракларда ҳосил булади. Сийдикнинг таркибида суз, турли хил тузлар ва модда алмашинуви жараёнининг охириги моддалари булади. Ажратув системасининг цолган ҳамма к,исм-лари сийдик чиқарув йулларини ҳосил қилади. Бундан ташари, буйраклар ички муҳит фаолиятини сақлашда, сув-туз алмашинувини бошқаришда, артериал босимни бир меъёрда ушлаб туришда, ички муҳитнинг кислота-ишқорий мувозанатининг ош-қарилишида муим аҳамиятга эга. Гормонал функцияси эритропоэтин ва ренин ишлаб чиқарилиши билан ифодаланади. Яна буйраклар, ёр, оксил, карбонсув ва витаминлар алмашинуви-да ам иштирок этади.

Сунги йилларда олиб борилган илмий излаишларнинг курсатишича янги турилган чақалоқларда ичак уз фаолиятини руй-рост бошлаб олгунга қадар буйракда оксилниг парчала-ниши кечади. Бу ҳолат ёш организмда буйракнинг овқатни з^азм қилиш процессида муим урии борлигини курсатади.

Буйракларнинг бу хилда куп қиррали фаолият курсатиши улар структурасининг мураккаб тузилганлигидан далолат бера-ди. Бу органларнинг структур-функционал бирлиги нефрондир. Уларнинг тараққиёти ҳам мураккаб жараёнлардан иборат.

АЖРАТУВ СИСТЕМАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Буйрак тараққий этиш жараёнида кетма-кет уч даврни: олд буйрак (ргопегоз), бирламчи буйрак (тезопегоз) ва пиро-вардида, иккиламчи — охириги буйрак (тепергоз) 5^осил булиш даврларини бошдан кечиради.

Олд буйрак ва бирламчи буйрак, аслида мустақил ажратув орган бўлса ҳам, буйрак таравдиёги учун мансуб булмайди за аста-секин йуцолиб кетади. Буйракнинг барча куртаклари эм-бриои танасида буйрак таравдиётининг ҳар бир янги босқичи краниал-каудал йуналишда, каудал томонга яқинроқ жойлаша боради ва натижада, охириги — иккиламчи буйрак краниал к,исм-дан энг узокда булади.

Ргопергоз пушт урта варагининг олдинги 8.— 10 сегмент оёқчаларидаН ҳосил булади. Сегмент оёқчалари сомитлардан ажралиб эгри-бугри йайчалар — протонефридийларга айланади. Буларнинг учи тананинг иккиламчи бушлирига очилади. Иккиламчи сомитларга қараган^учи эса каудал йуналишда узаро

усувчи найча ^осил қилади. Одам эмбрионида бу буйрак сийдик ажратиш органи сифатида хизмат қилмайди ва тезда акс тарақ-қиётга уч^йди.

Бирламчи буйрак — тезо-ергоз эмбрионал ^аётда анча узок вақт ишлайди. У куп сонли (25 тага яқин) сегмент оёқча-ларидан ^осил булади. Сегмент оёқчалари сомитлардан ажралиб чиқади ва бирламчи буйрак каналлари — метанефридийларга айланади. Метанефридийнинг бир учи мезонефрал най томонга усади ва у билан бирлзшади. Аорта томонга қаратиб қаяалча-лар ён усимталар чиқаради. Бу усимталарга қараб аортадан цон томирлар усиб ЧИКЭДИ ва каналча усимталари капиллярлар томол силжиб, уни қоплайди ва коптокларни ^осил цилади.

Олд буйрак даврида ^осил булган мезонефрал канал каудал йуналишида усиб, клоакага очилади.

Одам эмбрионида доимий буйрак (теперг05) ривожлани-ши эмбрионал ^аётнинг иккинчи ойидан бошланиб, турилишига ЯҚИН ни^оясига етади. У эмбрио^ал ^аётнинг иккинчи ярмидан бошлаб уз фаолиятини бошлайди. Иккиламчи буйрак иккн манбадан: мезонефрал найча ва нефроген туқимадан ^осил булади.

Нефроген туқима эмбрионнинг каудал қисмида жойлаш-ган булиб, мезодерманинг сегмент оёқчаларининг булинмаган цисмидан иборат.

Мезонефрал най (Вольф «айи) деворининг нефроген тупима томон, юқорига ва орқага усувчи буртмаси сийдик «айи, буйрак "жомчаси, косачалари ^амда йигув найларини ^осил қилади.

Овогенез. Овогенез жараёни сперматогенез билан бир хил бул-са ҳам, узига хос баъзи бир хусусиятларга ^ам эга. Биринчидан, купайиш даври фақат эмбрионнинг тухумдонида булиб, қ,из бола-нинг тугилиши билан овогонийнинг пайдо булиши т^хтайди. Иккин-чидан, усиш даври икки фазадан иборат. *Биринчи фазада* (кичик усиш фазасида) I тартибли овоцит улчамларинингсекин каттала-шуви кузатилади (овоцитлар бундай хрлатда куп йиллаб ётади). *Иккинчи фаза* (катта усиш фазаси) сариклик киритмаларининг синтези билан боглик. Катта усиш фазасига, одатда, балорат ёши-га етган даврда бир ёки бир нечта I тартибли овоцит угади (297-расм). Катта усиш икки ҳафтагача давом этади ва I тартибли овоцитнинг етилиши даврига угиши билан тугайди. Учинчидан, овогенез сперматогенездан шунинг билан фарқланадики, битта бирин-чи тартибли овоцитдан 1 донагина урурланишга мойил овоцит ва 3 та редукцион танача хосил булади. Туртинчидан, тухум хужай-раларида шаклланиш даври булмайди.

Шундай қилиб, овогенезда балогатга етган, шаклланган тухумдонда купайиш даври булмайди, фақат усиш жараёнлари кечиб, овогонийларни биринчи тартибли овоцитга айланишга олиб келади. Бунда примордиал фолликулаларнинг етилган (Грааф) — пуфаксимон фоллик^паларга айланиши кузатилади (298-расм). Бу фолликулаларнинг диаметри 40 мм гача боради.

Жинсий хужайраларнинг етилиш даври етилган фолликулаларнинг ёрилиб, овуляцияга учраб, ичида« биринчи тартибли овоцитнинг чиқиши билан бошланади. Бу жараён бачадон найларида кечади.

Одамда ^ар бир овуляцияда, одатда, битта фолликула етилади ва ёрилади. Баъзи сут эмизувчиларда эса бир вақтнинг узида 10— 12 фолликулалар усиб, овуляцияга учрайди. Шундай қилиб, овогенез етилган организмда икки даврдан иборат булар экан, булардан биринчиси усиш даври булиб, у тухумдонда, иккинчиси етилиш даври — тухумдондан ташқарида (бачадон найларида) кечади.



298-расм. Тухумдоннинг пуфаксимон фолликуласи (Грааф пуфакчаси). Гематок-силин-эозин билан буялган. Об. 40, оқ 10.

1 — тухум хужайраси; 2 — ялтироқ парда; 3 — нурли тож; 4 — донатор қаватнинг фолли-куляр хужайралари; 5 — тухум сакловчи думбокча; 6 — фолликула бушлири; 7 — фолли-куланинг ички пардаси; 8 — фолликуланинг ташқи пардаси; 9 — бириктирувчи тўқимал.ч строма.

Овогонийлар усиш даври бошланишиданок, биринчи тартибли овоцитга айланади, шунинг билан бирга овогоний жойлашган при-мордиал фолликула усувчи фолликулаларга айланади. Усишнинг дастлабки кунларида фолликуляр эпителий ^ужайралари тезда купайиб, куп қаватлига айланади ва фолликуланинг д о н а д о р к а в а т и (злга!ит §гап!озит)ни ^осил ^илади. Усиш давридаги овоцит атрофида зич ялтироқ парда (гопа реЙисУа) шакл-ланади. Фолликула улчамининг катталашиши уни ураб турувчи бириктирувчи тўқимали қобик, (Шеса ю!НсиН)нинг пайдо булишига асос булади.

Фолликуланинг донатор қавати билан бириктирувчи ту^имали орасида фолликула эпителийсининг б а з а л м е м б р а н а - с и — Славянский мембранасини аниқлашади. Кейинчалик, куп сопли қон капиллярл^ри усиб кирган филликула қобиги икки қаватга дифференциаллашади. Қ,обикнинг ички қавати (Шеса т!егпа) юмшоқ бириктирувчи туцимадан иборат булиб, унда купгина ка-пиллярлар жойлашади. Бу капиллярларнинг атрофида куп сонли безли интерстициал ^ужайралар йирилади. 1^обикнинг таихи қапа-ти (Шеса ех!;егпа) зич бириктирувчи тўқимадан иборат.

Фолликуланинг бошланрич усиши анча-мунча мустакил булиб, юқорида баён этилгандек, к,из боланинг тухумдоида балорат ёши-га етгунча булиши мумкин. Аммо фолликуланинг кейинги таракки-

ёти гипофизнинг "фолликула стймулловчи гбрмони (ФСТ) таъсирй-да руй берадй. ^ужайралари митоз булиниш билан интенсив купа-яётган ва цалйнлашган донатор цават х,ужайралари фолликуляр суюклик секреция қила бошлайди. Секрет аввалига хужайралар орасида туплана бошлайди, сунгра улар кушилади. Натижада донатор қаватда фолликуляр суюклик билан тулган бушлик найди булади. Бу бушликнинг улчамлари тезда катталашади ва I тар-тйбли овоцит н у р л й т о ж (согопа гасНа{а) куринишига эга бул-ган бир қават фолликуляр ^ужайралар билан уралиб фолликула-нинг юқориги кугбига сикилиб қолади. Бундай усишнинг максимуми-мига эришган фолликулалар е т и л г а н (грааф) ф о л л и к у л а л а р н о м и н и о л а д и. Донатор қаватнинг овоцит жойлашган кисмй тухум тутиб турувчи тепача (сити!из оорНог!и\$) номн-ни олади.

Бевосита овоцитни ^уршаб турган нурли тож з^ужайралари узун ^симталарга эга (299-расм). Бу усимталар ялтироқ пардадан утиб овоцитнинг цитолеммасигача етиб боради. Фолликула эпителийсининг тухум хужайраси трофикасида а^амияти' катта.

Етилган (Грааф) фолликула пуфакчаси узининг тарахиётида шундай йириклашадики, ^атто тухумдондан буртиб чи^иб туради. Тухум хужайрасини тутиб турувчи тепача тухум хужайраси билан биргаликда тухумдоннинг таш^и юзасида ётади. Фолликуляр суюклик билан тулган пуфакчанинг янада катталашуви унинг парда ларининг чузилиб, юпцалашувига олиб келади.

Етилган пуфакчанинг ёрилиб, ичидан биринчи тартибли овоцитнинг ажралиши аёл-ларда ва купчилик сут эмизувчиларда даврий ҳолат булиб, спон-тан характерга эга. Баъзи ҳайвонларда овуляция жинслар узаро цушилгандагина руй берадй.

Овуляция жараёнининг узи мураккаб булиб, бунда гипофизнинг лютеинловчи гормонинияг (ЛГ) муҳим роли булади. Овуляцияда фолликула цобиги ички цаватининг капиллярларига цоннинг келишининг кучайиши ва фолликула суюцлигининг купайиши натижа-сида цчки босимнинг ортиши, фолликула цобигининг ёрилишига сабаб бўлса керак

Овуляция натижасида етилган пуфакчанинг бор ма^сулоти цорин бушлирига цуйилади. Бу ерда биринчи тартибли овоцит ва уни ураб турган нурли тож бачадон найи воронкасининг фимбрия-лари орцали най ичига ^тади.

- Овогенезнинг етилиш даврида редукцион булиниш кетиб, биринчи булинишдан йирик иккинчи тартибли овоцит'тва абортив—редукцион танача х^осил булади. Иккинчи тартибли овоцит тезда иккинчи марта булиниб, етилган тухум хужайраси ва иккинчи редукцион танача-ни хосил ^илади. Бирламчи редукцион танача ҳам баъзида иккига булинади. Етилиш даврида хромосомалар сонининг икки марта камайиши юз бериб, кетма-кет икки марта булиниш натижасида, ҳар бир биринчи тартибли овоцитдан бир дона йирик, уругланишга крбилиятли гаплоид хромосома тутган тухум х,ужайра ва учта абортив-редукцион танача хосил булади.

Сарик тананинг тузилиши ва унинг циклик узгаришлари. Етил-



37*

679

299-расм. Тухумдондаги овоцитнинг электрон микрофотограммаси. X2.500.

1 — ядр»; 2 — ядроча; 3 — цитоплазмадаги сариклик дончалари; 4 — мультивезикуляр та-
на ача; 5 — ужайра пардаси; 6 — ялтироч зона; 7 — дондор каватдаги фолликуляр *ужай-
ралар; 8 — фолликуляр з^ужайраларнинг тармоклари(Родндан).

ган пуфаксимон фолликула ёрилганидан сунг унинг дондор қава-ти ва бириктирувчи туцимали цобири — Шеса !oIНсиН сақланиб қо-лади. Унинг деворлари буришиб, бушлири эса овуляция вақтида

ерилган ^он томирлардан чивдан қо"н билан тулади. Х;осил булган ^он ивиндиси тезда шаклланади ва бириктирувчи туқима билан алмашинади, натижада, б^лгуси сарицлик тана марказида бириктирувчи туцимали чандиқ хосил булади. Шундай қилиб, овуляция-дан сунг фолликула урнида янги тузилма — сариқ т а н а ри-вожлана бошлади.

Урурланиш булиш-булмаслигидан қатъи назар сариқ тана ри-вожланишида маълум-даврлар содир булади. Одатда, 4 боскич фарқланади.

1. Проллиферация ва васкуляризация даври.
2. Везли метаморфоз даври.
3. Гуллаш ёки равнақ топиш даври.
4. Акс тараедиёт даври.

Биринчи давр — пролиферация ва васкуляризация дадри свбик донатор қават эпителийсининг купайиши ва унинг орасига 1Неса ййегпа соҳасидан йуналган капиллярларнинг интенсив усиб кири-ши билан характерланади.

Иккинчи — без метаморфоз даврида собиқ донатор қаватнинг фолликуляр ^ужайралари кучли гипертрофияланади ва улар цито-плазмасида ^ужайрага сариқ ранг берувчи, липохром группасига оид сариқ пигмент — лютеин йирилади ва энди фолликуляр ху-жайра бутунлай бошқа сифатга эга булиб қолади. Бу хужайралар лютеин хужайралари (luteocytes) номини олади (300-раем). Лютеин ^ужайраларининг гипертрофияси ва гиперплазияси туфайли янги хосил булаётган сариқ тананинг ^ажми ошиб, номи-га яраша сариқ тую олади. Бундай сариқ танада капиллярлар шундай ку"пки, ҳар бир лютеин хужайрасини қон капиллярлари камраб олади.

Донатор қават фолликуляр хужайраларининг лютеин хужайра-ларига ва капиллярлар турининг усиб кириш вақтидан бошлаб сари^ тананинг *учинчи ~ равнақ топиш* — *гуллаш даври* бошланади. Гуллаш давридаги сариқлик тана чанди^ туқимадан хосил булган марказий ядро ва уни ураб турувчи, кучли равишда томирланган, йирик, куп қиррали лютеин хужайралар қаватидан иборат. Лютеин 'к^{ават} радиал йуналган бириктирувчи ту^имали тусиқлар билан булинганлиги туфайли сари^ тана булақлардан иборат булиб куринади. Ташқаридан сариқ тана 1Беса ГоШсиП дан ХОСИЛ буладиган фиброз капсула билан қопланган.

Сари^ тана гуллаш даврининг давомлиги ҳар хил. Агар уругланиш булмаса, унда гуллаш даври 12—14 кун билан якунланади ва бундай тана ҳайз сариқ танаси (соғриз 11еит теп5{гиа110П18) деб юритилади. Агар урурланиш булиб, хомила-дорлик бошланса, сариқ тана зур бериб усиб катта улчамга етади ва гуллаш даври хомиладорлик биринчи ярмига қадар давом этади. Бундай сари^ тана хомиладорлик сариқ танаси (соғриз 11еит %2a\1dHa11\$) деб юритилади. Менструал ва хомиладорлик сариқ таналари тузилиши ва вазифаси жиҳатидан мутлақо ухшашдир. Уларнинг фарқи фақат улчалари ва гуллаш даври муддатининг турлича булишидадир. ^айз сариқ танасининг диаметри 1,5—2 см бўлса, ^омиладорлик *сарҳ* танасининг улчами 5 см га етади.

Сарҳ тана ички секреция беzi булиб, гуллаш даврида прогестерон гормонини ишлаб чиқаради. Бу гормон бачадон ва жинсий

56!



йуларнинг шиллиц пардасига таъсир курсатиб, урурланган ва майданини юз берган зиготанинг имплантацияси булишини таъминлайди ва сут безларига таъсир курсатиб, уни лактация даврига тайёрлайди.

Фаолияти тугагандан сунг ҳам ҳомиладорлик, ҳам ҳайз сарик, танаси инкирозга юз тутуди, яъни инволюцияга учради. Бунда без хужайралари узининг лютеинини йук, олади, атрофияга учради ва сурилади. Вир ваътнинг узиди марказий чандининг бирикти-рувчи тук, имаси усиб кетади ва аввалгн сарик, тана урнида о^т а н а (соғриз а!Б!сапз) деб ном олган бирнктирувчи туқимали тузилма^осил булади.

Оқ тана тухумдонда бир неча ой сақланиб, сунг сурилиб кети-ши, баъзан эса унга о^ак тузлари чуқиши ва бу тана узок, муддат тухумдонда сақланиши ҳам мумкин.

Фолликулалар атрезияси. Овогенезнинг усиш дав-р и г а кирган примордиал фолликулаларнинг ^аммаси ^ам уз та-радиётининг охириги давригача етиб боролмайди. Аксарият фолк ликулалар (баъзан 90%) атрезияга учради. Айникха, атретик фолликулалар тухумдонда балогат ёшига етгунга қадар ва ҳомп-ладорлик вақтларида учрайди.

Фолликулалар успшнинг дастлабки даврларида атрезияга учрайди. Атрезия овоцитнинг улиши ва ундан фат^ат ялтироқ қағ*а-гппинг сақланиб қолиши билан ифодаланади. Атретик тана ҳам бирмунча вақт сақланиб, сунгра сурилиб кетади.

Агар анча етилиб қолган фолликула атрезияга учраса, овоцит улиши билан унинг бужмайиши юз бериб, ялтироқ парда қалинла-шади, донадор қават хужайралар атрофияга учраб сурнади. Собик фолликула марказида бужмайган ялтироқ парда ва қалин-лзшгаи шишасимон мембрана билан уралган толали ту^имали чамди^ пайдо булади. ТНеса Іп!сга да жойлашган интерстициал ^ужайралар кучли равиҳда купаяди, катталайгади. Шу ваътнинг узиди а интерстиций хужайралари билан биргаликда !он томирлар ^ам усиб киради ва марказий чандици ядро атрофида саргх та-нанинг лготсин т^аватини эслатувчи, ута томирларга бон ^ужайра қаеати ҳосил булади. Атретик тананинг сари^ таиадан фар^н унинг улчами кичик булиб, интерстиций ^ужайраларидан нборат-лигидадир. Аммо бу фарт^ яццол куринмайди. Одатда, атретик та-напи фарцлаш учун унинг ^ртасида жойлашган бужмайган ялти-ро^ (шишасимон) пардани топиш керак Бундан таш^ари, атретик тана атроф ту^имадан ани^ ажралган булмайди.

Атретик тана ҳосил булгандан сунг у ^ам сарик тана каби атрофияга учрайди, хужайралари йу^олади ва фиброз ту^имага айланади. Бундай ^олдик тузилма ф и б р о з т а н а (соғриз ПЪго-за) деб номланади. Фолликулаларнинг атрезиясн тухумдоннинг интерстициал тук,имаси ми^дорицинг ошишига олиб келади.

Атрезияга утаётган фолликулалар ни нг оддийппга атрофиясн сифатида эмас, балки функционал гранта г^урилиш деб қараш керак Интерстициал хужайралар жинсий гормонларни ишлаш учун зарур бўлса, атрезияда буидай хужайралар сони купаяди. Шунинг учун з^ам бу ^олат тухумдоннинг гормон ишлаш фаолиятининг ошишига олиб келса керак

Тухумдоннинг ёшга қараб узгариши. Тухумдоннинг цклик уз-гаришлари аслларда балогат ёшидан бошлаб 45—50 сггача давом 5тади. Шу даврдн бошлаб пуфаксимон фолликулаларнинг ривож-гганиши аста-секин сусаяди, цикли бузилади — к л и м а к т е р и к д а в р бошланади ва 60 ешларга кирганда, одатда, тухумдонда эарча жинсий хужайралар йуқолиб, строма бириктирувчи туцима-ининг микдори ошади.

Тухумдон фаолиятининг суиши билан жинсий алттарятнинг ^ар хил булймндаги нормал — цикли даврнй узгаришлар ҳам тук-гайди.

Тухумдоннинг томир ва нервлари. Тухумдон томирлар билан тхши таъминланган. Артериялар органиг дарвоза со^асида куч* ти равиҳда эгри-бугри йул тутуди, магиз моддага кирганда шох-ганади ва пуслот моддага йуналган фадилал жойлашган шохоб-галар х,осил ^илади. Булардан ^осил булган капиллярлар фолли* :ула деворларида капиллярларнинг кугок, турини х,осил қилади. Беналар мариз модда ва дарвоза со^асида тур ҳосил қилади.

Лимфа капиллярлари тухумдон фолликулаларини уради, сунг-ра пуслот^ модданинг лимфа капиллярлари билан биргаликда бир стволга йирилади ва магиз моддадан утиб дарвозадан чи^ади.

Тухумдон нерв толаларига ҳам мул булиб, уларнинг куплари томирлар орқали келади. Булардан таихари, сезув нерв охирилари хзм мавжуддир.

Тухумдоннинг вазифалари. Тухумдонлар генератив вазифаи бажаради, уларда аёллар жинсий хужайралари ишлаб чиқарилади. Бир вақтнинг узиди тухумдонлар ички секреция органи ҳисобланади. Тухумдоннинг эндокрин вазифасидан бирн усаётган ҳамда етилган пуфаксимон фолликула бушширига йирилайётган суюклик таркибидеги эстроген ёки фолликулин гормонини ишлаб чиқариш-дан иборатдир. Эстроген ёки фолликулиннинг ишланиш жойи усаётган фолликуланинг донадор қавати ҳисобланади. Бачадоннинг усиши ва жинсий циклларнинг қ а р о р т о п и ш и балогатга етиш давридан, яъни тухумдонлар уз фаолиятларини бошлаб, эстроген-нинг ажралиши билан бошланади. Тухумдон фаолиятининг кли-мактерик суиши — бачадоннинг атрофияси ва жинсий цикллари-нинг тухташига олиб келади. Эстроген гормони иккиламчи жиисий белгиларни ҳам қцага чйцаради.

Эстрогендан таихари, тухумдонда сари^ тананинг лютеин хужайралари томонидан ишлаб чиқариладиган прогестерон гормони ҳам мавжуд.

Прогестерон таъсири остида бачадон шиллиц қаватининг без-лари уз фаолиятини бошлаб, секрет чиқ,аради. Бачадон безлари катталашади ва эгри-бугри ҳолатда ётади. Бачадон шиллиц пар-даси шиҳади, томирлари қон билан тулади. Шу вақтнинг узиди прогестерон тухумдонга

таъсир курсатиб, бошқа фолликулалар-нинг усишини тухтатиб туради.

Тухумдон фаолиятини активлаштириш, гипофиз олдинги були-мининг гонадотроп гормонлари таъсирида булади. Бунда фолли-кулаларни стимулловчи гормон (ФСГ), лютеинловчи гормон (ЛГ) тухумдон фолликулаларининг катта усиш давридаги усиши ва фолликуляр ҳамда интерстиций хужайралар томонидан эстроген-, нинг ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Бундан таиҳари, лютеинловчи гормон рвуляцияни юзага келтиради ва сариц тананинг хр-сил булишидаги дастлабки даврда муҳим роль уйнайди.

Сари^ тана фаолиятига, яъни прогестерон ишлаб чиқарилиши-га лютеотроп гормони*(ЛТГ). таъсир курсадади.

Махсус овариал гормонлар — эстроген ва прогестерон' билан бир қаторда оз мицдорда бўлса-да тухумдондан андрогенлар — эркаклар жинсий гормони ажралиши аниқланган, бу эса эмбрио-нал тарахиётдаги икки жинс уртасида булган умумийликни курсадади. Андрогенлар махсус гилус хужайралари томонидан ишлаб чиқарилади. Бу хужайралар кичик тупламчалар сифатида тухумдон дарвоза одасида жойлашади. Минопауза даврида уларнинг сони ошади. Гипофизнинг гонадотроп гормонлари ишлаб чқариши ва ажратиши уз навбатида гипоталамуснинг махсус ак-тивловчи Рилизинг факторлари ёрдамида бошқарилади. Адено-гипофизотроп моддалар фолликулани стимулловчи, лютеинловчи гормонларнинг ҳосил булиши ва ажралишини актнвлаштиради ва лактотроп гормонининг секрециясини сусайтиради.

Овариал функцияларни бошқаришда гипофизнинг гонадотроп гормонларининг гуморал таъсиротлари билан бир қаторда тухум-донга келадиган нерв импульсларя з^ам муҳим роль уйнайди.

ТУХУМ ЙУЛЛАРИ (БАЧАДОН НАЙИ)

Тухум йуллари сут эмизувчиларда Мюллер йулларидан тарак,-ций этади. Дастлабки даврда у цилиндрик эпителий ва мезенхима ^ужайралари билан уралган найдан иборат булади. Эпителийдан шиллиқ парда, мезенхимадан эса мушак ва сероз қават ҳосил булади.

Балогатга етган аёлларда тухум йули 12 см узунликдаги, қа-линлиги 1 см .келадиган зичмушакли найлардан иборат. Тухум йули-да уч қават фарқланади: ички ёки шиллиё; (1ип!са тисоза) сунгра мушак (1ишса тизси1ап5) ва ташки томондан ҚОПЛОБЧИ сероз пар-далар (1ишса зегоза).

Шиллиқ парда икки хил хужайралардан иборат бир қаватли цилиндрик эпителий билан қопланган. У ^ужайраларнинг купла-рида киприкчалар булиб, улар бачадон томон тебранади. К и п-р и к л и х у ж а й р а л а р орасида, шилли^ характердаги секре-тор гранулалар тутувчи куп сонли без х у ж а й р а л а р и жой-лашади. Эпителий тагида шилли^ парданинг хусусий цавати ёта-ди. У сийрак бириктирувчи ту^имадан иборат булиб, бунда одат-даги хужайра элементларидан таш^ари децидуал ^ужайралар ёта-ди. ^омйла найларда урнашса бунда ^ужайраларнинг сони ортиб кетади.

Тухум йули шиллиқ; пардасининг узига хос томони найнинг аб-доминал булимида аниц курунувчи ва бачадон булимида камроц даражада билинадиган бурмаларнинг мавжудлигидадир.

Ривожланган бурмалар буйлама йуналган булиб, буларда икки-ламчи бурмалар ҳам бор. Бу бурмалар туфайли тухум йули кун-даланг кесимида у мураккаб лабиринт курунишида булади (301-раем). Хусусий цаватда безлар йуц. Бачадон найларининг шилли^ пардасида ^ам бачадон шиллиц пардасининг менструал цикл вацтидаги узгаришларига параллел узгаришлар юз беради.

Шиллиц парда остида мушак қавати ётади. Шилляц ости пар-даси булмайд. Мушак қавати икки қават силлиЦ мушак толалари-дан иборат булиб/, булардан ичкиси циркуляр ёки спирал ва таш-қиси буйлама йуналгандир. Ампуляр цисмга келганда, алоҳида мушак хужайралар туплами ҳам учрайди. Бачадонга яцинлашган сари мушак тутамларининг йугонлашуви кузатилади.

Сероз парда сийрак шаклланмаган толали бириктирувчи туци-мадан тузилган булиб, сиртидан мезотелий билан копланган.

Бачадон найининг девори томирлар билан мул таъминланган булиб, унииг кую^ нерв чигаллари мушак пардада ётади. Ампуляр қисм шилли^ пардасида воронка атрофида жойлашган шокила — попукларнинг ичига кириб турувчи айлана веноз томирлар ётади.

Тухум йулининг аҳамияти жуда муҳим, чунки бу ерда тухум

585

хужайралари етилади ва сперматозоид билан учрашади, яъни урурланиш — оталаниш руй беради. Овуляция даврида шокилалар-нинг айлана веналари цонга тулиб кетади, шунинг натижасида попуклар таранглашади ва воронка тухумдонни цоплайди, корин б^ушлирига тушган тухум хужайраси шокилаларга тушади ва тухум йулининг бушлирига утади.

Тухум йулида тухум хужайрасининг ҳаракатига асосан мушак цаватининг перистальтик цисцариши ёрдам беради ҳамда бу сури-л^ида ХШШИЛЛОВЧИ эпителий киприкчаларининг ҳаракати ҳам маълум даражада роль уйнайди.


БАЧАДОН

Бачадон цин билан биргаликда Мюллер найларининг пастки булимидан ҳосил булади. Эмбрионал таракдиётнинг 3-ойида бу булимлар узаро цушилади ва бачадон-^ин каналини ҳосил ^илади. Бу каналнинг дистал булими циннинг ^осил булиши цисми ҳисоб-ланса, краниал булимидан бачадоннинг буйин ^исми ривожланади. Буйин ^исмидан томонларга Мюллер найининг цушилмаган цисмн кетади. Бачадоннинг буйнига яцин цисмлари цинглашишида давом этиб цушилади ва шу ерда бачадон тубини ҳосил цилади. Бошла-нишида бачадон мезенхима

билан уралган эпителиал найдан иборат булади. 12-афтада бачадон муртагида мезенхима томон йуналган булрусси бачадон буйин ^исмининг безлари эпителиал усимта си-фатида усади. Кейинчалик ҳам эмбрионал тара^циётнинг охирида ^ам, >атто тугилгандан сунг ҳам, бачадон тубининг эпителийси усимталар чицариб, бачадон тубининг безларига айланади. Мезен-химадан шиллик парданинг бириктирувчи ту^имаси ва мушак пар-да дифференциаллашади. Ташицаридан бачадон қорин парданинг висцерал вараи билан цонланган. Бачадон — ичида ҳомила тарац-қиёти утадиган, ичи буи мушак орган. Бачадонда икки цисм: бачадон танаси ва буйни фаркланади.

Бачадон девори уч цаватдан иборат (302-расм): шиллик; парда ёки эндометрий (eпс!ометрит), бақувват мушак пардаси (муо-тег!ит) ва сероз парда ёки периметрии (рептегит).

Бачадоннинг шиллик^ пардаси менструа-ция ва овуляция билан борли! булган циклик узгаришларга учрайди. Бу аёлларнинг жин-сий актив даври уртача 13—14 ёйдан бошлаб то 45—50 ёш — климактерик давргача давом этади-да, х^айз ҳамда овуляция су-нади. Бачадоннинг шиллик пардаси менструал давр билан боглик, булган деструктив ва регенератор циклик узгаришларни кечиради ва фацатгина, иккита менструал даврлар орали-



302-расм. Бачадон (тинчлик даври). Гема-токсилнн-эознн билан буюлган. Об. 10, ок 10.

1 — шиллик кават: а — бачадон безлари; б — шиллик цаватнинг хусусий пластинкаси; 2 — мушак кават: в — ички ва ташки группа мушаклар; г — Урта группа мушаклар ва улардаги томир-лар (томнрля катлам).

жойлашиб, децидуал қава-тини ^осил ^илади. Бу ^ужайралар юмалоц ва йирик булиб, улар-нинг диаметри 100 мкм га етади. ^ужайранинг овалсимон, карио-плазмасида бир хил тарқалган хроматинга эга булган ядро ху-жайрада эксцентрик ётади. ^ужайранинг ривожланган органел-ласи донатор ретикулум булиб, унинг купгина бир-бирига к,уши-

гида у тинч холатда була« ци, бу давр интервал ёки тинчлик даври дейилади.

Бачадон шиллик пардаси тинчлик даврида бурмалар ХОСИЛ цилмасдан, остидаги мушак пардага ёпишиб ёта-ди. Бу даврда эндометрий-нинг қалинлиги 1—2мм гача булади ва улар бир қаватли ХИЛПИЛЛОВЧИ, цилин-др симон эпителий би-лан қопланган (303-расм) булади.

Бачадон танасининг юза-си текис булиб, буйин қис-мида бурмалар мавжуд. Буйин цисмида эпителий ху« жайралар баланд (30—60 мкм), тана цисмида эса нис-батан пастдир (25—30 мкм). Киприкли хужайралар ора-сида шиллик характериға эга булган безли хужайра-лар жойлашади. Бундай ^ужайралар бачадоннинг буйин цисмида куп булади. Ажралаётган секрет бачадоннинг буйин цисмида туп-ланиб, кучсиз тускинлик ки-лувчи тусик ^осил цилади. Бу билан бир вақтда бачадоннинг тана ва туб қис-мидаги безларнинг секретини кучсиз асосли шароитга эга булиб, бу ерга тушган сперматозойдларнинг актив ^аракати учун кулайлик яратиб беради.

Эпителий остида ^ужайра элементларига мул булган сийрак шаклланмаган бириктирувчи туқимадан иборат цалин бачадон шиллиц пардасининг хусусий цавати жойлашади. }^ужайра эле-ментларидан макрофаглар ва ретикуляр хужайралар куп 1^исмини ташкил қилади. Булардан ташкари, цитоплазмасида гликоген парчалари ва липопротеид киритмаларини тутувчи ало^ида йирик хужайралар —децидуал ^ужайралар учрайди. Децидуал хужайралар йулдошнинг она қисмида



303-расм. Эндометрий (схема).

1 — Яйчадоп криптаси; 2 — киприкчали цилиндрик эпителий; 3, 4 — бприкти-руачи тўқима хужайралари; 5 — чон капилляри.

либ кетган тузилмалари ядро атрофи соҳасида жойлашади. Плас-тинкасимон комплекс камгина цистерна ва куп микдордаги везикула ва вакуоалардан иборат. Бу органелла одатдагидай ^ужай-ранинг ядро атрофи зонасида жойлашади. Децидуал хужайралар-нинг куп сонли митохондриялари майда булиб, улар зич матриксга эга. Бу органелла хужайра буйлаб бир текис жойлашган. Децидуал ^ужайраларда майда лизосомалар, ёр томчилари ва гликоген дончалари доимо учраб туради.

Децидуал ^ужайранинг фаолияти шу кунгача аниқ эмас. Шуи-да ^ам бу ^ужайранинг трофик роли ва фагоцитоз функцияларини ^айд этмоқ зарур. Дужайра нозик курунишида унинг ривожланган цитоплазматик тур"га эга булиши, ^ужайрада руй берадиган му^им оцсил синтез жараёнидан дарак беради.

Бачадоннинг шиллик цаватида бутун эндометрий қаватидан утиб, миометрийнинг юза мушак қатламларигача етиб борувчи куп сонли бачадон безлари (д!ап<1и1а и 1ег!па), крипталар жойлашади. Бачадон безлари оддий, озгина эгри-бугри найсимон безлар булиб,

589

ШйЛЛйЦ нарда эпителийсй каби ху'жайралар билан цопланган.

Эндометрий кон томирларга утй бей. Куп сонли капиллярлар хусусий цаватда шохланади. Улар эпителий остида ва безлар атро-фида қуюқ, турлар ҳосил цилади.

Бачадон шиллиц пардасининг юза ва чуқур қатламлари бир хил эмас. Безларнинг туб соҳаси анча зич булиб, а с ос и и к а-в ат (з!галит Базале епйотеБ-П) деб номланади. Бу кисМ менстру-ал узгаришлардан ҳоли булиб, менструация, тугиш ва абортлардан кейин регенерация учун хизмат цилади. Безларнинг танаси жой-лашадиган ва анча юза қатламларини шиллик парданинг даври узгаришларида иштирок этувчи функци она л ц ав ат — &lгалйШ 1ипс11опале епйоте^Гй Деб юритилади.

Миометрий мушак ^авати булиб, узунлиги 50 мкм, ^омиладор-лик даврида гипертрофияланиб, баъзан 500 мкм гача етувчи сил-лиц мушак хужайраларидан иборат.

Миометрийда учта қават фарқланади. Энг ички, шиллиц ости цавати — з!галит зйЪтисозит деб номланади. Бундан кейин куч-ли ривожланган, айлана йуналган, томирларга бой урта қават (з!галит узсиБзит) ётади. Ташци мушак қават купинча буйлама етувчи силлик мушак тупламларидан ҳосил булиб, у томир усти цавати — з!галит зиргаузсШозит дан иборат. Мушак қатламлари орасида эластик толаларга бой булган сийрак шакланмаган би-риктирувчи туцима жойлашади.

Мушак цаватда эластик толаларнинг жойлашиши баъзи бир характерли хусусиятларга эга: периферик мушак қатламларида улар куп бўлса-да, ички қатламларида деярли учрамайди. Бача-доннинг буйин қисми эластик толаларнинг энг куп ривожланган ҚИСМИ ҳисобланади.

Периметрий ёки сероз цават бачадоннинг куп қисмини уст томондан уради. Бачадоннинг цин усти цисмининг олди ва ён тарафларида сероз парда булмайди. Периметрии сийрак толали бириктирувчи туқимадан тузилган булиб, таиҳаридан мезотелий билан цолланган. Бачадоннинг буйин қисмида, айниқса, унинг олди ва ён тарафларида п а р а м е т р и й деб ном олган ёг клет-

•чаткасининг катта тупламлари жойлашади.

Бачадон буйни баъзи бир хусусиятлари билан фарқланади. Бачадон буйин қисмининг ташқи юзаси, қиндаги каби, куп қаватли ясси эпителий билан қопланган. Бачадон буйинининг каналини шиллиц ишловчи цилиндрик эпителий ташкил этади. Улар орала-!рида айрим киприкли хужайралар ҳам учрайди. Буйин канали-минг барча шиллик пардаси пальмасимон бурмалар ҳосил қилади. Бачадон буйин к^смининг шиллиц пардасининг хусусий қаватида йирик безлар мавжуд. Бу безлар шохланган найсимон безлар булиб, улар шиллик, секрет ишлаб чиқаради.

Бачадон буйин цисмининг шилли^ парда эпителийси ва церви-кал безларининг интенсив секретор фаолияти туфайли бачадон буйни шиллик билан тулиб туради. Буйин цисмининг миометрийси айлана йуналган бақувват силлик, мушак толаларидан иборат булиб, бачадон қисқичини ҳосил қилади. Унинг қисқаришидан буйин безлари шиллик и ш л а б ч и қ а р а д и , б^шашганда эса аспирация

(суриш) йзШ КеЛаДи, бу эса спёрмайинг Цйндан бачадон бушля-гига утишига ёрдам беради.

Бачадоннинг қон билан таъминланМШи ва иннервацияси. Бачадон қон билан мул-кул таъминланган. Унда мушак парда билан қон томирлар зич бириккан. Миометрий майда артерияларининг мушак пардаси шу цават мушак тутамлари билан қушилиб кетган булади. Бачадонга кирган томирлар мушак қаватида тармоқла-нади ва шу ердан цолган уч цаватга тармоқ кетади. Шиллик пардага кетган артериолалар спиралсимон йуналади. Улар шиллик пардага кириб, крипталар атрофида қуоц капиллярлар турини з^осил цилади.

Эндометрий қон билан таъминланувчи узига хос хусусиятлар- •• га эга. Миометрийдан эндометрийга и к к и т у р л и — т у р р и в а * с п и р а л с и м о н а р т е р и я л а р к и р а д и . Турри артериялар •> эндометрийга утибок иапиллярларга булинади. Турри артерия* -лардан ҚОСИЛ булган капиллярлар эндометрийнинг пастки цисминк; (базал қаватни) ^он билан таъминлаиди.

Спиралсимон йуналишга эга булган артериялар эса эндометрийнинг юқори юзасида шохланувчи, куп сонли капиллярларни ^осил цилади. Эндометрий қон томирларининг бундай узига хос-лиги менструация даврида функционал қаватнинг тушиб кетишини ва базал қаватининг сацланиб, эндометрийнинг қайта тикланиши-ни таъмин этади.

Туриш жараёнида бачадон мушакларининг цисқариши артерик-ларнинг сиқилишига ва қон оқшининг тухтаб қолишига сабабчи булади.

Бачадонда лимфатик томирлар ҳам мул. Улар шиллик, сероз пардада жойлашган ва бошца лимфатик турлар ?билан албқада булган томирлар билан йирик кузли турлар ҳосил цилади.

Бачадон нервлар билан бой таъминланган. Унинг юзаси буйлаб симпатик чигал билан борланган яхши ривожланган нерв чигалн •жойлашган. Юза чигалдан тарқалган толалар бачадоннинг'барда мушакларини таъминлаиди ҳамда улар шиллик, пардага тарқалиб, бу ерда ҳам чигаллар ҳосил қилади. Уларнинг алоҳида шохчалари эпителийга етиб боради. Бачадон буйин цисмининг олдида, уни ураб турувчи ёр клетчаткаси ораларида хромафин хужайраларш фарқланувчи йирик ганглийлар группаси ҳам ётади. Бачадон геара-симпатик нерв толалари билан ҳам таъминланган деган мая>яу-мотлар бор. Бачадон эпителийсида куп сонли, турли тузилишга?эга" булган рецептор нерв охирлари аниқланган. Буларнинг таъсирла-ниши фақат бачадондагина эмас, балки бутун организмнинг умумий функцияларида акс этувчи узгаришларга олиб келади.

Менструал ёки жинсий цикл. Тухум хужайраси овуляция вақ-тида тухумдондан чиқиб, бачадон найлари орқали бачадонга сури-лади. Бачадон даврий равишда ҳар 24—30 кунда тухум хужайра-сини қабул қилишга тайёрланади. Бу тайёрланиш бачадон шиллик пардасининг бир қатор узгаришларидан иборат булиб, бачадон деворида урурланган тухум хужайрасининг и м п л а н т а ц и я си учун қулай шароит яратилади ва ххшила озик-овқат билан таъ-минланади. Бундай узгарган шиллик қават к^чиб тушувчи парда--

к01

га эга бу'лади. Агар уругланиш <эу\лмаса, бу тайёргарлик ту'хтайди, ^згарган эпителий қавати менструацияга учраб, тушувчи парда сифатида кучади ва йиртилган қон томирлардан чицаётган қон билан биргаликда **чхиб** кетади. Агар урурланиш бўлса, стерро-бластула давридаги уругланган тухум хужайра бачадоннинг шил-лх пардасига утиради ва шиллиц парда эса тухум хужайрани ураб уса бошлайди. Фақат хомила тугилгандан сунг шиллик пар-данинг бу ҚИСМИ бачадондан ажралади ва хомиладорликнинг кучйб тушувчи пардаси деб номланади. Ҳар иккала ҳолатда бачадондаги функционал цисмининг тушиб кетишига олиб келувчи дастлабки узгаришлар бир хилдир. Бу узгаришлар менструациядан 9—12 кун аввал бошланади ва бу овуляция билан бир вақ,тда содйр бўлса керак

Бачадоннинг ҳайз циклидаги узгариши. Бачадоннинг шиллик пардасида менструация билан боғлиқ равишда юз берадиган дав-рий ^згаришлар 4 та даврга булинади: 1-интервал (нисбий осойиш-та) давр, 2-менструация (ҳайз) олди даври, 3-менструация даври, 4-менструациядан сунгги давр^ Барча даврлар бир-биридан кеск'ин чегараланмаган булади.

^ а й з ц и к л и н и н г и н т е р в а л д а в р и . Бу давр аввалги , менструация билан боғлиқ, узгаришлар тамом булиб, янги мен- * струация учун тайёрланиш ҳали бошланмаган вацтни ^з ичига олади. Бу аввалги менструациянинг биринчи кунидан бошлаб хи-соблаганда 11—14 кунлар орасини к;амрайди. Бачадоннинг шил- лх пардаси бу даврда, тинч ҳолатда булади. Унинг бу ҳолати бачадон шиллик пардасининг юқорида курсатилган з^олатини изоҳ- лашга асос булиб, у нисбий тинчлик даври деб номланади.

М е н с т р у а ц и я о л д и д а в р и , ёки секретер, функционал фаза деб ҳам номланади ва

бачадон хомила цабул қилишга тайёрланади. Бу вақтда тухумдонда етилган пуфаксимон фолликула овуляцияга учрайди, унинг қолдиқлари прогестерон ишлаб чиқарувчи *сарх* танага айланади. Прогестерон таъсирида бачадон безлари катталашади, чузилади эгри-бугри куринишга эга булади ва, ^атто, тармоқланиб кетади. Без ^зужайралари шишади, секрет чиқара бошлайди. ¹он томирлари кенгайиб, қон билан тулиб кетади. Хусусий пластинка усади ва шиллик парда қалинлиги 5—6 мм га етади (тинч ҳолатда 1—2 мм қалинликка эга). Шиллик парда-ни ҚОПЛОВЧИ барча эпителий ^илпилловчи бўлиб қолади. Вези ^зужайраларда гликоген миқдори ошади, чиқаётган шиллик қуюқ-лашади. Шиллик парда стромасининг ^ужайралари ^ри ^да гликоген парчалари, ёр томчилари пайдо булади, уларнинг орасида тухум-дон ва урурдоннинг интерстициал хужайраларига ухшаш — деци-дуал хужайралар дифференциалланади.


Шиллик парда функционал қаватининг периферик ва чуқур ^блимларида шиллик парданинг ^асиши ҳар хил кетади. Шиллик парданинг периферик қисмида бачадон безлари асосан буй-лама й ^налишда ^атади. Бу ^бйлама без найлари орасида бирик-тирувчи туцима кучли равишда ривожланади. Шунинг учун ҳам, периферик булим узининг зичлиги билан ажралиб туради ва з и ч к, а в а т-~ зигаит сотрасиш еийотеШ! деб номланади. Шиллик

к09

парда функционал қаватининг чуқур қатламларида — бачадон безлари шохланиб, ён томонларга қараб усади, бу усимталар орасида бириктирувчи туқиманинг юнча қатламлари қолади, шунинг учун бу қисм сийрак куринишга эга булади ва р о в а к қ а в а т — зигаит зропюзит епс!оте!ги дейилади.

Агар уругланиш бўлса, унда функционал, яъни менструация олди даври 6—8 ^афта давом этади, бу билан йулдошнинг тарақ-киётига имкон яратиб беради. Агар уругланиш содир булмаса, менструация олди узгаришлари узининг энг юқори тарақ ^иётига — ривожланишига 25—28 кунда эришади. Навбатдаги менструация даврида эндометрийнинг функционал қавати тушиб кетади (бача-дондаги циклик узгаришлар қуйидаги схемада берилган).

Оварнал - мваструал овкляшаг схвўлог



Аденогипофиз

Менструация даври эндометрийнинг қон билан таъминланишида му^им узгаришлари билан бирга руй беради. Функционал ёки секретор фазанинг охирида, овуляциядан 13—14 кундан сунг, спиралсимон артерияларнинг сицилиши руй беради. Бунинг натижасида эндометрийнинг юза қавати қон келиши бирдан ка-маяди. Шу вақтнинг узида эндометрийнинг остки — базал қавати қон билан мул таъминланиб қолаверади. Эндометрий юқори қа-

ватларининг қон билан таъминланишининг бузилиши, уни некро-тик узгаришларга олиб келади ва пировардида, функционал қават парчланади. Бунда қисман қон томирлар ёрилади, қон оқади, бунга эса парчаланган эпителий ва бириктирувчи туцима ^ужайралари аралашиб кетади. Менструал кчэн ивимаиди, нормал менструацияда уртача 40—50 мл қон йукртилади. Менструация уч кундан беш кунгача давом этади. Менструацияга туррукнинг аналогии ёки урурланмаган тухум хужайрани «туриш» деб қараш мумкин.

Менструация кунларида аёллар организмда овариал гормон-лар булмаиди, чунки тухумдонда прогестерон ишланиши тухтайди, янги ривожланаётган фолликулада эстроген ишлаб чиқариш ҳали бошланмаган булади.

Менструация даврида бачадон эндометрийсининг функционал қавати тушиб кетиши натижасида эндометрийда бачадон безларининг тублари ва яланроқланган бириктирувчи туцима қолади.

Менструациядан сунгги давр ёки пролиферация даври эндометрий базал қавати ва бачадон безларининг туб қисми эпителийсининг пролиферацияси ва регенерацияси билан характерланади. Бу соҳада бачадон безларининг хужайралари зур бериб купая бошлайди, юккрига сурилади ва аста-секин бачадон шиллик, қаватининг яланроқланган бириктирувчи туцимали юзасини к/эплаиди. Бунинг натижасида бир оз вақтдан сунг, шиллик парда янгитдан

эпителий билан қопланади ва яна осойишта, яъни тинч давр бошланади. Бу даврда юз берган узга-ришлар тухумдонда янги усувчи фолликула ҳосил булиши натижасида ишлаб чиқарилаётган эстроген гормони таъсирида кечади.

Шундай қилиб, менструациядан сунгги давр эстроген таъсирида юзага келса, менструация олди даври прогестерон билан аниқ-ланади, яъни бутун менструация циклида тухумдонда навбати билан эстроген ва прогестерон ишланади ва бу гормонлар циклик равишда эндометрийда узгаришлар булишини таъминлаб туради.


Бачадон буйин цисмининг шиллиқ пардаси циклик узгариш-ларни уз бошидан кечирмайди ва менструацияда тушиб кетмайди. Секретор даврда унинг безларида секретор жараёнлар зурайнб, куп микдорда шиллиқ ажралиши кузатилади.

Бачадоннинг ёшга қараб узгариши. Янги тугилган Қиз бола бачадоннинг шакли қалта бандли, кичик қалпоқли замбуурсимон бўлиб, буйин цисмига нисбатан танаси қалта булади (буйиннинг та-нага нисбати 3:1, жинсий балогатга етган ёшда 1:1). 1 ёшга тул-ган қиз боланинг бачадони 3 см келади ва улчам кейинги 10 йил давомида кам узгаради. Пубертат даврда бачадон ҳамда унинг безлари интенсив усади.

Янги турилган қиз бола бачадонининг мушак пардаси толали компонентларга бой бириктирувчи туцимадан иборат. Мушак ҳу-жайралари бу даврда қалта ва дуксимон. 10—12 ёшдан бошлаб, миометрийда бириктирувчи туқима элементлари яхши ривожла-нади. Бачадоннинг актив функционал даври уртача 40—45 ёшлар-гача давом этади. Ёшга нисбатан бу органнинг инволюцияси 40—45 ёшлардан бошланади. Бундан сунг органда ёш ошиб борган сари атрофик ва дистрофик характердаги узгаришлар бошланади.

ҚИН (УАОША)

Қин — узунлиги 8—10 см ли най булиб, юкрри ʘисми билан бачадоннинг буйин цисмига,



пастки цисми билан эса узининг даҳ-

лизига очилади. 1[^]ин девори шиллиқ, мушак ва адвентициаль қаватлардан иборат (304-расм). Шиллиқ пардаси эса, куп қаватли ясен эпителий билан қопланган булиб, қалинлиги 150—200 мкм га етади. Балорат ёшига етган аёл қинининг эпителийсида уч қаватни фарқлаш мумкин: базаль, оралиқ ва юза ёки функционал қават. Диндан олиб тайёрланган суртмада [^]ужайраларнинг турига қараб тухумдондан чиқаётган гормон ва унинг қин эпителийсига таъси-рини аниқлаш мумкин. Юза ёки функционал қават [^]ужайраларн уз улчамларининг катталиги, яссилиги, баъзан қирроқларининг қайрилганлиги, ядросининг кичиклиги, цитоплазмасининг глико-генга бой булиб, базофил зканлиги билан характерланади. Қин суртмасида бу хужайраларнинг куплиги организмда эстроген гормонининг кушшгидан далолат беради. Оралиқ қават хужайрала-рининг улчамлари уртача, ядроси нисбатан катта булиб, цио-плазмаси базофилдир.

Базал қават хужайралари кичик, думалоқ, базофил булиб, [^]ужайранинг уртасига жойлашган ядроси одатда, каттадир. Суртмада бу [^]ужайраларнинг ошиши организмда эстроген гормонининг камлигидан далолат беради. Юза қават хужайраларида кератогиа-лин доначалари пайдо булади, аммо бу қават [^]ужайраларининг шохланиши кузатилмайди. 1[^]инда доимо яшовчи микроблар таъ« сирида гликогеннинг парчаланиши суг кислотанинг [^]осил булиши-га олиб келади, шунинг учун ҳам, қиннинг шиллиги кислотали ре-акцияга эга. Шу кислотали реакция туфайли қиннинг ШИЛЛИРИ

38*

595

◇актериоцид хусусиятга эга, бу эса қинда микроорганизмларни ривожлантирмайди.

Эпителий остида эластик толаларга бой сийрак шаклланмаган бириктирувчи туцимали хусусий қават ётади. Бу ерда безлар бул-майди. Шиллиқ парданинг хусусий қавати шакли ногурри суррич-лар хрсил қилиб эпителийга ботиб киради. Шунинг учун ҳам, эпи-телиининг пастки чегараси радир-будир. Хусусий пластинкада лим-фоцитлар сочилиб ётади, баъзан эса, лимфатик фолликулалар ҳам учрайди. Қинда шиллиқ ости қават шаклланмаганлиги учун шил-л[^] қаватнинг хусусий пластинкаси мушак қаватга утади. Мушак қават кам ривожланган ички циркуляр қават ва ораларида эластик толаларга бой булган бириктирувчи туқима қатламларини ту-тувчи бақувват ташқи буйлама мушак тутамларидан иборат. Қин-нинг бошланиш қисмида -айлана йуналган кундаланг таргил мушак толалари жойлашади. ҚИННИР адвентициал қаватидаги сийрак шаклланмаган бириктирувчи туцима қинни [^]ушни органлар билан борлаб туради. Бу қаватда йирик веноз чигаллгри, нерв стволлари ётади. Буларнинг йуналиши буйича катта булмаган вегетатив нерв чигаллари учрайди.

Қиннинг шиллиқ пардаси бачадон шиллиқ қавати каби даврий узгаришларга учрайди. Менструация даврида юза қават эпителий-си (функционал қават) тушиб кетади, шундан сунг базал [^]аватда пролиферация жараёни бошланиб, қин эпителийси яна қалинла-шади. Кейинро[^] иккала қават ҳам дифференциялашади ва 2—3 Қаватдан иборат функционал қават менструация олди даврида 155 мкм гача қалинлашади.

Аёлларнинг ташқи жинсий аъзолари. Аёлларнинг таққи жинсий аъзолари [^]ин да[^]лизи, қиндан да[^]лизни ажратиб турувчи қизлик пардаси (Бутеп), катта ва кичик уятли лаблар ва клитордан иборат. Қиннинг дақлизи куп қаватли ясси эпителий билан қопланган. Қ[^]ннинг да[^]лизига иккита йирик дахушз (Бартоли) безлари очи-лади: Шакли жиҳатдан бу безлар найсимон — альвеоляр безлар булиб, призматик эпителий билан қопланган ва шиллиқ ишлаб чи-қаради.

Қизлик пардаси қиннинг шилл[^] пардасининг бурмасидан иборат булиб, тузилиши қиннинг шиллиқ пардаси билан бир хил.

Кичик уятли лаблар куп қаватли ясси, бир оз шохланувчан эпителий билан қопл[^]нган булиб, базал қавати пигмент хужайра-ларига бой. Кичик лаблар асосини эластик толалар ва қон томир-ларга бой булган сийрак шаклланмаган толали бириктирувчи туқима ташкил этади. Куп сонли ёр безлари учрайди.

Катта уятли лаблар терининг бурмасидан иборат булиб, унда ёр ва тер безлари ва ёр туцимасининг қатламлари ётади.

Клитор — эмбрионал таракдиёт ва ривожланиш буйича эркак-лар жинсий олатининг дорзал қисмига ухшаш булиб, иккита эрек-тик говаксимон танадан тузилган булиб, куп қаватли ясси, бир оз шохланувчан эпителий билан қопланган бошча билан тугайди.

Ташқи жинсий органлар, айниқса, клитор, эркин ва капсулалли генитал таначалар, сезувчи Мейснер таначалари, пластинкасимоп такача қуринишдаги нерв охирларига бой.

596

СУТ БЕЗЛАРИ

Сут безлари теришг қуриниши узгарган апокрин безларидан иборатдир. У терининг хосиласи булиб, эктодермадан келиб чиқ,и-шига [^]арамасдан фаолияти жи[^]атидан аёллар жинсий системдси билаи чамбарчас *боғл[^]* булганлигидан жинсий система булимнда ургамилади.


Таракциёти. Сут безларининг биринчи муртақлари эмбрионал таракдиётнинг иккинчи ойида пайдо булиб, эпидермиспимг иккита улуп буйлама к[^]алнллашувидан иборат булиб, бутуц тана буйлаб чузнлади ва сут чизири деб номланади. Бу яхлит эпителиал тузил-ма уз остида ётгап бириктирувчи туқимага ботиб киради. Дастав-вал сут безларя [^]ар иккала жиисда бир хилда ривожланади.

Хар бир сут чпзикларшшнг олдинги юзасида сут нуцтаси деб номланувчи эпидермис

Алинилади. Бу ну^тадан сургич ва сур-рич атрофидаги майлоича ривожланади. Бу эпидермал буртма остида ётган мезенхимага 20—25 тача эпителиал тизимча ушиб кира-ди, Уларнинг дистал охира шохланиб кетади. Бу шохланган қисм-лар булажак сут безларнинг муртагидир. Бу эпителиал усимта-ларпянг ичи ^омиланинг турилиш сакти я^инлашганда бушлиц сифатида буладн. Буннинг натижасида найлар системней вужудга келиб, уларнинг учлари кеигайиб, терининг юзасига очилади. Бу найлар очилади гап жойнинг шохлапиши ва эпителий ^ужайрала-рининг тушиб кетиши натижасида аввал чу^ур шакли олади, тугилиш даврига келганда бу чу^урча тскисланади ва сунгра шу соха эпителийсининг зур бериб купаиши натижасида чу^урлик урнида суррич пайдо булади. Янгн турилганларнинг сут безлари тудаднферснциаллашмэган булишига царамай, бир оз бўлса ҳам, секретил кобилиятига эгадир. Тугилгандан кейин бир неча кун сут безлари циссача секретер фаолиятини бошлайди ва таркиби б>йи-ча «ориз»га яқил сутсимон сую^лик ажратади. Бу жараён узоц^а чузилмайди, дастлабки хафтадарда тугайди.

Балогат ёшига етгунча сут безлари хар икки жннсда бир хил тузилишга эга булиб, ривожланаётган эпителиал найлар жойлаш-ган бириктиривчи тўқимадан иборат. Хар иккала жиясда сут без-ларининг тараккнетидаги фарц балорат ёшига етганда бошланади. Угил болаларда без аппарати тара^киётдан тухтайди, редукция-лашган ^олатда ^оладн, !^из болаларда эса без нанларидан ёки сут йуллари деб аталувчи найлардан ён усимталар хосил булади, улар-инг охирларида ^опчасимон кенгаймалар — секретор охирлар (альвеолалар) ёки ацинуслар пайдо булади. >^амма безлар з\ф бериб катталашади ва катта, мураккзб най альвеолали без кури-нишии олади. Бир ва^тнинг узида бириктиривчи тўқимада ёр ^у-жайралари йигила бошлайди, бу сут безларига кабыриқ шакли бсради. Сут безларининг таракдиёти ва тузилиши хомиладорлик ва лактация давридз пи^оясига етади.

Шундай цил.иб, аёлларда сут безларининг таравдиёти тухумдон фаолиятининг бошланиши билан боглик,. Климатс даирида тугум-донда гормон .хосил булиш сусая бошлаганида сут безларм инволюцияга учрайди.



305-расм. Сут бези. Гематоксилин-эозин билан буялган. Об. 20. оқ 10.

1 — булакчалараро сут йуллари; 2 — булакчалараро цушувчи тупима; 3 — без булакчалари; 4 — охиргн секретор булимлар.

